

# Шарқ юлдузи

Адабий, ижтимоий журнал

2006

4-сон

## ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Абдулла Орипов—  
таҳрир хайъати раиси  
Эркин Воҳидов  
Хуршид Дўстмуҳаммад  
Жуманиёз Жабборов  
Омон Мухтор  
Тўлан Низом  
Хайридин Султонов  
Ибройим Юсупов  
Пиримқул Қодиров  
Ўткир Ҳошимов

## ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Бобур Алимов  
Туробжон Жўраев  
Алишер Каримов  
Бахтиёр Кубеев  
Фатҳиддин Муҳиддинов  
Ботир Парпиев  
Неъматилло Худойберганаев  
Ислом Шоғуломонов  
Омонулла Юнусов  
Рустам Қосимов  
Қаҳрамон Қурунбоев

## БОШ МУҲАРРИР

Сирожиддин Саййид

## Бош муҳаррир ўринбосари

Икром Отамурод

Масъул котиб

Юсуф Файзулло

## МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,  
РЕСПУБЛИКА «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ»  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга доир  
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Жаҳон цивилизацияси ва маданияти тарихида алоҳида ўрин тутиб келган Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилейига тайёргарлик ишларининг катта қўламини, бу сана халқимизда ўзликни, миллий давлатчилигимизнинг бой аъёнларини ҳар томонлама чуқур англаш, ор-номус, ғурур ва ифтихор туйғуларини камол топтиришга хизмат қиладиган умуммиллий байрам эканини эътиборга олиб ҳамда кўҳна қадриятларимиз, ота-боболаримизнинг ўлмас меросини асраб-авайлаш, кенг тарғиб этиш, юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат ҳиссини янада кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Фанлар академияси, Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, “Маҳалла” жамғармаси, ижодий уюшмалар ва жамоатчиликнинг Қарши шаҳрининг 2700 йиллик санасини 2006 йилда кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитасининг таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита томонидан қайта кўриб чиқилган ҳолда:

Қарши шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар дастури 2-иловага, Қарши шаҳрида тарихий обидаларни таъмирлаш, қурилиш, ободонлаштириш ҳамда ижтимоий ва коммунал соҳада хизмат кўрсатишни ривожлантиришга доир комплекс тадбирлар дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита Қашқадарё воҳаси, хусусан, Қарши шаҳрининг бугунги қиёфасини тубдан ўзгартиришга хизмат қиладиган қурилиш, реконструкция ва ободончилик ишларининг замонавий талаблар асосида амалга оширилишига алоҳида аҳамият берсин.

2. 2006 йилда буюк давлат арбоби ва улкан саркарда, миллий давлатчилигимиз асосчиларидан бири соҳибқирон Амир Темур таваллудига 670 йил тўлишини инobatга олиб, бу санани нишонлаш бўйича тайёргарлик ишлари Қарши шаҳрининг юбилей тадбирлари билан уйғун ҳолда олиб борилсин.

3. Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, “Маънавият ва маърифат” маркази, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси ва халқаро ташкилотлар иштирокида таниқли олимлар, шоир ва ёзувчилар, журналистлар, санъаткорлар, маҳалла, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари вакилларини жалб этган ҳолда, “Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни” мавзусида халқаро илмий конференция ўтказсин.

4. Халқ таълими ҳамда Маданият ва спорт

ишлари вазирликлари, Фанлар академиясининг Тарих институти билан биргаликда, мактаб ўқувчиларининг 2006 йил май-июнь ойларида Қарши шаҳрида ўтказилган “Умид ниҳоллари” спорт ўйинлари дастури доирасида, юртимизнинг қадимий давлатчилиги ва маданият тарихи, Амир Темур ва темурийларнинг ҳаёти ва фаолиятига доир билимлар даражасини белгилаш юзасидан алоҳида танлов ўтказилишини назарда тутсин.

5. “Ўзбектуризм” миллий компанияси, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги билан биргаликда, бир ой муддатда, Қашқадарё воҳасининг бой тарихий-меъморий обидаларини, зиёратгоҳ ва табиий жиҳатдан эътиборга молик сўлим масканларини кенг тарғиб этишга йўналтирилган минтақавий дастур ишлаб чиқиш, уни халқаро туристик ярмаркаларда реклама қилиш чора-тадбирларини белгиласин.

6. Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари 2006 йилги давлат бюджети ҳамда инвестиция дастури лойиҳаларини ишлаб чиқишда Қарши шаҳрида юбилей тантаналарини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни маблағ билан таъминлашни кўзда тутсин.

Юбилей муносабати билан қурилаётган ва реконструкция қилинаётган объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тасдиқланиб, ўрнатилган тартибда экспертизадан ўтказилганидан кейингина маблағ билан таъминланиши белгилаб қўйилсин.

7. Юбилей муносабати билан қурилаётган ва реконструкция қилинаётган бино ва иншоотлар учун хориждан келтириладиган қурилиш материаллари ҳамда асбоб-ускуналар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат асосида божхона тўловларидан / божхона расмийлаштируви тўловларидан ташқари / озод қилинсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда, бир ой муддатда, қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 26 июль



Нуриддин Зайниев,  
Қашқадарё вилояти ҳокими

## ЮКСАЛИШ

Мустақилликнинг ҳар бир куни ўзига хос хусусияти билан алоҳида моҳиятга эгадир. Тарихга айланиб бораётган ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда маржондек тизилган ҳар йилнинг мустақкам ўрни ва мавқеи бор.

Мустақиллигимизнинг 15 йили вилоятимиз ҳаётида улуғвор ўзгаришларга, воқеа ва ҳодисаларга, қувонч ва шодликларга маънавий-маданий юксалишларга бой бўлди.

Қадимийлик борасида Миср билан баҳслашган, Ҳинд халқлари маънавиятига салмоқли ҳисса қўшган, жаҳон давлатчилиқ тизимининг шаклланишида ўзига хос йўналиш бўлиб хизмат қилган тарихий Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тантаналари, Соҳибқирон Амир Темурнинг 670 йиллиги билан уйғунлашган ҳолда ўтаётганлиги ҳам бу борада алоҳида мазмун касб этади. Биз мустақилликка эришгач, босиб ўтган шонли йўлимизга назар ташлар эканмиз, тарихан қисқа муддат ичида тараққиётнинг ойдин саҳифалари пайдо бўлганини кўрамыз.

Мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, муҳтарам Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов 1986-1989 йилларда, Қашқадарёга раҳбарлик қилган даврларидаёқ, вилоят иқтисодий-ижтимоий, маданий жиҳатдан ўсди. Халқ ҳўжалигининг барча соҳаларида юксалиш юз берди. Воҳани ривожлантиришнинг аниқ ва пухта режалари ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда вилоятимиз аҳли Юртбошимизнинг оталарча ғам-хўрлигидан баҳраманд бўлиб турибди. У кишининг бевосита ташаббуси ва раҳбарлигида қадим Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тантанаси ҳам халқаро миқёсда нишонланилмоқда. Президентимиз томонидан белгилаб берилган тамойиллар асосида, Қашқадарёда иқтисодий ислохотлар катта куч-ғайрат билан амалга оширилмоқда. Халқимиз мустақиллик масъулиятини ҳис этган ҳолда, порлоқ келажакни барпо этиш йўлида кўтаринки кайфият, эртанги кунга ишонч билан меҳнат қилаяпти. Ўзбекистонимизнинг барча вилоятларида бўлгани каби, бизнинг вилоятимизда ҳам улуғвор ўзгаришлар юз берди. Саноатнинг жаҳон андозаларига мос келадиган корхоналари ишлаб турибди. Вилоятимизда қишлоқ ҳўжалиги йил сайин ривожланиб бораёпти. Барча ҳўжаликлар фермерлик йўналишларига айлантирилиб, таълим тизимини такомиллаштиришга, халқ ҳўжалиги тармоқларини малакали ва етук мутахассислар билан тўлдиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ҳукуватимиз томонидан белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларида кўрсатилган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш муҳим мақсадга айланган.

Ялпи ички маҳсулот ҳажми 6,2 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1,4 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 11,4 фоизга, ялпи қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари 9,8 фоизга, чакана савдо айланмаси 8,5 фоизга, пуллик хизмат кўрсатиш 33,5 фоизга ошди.

Ташқи савдо операцияларида 189,5 млн. АҚШ доллари миқдорида ижобий натижага эришилди. Вилоятда давлат даромадлари режаси 202,9 млрд сўмга ёки 102,6 фоизга ортиғи билан бажарилди.

Қатор замонавий таълим муассасалари қуриб ишга туширилди. Қарши Педагогика институти Давлат Университетига айлантирилди. Қарши Муҳандислик институтида “Информацион технологиялар ва масофавий таълим”, “Иқтидорли талабалар билан ишлаш” марказлари ташкил этилди. Ҳар иккала таълим муассасасида услубий қўлланмаларни чоп этиш учун кичик типографиялар фаолият кўрсатмоқда.

Қарши шаҳрида санъат, банк, маданият, компьютер технологияси, қишлоқ хўжалиғи, олимпия захиралари коллежлари қуриб, ишга туширилди. Замонавий йўсинда ўнлаб мактаблар қурилиб, янгидан таъмирланди. 7 миллион китоб фондига эга бўлган 450 дан ортиқ кутубхона, маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғлари меҳнаткашларга маданий хизмат кўрсатиб келмоқда. Мулла-тўйчи Тошмуҳаммедов номли вилоят театри, Шаҳрисабз халқ театри, Эски Масжид театр студиясининг ижодий жамоалари ўзларининг энг яхши спектакллари, концертлари билан мухлисларни хурсанд қилаётир. Вилоят ўлкани ўрганиш музейи ўтмиш билан бугунни боғловчи кўприк вазифасини ўтаётир. Унинг бўлимлари воҳамиз тарихи ва ҳозирги ижтимоий ҳаётини акс эттирувчи осори-атиқалар билан бойиб бормоқда.

Вилоятимизда ижодкорларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ғам-хўрликка жавобан бир неча яхши асарлар ёзилди ва китоб ҳолида нашр этилди. Марҳум ёзувчи Самар Нурнинг “Қора тонг”, Шарофат Ашурованинг “Кусам Шайх” Жумакул Курбоновнинг “Сардоба”, Қилич Абдунабиевнинг “Амир Темур ва Ийлдирим Боязид”, Юсуф Сиддиқовнинг “Токчадан топилган хазина”, Поён Равшановнинг “Кенагасойим”, Муҳаммад Очилнинг “Шайтон шотирлари”, Исмоил Тўхтамишевнинг “Сийпантош”, “Еркўрғон” сингари тўпламлари, роман, қисса, драмалари шулар жумласидандир.

Узининг бой тарихи мобайнида ҳадисшунослик мактабларидан бири бўлиш даражасидаги мавқога эришган, қатор йиллар маънавий-маданий марказ сифатида ривожланиб борган, Соҳибқирон Амир Темурнинг зафарли юришлари бошланган замин - кўҳна Насафга эътиборнинг мустақиллик йилларида салмоғи айниқса беқиёсдир.

Қарши ва унинг яқин атрофидаги ҳудудларда яшаб ўтган ўнлаб, юзлаб Насафий нисбасидаги алломалар, маънавият дарғалари ўзлари ёзиб қолдирган қанчадан-қанча фикр, риёзиёт, фалакиёт, тарих, диний масалаларга доир маърифий асарлари, бетакрор илм зиёси билан ўтмиш қаъридан нур сочиб турибдилар.

Насаф шаҳрида яшаб, ижод қилган Абу Муъин ан Насафий, Азизиддин Насафий, Нажмиддин Насафий, Сайидо Насафий, Абу Макхул ан Насафий, Шаҳобиддин Насафий ва бошқалар ўз даврининг илгор фикрли, етук кишилари сирасига кирган.

Қарши шаҳрида сўнги йиллар мобайнида марказий кўчалар кенгайтирилиб, янги боғ ва хиёбонлар барпо этилди. Гўзал қарағай ниҳоллари, гулзорлар, фавворалар ва ҳовузлар маржони бир бутун ҳолда замонавий боғ-меъморчилигининг шарқона қиёфасини вужудга келтирди. Кўҳна обидаларнинг таъмирланиб ҳар жиҳатдан қад ростлаётгани янги меъморий иншоотларга бетакрор руҳ бағишлади. Кўкғумбаз, Чармгар масжидлари, Одина, Бектемир, Абдулазиз мадрасалари, Қашқадарё кўприғи ва бошқа обидаларнинг қадимий меъморлик услублари асосида қайта тикланиши, улар қиёфасининг қай даражада гўзал, мафтункор бўлганини ҳис этиш имконини берибгина қолмай, аждодларимизнинг бунёдкорлик санъатидан завқланиш, фахрланиш туйғусини ҳам жўш урдирди.

Кўҳна Қаршининг эски шаҳар қисмида Марказий деҳқон бозори қуриб, ишга туширилди. Иншоот лойиҳасининг Юртбошимиз Ислон Каримов таклифлари асосида мукамаллаштирилиши бу йирик савдо мажмуининг жаҳон андозалари асосида муҳташам қиёфа касб этишига асос бўлди. Мустақиллик майдони эса, насафликлар маданий ҳордиқ чиқарадиган сайилгоҳга айланди. Гўзал ва яшил чимзорлар, фавворалар бу жойга алоҳида файз бахш этди. Бу ерда юртимиз мустақиллигининг рамзи бўлган Бободехқон мемориал мажмуаси қад тиклади. Алишер На-

войи номидаги марказий Маданият ва истироҳат боғи сунъий кўллар билан зийнатланиб, ажиб қиёфага эга бўлди. Шу жойда турли тадбирлар, байрам ва концертлар ўтказиладиган уч минг ўринли амфитеатр қуриб битказилди.

Шаҳарда 2700 йиллик тўй баробарида, Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллик юбилеи, Республика мактаб ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари” ҳамда Республика “Аёллар спартакиадаси”нинг финал босқичи юқори савияда ўтказилди. 20 минг томошабинни ўз саҳнига сиғдира оладиган Марказий стадион, замонавий спорт заллари, ўқув биноларидан ташқари, сузиш ҳавзаси ва енгил атлетикага мўлжалланган ёпиқ спорт манежига эга бўлган Олимпия захиралари коллежи қурилишида бир қатор мураккаб лойиҳали муҳандислик ишлари амалга оширилди.

Бу иншоотлар билан танишаётиб, Президентимизнинг: “Мана шундай замонавий стадионлар, улкан спорт мажмуаларини барпо этган кўли гул қурувчилар, пудратчи ташкилотлар, саховатли ҳомийларга, бутун Қашқадарё аҳлига, бу олижаноб ишга ҳисса қўшган барча инсонларга ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман”, деган теран сўзлари вилоятимиз меҳнаткашларини, шубҳасиз, янги зафарларга йўналтирди.

Шунингдек, барча туманлар марказларини ободонлаштириш, у жойларда қурилиш ишларини жадаллаштириш чоралари кўрилмоқда. Бу соҳадаги ишлар Шўртан химкомплекси шаҳарчасида янада авж олиб кетган. Дашти-биебонда бунёд этилган бу гўша ҳар томонлама ҳам бўйига, ҳам энига кенгайиб бормоқда. Келажакда янада ободонлашиб, аҳоли истиқомат қиладиган газ саноати шаҳри бўлиб қолади.

Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарлари тарихий-маданий ёдгорликларини таъмирлаш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

Шарқона ва замонавий услубда маданий-маиший ҳамда жамоат бинолари, савдо тармоқларини қуриш ишлари давом эттириляётир.

Ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида туб ислоҳотлар кетаётган, инсон омилини фаоллаштириш жараёни давом этаётган ҳозирги пайтда, меҳнаткашларнинг талаб ҳамда эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, уларнинг турмуш фаровонлигини оширишни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз, деб биламиз.

МАЗКУР СОН ҚАРШИ ШАҲРИНИНГ  
2700 ЙИЛЛИГИГА ҲАМДА СОҲИБ-  
ҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИ-  
НИНГ 670 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ



Абдулла Орипов,  
Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири

## ҚАДИМИЙ ВА НАВҚИРОН ҚАРШИ

*Дегилар: - Чақнаган қайси юрт эрур  
Буюк Соҳибқирон сочган зиёдан?  
Жавоб бердиларки: - Ҳеч сўнмас бу нур,  
Таралган энг аввал Қашқадарёдан.*

*Дегилар: - Қайси эл бегор доимо,  
Завқ олар меҳнатдан, сулув дунёдан?  
Жавоб бердиларки: - Шоир, уламо,  
Санъаткорлар чиққан Қашқадарёдан.*

*Дегилар: - Жаҳонга буюк Юртбоши  
Парвоз айлаганди қайси маъводан?  
Жавоб бердиларки: - Ҳурлик қуёши,  
Балқиди даставвал, Қашқадарёдан!  
Даставвал, даставвал, Қашқадарёдан!*

Бу саховатли заминни тонгданоқ бобо қуёшнинг ўзи қутлайди.  
Қашқадарё - ўзбекнинг қадимий воҳаси. Бу замин қанчалик суронли воқеаларни бошидан кечирган бўлмасин, шу қадарлик шонли тарихларга ҳам олтин остона бўлаолган юрт.

Қашқа воҳаси - ўзининг салоҳияти, қадим тарихи, хирмону хазиналари билан мамлакатнинг бебаҳо дурдонасидир.

*Мен бу чўллар қўйнида туғилиб топдим камол,  
Кўҳна сардобаларга кўмилиб қолди гардим.*

Воҳада табиатнинг барча товланишларини кўриш мумкин:  
Жазирама иссиқ, лозазор адирлар, қорли тоғлар - ҳаммаси бор.  
Одамлар эса ҳамма вақт табиат билан юзма-юз яшади, курашди, меҳнатдан кўли бўшамади...

Шўртан газ...

Мамлакатимиз қудрати ва камолини билмоқчи бўлганлар бориб Шўртанни кўрсинлар, Муборакни, Кўқдумалоқни кўрсинлар!

Юртимиз энергия бойлигининг энг катта улуши - шу заминга тегишлидир. Бу улуғ иншоотлар муҳтарам Юртбошимиз ташаббуси ва раҳнамолигида қад кўтарди ва оёққа турди. Бу корхоналарнинг технологияси, ускуна ва жиҳозлари жаҳон стандартлари даражасидадир!

Аждодларимиз ҳатто хаёл ҳам қилолмаган мўъжизалар юз берди. Қадим воҳада рубоб торлари янглиғ темир йўллар яралди. Буларнинг барчаси - Истиклолимиз шарофати, бунёдкорлигимиз туфайлидир.

Насаф - Қарши - дунёдаги энг қадимий шаҳарлардан биридир. Воҳада тарихимизни безаб келган қадимий обидалар, шаҳару қўрғонлар талай. Соҳибқирон Амир Темури ҳазратларининг бешиги бўлмиш Шаҳрисабзнинг ўзи бир достон.

Қадимшунос олимлар Қарши шаҳрининг ёшини 2700 йил деб белгиладилар. У - ЮНЕСКОнинг эътирофлар дафтарида қайд этилди.

Мен Қарши атрофларида туғилиб ўсганман. Аждодларимиз қадим замонда уни Бола, Нахшаб, кейин Насаф деб аташган ва охири Қарши деган номга келиб тўхташган. Бир жиҳатга сизнинг диққатингизни тортмоқчиман: Дунёдаги энг қабристонни кўп шаҳар мана шу Қарши ҳисобланади. Ўзбекистонда, Марказий Осиёда бунчалик қабристонни кўп шаҳар бошқа учрамайди. Сабаби, у уч марта қатлиом, яъни, оммавий қирғин қилинган.

Искандар Зулқарнайндан сўнг Чингизхон босқини вақтида қирғин қилинган, араб босқини вақтида яна бир маротаба қирғинга учраган. Қатлиом дегани етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча одамларнинг қиличдан ўтказилишидир. Шаҳарнинг кўпгина қадимий ёдгорликлари ёндириб юборилган, кейин эса кам қурилган. Шаҳар стратегик жиҳатдан қулай жойда жойлашганлиги учун бу жойда доимий равишда жанглар давом этди.

Улуғ олимларимиз Рустам Сулаймонов ва бошқалар бу ерда катта қазилма ишлари олиб бордилар.

Вақт югурик. Замон чопағон.

Диёр узра қанча шамоллар эсиб ўтдилар. Дарёларда қанча сувлар оқиб кетди. Бироқ, эзгулик йўлида неки яратилган бўлса, улар завола топмади. Улар халқимиз истеъдодидан абадий нишона каби сақланиб қолди. Улуғ алломаю шоир ва бахшиларнинг садолари сўнган эмас! Қарши заминидан юзлаб Насафий зотлар яшаб ўтганлар. Насафийларнинг нафаслари бутун яна ҳам илиқроқ, яна ҳам жўшқинроқ уфуриб турибди. Бироқ уларнинг барчаси ҳам эътирофга, эҳтиромга муҳтож эдилар. Биргина мисол:

Қарши шаҳридан чиққач, Ғузор йўлида "Тоҳир ва Зухра" қабрлари деб ривоят қилинган манзил бор эди. У ҳам шўро мафқурасининг тазйиқига учраган эди. Қашқадарёнинг ўша йиллардаги биринчи раҳбари Ислом Каримов бу қутлуғ манзилгоҳга эътибор бериб, севги ва садоқат рамзига муносиб ёдгорлик қурди.

*Айтмасинлар ғанимлар кимларгадир зор бу юрт,  
Буюк Соҳибқирони, Алишери бор бу юрт.  
Аллоҳ ўзи етказган инъомини асрагай,  
Туғросини, тахтини, Исломини асрагай!*

Қаршидаги бунёдкорлик ишлари вилоятда Юртбошимиз биринчи раҳбар бўлиб ишлаган йиллари бошланган эди.

Истиқлолимиз шарофатидан қадимий Қарши ҳам муттасил баҳраманда бўлиб келаётир. Янги корхоналар, меҳмонхоналар, шифохона ва савдо марказлари, банклар бунёд этилди ва этилаётир. Вилоятда ўз телевидениеси, драматик театри, журналистлар уйи сингари масканлар жўшқин фаолият кўрсатаётир.

Дунёда шаҳар қуришдек завқлироқ ва шарафлироқ иш йўқ. Қарши шаҳри янгидан оёққа турди, қад ростлади, тамомила ўзгача қиёфа касб этди.

Ёшлар - бизнинг келажагимиз.

Қашқадарё болалари ҳам - Истиқлолимизнинг безавол гулгунчаларидир. Улар учун ўнлаб коллеж, лицей, мактаблар қурилди. Эл-юрт оғирини енгил қиладиган мутахассис ёшлар, шу масканларда камол топадилар.

Соғлиғимиз - туман бойлиғимиз. Шифокорлар - доимий эътиборда. Шифохоналар энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Фарзандлар саломати, қадди камолини кўриб кўзинг қувнайди. Мана шу йигитлар - асл соғлом, бардам ўғлонларимиздир. Булар - янги даврнинг темурийзодалари. Қарши шаҳрида Юртбошимиз ташаббуси билан нуфузли сержантлар мактаби очилган.

Спорт-бу кураш, спорт-бу кўпқари, спорт қадимдан халқимизга хос. Яқиндагина Қарши шаҳрида андозаси беқиёс спорт коллежи ва мажмуалари қурилди ва қуриляпти.

*Боболарим юрти, отам маскани,  
Онамнинг муборак хоки барқарор.  
Бир фарзанд мисоли қутлайман сени,  
Эй оташ заминдан яралган диёр!*





Ҳол Муҳаммад Ҳасан

## Қ а ш қ а д а р ё

Қасида

Қишидан қишга қурашгай то қори Қашқадарёнинг,  
Келиб эмин, кетар эркин баҳори Қашқадарёнинг.

Саратонида сарғайган ҳар хасида умид пинҳон,  
Тутар, албат, обиҳайвон Ҳисори Қашқадарёнинг.

Сурх сувин тутса Хўжаи Пир, зилолин Ҳазрати Башир,  
Моможайхунгача етгай мадори Қашқадарёнинг.

Кел, эй, ошно, эсанг ташна, бу хилқатнинг висолиға,  
Этай таъриф, юрсин тутиб, хумори Қашқадарёнинг:

Қилсанг Самарқанддин ташриф, Тахти Қорачадин тушиб,  
Кутиб олғай Қайнарда Мингчинори Қашқадарёнинг.

Кавокиб учраб йўлингда, ихтиёр учгай кўлингдан,  
То таъми кетмас тилингдан анорин Қашқадарёнинг.

Кифти об-бу, Шаҳри Кеш-бу, Оқсарой тарихий туш бу,  
Сук уриб йиқилган куш-бу, минори Қашқадарёнинг.

Пари юрти йироқ эрмас, Қани, Филон, Мироқи... бас,  
Шифо истаб Эрам бормас бемори Қашқадарёнинг.

Жаҳонгирнинг киндик қони томган муқаддас макони,  
Яккабоғда, ўша - Хўжа Илғори, Қашқадарёнинг.

Тоққа юр, Тошқўрғон тараф, Кўкабулоқ-Катта Ўра,  
Қалъаи Шерон, Кўрагон-зўр ғори Қашқадарёнинг.

Келсанг Термиз томонлардан, мужда олиб афғонлардан,  
Буй кўрсатар давонларда дийдори Қашқадарёнинг.

Дарбанддан сўнг Танғихарам, ҳавоси мусаффо бирам,  
Етар боғлаб Панжкамарин Фузори Қашқадарёнинг.

Ўта-ўта Чимқўрғонга, назар ташла жим қўрғонга-  
Тоҳир-Зухро, обидаи Ишқ изҳори Қашқадарёнинг.

Чоҳаршанба сафар қилсанг, Жомми Жума ёқдан келсанг,  
Чиялида кўноқ бўлсанг - бозори Қашқадарёнинг.



Келсанг Така Ёвмид элдан, Толлимаржон-Чамбилбелдан,  
Нуристон учраса чўлда, бил, нори Қашқадарёнинг.

Миришкорими, Бешкани, Жейнови, Помук, Нишони,  
Тизилган дуру маржони-зуннори Қашқадарёнинг.

Авлиё Султон Мир Ҳайдар, Хўжаи Пок, Ҳазрат Лангар,  
Азизлари кўзга суртган тумори Қашқадарёнинг.

Ё, Бухори Шарифдан кел, босган изинг Муборак, бил,  
Занжирсаройин тавоф қил, осори Қашқадарёнинг.

Шаҳри Кушон кутар йўлда, нон-туз мисол тутиб қўлда,  
Ҳожи Абдулло Орифнинг ашъорин Қашқадарёнинг.

Энди, бу қалъа-Қаршидур, мен-чун қалъалар нақшидур,  
Римдан, Париждан яхшидур, саркори Қашқадарёнинг.

Ганжи турини айтмадим, газин, нурини айтмадим,  
Жаннат ерини айтмадим, шу бори- Қашқадарёнинг.



### Амир Темур ҳикматлари

“Тажрибамда кўринганким, ишбилармон, мардлик ва шижоат  
соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши, минг-минглаб  
тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидур.”

\* \* \*

“Ишларимнинг барини кенгаш билан юргизиб, уни битиришда  
тўғри тадбир қўллар эдим. Бир ишга киришмай туриб, ундан қутулиб  
чиқиш йўлларини мўлжаллаб кўяр эдим. Уни тўғри тадбир, қатъий  
жазм, чинлик-чидамлик кўрсатиб, эҳтиёткорлик билан узоқни  
кўриб, ортини ўйлаган ҳолда охирига етказардим.”





Рустам Мусурмон

## Ватаним

Одам Атонинг наслига бешик бўлган тоғларим,  
Момо Ҳавонинг васлига ошиқ бўлган боғларим,  
Авлиёлар иси келган мўтабар тупроқларим,  
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,  
Охувва-ҳай, Ватаним!

Жайхун!

Сайхун!

Шахру кентларимга она бўлган сувларим,  
Тупроққалъа, Аёз..., Эллиққалъа бўлган сувларим,  
Деҳқон ерда ундирган илк дона бўлган сувларим,  
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,  
Охувва-ҳай, Ватаним!

Кундуз қуёш, кечалари ой берган-ей, ой берган,  
Қирқ кечалаб кўноқ бериб тўй берган-ей, тўй берган,  
Меҳмонларга уй тўридан жой берган-ей, жой берган,  
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,  
Охувва-ҳай, Ватаним!

Қилич сермаб, фанимлардан қасос олган даштларим,  
Ёв бошини қонга тўлган мешга солган гаштларим,  
Юракдаги гашларим-ай, қонимдаги шаштларим,  
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,  
Охувва-ҳай, Ватаним!

Қояларнинг қошларига парчинланган хатларим,  
Қабрларнинг тошларига битилган ҳикматларим,  
Элни севиб, юртни севиб ёнган азиз зотларим,  
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,  
Охувва-ҳай, Ватаним!

Чўпонларим боқиб юрган сурув-сурув қўйларим,  
Яйловларда кишнаб юрган йилқиларим, тойларим,  
Сигир соғиб, ўрмак ўрган сулувларим — ойларим-ай,  
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,  
Охувва-ҳай, Ватаним!

Қонларга қон, газ берган ҳам, тилла берган ерларим,  
Тут оғочдан соз берган ҳам, пилла берган ерларим,  
Баҳор, кузу ёз берган ҳам, чилла берган ерларим,  
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,  
Охувва-ҳай, Ватаним!

Онажоним, ўнтадан кўп бола туққан онам-а,  
Ҳалол ишлаб, жўжабирдай жонни боққан отам-а,  
Яғринимга кийикчадай миниб олган болам-а,  
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,  
Охувва-ҳай, Ватаним!

Ватан учун жон аямас киши бор-ей, киши бор,  
Елкасига қўнган хумо қуши бор-ей, қуши бор,  
Мустақиллик деган буюк иши бор-ей, иши бор,  
Охувва-ҳай, Ватаним-ай,  
Охувва-ҳай, Ватаним!



Муҳаммад Али,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

## Катта малика ташвишлари

*“Улуғ салтанат” тетралогияси учинчи китобидан парча*

1

Ҳумоюн ўрдудан ўзини Форс ҳукмдори этиб тайинланганлиги ҳақидаги қутлуғ фармонни қачон олар эканман, деган умидда юрган Умаршайх Мирзо, ҳали бундай кунлар фурсати келмаганлигини ҳис қиларди. Соҳибқирон кўнглида шундай ният борлигини унга мунис ва мушфиқ катта малика Сароймулкхоним шипшитиб қўйдилар. Балки бу фикр Маҳди улёнинг ўзларидан чиққандир. Амирзода шундай эканлигига шубҳа қилмайди. Чунки хонимойим унга тукқан онасидан кўра ҳам меҳрибонроқ бўлиб қолганлар...

Ҳамиша фарзандлар камолини, салтанат иқболини ўйлаган катта малика Сароймулкхонимнинг ташвишлари кўпайди. Жаҳонгир Мирзо вафотидан кейин бутун меҳр нурини амирзода Муҳаммад Султонга ва катта ўғил бўлиб қолган Умаршайх Мирзога қаратди. Айни пайтда, Мироншоҳ Мирзо ҳам кўнглининг бир четида туради, бироқ гақдир тақозоси-ю Ҳумоюн ўрду фармони билан амирзодага Самарқанддан йироқларда яшашга тўғри келади. Унинг ҳовли-ҳаётидан, афсуски, ҳар доим ҳам бохабар бўлиб туриш имкони йўқ. Мироншоҳ Мирзо саройи, турмуши ҳақида фақат салтанат чопарлари келтирган хабарлардан, шунингдек, Хонзода хоним юбораётган мактублардан билиб олади. Шунисига ҳам шукур. Шоҳруҳ Мирзо бўлса-ку ёнгинасида...

Умаршайх Мирзо мард, биров қўрс, шартаки, жиззакилиги ҳам бор, тезлиги ҳам, аммо ўзи хушсурат йигит, қўй кўзлари тикилганда меҳру мурувватга ташна эканлиги шундоққина кўриниб туради. Ҳар бир одамнинг кимлиги кўзидан аён... Катта малика амирзоданинг табиати нега шундай бўлиб қолганини ўзича онаси Тўлин оқанинг Соҳибқирон маъшуқаларидан эканлигидан, деб билади. Қандайдир қадимлардан қолган таомилга кўра, - буни ким ўйлаб чиқарганини биров билмайди, - маъшуқанинг, жорийнинг боласи амирзода саналади, аммо тахтга ворис ҳисобланмайди... Йўқ эса, Жаҳонгир Мирзодан кейин катта ўғил сифатида уни валиаҳд деб аташлари керак эди, бироқ бу ҳақда ҳеч қандай сўз бўлмади. Уғиллар туриб, набира амирзода Муҳаммад Султон валиаҳдликка лойиқ кўрилди... Албатта, бу Умаршайх Мирзога хуш келмади. Кейинроқ Мироншоҳ Мирзога ҳам ёқмаганини эшитди, кўнглига жуда оғир олган эмиш, у ҳам Соҳибқироннинг маъшуқаси Менгли бика оқадан туғилган-да. Ўзи туриб, куппа-кундузи ўғай ўғил валиаҳд деб тан олиниб турса... албатта, бунга ҳар ким ҳам чидайвермайди. Мироншоҳ Мирзо қизиққонроқ бўлиб ўсди, қувлиги бор, маккорлиқдан ҳам тап тортмайди, жасур, Сароймулкхоним буни билади, бироқ унинг шафқатсиз эканлигидан бирон нарса қилиб қўймасин-да, деб доим хавотирда юради...

Бу воқеага икки-уч йил бўлди, Муҳаммад Султон ўн тўрт ёшга тўлган паллалар эди. Сароймулкхоним бу гал салтанат юмушлари ҳақида эмас, фар-

зандлар парвариши ва уларга иззат, эътибор ҳақида, хусусан, амирзодалар тўғрисида Соҳибқирон билан яна кенгашиб олиш заруратини сезди. Катта маликанинг фикрича, доим амирзодалар кўнглини авайлаш даркор, уларга бепарво бўлмаслик лозим. Улар салтанат давомчиларидурлар. Иложи йўқ эса-да, барчасига бирдай қарашга тиришмоқ керак, токи, ҳеч бирининг кўнгли чўкиб қолмасин. Эсидан чиқаролмай юради.

Ёзининг бошлари, Соҳибқирон Боғи Чинорга ташриф буюрадиган сўлим пайшанба оқшомларининг бири эди. Самарқанднинг ғир-ғир шабадаси боғни ора-лаб эсар, меҳр истаб гулларнинг пинжиги киришга уринар, суйкалар, эркаланиб чинор шохларига тирмашар, баргларни шовуллатиб, юксакларга ўрлар-ди.

Амир Темурнинг руҳи тетик, кайфияти аъло эди. Хобхонанинг рўбарўдаги деворига ўн беш йиллар муқаддам чизилган бўлса-да, ҳали ранглари тиниқ каттагина суратдан Соҳибқирон ҳам буни тасдиқлагандай кулиб қараб турарди. Ростдан, дийдорлашув муштоқона кечди, ишрату лаззат мажлиси завқиб бўлди. Ҳатто деворлар ҳам ҳазрат билан катта маликанинг бир-бирларини беҳад соғинганларини ҳис этгандай бўдилар-да, кўз узолмай, лом-мим дея олмай қотиб қолдилар...

Кейин одатдагидек уйку қочди, султон билан маликада кўнгиладан ҳасратлашмоқ истаги туғилгани билинди. Сароймулкхоним айна шуни кутарди. Улар меҳмонхонага ўтдилар, малика зарурат бўлмаса-да, ёзиғлик саккиз қават ипак тўшакларни меҳр билан бир-бир олиб қайтадан солиб чиқди. Ўлтирдилар. Дераза шоҳи дарпардасини ўйнаган эпкининг, гоҳ-гоҳ бурчакдаги шамларга ҳам нафаси тегиб охишта лопиллатар, чинор баргларининг шитир-шитири кулоққа майин эшитиларди.

— Ҳазратим...

Сароймулкхоним шикаста овозда шундай деди-ю заррин тўшакнинг фавқулодда лов-лов ёнган қип-қизил жиягига тикилганча тўхтаб қолди. Унинг гаплари кўп эди, лекин қайси биридан бошлаш лозимлиги маликани қийнади. Қувончлилари ҳам бор, ташвишлилари ҳам... Мироншоҳ Мирзо Хуросон волийлигига тайинлангандан сўнг амирзодага узатилган Хонзода хоним, вазиятта қараб, гоҳ Марвда, гоҳ Сабзаворда, гоҳ эса Қазвинда истиқомат қиларди. Аввалги пайтлардагидек, катта малика суюкли келини билан ўзи хоҳлаган вақтда кўриша олмайди... Боғи Чинордан Боғи Нақши жаҳонгача бориб келишга ҳеч қанча вақт кетмасди. Энди эса у олисларда...

Гапнинг сираси, Хонзода хонимни, ўзини ўйласа, Сароймулкхонимнинг ҳар гал ўпкаси тўлиб кетади. Нечун парвардигор турли мусибату машаққатларни уларнинг шўрлик бошларига ёғдирадиган? Биттасини бир томондан қисади, иккинчисини бошқа томондан... Хонзода хоним ўн етти ёшида тул қолди... Жаҳонгир Мирзодан жудо бўлдим, дунёдан танҳо ўтамен, ёр ҳам, ошиқ ҳам ҳавас эмасдур, деб турганда, Соҳибқирон билан эгачи қутлуғ Туркон оқанинг раъйига қараб, бор дардини ичига ютди, ўзи ёқтирмаган, ўзидан етти ёш кичик амирзода Мироншоҳ Мирзо ҳарамига гул бўлишга розилик берди... Ростдан ҳам катта малика Хонзода хонимнинг амирзодага кўнгли йўқлигини билар, бу ҳақда кўп гаплашишган...

"Амирзодам учун одам шаклидаги бир оғочдурмен, холос, хонимойим! Жаҳонгир Мирзо ўтсалар ҳам, мен унинг заифасимен!.. Бошқача бўла олмасмен! — деди ўшанда Хонзода хоним зориллаб. — Амир Соҳибқиронни ранжитиб кўйишдан кўрқамен, нима бўлсам бўламен, аммо валийнеъматимиз сўзлари ерда қолишини асло истамасмен..."

Сароймулкхоним ёш маликанинг заминида шафқатсиз ҳақиқат ётган сўзларига қўшилмаслик иложини тополмаган эса-да, барибир у ҳам кейин уни Мироншоҳ Мирзога эрга чиқишга ундади. Бошқа йўл кўринмади...

Маҳди улё, аёл зотининг, айниқса, Хонзода хонимдай ҳам ўзи зебони офатигон, ҳам нозиктаъб гўзал ойимчанинг суймаган одам билан бир ёстиққа бош қўйиши қанчалар машаққат эканлигини жуда чуқур англайди... Ёлғиз ўтиш эса ундан-да оғир...

Катта маликанинг ўзи-чи? Сал кам йигирма йил бўлмоқда, у Амир Темур Кўрагон ҳарамини... Аллоҳга шукур, малика Соҳибқирон меҳридан тобора кулфи-дили очилиб, кўрку хусн афлокининг офтоби, зеҳну идрок самосининг юлдузига айланди. Уни зукко аёл сифатида ардоқлаб, "Бибихоним" деб атайдилар. Аммо не-не ойлар, не-не йиллар бир фарзанднинг илнжида ўтиб кетди. Кечалари тангрига илтижо қилиб, ёлбориб чиққан кунларининг саноғи йўқ.. Ҳали-

хануз кўнгиллар интизор, кўзлар эса нигорон... Хотин зоти фарзанд кўриши мумкин бўлган қизик паллалар ҳам, афсуски, ортда қолди...

Парвардигор бандалар раъйига доим ҳам қарайвермас экан, Соҳибқирон билан катта маликанинг зору таваллоларини кўриб турса-да, улардан бир тирноқни аяди...

"Бири кам дунё деб шуни айтсалар керак, Мамат... — дебди Амир Темур, буни кейин Муҳаммад Чуроға додхоҳнинг ўзи айтди. — Афсус, ҳай афсус!.. Сароймулкхонимдай маликадан бир ўғил туғилса салтанатим валиаҳди ўша бўлгуси эрди-да!"

Ўша куни туни билан хобхонада ёлғиз пиқ-пиқ ййглаб чиққани Сароймулкхонимнинг эсида... Ростини айтса, ўзи ўғил туғмагани учун эмас, балки валий-неъмат Соҳибқироннинг фарзандга интиқ бўлганлари-ю шунга эриша олмаганлари ва аёну акобир, раияту авомуннос олдида ўқсиб қолганлари унга жуда ҳам алам қилар, юрак-юрагини сирқиратарди...

— Ҳазратим...

Амир Темур суюкли хотинига тикилди, Сароймулкхонимда қандайдир саросималик аломатларини кўриб ташвишланганча сўради:

— Биби... нима бўлди?

Маҳди улё ҳозиргина уни банд этиб турган Хоразм маликаси ва ўзининг ташвишларини бир четга суриб қўйди-ю бошқа нарсадан оғиз очди:

— Фарзандларимизни ўйлаймен...

Маликанинг сўзларида жилла бўлсин сунъийлик сезилмади. Бошқаларнинг болаларини ўзиники деб ҳис қилиш учун катта сабр-қаноат, инсоф кераклигини Соҳибқирон теран тушунди, ичида Сароймулкхонимга яна бир карра тан берди ва ҳурмати ортди. Жуда чиройли сўзлар айтди малика!

— Фарзандларимизни ўйласак, ўзимизни ўйлагон бўлғоймиз, Биби! Адолатли йўл тутубдурсиз...

Сидирга ҳарир кўк ипак кўйлақда ўтирган Сароймулкхоним яна ҳам гўзал, некужамол ва латофатли кўриниб кетди, Амир Темур беихтиёр малика елкасидан кучиб ўзига тортди, суйиб чап юзидаги кичкина чиройли қора холидан ўпди. Барно сўз ҳам инсоннинг кўркига кўрк қўшади...

— Англайдурмен, ҳазратим... Учта расидабўй ўғиллар туриб, набира бўлсалар ҳам амирзода Муҳаммад Султонни валиаҳд атагонингизга фаҳмим етадур...

Сароймулкхоним Соҳибқиронни хафа қилиб қўймаслик учун сўзларни териб-териб гапирарди. Чунки у фарзандлар ҳақидаги сўзларнинг ҳаммаси ҳам Амир Темурга унчалар хуш келармаслиги, ичи чиқмай гапиришларига кўп бор гувоҳ бўлган. Жаҳонгир Мирзо вафот этгандан кейин бир кун фарзандлар ҳақида суҳбатлашиб қолганларида Соҳибқирон гап орасида бундай деганди:

"Муҳаммад Хоразмшоҳ шавкатли ўғил Султон Жалололдиннинг қадрига етмади, Чингизхон юртга бостириб киргандан кейин, фурсат қўлдан кетиб бўлгондагина унга подшоликни берди. Султон Жалололдин Чингизхонга бош эгмади. У ана шундоқ баҳодир ва жасур эди. Синд дарёси бўйида душманни доғда қолдириб, дарёга от солдириб ўтиб кетди. Чингизхон қараб туриб: "Эҳ, тўрт ўғлимнинг ўрнига битта шундай ўғлим бўлганда, дунёни олардим!..." деган экан! Чингизхоннинг эса қандай ўғиллари бор эди-я! Жўжи, Чигатой, Ўқтой, Тулу... Набираси Ботухон... Ҳар бири дунёларга арзирлик!..."

"Худо хоҳдаса, Муҳаммад Султон набирамиз Чингизхон ҳавас қилгон Султон Жалололдин сингари бўлғой, дунёларга сурон солғай!.. Отини ҳам ўша баҳодирга ҳавас қилиб атагандилар шекилли ўзлари... Султон бўлғай, иншоолоҳ, султон бўлғай!", деди Сароймулкхоним Соҳибқирон кўнглини кўтариб.

У гапириш асносида оҳиста Соҳибқироннинг ногирон ўнг оёғини уқалай бошлади.

— Шак йўқ, айтмакчи бўлгонларим ҳақида алақачон ўзлари ўйлаб қўйгонлар, Амир Соҳибқирон! Фақат ичим куядур, ёдингизга солурмен, холос. Амирзодалар бекор қолмасунлар, уларга юрт бериш лозим, токи, улар салтанат бошқаришни ўргансунлар, банд бўлсунлар... — Катта малика бироз жим қолди-да, давом этди. — Умаршайх Мирзо Андижонда хийла вақт ҳокимлик қилгонлари кўп фойдали юмуш бўлди, кўзи пишди... Унга Форс вилоятини лойиқ кўрсунлар... Мироншоҳ Мирзога Хуросон волийлиги иноят қилингон эрди. Энди, чамамда, Ҳалокухон мулкига номзод бўлиб турибди... Шохруҳ Мирзога Хуросонни берсунлар. Жуда кўнгли нозик... Токи, фарзандларимиз ўз ишлари билан машғул бўлиб, фитна-ю фиску фасод йўллари беркилсун, илоҳо... Худонинг

ўзи сақласун... Султон Ҳусайн Мирзо ҳам, Халил Султон ҳам тезда катта бўлиб қолишади, уларни ҳам ўйлаб қўйиш лозим...

Сароймулкхоним Орзумулк оқа кўлида тарбияланаётган Султон Ҳусайн Мирзо ҳақида ўзининг хавотирларини айтмоқчи эди, аммо ҳозир пайти эмаслигини билиб индамади. Оқа Беги хонимнинг ўнга кирган ўғли жуда писмиқ, тунд, "ичимдагини топ" хилидан бўлиб ўсмоқда эди. Шу пайтгача катта малика амирзоданинг кулиб қараганини кўрмаган... Ҳамиша нимадандир хафа, хўмрайиб юради.

- Мен юрт бермаймен, Биби... Мен кимдурмен?

Фарзандларимизга юртни Аллоҳ берадур, бари Аллоҳнинг мулкидур. Ишқилиб, Аллоҳ уларни юрт бошқаришга кифоя қиладурғон ақл-идроқдан, фаросатдан қисмасун... Инсофдан қисмасун... Йўқ эса, фитналар чиқмоғи аёнду...

- Худодан умидимиз бор, ахир. Ноумид шайтон, деганлар... Фарзандларимиз инсофли, ҳеч нарсага даъвогарлик қилишмайди...

Амир Темур кўзларини юмганча узоқ хаёлга чўмди, кейин деди:

- Ҳа, фарзандлар вояга етишмақда, Биби... Ўтғон куни кўк дафтарга салтанатда интизом сақлаш борасида бир тузукни ёздириб қўйдум. Зарурат бўлди. Тузукка солдирдум. Амр қилдимки, агар ўғилларимдан бирови салтанат мартабасига даъвогарлик қилиб бош кўтарса, уни ўлдиришга ёки мучасидан бирон жойини камайтиришга журъат қилмасунлар, деб... Тобакай ўз даъвосидан кечмас экан, асирликда сақласунлар. Мурод улким, худонинг мулкида уруш чиқмасун. Башарти набиралар ёки қавму қариндошлардан бири салтанатга қарши исёнга бош урса, бор мол-мулки тортиб олинсун...

- Бағоят адолатли иш қилибдурлар, кам бўлмасунлар, Амир Соҳибқирон! - қувониб кетди малика. - Рост дедилар, салтанат худонинг мулкидур, лекин унинг ердаги сояси ўзларидурлар...

Амир Темур хиёл бош тебратди.

- Биби, фарзандлардан умидим катта...

- Иншоаллоҳ, умидларингиз рўёбга чиқсун, ҳазратим...

Султон ва малика ҳар иккиси ҳам ўз хаёлларига ғарқ бўлганча жим қолдилар. Сароймулкхоним нозик қўллари билан оёқ уқалашда давом этарди...

Деразадан чинор баргларининг сирли шитир-шитирлари оҳиста меҳмонхонага эшитилиб турар, Самарқанд кечасининг бағоят сўлим ва ёқимли эканлигини бўрттириб кўрсатарди...

Бир оз вақт ўтиб Ҳумоюн ўрдудан Умаршайх Мирзога Форс вилояти ҳокимлиги берилганлиги ҳақида фармон қулоқларга етди. Фармондаги: "...Форсда муқим бўлмас, теварак атроф мамлакатлар орасида жавоҳир тасбеҳдаги боғловчи бир дурдона мисол муҳташам диёр идораси ва ихтиёри жаҳон амирзодасининг олисларни кўра олувчи ўтқир зеҳни-идроқиға, машаққатларни енгиб ўтувчи раъй-рағбатига ҳавола этилсун", деган сўзлар, айниқса, Умаршайх Мирзога бағоят хуш келди.

## II

Эрон сари йўл олган Умаршайх Мирзо вилоятга отланар экан, кўнглида бир армон тинчлик бермасди. Кундузча дарёси бўйида Олтин Ўрда хони Тўхтамишхонни силлиққина қўлдан чиқариб юборгани ҳали-ҳали ўнга алам қиларди. Шундоқ ёнгинада турган ашаддий ёвнинг эсон-омон қутилиб кетиши, гарчи биров, Амир Соҳибқирон ҳам, бошқалар ҳам, ўнга ҳеч нарса демасалар-да, амирзода билади, бунинг гуноҳи унинг бўйида... Амирлару нўёнлар тутул, амирзодалар олдида ҳам юзи шувит бўлгандай... Аммо иниси Мироншоҳ Мирзо, Амир Сулаймоншоҳ, Жаҳоншоҳ ибн Жоку, Мирзо Алибек, Муҳаммадбек ибн Мусо ва бошқа амирлар суҳбатлашиб қолганларида имкон топилди дегунча Умаршайх Мирзонинг Олтин Ўрда хонини қўлдан чиқариб юборгани ҳақида гап сўқадилар. Айниқса, Мироншоҳ Мирзонинг гаплари ҳаммасидан ошиб тушади.

У шундай суҳбатларнинг бирида оғасидан тап тортмай, агар Ҳумоюн ўрдудан Тўхтамишхонни тутиш ўнга топширилганида, алақачон Олтин Ўрда давлати Турон салтанатига қўшиб олинарди, деб юборди. Амирзода бировнинг қўнглини авайлайдиган, оқибатини ўйлаб иш қиладиганлардан эмаслиғига Умаршайх Мирзо тагин имон келтирди. Бундай андишасизликни кўриб ҳайратдан ўзининг шартаки, бироз қўрслиги ҳам эсидан чиқиб кетди. У ўпка қилгандай деди:

- Камина ўн минг отлиқ аскар билан буни эплай олмаган ҳолда, амирзодам тўққиз минг отлиғ билан бу ишни удалай олишларига шубҳам бор...

- Амир Соҳибқироннинг, жанг самараси аскарнинг озу кўплигига боғлиқ эрмас, деган ўтитларидан улуғ амирзодам огоҳ бўлсалар керак?.. — Мазах қилгандай сўради бирдан катта-катта кўзларини тик қадаб Мироншоҳ Мирзо. - Ахир "Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Аллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган..."<sup>1</sup>

Умаршайх Мирзо жавобга оғиз очмоқчи эди, Мироншоҳ Мирзо қўймади:

- Тўққиз минг отлиқ билан бу ишни удалай олишимга шубҳам бор, дейсиз, - деди у. — Ёдингиздаму тўрт йил олдин, ҳижрий 789 йилда Қорабоғ ёнида оз қўшин билан Тўхтамишхонга қарши чиқдим ва қувиб юбордим. Ушанда Амир Соҳибқироннинг ўзлари каминани алқадилар-ку...

Умаршайх Мирзо укасининг бетгачопарлиги-ю гапдан қолмаслигидан ранжиди, айниқса, сўзига муборак оятни далил қилиб келтирганидан ғазабланди, баданига тиг теккандай бўлиб кетди.

- Ўз оғасига бундай кўрлик билан муомала қилиш одобданму эркан?.. Ақлли амирзодага ярашмас... — ўзини босиб деди Умаршайх Мирзо. Укалар одатда ҳамиша одобсиз, эрка, тантиқ бўлишади, уларни кечирмай илож йўқ, қабилида фикр ўтди унинг хаёлидан.

Гапга даврада ўлтирган Жаҳоншоҳ ибн Жоку аралашди. Унинг суйридан келган бурни учи қизариб кетган, учли ияги хиёл титрар эди:

- Рост дедилар, улуғ амирзодам! Бу одобдан эрмас! Айб бўладир! Айб бўладир!.. Амир Соҳибқирон қулоқларига етса... Парвардигорнинг ўзи сақласун! Чунки ҳазрат шундай муноқашаларни<sup>2</sup> сира ёқтирмайдурлар. Доимо амирзодалар ўртасинда иноқлик, тотувлик бўлишини истаюрлар... Бир ой олдин Қаршида бўлгон қурултойда ҳам сўзладилар. Дафтарга ҳам ёздириб қўйибдурларким, мартаба талашилар қоралансун, деб... Кимки мартаба талашиб бош кўтаришга журъат этса, дарвешлик ҳолатига солсунлар, то ўз даъвосидан қайтмагунча асирликка сақласунлар, токи Худонинг мулкида уруш чиқмасун деб... Ёки асирлик заҳматини тортиб, дарвеш ҳолатига тушмоқни истаб қолдингизму?..

- Маъзур тутасиз, улуғ амирзодам... - Мироншоҳ Мирзо оғасига бош эгди. - Гап келганда отангни ҳам аяма, деганлар-ку. Келиб қолди-да... Улуғ оғамиз ўзлари ҳам шундай насихат қилардилар бизга...

Бошқалар олдида хижолат бўлган, қизариб-бўзарган Умаршайх Мирзо ерга тикилди-ю индамади, фақат "Ўзрингизни қабул қилдим..." дегандай Мироншоҳ Мирзога бир қараб қўйди. Укаси айбини бўйнига олиб турса ҳам, эрта бириси кун яна шундай қилиғини такрорламлигига ёлғиз Аллоҳгина кафолат бера олишини яхши биларди. У орқа-олдини баъзан ўйлаб-ўйламай гапириб юбора-верадиған, манмансирашни ёқтирадиған шартаки укаси билан пачакилашиб ўтиришни истамасди. "Шарманда бўламен, ана шундан Худо асрасун!", деди ичида. Ҳа, ҳар бир ўтган кунинг, эшитган сўзинг сен учун сабоқ, эй инсон!

Рости, одамнинг ўзи ҳам сабабчи бўлар экан. Қундузча жангида Умаршайх Мирзо ғафлатда қолди, ахир, Олтин Ўрда хони билан ўз ҳисоб-китоби бор эди-ку. Унинг фикрича, жанг давом этиб ўз ниҳоясига етиши, душман енгилгандан кейин, ўз-ўзидан табиий Тўхтамишхон қўлга тушиши лозим эди ва шунда амирзода чингизийзода билан бемалол орани очиқ қилиб оларди. Аммо Тўхтамишхоннинг қочиб қолиши мумкинлигини ҳеч хаёлига келтирмаган экан.

Амирзода ўзининг ашаддий ганими қадамларини кузатиб туришга аҳд қилди. Тўхтамишхон қаерда, нима мақсадлари бор, яна қандай фитналар уюштирмоқчи... -барини билиб туриши керак. Яқинда Мозандаронда, Омул шаҳрида бўлган хос мажлисда ҳамма амирзодалар, амирлар, бекарлар, лашкарбошилар йиғилдилар. Мубашшир баҳодирнинг тингчилари Соҳибқиронга кўп хабарларни айтиб беришди. Тўхтамишхон Озарбайжонга босқин қилибди, Миср подшоҳи Султон Барқуқ билан борди-келдини йўлга қўйганмиш, Қора Юсуф билан жуда апоқ-чапоқ эмиш, Султон Аҳмад жалоийр энг яқин сирдошларидан бирига айланибди...

Ажабо, буларнинг бирортаси ҳам Соҳибқиронга дўст эмас... Умаршайх Мирзо ана шунга диққат қилди ўшанда. Бу гапларнинг кўпи миш-миш бўлса керак. Лекин одамлар оғзида шундай гаплар юрибди. Барибир қулоққа чалиниб қолади...

Эронга уч йиллик юриш пайтида ҳижрий 789<sup>1</sup> йилда Арзинжон ва Арзирум

<sup>1</sup> Мелодий 1387 йил

ҳукмдори Таҳуртан Амир Темур Кўрагон салтанатини тан олиб, тобелик билдирди ва Исфаҳонга келиб Ҳумоюн ўрду остонасига бош урди. Натижада унинг давлати Соҳибқирон салтанати соясида жой олишга мушарраф бўлди. Табриз ҳокими Султон Аҳмад жалоийр бўлса, душманлар пинжига киришни истаб жуфтакни ростлаб қолди. Соҳибқироннинг ҳайбатидан қўрққанлиги тўғри. Лекин барибир қандайдир суянчи, ишончи бўлмаса бундай нотанти қадамлар қўя олармиди? Барининг кўнглига кутку солган, шу Тўхтамишхон бўлса керак...

Умаршайх Мирзо қандай бўлмасин, қачон бўлмасин, хиёнаткор ва ношукур Тўхтамишхоннинг адабини бериши, лапашанг чингизийзода бурнини ерга ишқаб қонини тупроққа қориши шарт! Бу унинг асосий мақсадидир, чунки кўрнам мак чингизийзода жумла жаҳон олдида валинеъмат Соҳибқироннинг юзини ерга қаратди, хиёнатдан ор қилмади. Уни зинҳор кечириш мумкин эмас! Мумкин эмас!.. Амирзода шу мақсадига етмаса қиличини қинига солмайду! Соҳибқиронга албатта кўнглидагиларини бирма-бир айтади, фурсатини топиб Форс вилояти ҳукмдори сифатида ўша баттоли лаинга қарши шахсан ўзи от суришга тайёр эканлигини билдириб ҳам қўяди, ижозат сўрайди. Агар Амир Соҳибқирондан рухсат бўлмаса, ялиниб-ёлворади, илтижолар қилади...

Амирзода ўзича падари бузруквори билан бўлажак суҳбатни хаёлан тасаввур қилди...

"Олдингизда бағоят уятлимен, валинеъмат Соҳибқирон! — дермиш амирзода. — Тўхтамишхонни илгимдан чиқариб юбордим... Ўзимни қаерга қўйишга жой тополмайдумен... Дунёга сизмай кетаётирмен... Аламимдан олам торлик қила-ётир..."

Соҳибқирон тингларимишлару индамас эмишлар. Орага жимлик чўкканмиш. "...Агар ижозат берсалар, ўзим унга қарши кўшин тортсам! — Ёлворишда давом этармиш Умаршайх Мирзо. — Гуноҳимни ювсам! Ўша томонларга от сурсам... Қўл-оёғига занжир солиб қошингизга олиб келурмен!..."

Ниҳоят, Амир Темур сўзга оғиз очармишлар:

"Амирзодам, Тўхтамишхон Камак каби макқору доғулиду. Унга бир ўзингиз бас келмоғингиз мушкулду..."

"Иншоаллоҳ, бас келурмен, ёнимда сиз борсиз-ку, валинеъмат Соҳибқирон! Қиличим кескирдур, зафар менга ёр бўлу!"

"Жангда ғолиб келмак учун ёлғиз қиличнинг кескирлиги кифоя эрмас... — дермиш Амир Темур. — Майдоннинг ҳийласи керак, ақл ўйини, дилнинг қуввати ҳам лозим..."

"Маъзур тутадилар, Амир Соҳибқирон... - дермиш амирзода ўпка қилиб. — Каминага шубҳалари... борму?"

"Асло! — Жавоб қилармиш Соҳибқирон. — Шижоатингизга асло шубҳам йўқ! Мен мутлақ зафарнинг шартларини айтдим, холос! Сизга, албатта, улкан кўшин бергаймен, амирзодам!..."

Ана шундай хаёлларга ғарқ Умаршайх Мирзо Наҳованд ёқларда уя қуриб олган, раиятга озор етказаётган ҳар хил йўлтўсар бузуқиларни бартараф этгандан кейин, ўз лашкарини Хуррамобод билан Дизфул томонларга бурди.

## Амир Темур ҳикматлари

«Ҳар қандай баланд минора ҳам ердан бошланади».

\* \* \*

«Қай ердинки бир ғишт олган бўлсам, ўрнига ўн ғишт қўйдим».





Рустам Сулаймонов,  
тарих фанлари доктори

## ҚАРШИ — НАСАФ — НАХШАБ ЖАҲОН ТАМАДДУНИ ТИЗИМИДА

Ўрта Осиёда тамаддун ва шаҳарсозлик маданияти тарихининг илдишлари неолит даврига бориб тақалади. Бундан саккиз минг йил муқаддам Тангритоғ ён бағирларида жаҳондаги қадимий ўтроқлашган деҳқончилик маданияти қарор топган ва ривожлана бошлаган эдики, буни илк бор В. М. Массон кашф этган ва атрофлича тадқиқ қилган. У ўзи ўрганган Жайтун номли манзил номидан келиб чиқиб, бу маданиятни Жайтун маданияти деб номлаган. Шу вақтдан бошлаб Ўрта Осиё минтақасида сунъий сугориш тизимига асосланган, ўтроқлашган деҳқончилик маданиятининг узлуксиз ва изчил тараққиётини кузатиш мумкин.

Биринчи мис буюмлари қўлланиб бошланган ва мис ишлаб чиқариш ривожланган энеолит даврида Ўрта Осиёнинг Эрон ва Афғонистон билан алоқалари кучайди. 4-5 минг йил аввалги бу даврга келиб қўпгина деҳқончилик манзиллари орасида шаҳарга хос бир қатор хусусиятларга эга, нисбатан йирикроқ қишлоқлар пайдо бўлди. Бу улкан қишлоқлар ҳудудларининг зич жойлашган уйларида кулоллик каби амалий санъат турлари билан шуғулланувчи алоҳида маҳаллалар ташкил топган, метал ишлаб чиқариш, тош йўниш, заргарлик ривожланиб бошлаган бир даврдир.

Ибодатхона тарзидаги айрим маҳобатли жамоат иншоотлари пайдо бўлдики, бу ҳол мазкур шаҳар типидagi ижтимоий бирлашмаларни ўз даврининг руҳонийлари бошқарганлигидан далolat беради. Бу ҳозирги Жанубий Туркменистон ҳудудидаги Анаус маданияти деб аталувчи маданият ва Зарафшон воҳасидаги Саразм маданияти ўчоқларидир.

Бу руҳонийлар томонидан анъаналар ва урф-одатлар воситасида бошқариладиган, муайян табақаланув, касб-кор ва ички товар ҳамда хизмат айрибошлаш тизими шаклланган дастлабки ижтимоий тузилмалар ҳисобланади.

Бронза қуйиш кашф этилганидан кейин, эрамиздан аввалги III минг йилликдан бошлаб Ўрта Осиёнинг нафақат сугориладиган воҳаларида, шимолга томон чўзилган дашт ҳудудларида ҳам дастлабки шаҳар маданиятининг кичик-кичик марказлари изчил тараққий этиб боргани кузатилади. Бу жумладан, Жанубий Уралдан шарққа томон чўзилган Аркаим шаҳар типидagi қишлоқларда кўзга ташланади. Бу овчилик-деҳқончилик қабилаларининг Андронов маданияти мустаҳкамланган марка бўлиб, унда эрамиздан аввалги 2 минг йилликдан бошлаб Урал ва Марказий Қозоғистон ҳудудларидаги бронза конлари теварагида бронза металлургияси тараққий этди. Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида ҳам андронов типидagi кичик аҳоли манзиллари ва қабристонлар борлиги маълум.

Эрамиздан аввалги III минг йилликдан бошлаб, айниқса, эрамиздан аввалги II минг йилликда Ўрта Осиёнинг жанубида ўтроқлашган деҳқончиликнинг шаҳарлашган тамаддуни ривож ўзининг юксак тараққиёт чўққисига кўтарилди. Туркменистон ҳудудидаги Олгинтепа, Гўнур ва Тоғолок, Узбекистондаги Жарқўтон каби йирик маданият марказлари мутахассислар томонидан дастлабки шаҳарлар сифатида тасниф этилади. Кенг майдон қўрғонлангани, бутун манзил ёхуд унинг бир қисми ҳимоя девори билан мустаҳкамлангани, муайян ички қурилишлар уларга хос бўлиб, бунда ҳунармандчиликнинг ҳар хил турлари бўйича алоҳида маҳаллаларгина эмас, улкан ва яхши мустаҳкамланган ибодатхона комплекслари

ёхуд махсус девор билан ўралган муқаддас манзил-маконларда қўним топган аслзодалар маҳаллалари ҳам яққол кўзга ташланади.

Кулолчилик, бронза қуйиш, заргарлик, суякка ишлов бериш ҳунарлари юксак даражада ривожланди. Тасвирий амалий санъат ҳам ривожландики, уларнинг персонажлари мазкур шаҳарлашган марказлар аҳолисининг бой мифологиясидан яққол далолат бериб турибди. В. И. Сирианиди аниқлаганидек, бу давр маданиятининг Сиро-Хет минтақаси, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Яқин Шарқдаги марказларида ўзаро яқинлик кўзга ташланади. Ушбу маданият бунёдкорлари ҳиндиорий тилининг лаҳжаларида гаплашганлар, деб ҳисобланади.

Кеш ва Самарқанд воҳасида бу даврга тааллуқли айрим қабрлар ва бошқа яккам-дуккам топилдиқлар бор, улар шаҳар типидagi қишлоқларнинг мавжудлигидан далолат бериб турибди, лекин бундай қишлоқлар қолдиқлари ҳали топилган эмас.

Эрампдан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярмига келиб Марказий Осиё ва Яқин Шарқ ҳудудларида навбатдаги арридизация тўлқини ва иқлимнинг қуруқлашуви натижасида бу бепоён минтақада қўним топган қабилалар ва халқлар жадал ҳаракатга келдилар. Бронза даврининг кўпгина археологик маданияти йўқолиб кетди, дастлабки шаҳар типидagi маданият марказларининг катта қисми ташландиқ ҳолга келди. Темирдан ишланган қурол-аслаҳаларнинг тарқалиши шу даврга тўғри келади.

Бу даврда Марказий Осиёнинг шимолий дашт ҳудудларида Мўғулистондан келиб чиққан, қадимий скифларнинг аждодлари экани аниқланган қорасуғ археологик маданияти аънаналари тарқала бошлади. Улар ўзларининг марҳум аждодларини кўрғонларга дафн қилганлар ва қабр тепасига кийиклар, ов қуроллари ва бошқа тасвирлар ўйилган тош ёдгорликлар ўрнатганлар. Бу даврда чавандозлик кенг тарқалди ва қўйлар билан отларни кўпайтириш асосида чорвадорлик иқтисодиётининг кўчманчи типи қарор топди.

Ўрта Осиё жанубининг деҳқончилик қилинадиган воҳаларида бронза даврининг маданияти ўрнига илк темир асри даврининг геометрик ёзув керамикаси маданияти деб аталадиган маданий тузилма келди. Ўрта Осиёда шаҳарлашиш, давлатчилик ва шаҳар тамаддуни тараққийнинг янги босқичи бошланди.

Шу пайтдан бошлаб, то ҳозирга қадар археологлар Ўрта Осиёдаги асосий деҳқончилик воҳалари тараққийнинг узлуксизлиги, изчилигини кузатиб келадилар. Қайд этиш лозимки, бу пайтда, шунингдек Сўғд, Чоч, Фарғона водийсида ҳам ўтроқ деҳқончилик маданияти қарор топди. Ўрта Осиё тарихи ҳақида ҳикоя қилувчи қадимий ёзма ёдгорликлар, Авесто, форс ва юнон манбалари эрампдан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярми ва ўрталарига тааллуқли топонимлар, этнонимлар ва ҳукмдорлар номлари ҳусусида бизга нисбатан қадимийроқ маълумотларни берадилар. Алмати яқинидаги сак шоҳининг кўрғонидан топилган руник хатдаги ягона ёзув кўпгина мутахассислар томонидан туркий руник ёзув сифатида эътироф этилган. Авестода қайд этилган воқеалар, Заратуштра ҳаёти ва таълимоти эрампдан аввалги биринчи минг йилликнинг биринчи ярмидаги Ўрта Осиёда яшовчи икки асосий этнос — орийлар, ўтроқ деҳқонлар ва турлар, кўчманчи чорвадорлар ўртасидаги рақобат иқлимида ривожланди.

Илк темир асри шаҳар марказларини қиёсий ўрганиш бу даврда бронза даврига нисбатан жадалроқ рўй берган теран ижтимоий ўзгаришлар ҳусусида гувоҳлик беради. Ибодатхоналар теварагидаги маҳобатли иншоотлар ўрнини қалъа, кент, истеҳком меъморчилиги эгаллади. Мустаҳкам ибодатхона марказлари гиштдан барпо этилган баланд қурилмалар устида қад ростладилар. Сўғдда асосининг қалинлиги етти метргача бўлган қалин ҳимоя деворлари билан ўралган, майдони 70-100-200 гектарлик улкан шаҳарлар бунёд этилди. Самарқандда бу даврда шаҳарнинг бошқа қисмидан худди шундай девор билан акрополь ёхуд арк ажратилган бўлиб, унинг ичида ҳукумат бинолари барпо этилган. Бу ерда ҳойнаҳой ҳукмрон табақалар вакиллари: амалдорлар, руҳонийлар ва йирик заминдорлар қўним топганлар.

Сўғднинг дастлабки шаҳарлари ва воҳалари қарор топиши айнан шу илк темир асри даврига тўғри келади.

XX асрнинг етмишинчи йилларидаёқ, Ерқўрғон шаҳри қолдиқларининг турлича қазилма ишларида қизил-жигарранг тусдаги геометрик орнаментлар билан безатилган, қўлда ясалган керамик буюмларнинг анчагина бўлақлари топилган ва ўшанда аён бўлган эдики, Ерқўрғонда эрампдан аввалги X-VII асрлар оралиғида ўтроқлашиш рўй берган. Бироқ қадимий шаҳарнинг бақувват ички ҳимоя девори, қазилма ишлари кўрсатдики, эрампдан аввалги I минг йиллик ўрталарида шу даврга хос бўлган йирик тўғри бурчакли стандарт гиштдан тикланган. Шунинг учун ҳам биз аввалига Ерқўрғон эрампдан аввалги VI асрга мансуб шаҳар деб

ўйлаган эдик, зеро, айнан шу даврда 40 гектар атрофидаги майдонни эгаллаган мазкур шаҳарни ҳимоя қилувчи улкан истехком девори бунёд этилган.

1999 йилда амалга оширилган янги қазилма ишлари чоғида ички шаҳар худудидаги кулоллар маҳалласида, 13 қазилмада, энг қуйи қатлам даражасида 3 метрча қалинликдаги ўша пайтда бузилган яна-да қадимийроқ ҳимоя девори қолдиқлари очилди. Бу қолдиқлар 2-2,5 метр баландликда сақланиб қолган ва нисбатан кейинги маданий қатламлар билан ёпилиб кетган эди.

2006 йилга келиб Ерқўргоннинг ички мудофаа деворларини қозиш чоғида М. Исомиддинов томонидан эрамиздан аввалги VI-V асрларга тааллуқли девор қатламлари остида пахсадан ва хом ғиштдан лой билан қўлда суваб тикланган шаҳарнинг қадимий девор қолдиқлари топилди. Шаҳарнинг бу энг қадимий девори Афросиёб устидаги Самарқанд, Челак яқинидаги Кўктепа ва Узунқирдаги Кешнинг дастлабки шаҳар деворларининг барча ўзига хос хусусиятларини тақдорлайди ва у эрамиздан аввалги VIII-VII асрларга тааллуқли ҳисобланади. Мазкур далил кўрсатиб турибдики, бу пайтда Сўғда Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларидаги асосий деҳқончилик ерларида йирик шаҳар марказларини барпо этишга қодир қудратли давлат мавжуд бўлган.

Шундай қилиб, Нахшаб пойтахт марказининг тарихи, Сўғд тарихи каби, камида эрамиздан аввалги VIII-VII асрларга мансуб илк темир асрининг янги қишлоқлари ва шаҳарлари пайдо бўлишидан бошланади. Бу сўғд этноси ва унинг деҳқончилик маданияти шаклланиш вақти эди.

Кейинчалик Ерқўргон қадимий Сўғдиёнаниннг йирик ва гуллаб-яшнаган шаҳарларидан бирига айланди. III-VI асрларда, хунлар-хионитлар ва кушон-кидаритлар, кейинчалик эфталитлар ҳукмронлиги даврида у инқирозга учраган ва иккинчи мудофаа девори худудидагина яшаб турган Самарқанддан икки баравар каттароқ эди. Ерқўргондан 10-12 километр жанубда Қарши темир йўл вокзали яқинида Ерқўргоннинг йўлдош шаҳри, қалъаи Заххоки Морон деб номланган улкан мустақам қалъа-қўргон бўлган. Бу 15 метрча баландликда барпо этилган, томонлари 100 метрга 100 метр бўлган марказий иншоотга эга ноёб қурилма эди. У квадрат шаклидаги уч қатор девор билан ўралган бўлиб, шундан ташқи, учинчи, ҳозирга қадар сақланиб қолмаган девор 1,5 х 1,5 км. ҳажмида бўлган. Қазилмалар кўрсатдики, қалъаи Заххоки Морон эрамиздан аввалги II асрда Оролбўйи скифлари томонидан бунёд этилган бўлиб, улар дастлаб Сўғдни, кейинчалик Бақтрияни юнон шоҳлари – Александрнинг меросхўрлари қўлларидан тортиб олганлар.

Кат кўҳна топоними (XIX аср – XX асрнинг бошларигача сақланиб келган қалъага ёндош қишлоқнинг номи), афтидан, мазкур қалъаниннг қадимий номини сақлаб қолган ва унинг Оролбўйи худудлари билан алоқасини яққол кўрсатиб турибди. Маълумки, Хоразмнинг қадимий пойтахт марказларидан бири ҳам Кат (Қиёт) деб аталгандир.

Қалъаи Заххоки Морон истехкомининг қурилиши чоғида Ерқўргоннинг ўзида ҳукмдорларнинг зардуштийлик даҳмаси барпо этилган бўлиб, бу ерда эрамиздан аввалги II-I асрлардаги Нахшаб ҳукмдорлари вафот этганида уларнинг суяклари тозаланган.

Ерқўргоннинг I минг йилликнинг биринчи ярмига тааллуқли юқори қисмини қозиш чоғида косиб-кулоллар ва темирчилар уй-жойлари, шунингдек, шаҳар ибодатхонаси, ҳукмдорлар саройи ва мақбараси очилди. Ибодатхона ва мақбара жиҳозлари ўша даврдаги Нахшаб аҳлининг маданияти, урф-одатлари ва мифологияси хусусида тасаввур ҳосил қилувчи бир қатор топилдиқларни берди. Шаҳар ибодатхонаси тўрида вилоят ва ҳукмрон сулоланиннг пуштипаноҳи бўлмиш аёл худо ҳайкали – санам турган. У ҳосилдорлик ва муҳаббат ҳомийси деб ҳисобланган, шунингдек, Нахшаб деҳқонлари ҳаёти узвий боғлиқ бўлган оби ҳаёт қудрати ва Қашқадарё руҳини ўзида акс эттирган.

Ерқўргон мақбарасида зардуштийлик урф-одатларига кўра тозаланиб хумларга жойланган суяклар топилган. Улар мамлакат ҳукмдорлар сулоласи вакиллари жасадининг қолдиқлари бўлган. Мақбара қадимдаёқ талон-тарож қилинган, бироқ майда заргарлик буюмлари, дафн маросими жиҳозларининг айрим қолдиқлари Нахшабда Марказий Осиё ва Яқин Шарқдаги қадимги ҳинд-европа ҳамда туркий халқлар мифологияси, зардуштийликка хос ҳаёт ва ўлим хусусидаги кўпгина сюжетларнинг кенг тарқалганини кўрсатиб турибди.

VI асрдан бошлаб, эфталитлар давлати форслар ва туркларнинг бирлашган қўшинлари ҳужуми туфайли инқирозга юз тутиб, Ерқўргон вайрон этилганидан кейин, Нахшаб пойтахт маркази вазифаси ҳозирги Шуллиқтепа шаҳарчаси ўрнидаги кучли ҳимояланган феодал истехком ихтиёрига ўтди. Шаҳар, худди бутун вилоят каби, Нахшаб (араб тилида эса Насаф) деб атала бошлади. Араблар уни

босқичма-босқич эгалладилар, лекин Нахшаб ва қўшни Кеш узоқ вақт халифаликка ва исломга қарши курашувчи энг йирик марказлар бўлиб турди. Бу хусусдаги хотира бугунги кунга қадар Қарши воҳаси — Нахшаб, Бешкент туманининг туб аҳолисига нисбатан қўлланувчи “табар-мусулмон” иборасида сақланиб қолган бўлиб, ибора “исломни болта остида қабул қилган одамлар” маъносида талқин этилади. Бу ерда Муқаннинг халифаликка қарши қўзғолонлари марказлари бўлгани бежиз эмас, албатта.

Ҳар қалай, ўрта асрдаги Насаф Маворауннаҳрнинг йирик ва гуллаб-яшнаган шаҳарларидан бири бўлиб, ундан “Насафий” нисбаси билан маданият тарихида чуқур из қолдирган машҳур олимлар ва руҳонийлар, адиблар ва меъморларнинг бутун-бутун авлодлари етишиб чиққанлар.

Ўрта Осиёнинг шаҳарсозлик маданиятида мудҳиш асоратлар қолдирган Чингизхон юришларидан кейин кўҳна Насаф ёхуд Нахшаб ташландиқ ҳолга келди ва шаҳар ҳаёти эски шаҳарнинг жанубий-шарқий томонида Чингизхон авлоди Кепекхон қурдирган Қаршига кўчди. “Қарши” сўзи баъзи манбаларда сарой, бошқа манбаларда эса, мақбара маъносини англатиши талқин қилинади. Бу қайта тикланган шаҳар Қарши деб атала бошлади, лекин айнаи чоғда то XX асрга қадар эски номи Нахшаб ёки Насаф ҳам қўлланишда давом этиб келди. XIX асрда ҳам Қаршидан чиққан таниқли шоирлар ва ёзувчилар ўз асарларида Насафий нисбасини қўллаганлар.

Хўш, Ерқўрғон ўрнидаги энг қадимий шаҳар қандай номланган? Маълумки, Искандар Зулқарнайнинг жанговар юришларини ёзиб қолдирган тарихчилар Қашқадарё водийсида Новтака ва Ксениппа топонимларини қўллаганлар. Кўпчилик мутахассислар Нахшаб топонимини Қарши воҳасига нисбатан қўллашга мойиллик билдирганлар. Яқинда Искандар Зулқарнайнинг Осиёга юришлари даврига оид Афғонистонда топилган ноёб топилдиқ — терига оромий ёзувида битилган ҳужжат форс империясининг сатрапларидан бири, бир гуруҳ навкарларни Никшапа ва Кешнинг ҳимоя деворларини таъмирлаш учун жўнатганини хабар қилади. Исройиллик шарқшунос Саул Шакед томонидан ўқилган, ўзининг тарихий аҳамиятига кўра ноёб бўлган бу ҳужжат аён кўрсатадики, Нахшаб ва Кеш топонимлари бу воҳалар пайдо бўлганидан буён мавжуд ва Ерқўрғон ўрнидаги шаҳар, унга қарашли бутун вилоят каби, Нахшаб ёки Никшапа деб аталган, Ксениппа юнонча атамаси эса, Никшапанинг бирмунча ўзгарган шаклидан бошқа нарса эмасдир.

Қисқача хулоса қилиб айтганда, Нахшаб пойтахтининг шаклланиши, умуман, Ўрта осий урбанизацияси жараёнларининг илк негизлари неолит ва энеолит даврининг илк деҳқончилик маданиятидан бошланади. Бронза даврида Амударё ҳавзаси воҳалари, Фарғона водийсида ўтроқ деҳқончилик маданияти ривожланиб, шу даврнинг энг йирик ўтроқ аҳоли яшайдиган қишлоқ ва қўрғонларида бир қатор шаҳарларга хос бўлган хусусиятларни кўрамиз, булар мудофаа иншоотлари, маҳобатли ижтимоий иморатлар ва ҳ.к. Булардан баъзиларини мутахассислар илк шаҳарлар типига киритишмоқдалар.

Лекин ҳақиқий шаҳарсозлик маданиятининг ривожланишини археологик материаллар асосида биз илк темир даври, яъни, тахминан 3000 йилдан бошлаб кузатамиз. Бу даврда Ўрта Осиёнинг асосий ўтроқ деҳқончилиги ва халқлари (Бақтрия, Сўғд, Марв, Фарғона...) шаклланди. Шу даврдан бошлаб археологик манбалар асосида ватанимиз қадимий маданият марказларининг узлуксиз ривожини кузатишимиз мумкин. Бу Авесто, Заратуштра таълимоти асослари, илк давлатчилик тизими ва Сўғд, Бақтрия, Марв, сак топонимлари ва этнонимларининг шаклланиши давридир. Сўнгги йилларнинг археологик тадқиқотлари натижаларига кўра, айнан шу даврда, тахминан 3000-2700 йил аввал Зарафшон ва Қашқадарё водийларига жойлашган Сўғд ўлкасининг асосий шаҳарлари Самарқанд, Кеш ва Нахшаб бунёд этилади.

Нахшаб пойтахтининг дастлабки кўриниши харобалари ҳозирги Қарши шаҳрининг шимолий ҳудудларига туташган бўлиб, уни маҳаллий аҳоли Ерқўрғон деб атайди. Бу дастлабки шаҳар VI асрдаги жангу жадаллар туфайли вайрон бўлганидан сўнг марказий шаҳар вазифасини ундан 1-2 километр жануби-ғарбдаги ҳозирги Шуллактепа ўрнидаги йирик қўрғон бажара бошлайди. Унинг номи ҳам Нахшаб бўлиб, араб манбаларида Насаф шаклида қайд этилади. Бу шаҳар ўз навбатида мўғуллар даврида инқирозга учрайди ва пойтахт XIV асрда ҳозирги Қарши шаҳри ўрнида янгидан тикланади.

Рус тилидан Раҳимжон Отаев таржимаси



Жуманиёз Жабборов,  
Ўзбекистон халқ шоири

## *Замону масканлар чорраҳасида...*

Тоғларнинг буюклиги, салобати узокдан қараганда яхши билинади. Бу абадий ҳақиқат. Худди шундай, икки мингу етти юз ёшини байрам қилаётганимиз Қарши шаҳри ҳам, тарихий теранликлардан назар солинганда, ана шундай улуғ салобат билан кўзга ташланади. Демак, сал кам уч минг йилдан бери замону масканлар чорраҳасида Насафу Нахшабу Қарши деган манзил барқарор қад кўтариб турибди. Ерқўрғондаги улуғвор харобалар ҳикмати бизни кўп сирру асрорлардан воқиф этади... Мен ана шундай қадимий шаҳри азим ёнгинасидаги қишлоқлардан бирида туғилиб ўсганим ва болалигим шу Қарши нафаси билан йўғрилгани билан чексиз фахрланаман. Чунки Қарши менга Ватанимиз-Ўзбекистон буюклигини ҳис эттирган, шу олий туйғуни қалбимга сингдирган бебаҳо маскандир. Диёримиз шаҳарлари-гулдастасида Қаршининг ҳам ўз нафаси, кўрку таровати, катта тарихи, бугунги порлоқ насибаю нисбати, равшан келажаги бор.

Мен бундан олтмиш беш йил аввалги болалигимга хаёлан қайтиб, ўша пайтдаги Қаршининг тош кўчалари, бозорлари, карвонсаройлари, хиёбонлари бағрида кезар эканман, қандай бир улуғ тарихларга пайваст бўлганлигимни яна бир бора ҳис этаман. Неча-неча аждодимиз бозор-ўчар қилган, мадрасаларида таълим олган ризқу рўз шаҳрини, илму ҳикмат шаҳрини дилдан ардоқлайман. Унинг китоб дўконларидаги маънавий бойликлардан баҳраманда бўлганлигим, унинг театридаги пьесалардан ёш зеҳнимга завқлар олганлигим учун-демак қишлоғимдан ташқарида катта олам борлигини ҳис этганим учун-қадимий ва навқирон Қаршидан абадий миннатдорман... Бугунги Қаршини кўринг! Бу энди афсонавий бир гўзаллик. Оппоқ кошонаю садаф саройлар, кенг, равон, гулларга бурканган кўчалар, хиёбонлар, Олимпия захираси ҳисобланмиш оламшумул спорт мажмуаси, мрамар аэропорту, мовий вокзал, литсею коллежлар силаси-булар бари Мустақиллик йилларимизнинг асил дурдоналари. Бу шаҳри азимнинг одамлари-менинг эдошларим гўзал табиатли, бағри кенг кишилари ҳар қандай таҳсинга сазовор.

Кўркам, қадрдон шаҳрим билан ҳар гал учрашганда, бир дунё шодликка тўламан. Бу ерда болалигим, ёшлигим, бугунги куним билан учрашиб тургандай бўламан. Икки минг етти юз ёш! Айтишга осон. Бу - Ўзбекистонимиз тарихининг катта, ёрқин бир қисми. Ер остида нефту газ газналари, ер устида галлаю пахта денгизлари мавжланиб, Мустақил Ватанимиз фаровонлигига хизмат қилаётган Дашти Малик дурдонаси. Ҳамиша ривождаги вилоятнинг маркази. Неча-неча Насафий алломалар ва ҳозирги фан, адабиёт ҳамда санъат намояндalари юрти. Ҳа, бизнинг Қаршимиз ана шундоқ азамат шаҳар. Қарши ҳақида ўйлаганимда ҳамиша мана бу сатрларни ифтихор билан шивирлайман:

*Демасман, шеърим эй, менга шараф келтир,  
Ё тоғдан лаълу дарёдан садаф келтир.*

*Саломга айланиб эл ичра борсанг, бас,  
Кўнгулга эзгуликни саф-басаф келтир.*

*Силаб ўтгил сабодек хаста дилларни,  
Илож этсанг, одам зотиға наф келтир.*

*Жамийки яхшиликни эл томон элтиб,  
Жамийки хушхабарни биз тараф келтир.*

*Насаф ичра туғилган жажжи бир гулсан,  
Димоғимга саҳар бўйи Насаф келтир.*



Исмоил  
Тўхтамишев

МАСКАНИДИР ҒУРУРНИНГ,  
ОРНИНГ...

## Ватан

Сарҳадлари пурвиқор, юксак  
Эшдир унга ёрқин келажак,  
Кўксимизда лов ёнган юрак,  
Зарбларидан бошланар Ватан!

Садосидан жўш урган қоннинг,  
Ибтидоси кучилган шоннинг,  
Танти, ўктам ҳар қиз, ўғлоннинг  
Қалбларидан бошланар Ватан!

Нола чекса бағир бўлар хун,  
Ҳар бир гарди тўтиёдир чин,  
Керак бўлса қарич ери-чун  
Ҳарбларидан бошланар Ватан!

Курашлардан олмаган ҳадик,  
Ғанимига боқа олган тик,  
Шоирларин гулдан ҳам нозик  
Таъбларидан бошланар Ватан!

Нурафшондир тонглари отган,  
Кўнгилларга умид уйғотган,  
Ер айланиб, куёши бутган  
Ғарбларидан бошланар Ватан!

Назокати гулгун баҳорнинг,  
Масканидир ғурурнинг, орнинг,  
Садоқатли севимли ёрнинг  
Лабларидан бошланар Ватан!

Бепарволар бўлиб қолсақ гоҳ,  
Муқаддасдир дея саждагоҳ,  
Юртбошимиз айлаган огоҳ  
Ғапларидан бошланар Ватан!

## Атиргул

Атиргул, мен сени тўйиб ҳидладим,  
Арилар бўсалар олди лабимдан.  
Рашк ўти вужудим ёндирди сим-сим,  
Андуҳлар жой олди сўник қалбимдан.

Атиргул, мен сени тўйиб ҳидладим,  
Бўйингдан энтикиб ҳапқирди юрак.  
Маст-аласт уйқудан уйғониб масъум,  
Кўкларга йўл олди шунда капалак.

Атиргул, мен сени тўйиб хидладим,  
Кеч қолдинг дегандай бир оз эгачи,  
Парвона эрурман, ахир, мен қадим,  
Чарх урди самога шайдо ниначи.

Атиргул, мен сени тўйиб хидладим,  
Бу ошиқ кўнгилда дунё севинчи,  
Шайдо булбул қўшиқ куйлади маҳзун,  
Эмассан дегандай, сен ҳам биринчи.

Атиргул, мен сени тўйиб хидладим,  
Писандмас деб энди, ҳеч қандайин гов.  
Кафтимга туртгандай бўлди аллаким,  
Устимдан очиқча кулгандай биров.

Атиргул, мен сени тўйиб хидладим,  
Ичимдан зил кетиб ёндим, ичиқдим.  
Кўзимни олисга маъюс тикдим жим,  
Мен ҳар гал кечикдим, доим кечикдим.

### **Ўргилайин, она юрт!**

Юксакларга қадалгандир кўз қирим,  
Сенинг билан боғлиқ, ахир, ўй, сирим,  
Тақдирингга туташ эрур тақдирим,  
Жамолингдан ўргилайин, Она юрт!

Куюк бўлсанг, мен ҳам ночор, куюкман,  
Суюк бўлсанг, мен ҳам азиз, суюкман,  
Буюк бўлсанг, бўй-басти тик, буюкман,  
Камолингдан ўргилайин, Она юрт!

Кўхна тарих шонинг эди бир тараф,  
Бойликларинг конинг эди бир тараф,  
Узилмаган жонинг эди бир тараф,  
Иқболингдан ўргилайин, Она юрт!

Соғинаман сендан узоқ кетган он,  
Талвасага тушган каби ширин жон,  
Юрак-бағрим ҳижронингда бўлур қон,  
Висолингдан ўргилайин, Она юрт!

Кўз олдимда юксалади бўйларинг,  
Қон-қонларга сингиб борар тўйларинг,  
Ёр васлидай сирли эрур ўйларинг,  
Хаёлингдан ўргилайин, Она юрт!  
Иқболингдан ўргилайин, Она юрт!





Зебо Мирзаева

## ҚАШҚАДАРЁСАН

Толемга битган Қашқадарёсан.  
Абдулла Орипов

...Бир чеккаси чўлдир ҳарсиллаб ётган,  
Бир чеккаси қорлар тизгача ботган.  
Бир чеккаси тоғлар — кўкни кўтариб,  
Булоқлари бориб, тонгни уйғотган,  
Бағрида жаннатлар битган саҳросан —  
Қашқадарёсан...

Ҳисор тизмалари — Нухнинг кемаси,  
Ушал тўфонни ҳам тўсган чамаси,  
Бир улкан денгизнинг харсангларида  
Улкан динозавр изи, панжаси...  
Одам Ато кўрган кўҳна дунёсан —  
Қашқадарёсан...

Мўғуллар босқини ўтганда жондан,  
Озодлик шамшири тушди осмондан.  
Нимани йўқотди рақиблар, билмам,  
Дунё дунё топди Соҳибқирондан.  
Темурдан табаррук — қутлуғ туғросан —  
Қашқадарёсан...

Бир қутлуғ маскандир Ҳазрат Баширим,  
Пирлар нафасидай ҳавоси ширин,  
Улуғбек илмининг хазинасини  
Шу тоғлар бағрида сақлар яширин.  
Али Қушчи излаб келган самосан —  
Қашқадарёсан...

Дунёда беш сирли нуқта бор, бироқ,  
Китоб кенгликлари яна сирлироқ,  
Осмон дарвозасин очиб, юлдузлар  
Келажак китобин ўқийди порлоқ,  
Олий руҳлар юриб тушган ҳавосан —  
Қашқадарёсан...

Темур авлодидан чиқариб бир зот,  
Ўзга элларни ҳам қилсин деб обод,  
Ҳинд сори саргардон этганда тақдир,  
Ортидан эргашиб кетган умрбод,  
Бобурга суянчиқ бўлган ошносан —  
Қашқадарёсан...



Самарқанд азмида тик довон оша,  
Навоий ишқ дардин этганда пеша,  
Шаҳри Кешнинг мовий гумбазларидан,  
Рухлар оламини қилса томоша,  
Бир коса сув тутган малаксиймосан —  
Қашқадарёсан...

Куйчинг бор — сўз айтса Ватан дардидан,  
Шаҳидлар тирилиб келар қабридан,  
Не ажаб, агар юз шоир яралса  
Абдулла Орифнинг ҳар бир сатридан?!  
Навоий байтидек ўтли навосан —  
Қашқадарёсан...

Ҳақ яқинроқ келса қулин қошига,  
Яхши инсон битар элнинг бошига.  
Эй, ишнинг кўзини билган деҳқоним,  
Дуо қил шу юртнинг тоғу тошига!  
Нуринг борки, нурли йўлга пешвосан —  
Қашқадарёсан...

Сенким, бир кафт тупроқ бобом ҳокидан,  
Бир қатим шуъласан юрак чокидан.  
Шу қадим заминни Куёшга тутсам,  
Ер деб тушиб келган фалак тоқидан.  
Бир содда, бир танти, меҳридарёсан —  
Қашқадарёсан...

Арслон босади арслон изини,  
Бу эл ҳеч кимсага бермас измини,  
Темур тупроғида тахтга минган зот  
Кўлида бир буюк ҚАРВОН тизгини...  
Юртнинг эгасини берган маъвосан —  
Қашқадарёсан...

Сен ялпизгулимсан, болалик сирим,  
Ҳали ёзилмаган энг гўзал шеърим.  
Ағёр тузоқ қўйса, ҳаддини билмай,  
Мени қўллаб тургин, эй она ерим!  
Қайда бўлмай сен ҳам битта Зебосан,  
Қашқадарёсан...





Зилола Хўжаниёзова

### СОГИНЧ

Ота ҳовлим — хокисор макон,  
Замин борми сендай муқаддас.  
Она уйим — жондай қадрдон,  
Соғинаман бетиним, бесас.

Тонг саҳарда дарвоза очиб,  
Ризқ кирсин деб суприлган ҳовли,  
Садарайхон ҳидларин тараб,  
Дил яйратар, ғубордан холи.

Боладайин мўлтираб кутар  
Ялангоёқ чопганим кўча.  
Қари тутнинг тагида момом  
Тушларимга кирар ҳар кеча.

Қизғалдоқлар терган қиримиз  
Бу баҳор ҳам очгандир чирой.  
Қийқирикқа тўлгандир яна  
Том ортида оққан лойқа сой.

Пичирлашиб кўшни тўйида  
Хўп сири бир дугоналарим.  
Беғубор орзулар ўйида,  
Ғам-андухдан бегоналарим.

Дунёларга алишмас эдим  
Болаликнинг бир куни қайтса.  
Онам сочим қирққокил ўриб  
Толбаргақдан жамалак тақса.

Ота ҳовлим — қадрдон маскан,  
Бағрингда эркинман қушдайин,  
Умр дарё ортга қайтмаскан,  
Болалигим ўтди тушдайин.

Дунёларга алишмас эдим,  
Болаликнинг битта кунини...

\* \* \*

Она! Сочингизга оқ оралабди,  
Аслида, айбдор менмасми... Она?  
Йиллар юзингизга тўр қоралабди,  
Йилмас, асл мадор менмасми... Она?

Қачон замин ризқин, қуёш нуруни,  
Сиз-чи, меҳрингизни қилибсиз миннат?

ДУНЁЛАРГА АЛИШМАС ЭДИМ

Бир дам ўзингизга ўйлашдан кўра,  
Дилбандингиз бахти муҳимроқ, қиммат.

Гўё кашф этгандай қайта дунёни,  
Янги сўз айтдим деб бўлдим мен мамнун.  
Сизнинг дийдорингиз эртага қўйиб,  
Мен-чи, изтиробдан изладим мазмун.

Неки, ишққа мансуб, илоҳий билиб,  
Сигиниб юрибман кўҳна дардларга,  
Аслида, меҳрингиз тафтидан илиб,  
Айланар ҳаммаси, майда гардларга.

Сизни соғинаман ҳаммадан кўпроқ,  
Узоқдан меҳрингиз турар билиниб.  
Тандирдан узилган иссиқ кулчани,  
Олиб қўйяпсизми менга илиниб.

Дуоингиз мадад, ҳеч бир ғам енгмас,  
Аدل тургум, тақдирнинг куфри-ишига.  
Англадим, дунёнинг шодлиги тенгмас,  
Онамнинг шукрона жилмайишига!

### Кенгликлар

Кенгликлар... кенгликлар... қалбим сиздан кенг...  
Бир ширин хаёлман, рўёман, тушман.  
Тоғлардан юсакман... самоларга тенг...  
Мен бугун севгидан сархушман...

Бахтдан эҳсон кутмас, ғамга қиз эдим.  
Минг йиллар яшадим соғинч бағрида.  
Чирмовиқлар босган, сўқмоқ - из эдим.  
Ногаҳон кўз очдим, ишқнинг атридан.

Мен бугун ошиқман, мен бугун гулман,  
Зим-зиё дунёда бир ҳовуч нурман.  
Ишқ аро оташман, унингсиз гилман,  
Ишқнинг шаробидан сармаст, масрурман...

Парчаланг юракни бурда-бурдага,  
Оташ аро бунёд бўлар жоним маним.  
Майли, нима бўлса, бўлар эртага,  
Бугун кўнгил билан ёлғиз қўй, ғаним.

Минг йиллар изладим. Дилим хун эди,  
Ишқим армон эди, дил маҳзун эди.  
Бизни учраштирган бир афсун —  
Қароқлар сирлашган сирли тун эди.





Момохол  
Элмуродова

ЮРАКДА БИР ДАРЁ ОҚДИ  
ШАРҚИРАБ

## Куз

Япроқлар қовжираб тўкилди,  
Кечаги ям-яшил, башанг япроқлар.  
Дарахтлар пойига юкинди,  
Тилларанг серҳашам япроқлар.

Куз, ажиб, фарахли фасллар аро,  
Сокин хаёлларнинг мунис дояси.  
Оғзидан дур сочган чаноққа қараб  
Қувватга тўлади ғўза пояси.

Қушлар чуғурида сўнгги алвидо,  
Олис йўл шиддати қанотларида.  
Хув, тоғлар эгнига олиб оқ ридо,  
Улуғвор чўкишар тоатларига.

Ёнғоқлар мағзи тўк, қобигин ёриб,  
Шақиллаб бозорга йўлланма олар.  
Анорлар бамисли ёқутдай ёниб,  
Беҳилар ўзини шарбатга солар.

Шохлардан-шоҳларга учар мезонлар,  
Қору қировларга бўлиб андоза.  
Айрилиқ юртидан элчи хазонлар  
Сарғайган соғинчни қилар овоза.

## Кунларда оёқ йўқ...

Кунларда оёқ йўқ, чопади,  
Ортидан лаҳзалар чангитиб.  
Ойларда қанот йўқ, учади,  
Учқур қушларни ҳам гангитиб.

Йиллар-ку елдирим мисоли  
Умрни бир лаҳза ёритар.  
Бугунги ниҳолни яшнатиб,  
Кечаги дарахтни қаритар.

## Соғинч

Соғиндим, сарғайган соғинч сағирдир,  
Ёниб ўртанган бу юрак, бағирдир.  
Киприқлар ўрнига тиконлар қадаб  
Туну кун термулмоқ оғир, оғирдир.

Термулдим, кўзларим хира тортдилар,  
Чидолмай ой, қуёш бир-бир ботдилар.  
Оқибат сабрнинг тоқати тугаб  
Ожиз вужудимни ўтга отдилар.

Кулга айланмади вужуд, вожаб,  
Юракда бир дарё оқди шарқираб.  
Мурувват ёмғири ёғдимми, билмам  
Ва, умид дарахти ўсди гуркираб.

Тоқат деганлари бардошми, кучми,  
Ҳаёт деганлари меҳрми, ўчми?  
Кечирмоқ... кечирмоқ... фақат кечирмоқ,  
Инсонга одатми, андиша, бурчми?!.



Нарзулла Равшанов,  
“Қашқадарё” газетаси бош муҳаррири

## Ёғдулардан яшнаган замин

Қашқадарё - Ўзбекистон тарихининг муаззам бир бўлагидир. Бу юрт кечмиши қадимийлиги билан илм аҳлининг диққатини ўзига тортиб келган.

Қадимиятликнинг яққол тимсоли бўлган Ксинеппа, Новтака, Ерқўрғон, Шулик тепа, Заххоки Морон, Узун қир, Подаётоқ ва Кеш тарихи - башариятнинг ибтидосидан сирли эртақ сўзлайди. Лекин, энг аввало, бу юрт одамлари ўзларининг бунёдкорлик қудрати билан, ер ва сувга бўлган муҳаббати билан дунё аҳлининг энг қадимийларидан биридир. Шу боис ҳам мустақилликнинг шарафли 15 йили Қашқадарё қишлоқ хўжалигида тарих зарварқларига зарҳал ҳарфлар билан ёзса аризигулик янги саҳифалар очди.

Утган йили вилоят далаларидан 887 минг тоннадан зиёд галла, 476 минг тонна пахта йиғиб олинди. Полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштиришда ҳам маълум бир муваффақиятларга эришилди. Қарши, Тошкент шаҳарларининг деҳқон бозорлари вилоятда етиштирилган ширин-шакар мевалар, қовун-тарвузлар ва шифобахш сабзавот маҳсулотлари билан таъминланди.

Республикамиз миқёсида энг кўп пахта вилоятимизда етиштирилади ва жаҳон бозорига энг кўп пахта толаси экспортга чиқарилади. Бу йил воҳамиз экспортининг 60 фоиз улушини пахта толаси ташкил қилиб, 90 миллион 462,9 минг АҚШ доллари миқдоридан сотилди.

Жорий йилда Қашқадарё деҳқонлари 314 минг тоннали сара дон етиштирди. Бу жабҳада ҳосилдорлик Нишон, Қарши, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб, Касби, Косон туманларида гектарига 50-55 центнерга етди.

Айни кунларда вилоятимиз деҳқонлари 172 минг гектар ерга барака уруғи қадаб, пахтачиликда режалаштирилган 500 минг тонналик юксак хирмонни яратиш учун саъй-ҳаракат қилмоқдалар. Пахтачилик соҳасида мактаб яратган қашқадарёлик деҳқонларнинг иш тажрибалари, қолаверса, ҳар кунни ғанимат билиб замонавий агротехника асосида уюшқоқлик билан олиб борилаётган ишлар - бу юксак хирмонни яратишга ишончли қафолатдир.

Жануб офтобининг оташ тафтида кўм-кўк бўлиб мавжланиб турган, бир тарафи ложувард уфқларга туташиб кетган серфайз пахта майдонлари мўлжалдаги юксак хирмоннинг шубҳасиз яратилишига кўнглида ишонч пайдо қилади. Юрт узра кезиб юрган маъмурилик ва ободликдан қалбда ифтихор ҳисси уйғонади.

Аграр соҳа билан бир вақтда мустақиллик йилларида вилоятда саноат ҳам шиддат билан ривожланиш йўлига кирди. Биринчи навбатда энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхона ва мажмуалар қурилиб ишга туширилдики, бу вилоятимизнинг иқтисодий қудратини кескин ошириб юборди. Шўртан газ кимё мажмуи, Шўртаннефтьгаз унитар шўъба корхонаси, “G‘uzog-Floyg” Ўзбекистон - Буюк Британия қўшма корхонаси, “Топаз-Анзур” Ўзбекистон - Германия қўшма корхоналари шулар жумласидандир.

Утган даврда 11 та лойиҳа бўйича 6314 минг АҚШ доллари миқдоридан вилоятга хорижий инвестиция киритилди. 59 та корхона ташкил этилди ва уларнинг сони 1809 тага етди. 124 та корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати ошди. 7 та янги корхона ишга тушди. Шунингдек, 23 та саноат корхонаси 5284,6 минг АҚШ доллари тенг замонавий технологиялар билан жиҳозланди ёхуд қайта таъмирланди.

Хорижий сармоялар иштирокида тузилган корхоналарнинг 8 таси жорий йил-

нинг ярим йиллигида чет элга 9 миллион 620,3 минг долларлик маҳсулотларини сотган. Албатта, бу ўтган йилдагига нисбатан 2,2 баравар кўп эди.

Энг юқори қувват билан ишлаётган Шўртан газ кимё мажмуаси бугунги кунда нафақат вилоятда, балки республикада ҳам йирик экспортчилардан бирига айланиб улгурди. Шу йилнинг биринчи ярмида мажмуа жамоаси томонидан хорижий истеъмолчиларга 39 миллион 222,9 минг доллар миқдорида полиэтилен гранулалари етказиб берилди. Шунингдек, хорижга 2 миллион 580,5 минг доллар миқдорида суюлтирилган газ ҳам сотилгани инобатга олинса, Шўртан газ кимё мажмуи жорий йилнинг январ-июн ойларида жами 41 миллион 803,4 минг долларлик маҳсулот экспорт қилган.

Хулоса қилинса, вилоятда 2006 йилнинг 5 ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,3 фоизга, халқ истеъмол моллари 15,3, чакана савдо айланмаси 10,7, пулли хизмат кўрсатиш 22,1 ва ташқи савдо айланмаси 4 фоизга ортди.

Вилоятда изланишлар давом этмоқда. Йил бошидан буён экспортни рағбатлантириш ва импорт таркибини оптималлаштириш мақсадида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Экспорт ҳажми 2005 йилнинг шу даврига нисбатан 7,8 фоиз ортди ёки 125 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Йиллик қуввати 5 минг тонна трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган “Фузортекс” қўшма корхонаси ишга туширилди. Импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида Қарши шаҳридаги енгил саноат корхоналари учун бўёқ тайёрлайдиган “Barantextile” корхонасига 467 минг доллар ҳажмидаги асбоб-ускуналар олиб келинди.

Шунингдек, қуввати 4 миллион квадрат метр бўлган гипсокартон фабрикасига 1,5 миллион долларлик инвестициялар жалб этиш бўйича ҳам фаол иш олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги Фармонини амалга ошириш асносида вилоятимизда 36306 ўринли 100 та мактаб қуриш ишлари бошлангуборилди. Бугунги кунда бу ишлар пудратчи ташкилотлар томонидан аниқ режалар асосида жадаллик билан амалга оширилмоқда.

Шу билан бир қаторда ўқув муассасаларини мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлашга ҳам эътибор қаратилмоқда.

Кейинги даврда “Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси” ҳисобидан 16 та, шу жумладан, 1 та V тип болалар спорти иншооти, 15 та мактабда қўшимча спорт заллари ишга туширилди.

Таълим тараққиётнинг асосидир. Мактаблардан сўнг академик лицей ва касб-хўнар коллежлари сари интилаётган болаларнинг малакали мутахассислар бўлиб етишувига замонавий компьютер жиҳозлари ҳамда махсус қўлланмалар билан таъминланиши катта аҳамиятга эга. Шунинг назарда тутган ҳолда, вилоятда ўрта махсус касб-хўнар таълими муассасаларига катта эътибор қаратилмоқда. Германиянинг Тараққиёт банки (KfW) ва Техникавий ҳамкорлик ташкилоти (GTZ) ГПЗ иштирокида амалга оширилаётган Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб-хўнар таълимини ривожлантиришга қўмак лойиҳаси мақтовга лойиқ. Ушбу лойиҳа асосида вилоятимиздаги 14 та касб-хўнар коллежларини замонавий жиҳозлар, махсус ўқув қўлланмалари билан таъминлаш кўзда тутилган.

Жумладан, Қарши компьютер технология касб-хўнар коллежига юқоридаги лойиҳа асосида 78 та компьютер, 34 номдаги 3000 та ўқув қўлланмаси етказиб берилди.

Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини янгиланаётган жамиятимизнинг туб асосини белгилловчи “ислохот ислохот учун эмас, ислохот инсон бахт - саодати учун” тамойили ташкил этади.

Ихтисослашган даволаш масканларининг фаолият бошлаши - мустақиллик меvasидир.

Вилоят ва ҳар бир туман марказида одамлар соғлиги ҳамда саломатлиги йўлида кечани-кеча, кундузни-кундуз демай иш олиб бораётган Республика Шошилиш тиббий ёрдам Марказининг филиаллари ходимлари фаолиятдан бугун одамлар мамнун.

Мустақиллик йилларида ўз фаолиятини бошлаган Саломатлик ва Акушерлик гинекология институтларининг филиаллари ҳам воҳа соғлиқни сақлаш тизимида ўтказилаётган ислохотларнинг ёрқин далилидир.

Яқинда Қарши шаҳрида вилоят ихтисослашган Кардиология маркази иш бошланди. Бу саломатлик маскани бир пайтнинг ўзида 110 беморга тиббий ёрдам кўрсатади. Вилоят марказида яқин вақтлар ичида яна бир саломатлик маскани-Урология маркази ўз фаолиятини бошлаш арафасида турибди.

Қишлоқ меҳнат аҳлининг тиббий хизматга бўлган эҳтиёжини замонавий та-

лаблар асосида таъминлаш учун эса ўтган 5 йил давомида 48 та қишлоқ врачлик пунктлари фойдаланишга топширилди.

Айни кунларда вилоятимиз улкан ва унутилмас тарихий воқеалар оғушида ва арафасида яшамоқда. Қарши шаҳрининг 2700 йиллик юбилеи, Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 670 йиллиги ҳамда муқаддас истиқлолнинг 15 йиллиги тантаналари арафасида мактаб ўқувчиларининг “Умид ниҳоллари” спорт анжуманининг республика босқичи ва республика Аёлларининг 2-спартакиадаси вилоятимизда ўтказилиши катта воқеа бўлди. Улар Марказий Осиёда ягона бўлган Қарши Олимпия захиралари коллежида бунёд этилган муҳташам бассейн, марказий стадион таркибида қад тиклаган энг замонавий стадионларда ғолиблик учун кураш олиб боришди.

Вилоятнинг ишлаб чиқаришида маҳаллий тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг ҳиссаси, кичик корхоналар ва хусусий бизнес субъектларининг ўрни йил сайин ортиб бормоқда. Айни пайтда, 62156 та тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда. Уларнинг вилоят ялпи ички маҳсулотигаги улуши 38,4 фоизни ташкил қилмоқда. Уларнинг иш фаолиятини янада яхшилаш мақсадида 3659,4 миллион сўм кредит маблағ ажратилди.

Шунингдек, товар-хом ашё биржасининг вилоят филиали томонидан 12130,6 миллион сўмлик миқдорида ёнилғи маҳсулотлари, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари ва бошқа маҳсулотлар тадбиркорларга етказиб берилди.

Мустақилликнинг биринчи йилданоқ қишлоқларда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришга, касаначиликни кенг йўлга қўйишга эътибор катта бўлди.

Олимларнинг тасдиқлашича, Қаршида тўқимачилик, мисгарлик, чилангарлик, дегрезлик, харротлик, пичоқсозлик ва дурадгорлик каби ҳунармандчилик турлари қадимдан кенг ривожланган. Қарияларимизнинг ҳикоя этишича, Шаҳри-сабзда зардўзлик, дўппидўзлик машҳур бўлса, Қарши ўзининг тўқимачилиги билан алоҳида ажралиб турган. Айниқса, алача деб номланган шойи газламаси Бухоро, Самарқанд каби қадимий шаҳарларда, Эрон, Афғонистон, Россия, Ҳиндистон каби хориж мамлакатларида жуда шуҳрат топган.

Қаршининг илк ўрни бўлган Ерқўргон археологик тадқиқотларга кўра, Қашқадарё воҳасининг иқтисодий ва маданий маркази бўлган. Бугун бу ерда тадқиқот ва қазилма ишлари давом этмоқда. Шаҳар марказидаги тарихий обида - “Кўкғумбаз” масжиди (XIV), Одина масжиди ва Сардоба мажмуаси (XVI)нинг қурилиш ва тиклаш ишлари давлат бюджети ва “Ўзавтойўл” ДАК маблағи ёрдамида яна ўз ҳолига келтирилмоқда.

Мустақиллик майдонини қайта таъмирлаш, маҳалла гузарларини қуриш, шаҳарнинг тарихий марказий қисмини ободонлаштириш, марказий деҳқон бозори, “Мебеллар уйи” базасида замонавий “Супермаркет” ташкил этиш ва бошқа биноларни реконструкция қилиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Аэропорт мажмуини таъмирлаш, Алишер Навоий номли марказий боғ ҳамда Болалар истироҳат масканида 3000 ўринли амфитеатр қурилиши ҳам ниҳоясига етказилмоқда.

27 асрлик тарихга эга бўлган Қарши шаҳрининг энг катта истироҳат боғи ҳашар йўли билан қайта тикланмоқда. Шунингдек, Насаф, Ўзбекистон, Амир Темур кўчалари кенг ва раvon қилиб қурилди ва қурилмоқда.

Бугун Қашқадарё воҳасида катта тўйга - Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги, Соҳибқирон Амир Темурнинг 670 йиллик таваллуди тўйига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Тўғрироғи, Қарши 27 асрдан сўнг яна яшармоқда. Бу ҳам бўлса истиқлолнинг шарофати, Президентимизнинг эътибори ва кўмаги натижасидир.

Дарҳақиқат, воҳамиз кундан - кунга чирой очмоқда. Қарда тинчлик ва эзгулик ҳукмрон экан, у ерда бунёдкорлик, меҳр-оқибат, ярагувчилик ёғдулари оламни нурафшон этади. Бу мунавварлик истиқлолнинг нури тонгларига шуқуҳ ва ша-раф бағишлайди.





Тўлан Низом,  
Ўзбекистон халқ шоири

## ҲИКМАТ ДИЁРИ

Қашқадарё саёҳатномаси

Эй сен, азамат халқим,  
Эй сен, туғилган жойим!  
**Абдулла Орипов**

i

Қайдасан деб Қашқадарё,  
Бўздан йўлга чиқдим, танҳо,  
Эй бошига қўнган Хумо,  
Сенга таъзим айлаб келдим,  
Дил-дилимдан сўйлаб келдим.

II

Китоб деган туман бор экан,  
Оқшом юлдуз, ойга ёр экан,  
Чойхонаси “Мингчинор” экан,  
Арчазору ёнғоқзорни кўр;  
Кашқадардан зўр, Қримдан-да зўр.

Дил ўйғотди “Қайнар” булоғи,  
Созга тўлди шоир қулоғи,  
Дўмбиранинг йўқдир адоғи,  
Бунда ҳар дил экан зўр бахши,  
Достон айтур яхшидан-яхши.

Қашқадарё буралиб оқар,  
Оқдарёга Боботоғ боқар,  
Қирда лола аланга ёқар,  
Харсангларнинг тагида чашма,  
Бунда ёрқин нозу карашма.

Дилдан ният қилдим эрталаб,  
Пайдо бўлди руҳимда талаб,  
Ўз қалбимга ўзим ўт қалаб,  
Башир ота қабрин зиёрат-  
Айлаганда тўлиқдим ғоят...

Тандир янглиғ қизиди офтоб,  
Сояларда яъни сув сероб,  
Турли шарбат бунда экан боп,  
Хўплаб ичдим, роса ҳам қондим,  
Обижаннат экан, ишондим.

III

Шаҳрисабз – ям-яшил маскан,  
Гавҳаройлар шу жойда ўсган,  
Гул шохларин саралаб кесган,  
Тилларига қўнибди булбул,  
Дона-дона сўзлайди нуқул:

- Хуш келдингиз, марҳабо, меҳмон,  
Мана, очиқ баҳаво майдон,  
Темур бобом ҳайкалида жон,  
Гўё сизни англаб турибди,  
Қани сўзланг, тинглаб турибди?!

- Улуғ келбат, азиз маҳобат,  
Тенгсиз мардлик, ўчмас жасорат,  
Унда ишонч, энг олий ҳиммат,  
У эртани кўриб турибди,  
Бизни унга буриб турибди!

Кейин, ўтдим Оқсарой томон,  
Ай, пасайди юксак бу осмон...  
Пештоқларга термулдим ҳайрон...  
Фиштарига қўйдим юзимни,  
Бир дам енгил кўрдим ўзимни...



Мақбаранинг том айвонида,  
Хазрат Кулол ўнг томонида-  
Тарағайнинг қабри ёнида  
Уйга ботдим, имон келтирдим,  
Чўккаладим, секин ўлтирдим...

Аста туриб, қўйдим қадамни,  
Ичга ютиб ғамни, аламни,  
Уйлантириб қанча одамни,  
Кирдим тегиб дил ярасига,  
Жаҳонгирнинг мақбарасига.

Елкаларим эзиб оғир юк,  
Бор вужудим гўёки куюк,  
Юрагим-да чарх уриб дук-дук,  
Тушдим Темур хилхонасига,  
Бошим қўйиб остонасига...

Улуғбекнинг Жомъе биноси-  
Авлодларнинг тирик дунёси,  
Эшитилди улар нидоси,  
Абдулатиф тушиб эсимга;  
Оқпадар! – деб қайтдим изимга.

Анча юрдим пойи пиёда,  
Гўё бошлаб кетди шаббода.  
Бир донғил йўл чиқди зиёда,  
Одимларим кўчади енгил,  
Борган сари очилур кўнгил.

Ҳамроҳ бўлди битта нотаниш,  
Унга дедим: Бу йўл оройиш,  
Жавоб қилди ҳазилманд дониш:  
-Ҳа, дунёда йўл кўп, биродар,  
-Қанақа йўл, айтинг бир қадар?

Жуда қадим Шаҳрисабз-Китоб-  
Аро ўтган йўл узра офтоб.  
-Нечун? – дедим мен унга шу тоб.  
Деди: Шундан ўтган то Машҳад,  
Навоий ҳам бир неча муддат.

Насафийлар улғайган йўл бу,  
Авлодларга ёдгордир мангу.  
Жўра Турсун, Сойиб Усмон-ку,  
Зайниевга айтган неча бор,  
Буни атаб сўнмас ифтихор.

Сухбатимиз бўлганда адо,  
Қулоғимга келди зўр садо.  
-Бу нимадир? -Бу поезд ошно,  
Тошгузардан – Деҳқонободга-  
Қумкўрғондан нари Ҳиротга...

#### IV

Чошгоҳ эди. Кетдим Фузорга,  
Қоратикан – қишлоқ, гузарга,  
Тоҳир, Зухра ётган мазорга,  
Жигаримдан қон томчилади,  
Жафо мени хўп қамчилади.

Хиёбонга кирдим оҳиста,  
Ҳаяжонда, оловли ҳисда,

Кўл юзида тўлғонур пастда  
Тоҳир ётган чинорий сандиқ,  
Ичи тўла айрилиқ, андуҳ.

Боғ четида, супа устида,  
Икки қизил гулнинг қасдида,  
Бир қаро гул ништар дастида,  
Ошиқ-маъшук ўртасини ул-  
Тўсиб турар рашк айлаб нукул.

Нари ўтдим. Муҳташам айвон.  
Икки қабр турар ёнма-ён:  
Бири Тоҳир, бири Зухроҳон  
Ва оҳиста қилдим тиловат,  
Бор вужудим титраб аломат.

Яна юрдим гулзор оралаб,  
Шум рақибни сўкиб, қоралаб,  
Райҳон уздим. Дедим: "Бу матлаб!  
Қутлуғ боғнинг ижодкорига,  
Кўнгил мулкин халоскорига!"

Кўз олдимда юксак дарвоза,  
Маҳобатли, ажиб андоза.  
Мармар тошга қўйилмиш ёза:  
"Пок севгига қасида бу боғ,  
Ишқ эртаги бўлмади адоғ..."

Шу он, шоир сўзин эшитдим,  
Қулоғимга келди овози.  
Уни секин қоғозга битдим,  
Тақдирдан у эди рози:

"Қашқадарё-менинг юрагим,  
Қиндик қоним шунда тўкилди.  
Ўз юртимсиз, нечун керагим,  
Илк шеърим ҳам шунда тўкилди.

Отам жисми мана шу тупроқ,  
Онам хоки шунда муқаддас.  
Шул сабабдан эмасман мудроқ,  
Ҳар айтганим ҳақ, ҳеч ёлғон эмас.

Шул сабабдан ҳаётим шаъми,  
Икки шахсга суяниб қолдим.  
Улуғ Темур руҳим малҳами,  
Юртбошимиз қўлини олдим!

Кимки, юртин шарафлай олса  
Ва халқини кўтарса бошга.  
То умрбод иймонда қолса,  
Юз бураман ўша кўёшга!"

#### V

Деҳқонобод йўлидан  
Ўтганда Юртбошимиз.  
Елкасига бош қўяр-  
Осмонда кўёшимиз.

Баҳористон йўлида  
Оппоқ пахта хирмонлар.  
Байроқ тутиб ўтади  
Турна қатор карвонлар.

Майманокнинг йўлида  
Гул ўсади ранг-баранг.  
Севги йўлини топган  
Келин-куёвга қаранг.

Узун, текис йўлларни  
Йўлбошчимиз кашф этган.  
Амир Темур юртига  
Мангу ҳаёт бахш этган.

Мустақиллик йўлидан  
Юринг, дўстлар борайлик-  
Чаккамизга гул тақар,  
Қашқадарё чиройлик!

## VI

Салобати давру замоннинг —  
Шўртангазнинг чўнг минорлари.  
Лол қолдирди мендек меҳмонни  
Замонамнинг бу чинорлари.

Буюк иншоотнинг салмоғини кўр,  
Мамлакат белига боғланган камар.  
Эртани яратган халқ қалбида кўр,  
Жаҳоний зафардан ҳар дам хушхабар.

Тушдан сўнг отландим  
Таллимаржонга,  
Муаззам ГРЭС ёнида турдим.  
Муқаддам келганман бу биёбонга,  
Қайтмас ёшлигимни эслаб ўй сурдим.

Кун ботарда келдим. Секин ёйилди,  
Оқшом қанотлари қадим Қаршига.  
“Насаф” чойхонаси. Кўк чой қуйилди.  
Кейинчи май, кетдим фалак аршига.

Ўйларим учағон, тин билмас асло,  
Шамолдай тутиқсиз, нур янғлиғ асов.  
Хайратим кўпирди, йўқдир тасалло,  
Туйғулар кўзғолди, кетди бежилов:

“Неча юз йилларни кўрдим кафтимда,  
Шарқий уфқ аро Темур лашкари.  
Соҳибқирон ўзин айнан топдим-да,  
Ана, келаётир жанглар сарвари.

Довулни эслатур бу мустаҳкам саф,  
Ҳар ёнга чўғ сочар отлар туёғи.  
Тун ярим бўлганда сесканди Нахшаб,  
Кичрайиб қолганди ойнанинг ўроғи.

Гарчи Соҳибқирон йигитлари оз,  
Икки юз қирқ учта энг асил девкор.  
Улар хўп тобланган, оз бўлса-да, соз,  
Мисли темир бадан, абжир ва тезкор.

Қочарга жой топмай қилди талваса-  
Ёғий қўшинида ўн икки минг жон.  
Амир Мусо ақлин босди васваса,  
Яна Амир Темур голиби жаҳон!”

О, фикрим бўлинди. Бир қадимшунос-  
Деди: “Еркўргондир аслида бу жой.  
Нахшаб-Насаф демак, бу-ку тамал тош-  
Кебакхон яшаган, йўқ бўлган сарой.

Бобил, Эрон каби қадимдан-қадим,  
Хиндистон сингари бор ибтидоси.

Ўқуз дарёси дер: Етган қадамим,  
Мени бошлаб борган сувнинг Худоси!

Сўнг "Хаёт дарахти" кўкарган бунда,  
Алқисса, Чигатой уй қурмиш бир-бир.  
Спитамен ёвга ташланди шунда,  
Бостириб кирганда Искандар олғир.

Чингизхон босқини босароқ рўё,  
Тошлар ҳам сас берган, тупроқ уйғонган.  
Ерга ларза тушган, дарз кетган само,  
Насаф тўрт томони ўт олган, ёнган.

Ўтгач кўп асрлар, не-не замонлар,  
Қарши деб, ном олган қартайган кишвар.  
Келди, кетди қанча хонлар, хоқонлар,  
О, бугун ой янглиғ тўлишди шаҳар.

Бахт қушин тутди у ер-осмон қучиб,  
Икки минг етти юз йилни орқалаб."  
Сухбат ҳам тугади. Қуёш кўз очиб,  
Бир қизил гул отди менга эркалаб!

## VII

Шу замин фарзанди; шоир Хиромий,  
Фироқий, Фақирий, Равнақий номи-  
Ўчмагай, уларга эл эҳтироми,  
Улар ошиқ экан, мажнунвор экан!

Асил шоирларки бир-биридан хўп,  
Эл аро юришар бўлишиб тўп-тўп,  
Ҳар жойда халқ айтур: Манглайдан ўп-  
Абдулла Орифи улуғвор экан!

Ўтли илҳом билан сўзга моҳири-  
Қашқа тупроғининг азиз шоири,  
Қайнар булоқ бўлган қалб жавоҳири-  
Номи Жуманиёз ал Жаббор экан!

Ҳар жойда таниши улфат, ўртоғи,  
Дўстликда мустаҳкам билим, сабоғи,  
Осилмас ҳеч қачон бодом қабоғи,  
Нарзий шеърияти гул баҳор экан!

Жадид дунёсини айлади тафтиш,  
Уни енголмади муаммо, ташвиш,  
Фитрат, Чўлпонлардек, қилди у юриш,  
Бегали билгани пойидор экан!

Рустам Мусурмоннинг шеър-ашуласи,  
Ҳалқона айтувдан пишган калласи,  
Ёниб ёза берсин, келди палласи,  
Кундуз хумор экан, тун бедор экан!

Тиббиёт жабҳасин содиқ аскарни,  
Қўлдан-қўлга кўчар қанча асарни,  
Серқирра иқтидор белгиси бари,  
Шоир Жуманазар, шифокор экан!

Исмоил Тўхтамиш анда бош эрур,  
Мурод Абдуллани зўр сирдош эрур,  
Юлдузлари кўзу ҳилол қош эрур,  
Ижод майдонлари ҳосилдор экан!

## VIII

Умр ўтар шаббода,  
Кездим гоҳо пиёда,  
Руҳим этди зиёда,  
“Севинч ота мозори”.

Нурга тўлсин деб иймон,  
Етиб келдим ошиқон,  
“Султон Мирҳайдар» томон —  
Кетди йўлнинг озори.

Юзим ювиб сойига,  
Етиб келдим жойига  
Ҳазрати шайх пойига...  
Бунда умр бозори.

“Ҳажартепа” супаси,  
Коинотнинг тепаси...

Тўлиб шоир ўпкаси  
Тўкилди дилда бори.

“Хўжа Илим” даҳмаси,  
Фаришталар саҳнаси,  
Азиз руҳлар шарпаси -  
Ҳар кишининг борори.

Бу “Кўкгумбаз”, “Чоргумбаз”,  
Тўрамачит кам эмас,  
Лангар ота берур сас,  
Кучланур қалб мадори.

Сардобаларда сукут ...  
Ўқи дуои “кунут”,  
Сўнг дардингни ичга ют,  
Шудир юрак изҳори.

## IX

...Шеър дилларга ўрнашди демак,  
Тўхтамади гулдурос қарсак.  
Ҳаяжонга бўйсўниб бир-бир,  
Ўқир эдим сатрма-сатр.  
“Қашқадарё – куёш воҳаси,  
Табиатнинг ажиб лавҳаси,  
Жайдари ер-меҳнат ўлкаси,  
Офтоб силаб турар елкасин,  
Сахарларда тўрғай чулдирар,  
Тонгни сайроқ булбул кулдирар.  
Гоҳо булут чақмоқ чақади,  
Майсаларга тилло тақади.  
Мақтовлари сигмас таърифга,  
Шамол йўли: Шимолу Фарбга.  
Осмонторош ва букри Шертоғ-  
Эртақлари афсонавий боғ.  
“Сандиқли кўл” нарёғи чексиз,  
Ҳисор томон агар юрсангиз,  
Кўзни элтар кўркаман манзара,  
Бунда қушлар кўқда қарқара.  
Ҳаёлингиз қамраб, қилур ром,  
Шунда қолиб кетасиз, тамом.  
Йўғ-ей, қайтинг Нахшаб томонга,  
Изн бериб тоза имонга,  
Сахар вақти келинг Некўзга,  
Жилов солиб олинг-да, сўзга  
Ва, охиста мазорга юринг,  
Енгил қадам ташлаб, ултиринг.

Азизламиш бу ерни Худой,  
Турди Карвон қизи ётган жой-  
Тупроғида хикмат ва нақл,  
Кўкдан раҳмат ёғилур нуқул.  
Хўв, даҳманинг остида чўккан,  
Вужудини тупроққа тўккан-  
Ориф бува-шоир отаси,  
Эл бошчиси, қишлоқ каттаси.  
То қиёмат уйқуга кетган,  
Бу дунёни энди унутган.  
Нурга тўла у ётган қабр,  
Боиси шул: меҳнат ва сабр...  
Пичирлайди Некўзнинг лаби,  
Шеър айтмоққа мойил насаби.  
Шундай воҳа заволи йўқдир,  
Тимсоли йўқ, мисоли йўқдир.  
Шудир Улуғ Оллоҳ буйруғи,  
Туркнинг тўқсон икки уруғи-  
Истиқомат қиладур бунда,  
Қавмлари бутун очунда.  
Илҳоми чин ва каломи рост-  
Қашқадарё-Темурдан мерос!..

Ҳоким бува қўлимни тутди,  
Деди: “Мана, бир ҳафта ўтди,  
Бир соатга ўхшайди худди  
Анджонга биздан дуолар,  
Омон бўлсин дўсту ошнолар!”



## Куёш ўлкаси

Янтоқлар эриниб ўсган чўлларда,  
Асрий орзулари гуллаган халқсан.  
Мен иймон келтирдим қадим йўлларда,  
Яратган азалдан қўллаган халқсан.

Меҳринг ардоғида кўкарган гиёҳ,  
Сенинг умринг тилаб тасбеҳ айтади.  
Тупроғингга келган ҳар азиз сайёҳ,  
Сени тавоф қилмай қандай қайтади?

Эй куёш ўлкаси, нурли фаввора,  
Қайси қиёсингга топайин таъриф.  
Сенга таъзим қилсам арзир минг қарра,  
Фарзандинг бўлган-чун Абдулла Ориф.



## Амир Темури ҳикматлари

\*\*\*


“Салтанатим ишларини қонун-қоида ва интизомга солиб,  
салтанатим мартабасига зебу зийнат бердим”.

\*\*\*

“Менда бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч вақт унутмадим”.

\*\*\*

“... Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган  
бўлсам, бутун зеҳним, вужудим, билан боғланиб, битирмагунча ундан  
қўлимни тортмадим. Ҳар неки деган бўлсам, унга амал қилдим”.



Жумақул Қурбонов

## САРДОБА

Роман  
Иккинчи қисм  
(Журнал нусхаси)

Илон изидай буралиб-буралиб кетган карвон йўлида қум барханлари ўрта-сида, улкан сариқ ўтов янглиғ сув қалъаси-Сардоба олис-олислардан ҳам кўри-ниб туради. Чексиз саҳрода нотаниш манзилга кетаётган, ҳали олдинда не азо-бу ўқубат, не роҳату фароғат борлигини билмаган, аммо, шу тақдир битигини излаб сабот ва матонат ила йўл босаётган йўловчиларга Сардоба нажот қалъа-си янглиғ умидбахш ва пойидор бўлиб, ўзига чорлайверади.

Узундан-узоқ, ялдо кечасидек, совуқ ва бадваҳима, ҳар йилгидан кўра қаттиқ ва бешафқат қишни бошидан ўтказиб, кўкламнинг илиқ кунларига зўрға туртиниб-суриниб етган бу карвоннинг йўловчилари ҳолдан тойган эди. Аччиқ ичакдек чўзилган қиш кунларида кўриниш бермай, жамолига муштоқ қилган офтоб бирданига чимматларини юлиб отиб, ўзининг нурларини саҳро узра ёйди. Замин уйғона бошлади. Баҳор яланғоч саҳрони безатишга киришди. Увада чопоннинг осилиб турган лахтақларидек қумтепалар узра чучмоларни, лолақизғалдоқларни, анвойи ҳидларга тўла чўл гиёҳларини сочиб юборди. Кар-рақлар, қушқўнмаслар гуллади.

Саксовул шохларини серсув нина баргчалар яширди. Саҳрога ҳукмронлик қилишда саксовулга даъвогарлик қиладиган чидамли ва серуруғ юлғунлар тез-да уйғониб, яланғоч таналарини бир зумда камалакранг жилога ўраб ташлади. Яшил барг чиқариб улгурмай улар гуллайди, бири напармон, бири қизғиш ва яна бири эса жигарранг тус олди. Саҳро боласига термулаётган онадек меҳри-бон бўлади.

Кейин саҳрони қоқ иккига бўлиб ўтган, қишда ҳам, ёзда ҳам жилдираб-жилдираб оқадиган, оқа-оқа саҳро қумларига сингиб кетадиган Қашқадарё уйғонади. Оғир жангдан сўнг чарчаб ухлаб қолган ва ухлай-ухлай баҳордан тиниқиб уйғонган баҳодирдек қулочларини кенг ёйиб керишади. Вужудида ту-ганмас куч сезиб ўйноқлай бошлайди. Олдин тиниқ, зилол сувлари хира торта-ди. Кейин аста-секин дарё суви кўтарила бошлайди. Айна қизғалдоқ гуллади, саҳро қип-қизил алвонга бурканганда, дарё суви бўтанадан-бўтана бўлади. Қизғалдоқдек қип-қизил бўлади. Бунини қизғалдоқ суви дейдилар. Қизғалдоқ сувини минг дардга даво дейдилар. Уни кўзларига тўтиё қилиб суртадилар. Асрларки, шу саҳрода яшаб, унинг қаҳрига кўниб, меҳрига қониб у билан бирлашиб, бир жону бир тан бўлиб ҳаёт кечираётган бу чорвадор элнинг ёзи, қиш қаҳрини энгишга қувват йиғадиган палласининг баракаси ана шу қизғал-доқ сувига боғлиқ. Сув мўл бўлса қип-қизил бўтана, лойқа бўлса, тўқайзорлар-га кўпроқ ёйилса, олиб келаётган лойқасини шу тупроққа сингдирса, ёз бара-кали келади. Тўқайзорда ўт мўл бўлади. Тошқиндан сўнг, юлғунлар чопилиб, очилган ерларга тилими тилни ёрадиган лалми қовунлар экилади. Ҳар бир дони ловияга нисбат берадиган буғдой бўлади. Элнинг чорваси семиз келади. Қиш бўйи дастурхондан оғизда эриб кетадиган қовун қоқи-ю, тўрвуз шинниси аримайди. Қозони мойга, омборхонаси донга лиқ тўлади.

Бўй етган, оҳудай ҳуркак ва офатижон саҳройи қизлар, қизғалдоқ сувига мириқиб чўмиладилар. Бу сувга чўмилган қизларнинг юзлари қизғалдоқдек қизил бўлади.

Саҳройи йигитларнинг чайир ва паҳлавон келбат бўлишининг, қизларининг

эса чаққон ва дуркун бўлишининг, сахро баҳори янглиғ анвойи гўзал бўлишининг сири балки шундадир?!

Ун беш, йигирма кундан сўнг баҳор қандай шошиб келган бўлса, шундай ошиғич кўч-кўронини йиғишга чоғланади. Офтоб сахро баҳорига ошиқ бўлиб термулади. Узоқ қараб қолади. Қуёшнинг ишқи саҳрони куйдира бошлайди. Унинг ишқи ўт-олов бўлади. Маъшукани бу ишқ бир зумда куйдириб қовжира-тиб ташлайди. Қуш уйқусидек бир лаҳзалик умрида томир отишга, гуллашга ва ўзидан насл қолдиришга уагурган анвойи гиёҳлар қуриб, қовжираган хасга айланиб қолади. Саҳронинг мулоим тароватидан асар ҳам қолмайди. Офтобнинг тафтидан унинг кўксига ухлаб ётган аждад уйғонади. У наъра тортади, ўкиради. Сахрода оташ нафас кум бўронлари бошланади.

## I

...Карвон йўлга чиққанда ҳут охирлаб, ҳамал амалга кираётган, офтоб кучсизгина бўлсада иситиб, тарновлардаги сумалаклардан кўзёш мисол шашқатор томчилар томчилаётган эсада, ҳавода қишнинг аччиқ захри сақланиб турган эди. Ер совуқ, ҳали уйғонмаган эди, лекин қиш оддингилардек оппоқ қорга сероб бўлмайди. Қон янглиғ қип-қизил бўлди. Бу қизил қишнинг забтидан ингичка узилиб, йўғон чўзиладиган, илик узилиди палласида бир эмас, икки эмас, бутун Қорабоғ қишлоғи узилиди. Кун озроқ илиб, бадқовоқ осмондан булутларни ҳайдаб офтоб чарақлаган илк кунларданоқ қишлоқни ташлаб, Қашқадарё бўйларига оддинроқ келиб жойлашган ҳамқишлоқларини қора тортиб йўлга чиқдилар.

Куни билан юрган йўловчилар, кечга бориб, лоҳас бўла бошладилар. Айниқса, болалар кўп қийнақдилар. Офтобнинг тиғи тушган жой борки, қизариб, олов бўлиб ёнарди. Иситмалаб ётган болалар тинмай сув сўрашар, қуруқшаб қолган, ёрилиб пўст ташлаган лаблари гапга зўра қовушиб, илтижо қилардилар: «Сув!» «Сув!» «Сув!» Бу гўдакларнинг кўзларида сўниб бораётган ўтни кўриб, кўл қовуштириб ўтириш кўп азоб эди. Ҳасан ака чидаб тура олмади.

—Туринглар, кетдик. Ўтирган билан бу атрофлардан сув топиб бўлмайди. Юрсак, тонг отгунча Сардобага бориб қоламиз. Оёғида мадори борлар пиёда юрсин, кексалар ва болаларни, касалларни уловларга чиқаринглар. Бундай ўтирaversак, шу ерда қолиб кетамиз.

Ҳасан аканинг ҳам оддинги кўринишидан суратигина қолган. Тилаб-тилаб олган ёлғиз фарзанди Ғайбулланинг савдойиларча уйдан чиқиб кетгани, белини буккан бўлса, кампирининг қишдан чиқолмай қазо қилгани уни синдирди. Энди у кетмони зарбидан ер титрайдиган забардаст Ҳасан ака эмас, бели букилиб, соч-соқоли оқарган Ҳасан бува бўлиб қолганди. Инсон очликка чидаши мумкин, жароҳат, яралар азобига дош бериши, ҳорғинликка чидаб йўл босиши мумкин, аммо сувсизликка чидолмас экан. Оч-наҳор юриб, аста-секин бўлсада йўл босган карвон, сувлари тугаши билан жойидан жимай қолди. Қадамлари ортига кетарди гўё. Ҳалиям тун бироз салқин эди. Бўлмаса, чанқоқ ҳисси ўн баробар ортарди. Карвон ойдин тунда ҳорғин йўл босарди... Карвоннинг энг охирида ажралиб қолган Абил осмонни тўла эгаллаб турган тўлин ойга термулганича ҳиққиллаб, йиғламсираб келарди.

- Ойси, Ойси, мени эшитдингми? Ойси, бир қултумгина сув берақол — деди у кўзёшлари қуриб қолган кўзларини ишқалаганча. - Гардаккина бўлса ҳам сув берақол, ўлаёзим-ку?

У йиғламсираганча ойга умидвор термулар, қақраган томоқларидан унинг ноласи хириллаб чиқарди.

Йиғласанг, кўзёшинг билан бирга ичингда патос боғлаған қайғу-ғаминг тўкилиб, дардинг бироз пасайгандек, руҳинг сал енгиллашгандек сезасан ўзини, аммо йиғласангу кўзингдан еш чиқмаса, дардингга дард қўшилади. Руҳинг чўкиб қолгандек бўлади. Гарчи овсар, тентакнамо бўлса-да, суви қочган қоқ нондек тараша бўлиб кетган танасидан, кўзёш бўлишга арзигулик икки томчи сув топмаган Абилнинг дарди-дунёси қоронғу бўлиб кетди. Энди у бир қултум сувни ўйламади. Эсидан чиқарди. У ўлишни, кейин енгил бўлиб Ойсининг ёнида ойда учиб юришни истади. Карвоннинг охирида келаётгани учун йиқилганини ҳеч ким сезмади. Абил гандираклаб қумга қулади. Қайтиб ўрнидан турмади. Жимгина қумни кучоқлаганча ётаверди. Бу пайтда, олисда, шарқдан қуёш бош кўтаришга чоғланаётган, карвон имиллаб бўлса ҳам узоқ-узоқларда бўй кўрсатиб турган Сардобага яқинлашаётган эди.

## II

Том устида ойга термулиб турган Ғайбулла сесканиб кетди. Олисдан, ой чиққан томонлардан нола келди. Ўртаниб-ўртаниб йиғлаётган маъсум қизнинг

ожиз йиғисини эшитгандек бўлди. Йиғлаётган ким? Ким бўлса-да додини ҳеч ким эшитмаган, арзини кимга айтишни билмаган, ўзидан бошқа эшитувчи, қалбидан бошқа дардкаши бўлмаган маъсума ва ҳур қиз эди.

— Файби, — дея гингшиди, ҳамиша ёнида ҳозир у нозир Абил,

— Файби, қара Ойси йиғлаяпти!

Абилнинг кўзиде ёш гилтиллади. Файбулланинг юраги гаш бўлди. Қоп-қора заминни тарк этиб оппоқ ойдан макон тутган, ойданда сулув қиз-Ойсулув йиғлаяпти. Унинг маҳзун овози ойдинда ой нурлари ила заминга тараларди. Хилват жойларгача етиб турарди. Бу нурлар Файбулланинг хароба юрагига кириб борди.

— Ойсулув, Ойсулув, нега йиғлаяпсан?

— Сиздан айро тушганимга!

— Сен ёруғликка бординг. Мен эса зулматда қолдим. Сен эмас аслида мен йиғлашим керак.

— Сиз учун йиғлаяпман Файбулла ака! Сизсиз бу ёруғлик зулматдан-да қора кўриняпти!

— Мен бораман! Мен сен томонга шошяпман Ойсулув. Сен менинг чароғбоним эдинг. Сенсиз бу дунё зулмат. Мени олиб кет Ойсулув!

— Сиз нега менинг хатимни ўқимаяпсиз?

— Сенинг хатингни ўқишга мадор қани Ойсулув?! Унга сенинг нафасинг ўтириб қолганини, унинг ичида сен яшаётганингни била туриб, сенинг сўнги кўзёшларинг томган бу мактубни очишга менда журъат қани, қувват қани?

— Сиз уни ўқинг Файбулла ака!

Ой ботди. Ой билан Ойсулув ҳам кетди. Файбулла ой ботган томонга узоқ вақт армон ва ўкинч билан термулиб қолди. Кўкрагини пайпаслади. Нақ юрагининг устида Ойсулувнинг мактуби турарди. У мактубни қўлига олди. Қўллари куйиб кетгандек бўлди. Оҳиста ўрnidан туриб пастга тушди. Уйига кириб шамни ёқди. Шамнинг ёнига жойлашиб ўтирди-да, Ойсулувнинг ўзиданам камсуқум ва бежирим ҳарфлар билан бинафшаранг сиёҳда битилган мактубни ўқий бошлади...

"Файбулла ака, бу ерда ёзаётганларимни сиз, албатта, мен кетганимдан кейин ўқийсиз. Ундан олдин ўқисангиз мен сиздан рози эмасман.

Мен сизни яхши кўрардим Файбулла ака! Мен ҳалиям сизни севаман. Мен энди бу сўзни айтишдан уялмайман. Мен сизни севганим учун ташлаб кетяпман. Одамнинг исми, унинг тақдирини ёзугини кўрсатар эмиш. Дарҳақиқат мен ўша машғум тундан бери тушларимда ойни кўраман. Ойнинг оппоқ қанотларида сузаман. Ойнинг ойдин нурларида чўмиламан. Олдинлари ойга шунчаки ҳа, энди ойда деган назар билан қарардим. Осмонда кундузи кўёш, кечаси эса ой ва юдузларнинг бўлиши оддий ва табиий бир ҳол деб эътибор беравермасдим, аммо мен энди заминга эмас, ойга тааллуқли эканимни, ой менинг исми-да ҳам, тақдиримда ҳам бирламчи ўрин тутишини ҳис этдим. Ҳар тун ой мени қошига чорлайди. Чорлайверади. Файбулла ака сиз мени соғинсангиз, суҳбатимни қумсангиз ой тўлишган тунлар унга боқинг. Ойсулувингизни энди ойдан изланг. Мен ҳам сизни соғинганимда ойдин тунда ой нурлари билан хонангизга кириб келавераман.

...Мен, аслида, сизга ой ҳақида сўзлаш учун мактуб ёзаётганим йўқ. Мен нега сизни ташлаб кетаётганлигимни тушунтирмоқчи эдим. Мен ўша машғум тундаги, олачалоқ тушдай даҳшатли воқеани айтиб беришим керак. Аммо, айтолмайман. Қалам кўлларимдан сирғалиб тушиб кетаверади. Аммо, мен эртага сизнинг дунёнгизда бўлмаслигимни, бугун бор гапимни сизга айтмасам, кейин кеч бўлишини билиб, қанчалар оғир туюлмасин, мазкур мактубни сизга ёзишга қарор қилдим. Мен, аввало, бошимга тушган барча кулфатларнинг сабабчисини отам деб билардим. Шундай одамнинг қизи бўлиб туғилганимга пўшаймон эдим. Аммо фарзанд ота-онани танлай олмайди. Бу ҳаммаси Оллоҳнинг иши, ҳар неки бўлса тақдирнинг битгани бўларкан. Отамнинг биттагина хатоси: арзимаган қурумсоқлиги учун хонадонимизга балонинг офати ёғилди. Бугун бу сўзларни ёзарканман, шу битта хатоси учунгина эмас, балки умри давомида қилган гуноҳлари, бегуноҳ одамларга ўтказган жабр-зулумлари гуноҳларининг ажрини мен ҳам тўладим. Отам мол-мулки ва жони билан гуноҳини ювган бўлса, мен ёшлигимни, гўзал орзу-умидларимни, муҳаббатимни қурбон қилдим. Отамдан ўн саккиз йил давомида заррача меҳр кўрмадим. Бирор марта "Жон қизим!" деб бағрига босганини эслай олмайман. Аммо, мен шундай ҳолида ҳам отамни яхши кўрардим. У менга қанчалар бемеҳр бўлса, мен унга шунчалар қаттиқ меҳр кўярдим. Отам тентак бўлса ҳам, савдойроқ бўлса ҳам Абилни яхши кўрар, ҳар доим тиззасида олиб ўтирарди. Менинг ҳам отамнинг бағрида эрканангим, кўркам соқолини сийпалагим келарди. Отам менга ҳам ширинликлар, совгалар олиб келса, дердим. Шунда ҳам уларнинг барини Абилга



берардим. Аммо отам бундай қилмасди. У бозордан келганда Абил билан чошиб чиқардик. Абил тап тортмасдан унинг бағрига отилар, мен эса, гўё етимча, ёхуд отамнинг ўтай қизидек журъатсизгина бир четда мунгайиб қараб турардим. Лекин, барибир, уни яхши кўраверардим. Бир кунмас-бир кун қизим деб, бағрига босади, деб ишонардим. Айтганим келди, лекин жуда кеч... Отам мени бутуналай унутиб юборган, мен билан, менинг ҳаётим билан мулақо иши йўқ деб ўйлагандим. Янглишган эканман. Оллоқулбойникига совчилар келди. Шунда, отам ўзининг ҳам бўй етган қизи борлигини эсига олади. Совчилар сизни кидан келишганди. Бу хабарни Қамарнисо янгамдан эшитиб, гўё эртага тўй бўлиб, сизнинг дийдорингизга тўядигандек, ҳижронзода кўнгил висолга етишадигандек қувонардим... Аммо, ўртамизда тафовут борлигини, мен осмонни кўзлаган Оллоқулбойнинг қизи-ю, сиз камбағал Ҳасан аканинг ўғли эканингизни унутибман. Бироқ, шунча йилдан бери қизи борлигини, у ҳам ўз боласи эканлигини, унинг ҳам кўнгли борлигини, у кўнгил бир чимдимгина ота меҳрига зорлигини унутган отам бу тафовутни унутмаган экан. Отам мени яхши кўрмайди, мендан кутилиш учун совчиларга "Ҳа!" деб юборса керак, деб ўйлагандим. Яна, сизнинг элга машҳур ҳофизлигиниз ва яна, отангизнинг ҳалоллиги, бой бўлма-са-да, обрў-эътиборли одамлигини, яна, охир-оқибат, қўшничилигимизнинг иззатини қилади деб ўйлагандим. Хом ўйлаган эканман. Димоғи баланд отам бу вазларнинг барига тупурди. Камбағал қўшни билан қудачилик қилишга орланди. Ўша куни отам қотимни қайирди, аммо, умидларимдан айира олмади. Бир кунмас-бир кун сизнинг келишингизни, мени бу хонадондан олиб кетишингизни кутиб яшайвердим. Уйимизга яна кўп совчилар келишди. Отамнинг рад жавобларини эшитиб шодландим. Отам ўзимиз даражамиздаги одамга берамиз, деб ҳаммасини қайтараверди. Аммо, отам ўзини шундай сезардики, унинг даражасидаги одам фақатгина Бухоро амири эди, аммо амирнинг хотинбозлиги, ҳарамини ёш қизлар билан тўлдиришга ишқибозлигини эшитиб, юрагим орқага тортиб кетарди. Иш шундай давом этаверса, отам бирон мансаб ё бойлик илнжида мени унга тортиқ қилиб, амирга қайнота бўлишдан ҳам қайтмайдиган одам эди. "Амир тахтдан қулабди" деган хабарни эшитиб, елкамдан тоғ ағдарилгандек бўлди. Шодландим, аммо, бекор қувонган эканман. Амирнинг қулаши хонадонимизга қувонч эмас, қайғу бошлаб келди. Фарёду нола олиб келди. Амир тахтининг қулаш шамоли сизнинг, менинг ҳам бахтимизни учуриб кетди Ғайбулла ака! Ўша куни дарвозамиз тақиллади. Тўғри, кейинги вақтларда дарвоза бот-бот тақиллайдиган бўлиб қолганди. Кунора қатнаётган совчилар, олис-яқиндан келаётган отамнинг ҳамкорлари, чўлдан қайтган чўпонлари ва яна қарз сўраб келгувчилар дегандек, аммо, бу тақиллаш уларнинг ҳеч бирига ўхшамасди. Мен яна бирон-бир совчилар бўлса керак деб ўзимни ичкарига олдим. Шунда, уларнинг қаттиқ-қаттиқ овозларини эшитдим. Улар бу ерлик эмасдилар.

Туркман лаҳжасида сўзлашардилар. Кейин Қоплон вовулади. Ўқ товуши эшитилди. Ит қаттиқ вангиладию жимиб қолди. Шунда, мен уларнинг дўст эмасликларини сездим. Ташқари ҳовлидан отамнинг сўкинганини, онамнинг қарғаниб йиғлаганини эшитдим. Улар уйимизни зўрлик қилиб эгалладилар. Кейин, онам мен билан Қамарнисо янгамни эски-туски нарсалар сақланадиган кўздан пана чет ҳужрага қамаб қўйди. Қароқчилар эса, ҳаливери кетай демасди. Қамарнисо янгам қамалганимизнинг учинчи куни қорни оғриётганини баҳона қилиб, дарчадан осилиб ташқарига чиқди. Қайтиб келганида кўзлари сирли ёнарди. Кейинги кун кечроқ яна чиқди. Бу сафар жим ўтира олмади. Юраги ҳапқирганча жумлаларни узун-юлуқ айта бошлади.

- Ташқарида бир гўзал йигитни кўрдим. Йигитмисан, йигит экан ўзиям! Кўзлари ёнади. Кўриб юзимни бурдим. Мен нима қилай, ахир? — Кўзлари ёшланди янгамнинг. Акангизни уйлантириб нима қилардингизлар? У хотин не эканлигининг маъносини билмаса?! Мен ҳали ёшман, ўйнаб-кулгим келади, ахир! Мен ҳам аёлман-ку?

Шундагина унинг паршонхотирлиги, эркак овозини эшитса, бошқача бўлиб қолишининг сабабини англагандек бўлдим. Шунда билдим, отам битта мени эмас, балки янгамнинг ҳам бахтини қара қилган экан.

Кейин... Бу ёғини ёзишга қалам оғирлик қилаяпти. Буни агар мен тирик юрсам ҳеч ким эшитмаган бўларди. Бу сўзларни айтгучи тилларимни кесиб ташлаган бўлардим. Аммо бу тавқи-лаънатни умрбод қўтариб юра оласлигимни англаганимдан яна сизнинг Ойсулувингиз қандай хўрланганини, ой қавмидаги суюклигингиз қора ердан-да тубан бўлганини, ойдаи юзига қора چاپланганини сиз билишингиз керак.

... Кейин биз яширинган ҳужра яқинида гангур-гунгур овоз эшитилди. Қамарнисо янгам типирчилаб қолди. Эшикка қапишиб қулоқ тутди. Икки қароқчи эшикни тепиб кўрдилар. Бўлмади. Кейин қасур-қусур қулфни нима биландир

ура бошладилар. Шунда, онамнинг йиғламсираб ялингани эшитилди. Онамни улоқтириб юборди, шекилли, ожизгина инграб, овози тинди, Қулф зарбга дош беролмай ерга тарақлаб тушиб' эшик ланг очилиб кетди. Мен ўзимни қоронғи бурчакка урдим. Қамарнисо янгам турган жойида қолаверди. Бири кира солиб уни маҳкам ушлади. Иккинчиси эса мен томонга бостириб кела бошлади. Шунда, ўзим билмаган ҳолда, "Отажон!" деб чинқириб юбордим. У эйтибор ҳам бермай қўлимдан ушлади. Қўлларимни омбурдек сиқиб ушлаб, эшикка қараб судрай бошлади. Сўнгги умидда яна отамни чақирдим. Шунда оппоқ соқолли, оқ ятакли қария ҳаллослаб кириб келди. Кира солиб, давангирнинг бошига болта билан туширди. Қароқчи мувозанатини йўқотиб, ерга йиқилди. Чол менга талпиниб "Қизим!" деди. Шундагина отамни танидим. Довруқли, дабдабали Оллоқулбойдан асар ҳам қолмаган. Шарти кетиб, парти қолган қарияга айланган отам қўлидаги қонли болтани ҳамон сиқимлаб ушлаганча: "Қизим, жон қизим!" дерди. Мен бутун умр отамнинг тилидан илҳақ бўлиб кутган шу икки калима сўзни тим-қора ҳужрада, мурда ётган қоронғуликда илк бора эшитдим. Шунда ўртамизда жирканч мурданинг борлигини ҳам унутиб унга талпиндим. Отамнинг қўлидан болта тушиб кетди. Отам мени бағрига босди. Унинг қўзларидан ёш қуйиларди. "Қизим, мени..." охиригача айтолмади, қалқиб кетди. Боши елкамга шилқиллаб тушди. Секин-секин танаси сирғалиб қулай бошлади. Ушлаб қололмадим. Отам чалқанчасига йиқилди. Йиқилиш зарбидан тиғи курақлари остига ярмигача ботиб кетган ханжар сопиғача кириб кетди. Оппоқ яктаги қип-қизил қонга бўялди. Соли сардор деган мараз ҳайвондан ҳам баттар экан. Отамнинг, яна бир қароқчининг ўлигини босиб менга чанг солди. Менга ёрдам берадиган отам номусимни ҳимоя қилиб жон берганди. Энди "Ғайбулла ака!" деб дод солдим. У мени судрай бошлади. Яна сизни йўқлаб нола қилдим. Сиз келмадингиз, сиз мени эшитмадингиз Ғайбулла ака! Сиз учун асраганим, сизнинг йўлингизга нисор бўлишни орзу қилганим-иффатим бир тўнғизнинг қўлида поймол бўлди. Соли сардор отли бу тўнғиз мени ер билан яксон қилди. Сиз кечикдингиз, сиз етиб келмадингиз, Ғайбулла ака! Сиз тоза йигитсиз, Ғайбулла ака! Сиз ўз иффатини йўқотиб ҳам тирик юрган Ойсулудван нафратланасиз. Мендан юз ўтирасиз. Мени эслашни ҳам истамайсиз. Мен сизни умидвор қилгандим. Мен сизни севаман деб ишонтиргандим. Сиз ҳам менга ишонгандингиз! Аммо, сизнинг омонатингизга хиёнат қилдим. Уни асрай олмадим! Муҳаббатимиз тоза эди. Булоқ сувидек зилол, соф эди. Шу сувга ит тумшугини тикди. Энди у сув ҳаром бўлди. Жонимни қурбон қилиб бўлса-да, итни яқинлаштирмаслигим керак эди. Мен ўз вақтида ўла олмадим. Ўзим ўлсам-да, севгимизни пок сақлашим керак эди. Энди, худди сиз каби кечикиб кетяман, Ғайбулла ака! Мен сизга юрагимдаги борини тўкиб солдим. Мени соғинсангиз, сўзлашгингиз келса ойга боқинг! Мен ойдан туриб сизни кузатаман! Мен ойдан туриб ҳам сизни севавераман! Алвидо!"

### III

Ғайбулла бедарак кетганидан сўнг, Ҳасан аканинг кафтдаккина ҳовлиси ҳувилаб қолди. Ҳамма жойни қидирди. Қидирмаган жойи қолмади. Аммо, яккаю ягона ўғлини кўрдим деган одам топилмади. Қаерда бўлса ҳам соғ бўлсини аммо ортидан бўзлаб қолган онасига бир оғиз билдириб кетса, асакаси кетармиди бу нобакор боланинг!

Эҳ, кўнглида не орзу-умидлари бор эди Ҳасан аканинг?! Шу йил, тирамоҳда Ғайбулланинг бошини икки қиламоқчи, тўй бериб, эл олдидан ўтмоқчи эди. У элнинг ошини кўп еган. Тўйларда бой бўлмаса-да, элнинг оқсоқоли бўлмаса-да, ҳалол, покизалиги, баъъманлиги учунми, эл унинг иззатини қилиб тўрдан жой беради. Маслаҳатига қулоқ тутлади. У ўзини элдан қарздор деб билади. Эл хизматидан бўйин товламади. У тенгилар қўша-қўша фарзанд кўрди. У ҳам фарзанд кўрди. Турмади. Абдуллеси бир яшар бўлганида, Хайруллеси бир ярим ёшда, Лутфия кизалоғи уч яшар бўлиб бийрон тил чиқарганида ўлиб кетишди. Фақат пешонасига Ғайбуллагина ўзига қолди. У фарзанд доғида куйиб юрганида, у тенгилар ўғилларига тўй қилдилар, улоқ чопиб, қураш қилиб, тўй бердилар. Унинг кўнглида армон болалади. Энди у ҳам Ғайбуллага тўй бераман деб, топган-тутганини уйга ташиётган пайтда, олдин ўз болалари доғида, кейин неваралари доғида куя-куя бир сиқим кул бўлган онаси чин дунёга рихлат қилди. Болаларини худо берганиди, яна қайтариб олди. Лозим топса, яна беради, деб ўзига ёлғон таскин берганди, лекин, онасини ўлади деб ҳеч ҳам ўйламаганди. Тўйни орқага қолдирди. Ниҳоят... Етти ёшга кирган Ғайбуллага суннат тўйини қилиб берди. Ҳисоблаб кўрса, шунга ҳам ўн етти йил бўлибди. Разм солса, дуркиллаб юрадиган, ерга урса кўкка сапчийман дейдиган, олов жувон бўлган хотини ҳам ҳилвираб, ҳалимдеккина кампирга айланибди. Тенг-

дошлари ҳали қирчиллама йигит бўлиб юришибди. Мана, Аҳмад, бирин-кетин олти ўглини уйлантирди. Энди, ҳар йили тўй бериб, невараларини суннат қиялпти. Катта ўглидан бўлган бош невараси улғайиб, йигит бўлиб қолди. Эртаиндин уни ҳам уйлантирса, чеварали бўлади. Мен-чи... Аламли ўй бағрини тирнаб ўтди унинг. Мен бўлса пешонамга биттан яккаю ягона фарзандни эплаб йўлга соломдам. Уйли-жойли қилолдам. Бўлмаса, уйини тахт қилганига анча вақт бўлди. Хотини Файбулла сал эса кирганидан бери латта-путта йиғадди, сеп тўплайди. Ўзи ҳам Файбулланинг тўйига деб нари-бериси ўн йилдан бери йиғинади. Шу йил кузда тўйини ният қилганди. Аммо, куз сариқ девдек сарғайиб балойи офат бўлиб келди. Қуда бўламан деб ниятлагани, қўлини қайтарган, кўнглини қолдирган бўлса-да, Оллоқулбой гумашталар кўлида ўлим топди. Келин қиламан деб орзу этгани -Ойсулув бир қулоч арқон билан кетди. Ойсулувнинг онаси эса, эри билан қизининг доғида куйиб кетди. Дунёда қиз узатгувчи битта Оллоқулбой эмас, дунёда қиз ўстирган битта унинг хотини эмас! Дунёда Файбулладай йигитга ёр бўламан деган шу битта бойнинг қизи - Ойсулув эмасдир, ахир! Аммо, унинг ўғли битта, тилаб-тилаб олгани Файбулла битта! Шу биттаю битта ўғли ҳам пешонасига сигмадимиз энди? Ойсулувдан бошқани билмайдиган, унинг номидан бошқа номни эшиттиси ҳам келмайдиган қайсар ўғил ҳам бедарак кетди. Тирамоҳни саргайтирган бало фақат Оллоқулбойнинг маҳобатли қўрғонига келмаган экан. Ҳасан ақанинг мўъжаз ҳовлисига ҳам селиб кетган экан ажал уруғини. Бу балои офат унинг ҳовлисига ҳам ниш урди. Аввал ўғлининг ақлу ҳушини ўғирлади. Йўлларда сарсону саргардон, дарбадар қилди. Кейин, хотинини тўшакка михлади. Ешлигида фарзандлари турмай куйган хотини, қариганида ҳам куйди. Ёмон куйди. Уйга кирсада, чиқсада мўлтиради. Илтижоли кўзлари билан жовдираб қаради. Файбулладан хабар кутди. Кута-кута толиқди. Кунлари шундай интизорликда ўтди. Шундай илҳ-ақликда куз ҳам ўтди. Бир зумда қиличини қайраб қиш ҳам келди. Тирамоҳ сариқ дев қиёфасида келиб сариқ оловини пурқаб кетган бўлса, қиш қизил дев тимсолида келди. Қизил олови билан бутун қишлоққа ўт қўймоқ забтида келди. Ҳали дарахтлар баргини тўкмай туриб, изғиринлар бошланиб кетди. Қиш билан келган қизил девнинг қаҳридан гўё дунёга ўт кетгандек бўлди. Элнинг фиғони фалакка ўрлади. Боиси, қизил дев ҳамманинг хонумонига қизил олов пурқади. Қишлоқ куйди. қишлоқ харобазор бўлди. Қишлоқ бойқушхона бўлди. Биргина қор тушиб, кунлар совуган кунда, қишлоққа қизил туғ кўтарган элик чоғли отликлар кириб келди. Уларнинг тиллари бўлак бўлди. Гулдир-гулдирларини ҳеч ким англамади. Уларнинг ичида Шариф сўтак ҳам бор эди.

Шариф сўтак дегани қишлоқдаги энг танбал одам эди. Ерини янтоқ босган, уйининг томи сувалмаганидан ёмғир чаккалари тинмасди. Кунини тиниб-тинчимас хотинининг топгани ҳисобига ўтадиган Шариф сўтак қишлоқдаги энг ночор, қамбағал одам эди. Бухородан амирни қувганлар қамбағаллар ҳукуматини тузибди деган хабарни эшитиб, пойи-пиёда Бухоро сари йўлга чиққан ва қораси ўчиб кетганди. Шу кетишда элик чоғли бадқовоқ, бегона тилда сўзлашувчи қуроли отликлар билан қайтиб келибди. Ўзи ҳам ҳамроҳлари каби ғалати кийиниб олган эмиш. Шариф сўтак ҳамроҳлари билан тўғри Оллоқулбойнинг уйига қўнибди. Эй мусулмонлар бошинг осмонга етса ҳам оёғинг ердан узилмасин экан. Элдан чиқма экан. Оллоқулбойнинг оёғи ердан, ўзи элдан узилган эди. У ўзини элдан баланд тутиб, қўрғонини элдан икки баробар баланд қилиб солган эди. Шу боис, катта йўлдан ўтган ит ҳам, бит ҳам энг аввало, шу қўрғонни кўрарди. Унга кўзи тушган ўнта одамдан, албатта, биттасининг ғайирлиги келарди. Биродарлар, мол-давлатинг Ҳорунникидек бўлса ҳам, томингни эл қатори қилиб қўр экан. Боиси, баланд томга ишқибоз кўп бўлар экан... Келганлар эли Оллоқулбойнинг қўрғонига йиғди. Қўрғоннинг ҳамма жойига қизил алвон уриган, алвонга алланималар ёзилган эди. Оллоқулбойнинг болаҳонасига бир таёқ қоқилиб, бир парча қизил латта осифлик бўлди. Эл билдики, амир қонхўр экан, эл яна билдики, бекар ҳам, бойлар ҳам текинхўр экан. Энди, амир йўқ бўлганмиш, бекарда йўқ бўлганмиш. Қишлоқ шўро бўлармиш. Шўрога раис Шариф сўтак бўлармиш. Шариф сўтакка худо берди. У элнинг бошига битган бало бўлди. Авваллари эл уни одам ўрнида кўрмаган эди. Маъракага чорламаган эди. Давраларга қўшмаган эди. Шариф сўтак Оллоқулбойнинг ичкарасини ўзига ҳовли қилди. Кўчиб ўтди. Ташқари-сидаги меҳмонхона шўро идораси бўлди. Отлик аскарлар бир ҳафта туриб, жўнаб кетишди. Шариф сўтакнинг ёнида тўрттагина аскар қолди. У шу тўртта аскарларга бош бўлиб, қиёфасига жиддий тус бериб, қорнини шишириб, бағбасини осилтириб, сохта салобат билан қишлоқ айланди...

Қиличини қайраб қиш чиласи кирганда, Шариф сўтакнинг ҳам зулми кучайди. Уйига келса хотини: "Ёгани ҳеч вақомиз йўқ!" деди. Қайдан ҳам бўлсин. Эри буғдой экиб, буғдой шопириб, уйига бир сиқим дон олиб келмаган бўлса,

эрта кузда йўқолгани бўйича, энди қорасини кўрсатган бўлса. Шариф сўтак бўғриниб сўкинди. Эртасига элга буғдой солигини солди. Эл бундан оғринди, аммо, ёмонга тенг бўлмайлик деб, бир қоп, ярим қопдан буғдой йиғиб беришди. Бир зумда Оллоқулбойдан кейин хувуллаб каламушлар ҳасса таяниб юрган омборхона галлага тўла қолди. Бунча донни унинг рўзғори ўн йилда ҳам еб тутата олмасди. Хотини бир зумда келган бунча давлатни кўриб, эрининг элга катта бўлгани чин эканлигини билди. "Бўлмаганнинг бўлгани курсин, кўрмаганнинг кўргани курсин" экан. Хотин нонга тўйганига шукр қилмади. Ёғлик-ёғлик паловлар, ҳил-ҳил пишган димламаларни кўнгли тусади. Ҳар тун эрига машмаша қилди. Нозлана-нозлана тўшақда унга мақсадини айтди... Эртаси куни Шариф сўтак элга қўй солиғи солди. Кейин шунга ўхшаш ем-хашак солиғи ва бошқа солиқларни ўйлаб топди.

Шунда, ҳутнинг изғирин тунида Ҳасан аканинг хотини эшикка термула-термула Гайбулланинг доғида куя-куя жон берди. Эл тонгда Ҳасан аканинг фарёдидан ўйғонди. Эл нима бўлганини тушунди. Раҳима хола бечора қиш бўйи тўшақдан турмай, ер билан битта бўлиб ётганди. Эл онасининг бевақт ўлимига сабабчи бўлган Гайбуллани қарғади. Уни савдоий қилган муҳаббатга-да тил теккизди. Аммо, муҳаббатни хор қилган ёвузларни, ёвузларни бетизгин қилган замонани қарғамасди бу эл, ё унча чуқур ўйламади, ё ўйлаган бўлса-да, буни тилига чиқаришдан тийилди, бу эл! Начора, эл элда! Эл Шариф сўтак билан муросаи мадора қилишдан чарчамасди. Охир — оқибат ялдо кечасидек чўзилган қиш охираб, дармонсизлик ва илик узилган пайтида муросаи мадора тугади... "Ёмондан ё тонда қутул, ё қоч-да қутул!" деган машойихларнинг ақида-сига амал қилиб, қиш чиқиб, Наврўзни ўтказгандан сўнг бир кечадаёқ Қашқадарё бўйларида, Сардоба ёнида макон тутган қариндошларни қора тортиб, Шариф сўтакка фақат шамолгина сайр қилиб юрган бўм-бўш уйларни қолдириб келавердилар.

#### IV

Чўлларни яшнатиб, дилларни қувнатиб келган баҳор Жумабекнинг ҳам юрагини четлаб ўтмади. Кузги, қишки ташвишларни бироз елкасидан соқит қилиб, куёшнинг оромбахш нурлари билан ўйнашмоқчи, уйғонаётган далааларнинг ёқимли нафасига ўпкасини тўйдирмоқчи истади. Минглаб ўй-фикрлар ғужғон ўйнаб, ғовлаган миясига дам бермоқчи, кўклам шабадаси ила шамоллатмоқчи кўзлади. Ўйлаб боқса, ўз тенгқурлари ҳали бўз боладек ўйнаб-қулиб юришибди. Эҳтирос тўла кўзларини кизи бор хонадонга ташлаб, энтикиб-энтикиб юришибди. Гап-гаштаклар қилиб, тўйларда куёв жўралик қилиб давр суришяпти. У бўлса, ўз тенгқурларидан ажраб қолган. Эл ташвишини зиммасига олганидан бери ўтган олти ой чамаси вақт, уни гўё олти йилга қаритди. Тенгқурлари орасида у улутроқ, салобатлироқ кўриниш олди, Жумабек болалиги, ёшлиги қолиб кетган тенгқурларининг самимий ва шўх даврасини соғинарди. Атиги бир кунгина бўлса ҳам барча ташвишларни унутиб, жўралари даврасида яйрагиси, болалиги қайтиб товланаётган қирларда давра қуриб ўйнагиси келарди. Қоратойни эгарлаб Ашур жўрабошининг саҳарлаб эшигини қоқди. Бомдод номозини ўқиб, ҳовлида юрган Ашурнинг отаси-Жўра сўфи эшикни очдию бир зум ҳайрон қотди.

Сўфининг ҳайронлигини кўриб, Жумабекнинг ўзи гап бошлади:

— Ашур уйдами?

— Ҳа. Ҳа. Уйда. Чақирайми?

— Майли.

Ашур уйқусираган ҳолда, офтобадан сув қуйиб қўл-бетини ювди. Юзини белбоғига арта-арта эшикка чиқди.

— Ие, бек ҳазратлари, тушимми ё ўнгимми? Қай томондан офтоб чиқиб, биз бечораларни йўқлаб қолдилар?

Жумабекка унинг масхарабозлиги, гапни буровга солиб, чақиб-чақиб олиши, беозор, шўх ҳазиллари ёқарди. Шундай эса-да, юзига жиддий тус бериб, ҳўмрайди.

— Кеча кечқурун қишлоқ оқсоқоллари билан кенгашиб барча бенамозларни юртдан бадарға қилишга қарор қилдик. Шунинг учун тонг саҳардан рўйхатга олиб юрибман, Ашурбой кўринишингдан сен ҳам намоз ўқимаган чиқасан?

— Э, йўқ, йўқ бек ҳазратлари! Мен туни билан намоз ўқийверганимдан чарчаб, ухлаб қолибман. Бир қошиқ қонимдан кеча қолинг, энди.

Жумабек кечсамми-йўқми дегандек бироз жим турди.

— Майли, ошначилигинг ҳурмати бир марта кечдим, аммо, бир шартим бор.

— Айта қолинг, энди бир бечорага шунча азобни раво кўрмай, етса молим, етмаса жоним билан тўлайман.

— Агар молингни, ҳам жонингни сўрасам-чи?

— Унда сиз адолатпеша Жумабек эмас, Соли сардор деган қароқчи бўлардингиз-да, бегим!

— У маразни сен ҳам биласанми? — Жумабек энди ростакамига хўмрайди.

— Э уни ким билмайди дейсиз? Айтаверинг, не шартингиз бор? — Ашур ҳам энди масхарабозликни бас қилди.

— Йигитларни йиғсанг, бир қирлаб, дам олиб келсак, дегандим.

— Э, шунақа демайсизми? Кимларни айтай?

— Шу ўзимизнинг йигитларнинг ҳаммасини айтавер.

— Шошманг қирда дам олишнинг ўзи бўлмайди. У-бу нарса олиш керак. У ёқда саксовул ёқиб, кўрда кабоб пишириб, қора қумғонда чой ичиб суҳбатлашганга не етсин?! Шунини ўртада тақсимлаш керак. Ҳар ким чекига тушган нарсани олади. Кейин чиқсак зўр бўлади-да.

— Менга қара, Ашур. Сенинг гапларингдан латтанинг ҳиди келяпти. Ҳозир кийинда, йигитларга хабар бер! Йўлга шай бўлиб, меникига йиғилишсин. Шунини айтасолиб меникига чоп. Қўрадан ўзинг танлаган кўчқорни ол. Унгача Гулойим янгам майда-чўдаларни тайёрлаб беради. Турсунқул оғамнинг аравасига ҳамма нарсани ортасан-да, йўлга тушасан. Бекчанинг кунботаридаги катта қирда бизни кутасан. Бўлдими?

— Бўлди, бўлди бек! Айтганингиздек қиламан, хотиржам бўлинг!

Жумабек уйига келганида Турсунқулнинг кенжа укаси-Жўрақулни кўрди. Жўрақул Жумабекка тенгдош. Қайсидир йили Когонга кетиб қолиб темир йўлга ишга кирган ва шу бўйи қорасини кўрсатмаганди. У ерда топиш-тутиши ёмонмас шекилли, кўриниши ҳам бинойидек, оёғида пишиқ, мойланавериб, ялтираб кетган этик. Эғнида узун кигиз чакмон. Бошида эса, қоракўл телпак. У Турсунқулдек бўйдор ва қорачадан келган бўлса-да, аммо, акасидай қоқсуяк эмас, барвастагина йигит эди. Жумабек у билан қучоқлашиб кўришди. Шунда унинг девкорлиги ҳам билинди. Жўрақул бўйда ҳам, кучда ҳам Жумабекдан қолишмасди. Аммо, унинг чакмонидан бегона ҳид келади. Йирик, қорайиб кетган панжаларидан ермойи, кўмир ҳиди, чакмони ва телпагидан эса, аллақандай ҳид анқирди. Буни Жумабек билдирмади. У Турсунқул оғасидан кўп яхшилик кўрди. У ўзини бургут чоғласа, Турсунқул унинг қаноти эди. Агар Жўрақул ҳам шу ерда қолса, унинг энди қаноти жуфт бўлади. Бундай алпқомат йигитга суйанса бўлади. Кўнглидан кечганларидан юзи ёришди. Ёруғ юз билан сўрашди. Шунда Жўрақул бугун тонгда келганини айтди.

— Яхши бўпти. Жуда вақтида келдинг. Бугун йигитлар билан бирга қирга сайилга чиқмоқчи эдик. Сениям олиб кетамиз. Бир мазза қилиб яйраб, чарчонингни ёзиб келасан.

Жумабек Турсунқулга аравасини тайёрлашни, Гулойимга идиш-товоқ ва бошқа майда-чўдаларни ҳозирлашни айтди. Кейин эса Жўрақул билан гуруннга тушиб кетишди. Шунда Жамол Элбеги бир тугунни кўтариб уларнинг ёнига келди.

— Болам, мана жўрангни сенга худонинг ўзи етказди. Тўйингда насиб бўлса куёв жўралик қилади. Ёнингда туради. Унга буларни ўз қўлларинг билан кийдириб қўй!

Жумабек қўярда-қўймай Жўрақулнинг чакмони билан телпагини ечдирди. Тугунни ечиб, ундан чопон билан дўппини олиб унга кийдирди. Телпак остида кўринмай турган қоп-қора жингалак сочлари дўппи остидан ёйилиб тушиб йигитнинг чиройини янада очиб юборди. Жўрақул куёв йигитдек пўрим бўлиб қолди. Шу пайт дарвоза шарақлаб очилиб, Ашур жўрабоши кириб келди. У аввалига Жўрақулни танимади. Кейин кўзларига ишонмагандек катта очиб, қулочини кенг ёзганча Жўрақул томон чопиб кела бошлади. У Жўрақулни даст кўтариб, чирпирак қилиб айлантирганича ерга қўйди...

Кейин биргаллашиб Гулойимнинг тайёрлаган пишириқларини, қозон-товоқ, қумғону кабоб қўрани аравага ортишди. Қўрадан катта шохли кўчқорни етаклаб чиқиб, уни ҳам оёқларини боғлаб, аравага жойлаштирдилар. Кейин Ашурнинг ўзи ҳам аравага чунқайиб ўтириб олди-да, отни дарвозага қараб ниқтай бошлади.

- Бегим, - деди Ашур Жумабекка шўх назар ташларкан, қулингизнинг нафси сал ёмонроқ, тезроқ бормасаларингиз бир ўзим олиб кетаётган нарсаларини паққос тушириб, яна ҳеч нарсани кўрмагандек қайтиб, келаверишим ҳам мумкин, яна қаранглар-а!

- Эҳтиёт бўл, Ашур, яна кўчқоринг шохи кетингга тикилиб, бўшана олмай юрма тагин.

Жумабекнинг бу ҳазилини Ашур ё эшитмади, ё ўзини эшитмаганга солди ва ашулани бошлаб юборди. У энди отини қичаб қишлоқнинг катта йўлига чиқиб олган, қўшиғи узоқ-узоқлардан эшитиларди.

*Гўзал бордир, гўзаллардан зиёда,  
Анинг хизматида дурасинг галар,  
Оҳ ёр-ей, жон-ей!  
Одобли, икромли мулойимзода,  
То ўлгунчанг бирга бўласинг галар,  
Оҳ ёр-ей, жон-ей!*

Жумабек Қоратойни қайта эгарлади. Тантаналарда ёпадиган атласдек товланувчи пилтабахмал сағрипўшини ёпди. Қоратой очилиб кетди. Баҳор ҳавосидан яна сайил ҳидини олган от, диркилаганча ўйнаб хурсандчилигини ошқор этди. Жумабекнинг имоси билан Турсункул Чориқул бува олиб келган туркман бедов-ни эгар-жабдуқлари билан Жўрақулга тутқазди. Икки оғайни энди отланаётган пайтда, отларнинг дупурию, бир тўда йигитнинг кулгуси эшитилди. Ташқарида уларнинг болалик оғайнилари: Муҳаммад, Муродали, Чори, Панжи, Мусурмонкул каби ўнга яқин йигитлар туришарди. Улар бирма-бир отдан тушишиб, уч-тўрт йилдан бери кўрмаган Жўрақул билан қучоқлашиб кўришдилар. Сайилни ташки қилганлиги учун Жумабекка раҳмат айтдилар. Йўлга эндигина тушаётгандилар ҳамки, кўча бошидан эшагини ниқтаб келаётган бир кишини кўрдилар. Бу яна бир жўралари- Ёдгор кал эди. Ёдгор ёшлигида бошига қандайдир яра тошиб кал бўлиб қолганди. Авваллари уни масҳара қилган билан ётиб олиб уришарди. Кейин-кейин кўниқди. Ўзи ҳам қўшилиб куладиган бўлди. У аскиябоз жўраларининг масҳарасини икки кун эшитмаса, қовогини йўқотган носкашдек, гарангсираб юрадиган бўлди. Бу сафар ҳам жўраларининг қир сайлига чиқаётганини эшитиб, эшагини кичаб келаверди. Қайсар эшак Ёдгор кални кутиб турган йигитларга яқин келганида бошини икки оёғи орасига олиб тўхтади, қолди. На биқинига тепкилаётган Ёдгорнинг эски кирза этигининг пошнаси, на бўйнига қарс-қарс урилаётган қизил юлғун ҳалачўпнинг зарбалари кор қилди. Ёдгор жаҳли чиқиб, бор кучи билан эшакнинг боши ва бўйнига ҳалачўпни сермади. Эшак қулоқларини қисиб, бошини яна пастроқ олди. Орқа оёқларини жуфтлаб баланд кўтарди-да, келиштириб бир шаталоқ отди. Ёдгор кал эшакнинг бўйнидан ошиб, хомтупроқ йўлга йиқилди. Елкасидан тоғ ағдарилгандек озод ва энгли бўлган эшак шахд билан орқасига ўгирилди-ю, чопа кетди. Ёдгор кал эса ўрнидан тура солиб, эшагининг ортидан бир-икки қадам босди, аммо унга ета олмаслигига кўзи етиб, жаҳд билан ҳалачўпни унинг ортидан улоқтирди.

- Ҳа, сен энагарни! Ҳали сени нимталаб, гўштингни Хайри чўлоқ билан Мусурмон ғилайнинг итларига едирмасам юрган эканман,-деди у ҳаммадан кўп кулаётган Хайрулла билан Мусурмонқулга қараб мушт дўлайтираркан. - Ўв, чўлоқ, тишларингни бунча иржайтирма, чўлоқни чўлоқ, кални кал дейди-да. Мени отингга мингаштирасанми? Ўзи роса мос тушамизда иккимиз. Чўлоқ ва кал яғир қирчанғида! Ҳа! Ҳа!

- Э, йўқ Ёдгор бўлмайди, билиб бўладими, сенинг калинг юқиб қолса нима бўлади!

- Сенинг оёғинг чўлоқми десам ақлинг ҳам чўлоқ экан-ку!- деди Ёдгор сўраб-нетиб ўтирмасдан Хайрулланинг ювошгина отига бир сакраб мингашиб олди.-Ҳа, ҳа, бўлди! Энди тек юр, ўзинг ақлисан-ку чўлоғим. Эшит, бўлмаса кал акангнинг сўзини. Худо инсонга куч-қувват, ақл-фаросат, ҳусн-чирой берди. Хуллас, юзта фазилатдан тўқсон тўққизини берди. Бирини бермади. Чунки, ҳаммаси тугал бўлса одам Худони эсидан чиқариб қўярди. Бири кам дунё дегани шундан. Масалан, сени оёқдан, мени сочдан, Мусурмонни кўздан, Панжини эса тилдан дегандек. Ҳа, лаббай,-у бироз дудуқланиб-тутиниб гапирадиган Панжига қаради. Табиатан ҳазилни тушунмайдиган, бунақа масҳарабозликларга унча хуши йўқ Панжи ғазабланиб қўлидаги қамчисини Ёдгорга қараб отди. Ёдгор эгилади. Қамчи эса келиб Хайрулланинг елкасига "пўп" этиб тегди-да, сирғалиб Ёдгорнинг қўйнига тушди.

— Ана, кўрдингми Хайрулла, сени чўлоқ десам хафа бўласан. Панжи эса, ширин сўзларимдан ийиб кетганидан қамчисини совға қилди. Яна икки оғиз шундай мақтасам отини бериб юборишдан ҳам тоймайди, азамат.- деди у Хайрулланинг қамчи теккан жойини сийпааб қўяркан. Ҳазил-хузул ва атрофдагиларнинг қаҳқаҳаси билан Бекчага яқинлашиб қолганликларини ҳам сезмадилар.

Улар етиб келганларида Ашур аллақачон нарсаларни жойлаштириб, баҳайбат юлғун шохига сўйилган кўчқорни осиб, терисини шилиб олаётган эди. Отларни серўт жойларга боғлаб, ҳамма ўзи билганича хизмат қилишга киришди. Кимдир ўт ёқди. Кимдир чой қайната бошлади. Ва яна кимдир гўшт нимталаётган Ашурга қарашди. Фақат Жўрақулгина бу даврага ўзини бегонадай ҳис

қилди. Бу бегоналик ҳисси, унинг уч йилча булардан узоқда бўлгани учун эмас, унинг дарди мутлақо бошқа эди.

## V

Воқеа қадим-қадим замонларда рўй берган. Уни қайсидир шоир қадим-қадимда дoston қилиб битган, ёхуд қайсидир хушовоз бахши уни куйлаган. Шу — шу эл бу воқеа бўлганми, бўлмаганми унутган. Уни битган шоир-да унут бўлган, илк бора куйлаган бахшида унут бўлган. Улар ўз номларини сардобалар қўшиғи билан бирга асрлар оша қолдирмаганлар. Ҳамма нарса унутилиб боргучи бу дунёда фақатгина сардобалару, шу қўшиқгина яшаб қолаверган...

Зокир бахши атрофига йиғилиб, сўзларига қулоқ тутаётган қариндошларига қараб бир зум тин олиб, қўшиғини бошлаш учун дўмбирасини созлай бошлади.

Бу қўшиқ саҳроларда оғир қадамлар билан кум кечиб келаётган карвоннинг кўнғироқлари товуши янглиғ босиқ ва салобатли, маҳзун ва ўйчан. Ма-шаққатли йўлни ортада қолдириб, ниҳоят, ўз ватанига, туғилиб ўсган манзилга яқинлашаётган йўловчининг хаёли каби умидбахш эди бу қўшиқ.

Фарзандининг боши устида тунлари бедор она айтаётган алла каби муқаддас эди бу қўшиқ. Саҳрода умргузаронлик қилиб, унинг барча инжиқлигига ҳам, қаҳру-ғазабига ҳам, меҳрига ҳам кўникиб кетган, саҳро билан бирлашиб, унинг бир бўлагига айланиб қолган бу элнинг нолаю фарёди, қувончу ташвиши, кулгусию йиғиси эди бу қўшиқ.

Самандар отлиғ саҳройи йигит, Зарнигор отлиғ тоғлик сулув қизнинг маъсум ва маҳзун муҳаббатли достони неча асрки, саҳро бағрини тилиб-тилиб, олис-олисларгача қўшиқ бўлиб учиб юради. Эмишки, у замонларда осмонўпар тоғлар бағридан зилол-зилол булоқлар қайнаб чиққан, тошқиндан-тошқин, шамолдан-да учкур сувлар пастга шиддат билан энган тоғларга менгзаб кўкка бўй чўзган тераклар аскардек саф бўлиб ўраб, бегона кўзлардан қўриқлаб турган жаннатмонанд қишлоқда бир қиз дунёга келади. Унга Зарнигор деб ном қўядилар.

У туғилган пайтда дунёнинг яна қайсидир бурчагида, яйдоқ текисликда, қумлар бўрон ўйнаган, худди нор туянинг ўрқачидек қумтепалар саф бўлган, кенглик уфқ чегаралари бўйлаб гир айланиб чўзилиб кетган, осмон қадар беҳудуд саҳродаги мўъжаз қишлоқда бир ўғлон туғилади. Уни Самандар деб атайдилар.

Зарнигор оқбадан, оқ юзли, қорасоч ва қорақўз қизалоқ бўлади. Бу қизалоқ ўзининг тақдирини билдимикан, баъзан кўзи йўл тортади. Олис-олислардаги саҳро томон узоқ термулиб қолади. Маҳзун-маҳзун бўлиб юради.

Самандар чайир бола бўлади. Саҳронинг офтобида куйиб қораяди. Буғдойранг тус олади. Елкалари кенг бўлади. Билаклари тошдек қаттиқ бўлади. Баҳодирона-баҳодирона юриш қилади. У-да баъзан маъюс бўлиб қолади. У-да кенг саҳрога сизмай-сизмай қолади, баъзан. Шунда кўзлари йўл тортади. Олис тоғлар томонга, узоқ-узоқ малул-малул тикилади. Зарнигор кундан-кун бўй тортади. Кун-кундан сулувлашиб боради. Ўн тўртта тўлганида ўн тўрт кунлик тўлиноини уялтиргучи ҳусни бўлади. Булбулни тиңдирувчи кўнғироқдек овози бўлади. Унинг ошиқлари сочининг толасидан-да кўп бўлади. Кўзларига менгзайдиган юдузлардан-да кўп бўлади унинг мафтунлари. Не-не алп йигитлар унинг тақимини ўпгучи бўлма илондек сочларига умидварини очдилар, юракларини олдирдилар. Не-не бўз йигитлар унинг киприклари найзасига учдилар. У қилт этмади. Мағрурлик тахтидан тушмади. У ҳеч кимга кўнгил бермади. У қачонлардир ўзи истаган бир баҳодирнинг келишини кутарди...

Самандар-да кундан-кун бўй тортди. Кун-кундан кучга тўлиб, ўн тўртта кирганида ўктам йигит бўлди. Билагига куч энди. Кўзларида ўт ёнди. Мағрур ва ботир йигит бўлди. Давраларда кураш тушиб, не-не паҳловонларнинг курагини ерга тегизди. Қора тўригини мағрур еддириб юраверди. Ўз севгилисини кумсади. У ким бўлди? Чеҳраси қанақа билгиси келди. Шунда беихтиёр олис-олисдаги қорли тоғларга термудди. Умид билан узоқ-узоқ термулиб тураверди.

Зарнигор ўн олтига кирди. Ҳусни жамолининг таърифи оламга етди. Зарнигор ўсган уйининг эшигини совчилар қоқди. Қиз ўстирган отанинг куни совчи кутиш билан ўтди. Қиз ўстирган онанинг куни совчига чой ташиш билан ўтди. Шундай сулув қизни ўстирган онанинг куни курсин, яхшидан ҳам совчи келди, ёмондан ҳам совчи келди. Кимни танлашни билмай отанинг боши қотди. Қизидан бир оғиз жавоб қутиб, онанинг боши қотди. Зарнигор биргина сўзга маҳтал қилди. Унинг топгани "Йўқ!" бўлди. Не-не бойвачча йигитлар ноумид қайтишди. Не-не паҳлавон йигитлар боши эгик кетди. Ота аламини онадан олди. Она аламини кўз ёшидан олди. Зарнигорга бир сўз дейишмадилар. Дея

олмасдилар ҳам, боиси Зарнигор яккаю ягона фарзанд эди. Тилаб-тилаб, сўраб-сўраб олган бир тирноқ бўлди. Зарнигор ўпкалаб-ўпкалаб пастга-саҳро йўлига қараб тураверди.

Самандар ўн олтини урди. Алп йигит бўлди. Елкасига икки одам чордона қуриб ўтирадиган ҳайбати бўлди. Кўзлари бургутдек кескир бўлди. У чўлнинг бўронлари билан олишиб катта бўлди. Қўюнларни енгиб-енгиб улғайди. Ўғил ўстирган отанинг боши осмон бўлди. Шундай азаматни туққан онанинг тили узун бўлди. Энди ўғлини уйлантирмоқ вақти етди. Элга дастурхон ёзмоқ фурсати келди. Онаси бир саҳройи парирухсор оху кўзнинг номини тилдан қўймади. Бир куни ўғлига айтди. Ўғлининг гапи битта бўлди. "Йўқ!" Отанинг кўнглига бир қадрдони билан қуда бўлмоқ орзуси тушди. Шуну онага айтди. Она ўғлини гапга солди. Ўғлининг эса билгани шу бўлди. "Йўқ!"

Ота аламини онага сочди, она аламини ҳавога сочди. Самандарга ота-да, она-да юрак ютиб бир сўз дея олмади. Самандар ёлғиз ўғил бўлди. Самандарнинг юрагида армон болалади. Олис тоғлар ястанган юртга олиб борадиган йўл томонга маънос-маънос назар солди. Хўрсиниб-хўрсиниб қараб тураверди.

Зарнигор туш кўрди. Тушида ўзини кўрди. Ёнида бир йигитни кўрди. Йигит у билган йигитларнинг ҳеч бирига ўхшамайди. Йигит унинг кўнглидаги йигит бўлди. Шунинг учун унга бўйин берди. У йигитдан ўпка қилди. "Нега мен кутсам келмадингиз?" деди. "Нега мени сарғайиб кутишга мажбур қилдингиз?" деди. "Сиз ёмон экансиз", деб нозланди. Зулуқдек қора сочларини ўйнаб туриб шундай боқдики, йигитнинг оёғидан мадор кетди. Кўзлари оловланди. Қизнинг лабига лаб босди. Зарнигор девкор йигитнинг бағрига сингиб кетди.. оғушидан чиққиси келмай қолди. Шунда Зарнигор уни йўқотишдан кўрқди. Йўқотса қайтиб тополмасликдан кўрқди. Унинг лабидан тишлади. Йигитнинг лаблари чандиқ бўлди. "Йўқолсангиз шу белгидан излаб топаман". Йигит-да шундоқ қилди. Қизнинг ўнг ёноғига лаб босди. Қизнинг ўнг бетида гуручдек хол пайдо бўлди. "Мен-да сени белгиладим. Сенда энди меники бўлдинг!" деди йигит. Зарнигор сархуш бўлиб уйғонди. Қўл, бетини шарқироқ булоқда чайди.

Чашманинг ойна янглиғ сувида юз аксини кўрди. Чашмада бир пари қиз акси бор эди. Унинг ўнг бетида қоп-қора холи бор эди.

У саҳро йўлига мастона-мастона нигоҳ ташлади. Интиқ-интиқ нигоҳ ташлади.

## VI

Ашур қўли ширин ошпаз эди. Бир зумда гўштни чўпга тортиб, кабобни бошлади. Ун чоғли йигит давра қурдилар. Қумфонлардан хуштаъм чой қуйиб ичилади. Ашур биринчи тайёр бўлган кабобларни дастурхонга келтириб қўйди. Янги сихларни қўрага тераркан, Ёдгорни ёнига имлади. Ёдгор ундан қандайдир махфий топшириқ олганини даврадагиларга имо қилар экан, ўзи юлгун остидаги лаш-лушлар орасидан бир мўъжаз кўзачани қидириб топиб, илжайганча уни Мусурмонқулнинг ёнига қўйди. Жумабекнинг бу нима бўлди, деган қарашига жавобан:

— Жўра сўфи бувамнинг табаррук сувларини бизга илинибдилар,- деб Ашур томонга имо қилиб қўйди.

Жумабек гап нимада эканлигини дарров тушунди. Сўфи шароб ичгани, намоз ўқимагани "кофир" деб маломат қилар, кўчада дуч келса, юзини терс буриб ўтарди. Унинг шайтон ўғли эса, вайишда осилиб турган узумларни яширинча узиб олиб, хумга босиб мусаллас қилиш, қишнинг узундан-узун кечалари бўладиган гап-гаштакларга бир кўза олиб бориб, ўзининг ҳам, жўраларининг ҳам кўнглини чоғлашни қанда қилмасди. Содда сўфи эса, бундан беҳабар қолаверади.

Мусурмонқул кўзага тиқин қилиб қўйилган бир парча тол ёғочини суғура олмай роса хуноб бўлди. Ёғоч нам тортиб, шишиб қолган эканми, ўла қолса чиқмасди. Уни кузатиб турган Ашур Мусурмонқулнинг қўлидан кўзани тортиб олди.

— Кўзни қаттароқ очиб қарасанг Мусурмонқул бу ерда пичоқ деган нарса бўлади, — деб дастурхон тагида турган дандон сопли пичоқни қўлига олди. Унинг ғилайлигини аскияга олганидан давра гурра кулиб юборди. Кейин пичоқни кўзанинг ёғоч тикинига санчиб кўтарган эди, тиқин кўп тихирлик қилмай суғурилиб чиқа қолди.

— Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин-да,- деди. Кўзани Мусурмонқулга узатаркан.

Ашур яна даврани кулдириб, кабоб кўраси томонга кетди. Мусурмонқул косагул бўлиб пиёлаларга мусаллас қўйди. Биринчи пиёлани улуғимиз деб Жумабекка узатди. У олай деса, май нўш этиш ҳаром эканлигини билади. Ўзи шу



пайтга қадар уни оғизга ҳам олмаган. Олмай деса, шу дўстларининг даврасини соғиниб келган, уларнинг беғубор ҳазилларидан, шўх гап-сўзларидан яйраб ўтирибди. Уларнинг кўнглини оғритиб қўйиши мумкин. У олмаса даврада яна бир-иккита ичмайдиганлар топилади. Давра иккига бўлинади. Ўтириш кейин татимайди. Э, боре, нима бўлса-бўлар Худонинг ўзи кечирсин, деди-да, пиёлани кўлига олди. Кўзларини Жумабекдан олмай кузатиб турган биродарлар енгил тортишди. Кўзада беркиниб ётган шайтоннинг суви Жумабекнинг ичига кириб ўт олди. Ундан фарқли ўлароқ Жўрақул ўзига узатилган пиёлани дадил олди. Бир зарб билан бўшатиб, сихдаги кабобни чайнай бошлади. Кейин ҳаммалари яна биттадан олишди. Кабоб иштаха билан ейилиб кетди.

Баҳор. Бунинг устига анвойи гиёҳларнинг хушбўй ҳиди анқиган сахро ҳавоси иштахаларни очиб юборганди. Май ўз кучини кўрсата бошлади. Кайфиятлар кўтаринки бўлди. Қўшиқ тинглагилари келди. Ёдгорнинг яхши овози бор эди. Унда-бунда куйлаб ҳам юрарди. У таранг қилиб ўтирмади. Дастурхондаги сопол лаълини олиб, доира қилиб черта бошлади. Черта-черта қўшиқ сўзларини ёдида такрор этди. Бирдан унинг бўғиқ, аммо, ёқимли овози сахро бағрига тарала бошлади.

*Баҳорга анқигај ариқлар роши,  
Мени ром айлаган ёрнинг қароши,  
Бағримни ўртади ёр қалам қоши,  
Сени шамолларга раво кўрмасман,  
Яхши, ёмонларга раво кўрмасман.*

Ёдгор берилиб куйларди. Ҳамма сел бўлиб тинглади. Қўшиқни яқунлаганида сархуш давра уни олқишлади. Ашур эса барибир шайтонлигини қилди.

— Ҳофизим, дард кўрманг, кам бўлманг, ярақлаган бошингизга жингала-жингала соч битсин, -деганча, у қумғонни ушлаб кўтарадиган қоракуя латтани орқасига яширганча, унга қараб жилмайиб келаркан, - ие, сенлар қандай ношукур бандасанларки... терлаб кетган хофизимнинг, муборак терларини артиб қўйишга ярамайсанлар? — У қоракуя латта билан Ёдгорнинг юз, кўзини яхшилаб артди. Телпагини ечиб, ялтираб турган бошини ҳам артган бўлди.

Ҳофизнинг юзи, боши қора куяга беланиб, олачипор тусга кирди. Атрофда кулгу янгради. Ёдгор аввалига бу кулги Ашурнинг бунга кўрсатган меҳрибончилиги учун бўляпти деб ўйлади. Аммо, у барча бошида соч бўлмаган каллар кади зийрак эди. Ашурнинг қўлидаги қоракуя латтани кўриб ҳаммасини тунди. Туриб кўзадан қўлига сув қуйиб юва бошлади.

Энди суҳбат қизиди. Асосан буй йигитлар йиғилгани учун асосий мавзу қизлар ҳақида бўлаверди. Қишлоқдаги барча қизи бор хонадонлар тилга олинди. Жумабекнинг тўйи ҳам мавзудан четда қолмади. Унинг тўйни пайсалга солиши уларнинг ҳеч бирига ёқмади.

— Менга қара оғайни, — деди дабдурустан Ашур, -нега тайсаллайсан? Ўзинг элга бек бўлсанг, суқсурдек йигит бўлсанг, мол-давлатинг ҳам жойида бўлса, қиз ҳам ой деса ойдек, кун деса кундек бўлса, бунинг устига ота-онаси ҳам жон деб турган бўлса, сен нега ўзингни нозга соласан? Худо берди деб уйланавермай-санми, ҳа сени қара-я?!

— Ашур сен кўп валдирайверма, нимани билардинг ҳали? — деб гапга аралашди Мусурмонкул.

— Мен билмасам гапирмайман, уйланишингга ҳечам монелик йўқ. Ё бўлмаса бирор касалинг борми?

— Оғзингга қараб гапир! — Ўшқирди Чори. — Тилим бор деб валдирайверасанми?

— Ҳе, бўлмаса ўзи айтсин мундоқ? Ёрилсин, биз ҳам унга бегона эмасмиз-ку, ахир?!

Жумабек энди буларга аниқ бир сабабини айтмаса бўлмасди. Булар ҳам тепалашиб катта бўлган оғайнилари-да, ахир!

— Менинг бир жўрам бор эди, Ғайбулла деган. Ғазал битарди. Яхши қўшиқ айтарди. Кўп нарсаларни бирга бошимиздан ўтказгандик. Бир-биримизнинг тўйимизда, ёнимизда бўлашимиз деган ниятни дилимизга туккан эдик. Шартлашган эдик. Ҳозир унинг бошига иш тушган. Севиб юрган қизи ўзини осибди. Унинг дардида ўзи савдойи бўлиб уйдан кетиб қолган. Худо билади, ҳозир қаерда дарбадар юрибди. Унинг дараги чиқса олдириб келаман, кейин тўйни бошлайман.

— Ҳа, шунақа дегин, кечир ошна, билмасдан кўнглингга озор етказган бўлсам, - деди жиҳдий тортиб қолган Ашур, — ўқимаган кала-да, ҳар нени валдирайверамиз. Жумабекка қир сайли унча татимади.

— Сизлар гурунгни давом эттираверинглар! Мен Қорабоғга боришим керак. Шомуродбойда гапим бор эди. Ўша ердан қишлоққа ўтаман, — деди Ашурга.

Қоратойни миниб йўлга тушди. Баҳорий тошқиндай лойланиб, кўпириб оқаётган Норазмсой бўйлаб сувга қараганча, ўй суриб бораверди.

Тошқин дарё, дилингдаги барча сиёҳликларни, ғам-ташвишларни, шўх тўлқинларида оқизиб кетади. Толган руҳингни кўтаради. Бу беш кунлик дунёда тошқин дарёдек тошиб, мавжланиб, кўпириб яшаш лозимлигини мияннга қуйгандек бўлади. Умидсиз хаёлингга умид ва қувонч бахш этади. Агар бахтдан сармаст бўлсанг, ўзингни босолмай қолсанг мазорга бор, шунда не-не зўрлар, ерни осмон, осмонни ер қиламан, деб гердайганлар ҳам дўппайган туфроқ остида бир сиқим хоки туроб бўлиб ётганини кўрасан. Шунда сен ҳам охир-оқибат шу туфроққа жо бўлишингни ҳис қиласан. Манманлик тахтидан тушасан. Тошқин Норазмсойнинг шўх тўлқинлари унинг кўнглидаги кирларини ювиб кетгандек бўлди. Отнинг бошини Шомуродбойнинг уйи томонга бурди. Қорақўл томонлардан хабар бўлса Ғайбуллани суриштиришни ниятлади. Бойнинг уйи гавжум эди. "Нима бало бой тушмагур тўй-пўй бошлаб юбордим?" деган хаёлга борди.

Оқ чўққи соқолини тутамлаган ёши олтмишдан ошиб қолган бўлса-да, ҳали йигитлардек тетик бойнинг ўзи унга пешвоз чиқди.

— Келинг, келинг, бек айни вақтида келдингиз ўзиям!

— Нима гап бойбува, тўй бошлаб юбордингизми, биздан яшириб?

— Бек, биз тўй қиламизу сиз беҳабар қоласизми, бу ерда бошқа гап бор. Унинг сизга ҳам алоқаси бор.

Жумабек бой билан бошлашиб унинг катта меҳмонхонасига кирди. Унда йигирма чоғли нотаниш одамлар ўтиришарди. Бой уни қўярда-қўймай тўрга ўтказди. Ўтирганлар оғир касални бошдан ўтказгандек ҳорғин ва ғамгин эдилар. Улар билан сўрашаётганида соқолига оқ оралаган, нуроний бир одам кўзига иссиқ кўринди.

— Бу кишилар бизнинг Қорақўлдан келган уруғларимиз, — деб бой таништирди ўтирганларни. Бир ёмоннинг дастидан юртни ташлаб буёқларга келишган. Бу киши эса шу ернинг элоғаси Жумабек бўладилар, деб таништирди. Жумабекнинг номини эшитиб, ҳалиги одам бир қалқиди. Кейин йигитга қайтадан назар ташлай бошлади. Буни Жумабек ҳам, бой ҳам сизди.

— Бек бу киши Ҳасанбой. Мадрасада бирга ўқиган оғайнингиз Ғайбулланинг отаси бўладилар. Жумабек бир титранди. Икки йил орасида одам шунчалар ўзгариши мумкинлигига ҳайрон қолди. Икки йилча олдин Ғайбуллани йўқлаб Бухорога келган Ҳасан ака эликга кирган бўлса-да, қорасоқол, барваста одам эди. Бу озғин, қоқсуяқ ва мошгуруч соқолли кишининг фақатгина кўзлари Ғайбулланикига жудаям ўхшарди. Улар қайтадан қучоқлашиб кўришдилар. Ҳасан ака ғамли ҳикоясини бир бошдан айтиб берди. Бор гапни ўз қулоғи билан эшитган Жумабек лол бўлиб қолди. Ғайбулланинг тақдирига куйди. Шунча ситам ўтказган лаънати Соли сардорнинг малайларини тирик қўйиб юборганидан ўқинди.

— Мен йўлга чиқаётганда бир хабар эшитдим, — деди Ҳасан ака ўйчан. — Ғайбуллани Чоржўй томонда кўрганлар бор экан. Ўғлим қасос илинжида Соли сардорнинг изидан кетганмикан, деб ўйлайман. Агар, қасос кўзини кўр қилиб, ўша томонларга йўллаган бўлса, ундан энди умидимни узсам ҳам бўлади, — деб кўзига ёш олди Ҳасан ака. — Тиш-тирноғигача қуролланган қароқчиларга бир ўспирин бас кела олармиди, бек ўғлим?

— Сиз ҳадеб қуюнаверманг амаки, агар ўша томонлардан дараги чиққан бўлса, мен, албатта, уни қидириб топаман. Мен уни, албатта, шу ерга олиб келаман.

## VII

Соли сардор Амударёни кесиб ўтган йигитларига, сағрилари дарёнинг бўтана сувидан ҳўл бўлиб, ялтираб турган отларга қараб кўнгли қувнади. "Қарчиғайлар" деб қўйди ичида. Оллоқулбойга буюрмаган олтинлар ўз кучини кўрсатган, отлар боқувда пишиб етилган, йигитлар ҳам яхши қуролланган ва кийинганлар. Отлар учқур, йигитлар ўткир, қиличлар кескир эди. Булар унинг қанотлари. Бу қанотлари билан Соли сардор узоқ парвоз қилади. У амирнинг қайтиб келишидан умидини узган, ўриснинг зарбасини бир бора татиб кўриб, юрак олдирган. Энди ўз юртида уришишга юраги дов бермай қолганидан сўнг, олдинги орзу-умидлари-ю, мақсадларини бир четта улоқтириб ташлаганди. Энди яшаб бўлмаслигини нақадар кийин бўлса-да, тан олганди. У кетиши керак эди.

Ўзга юртларга ватан сўраб бориш, ўзига хос манзилга эгалик қилиш учун, албатта, кишининг бели бақувват бўлиши керак. Шунда бегона эл сени ўз даврасига қўшади. Шундагина сен одам қаторига кирасан. Юрт тилаган, бунинг устига нон ҳам тилаган мусофир ҳеч қаерга сиғмайди. Бундай гарибу ночорлар ҳамма ерда етарли.

Соли сардорни шундай важлар ортига қайтарди. Амударёнинг шимолидаги улкан саҳрони кесиб ўтса, Қашқадарё соҳилидаги юртларда битиб кетган бойлар яшайди. Эли тўқ, чорваси кўп қишлоқлар борлигининг таърифини эшитиб, шу бойлар мулкани бир қўлга йиғмоқ ҳаваси уйғонди. Оллоқулбойнинг сармо-яси бу иш учун сарф бўлди. Учқур бедовлар сотиб олинди. Йигитлар яхшигина қурол-яроқли бўлди. Энди қиш ортада қолиб, кунлар исиганда Амударёдан кечи-б ўтилди ва қайдасан Қашқадарё деб йўл тортилди. Яхшигина манзил топиб, шу ерда макон қуриб, қиш тушиб, кунлар совутунига қадар, ҳамма ишини бирёқли этиб, кейин хориж сафарига чиқишга қарор қилди. Хотин бола-чақаларини манзил топилгунга қадар уйда қолдирди. Кейин ишончли йигитларни жўнатиб, олдириб келтирмоқни режалади. Фақат ўзи билан кенжа хотини — Қамарнисони олди. Соли сардор шу кенжа хотинига боғланиб қолганди. Бу офатижон қиш бўйи унинг кулбасини обод қилди. Агар Қамарнисо бўлмаса, бундай узоқ сафар ҳам, қўлга киритиладиган ўлжалар ҳам унга татимасди. Қурбондурдига Соли сардорнинг шу аёлга боғлини қолганлиги ҳеч ёқмади. Бундай босқинларда аёлнинг ҳамроҳлиги унинг назарида яхшиликка олиб келмайди. Соли сардорни бунга кўндирмоқчи бўлиб кўп уринди. Минг турли важ — қарсон ишлатди. Аммо қайсар Соли сардор кўнмади. Қачон шу тўғрида гап бошласа, Соли сардор жаҳлланиб: "Оғзингни юм, пешонасига ой битган махлуқ!" деб, ўдағайлаб гапиртирмади. Дарҳақиқат, унинг пешонасига Қоратой қолдирган тамга тавқи-лаънат бўлди. Соли сардор олдида мавқеини паст қилди. Нима ҳам қилсин. Соли сардорнинг топшириғини бажара олмай, бунинг устига пешонасида тамга билан келди. Шунисига ҳам шукр. Соли сардор уни ҳайдаб солмади. Бўлмаса, Қурбондурдиннинг ҳоли не кечарди? У ҳам бу хўрликларнинг барчаси учун Жумабек деганларидан ҳам, анови лаънати қора айғирдан ҳам қасос олади. Иккаласини ҳам тавбасига таянтирмаса юрган экан. Қора иблиснинг терисига сомон тикади ҳали. Оёқларини болтада чопиб, туёқларини ўтда куйдирмаса алами тарқамайди. Уни қасос чорлар, Қашқадарё бўйларда емишни сабрсизлик билан кутарди.

Бу иккаласидан фарқли ўлароқ Сапарнинг бу сафарга оёғи тортмай чиқди. У ўша даҳшатли тунни, қора отлиқ одамни, олачалпоқ даҳшатли босинқирашдек бўлган воқеаларни ҳеч унитоқмас, юраги безиб қолганидан, шу юртга қадам босишга кўнгли чопмасди. Гўё бу овлоқ жойларда жасади йиртқиқларга ем бўладигандек эди. У ғамгин ўйлар билан руҳи чўкиб, йўлга тушганди. Аммо, унинг биттаю битта кувончи, биттаю битта илжини Қамарнисо ҳам улар билан бирга йўлга чиқишини билиб, биров таскин топди.

Ҳазибкор Соли сардорнинг севимли хотини Сапар бечоранинг жигарини тилка-пора қилган бўлса-да, унга яқинлашишга журъат қайда, юрак қайда?! Гарчи Соли сардор буни сезгудек бўлса, Сапарнинг ўн жонидан, бир жони ҳам омон қолмаслигини сезиб турса-да, кўнгли Қамарнисо томонга интилаверади. У икки ўт орасида ёнади. Қоврилиб жизғанақ бўлади. Бунинг устига, Аннақулнинг ўлиmidан сўнг, Сапар Соли сардорнинг хос йигитига айланди. Кунбўйи унинг ёнида юрадиган бўлди. Булар ҳам майда-чуйда ишларни буюрадиган бўлди. Буларнинг ҳаммаси бир ён бўлди, Сапарни кўрганда Қамарнисонинг кўз сузиши бир ён бўлди. Нима бўлса бўлди, лекин Сапарга қийин бўлди. Навқирон йигит ишқ оташида куйди. Ноумид ишқ ёнмайдиган ҳўл ўтиндек тутайди. Ҳўл ўтиннинг тутуни аччиқ бўлади. Кўзингдан ёш оқизади. Оқибат кўр қилиши мумкин. Ё бу тутаетган ўтинга сув сешиб ўчириш керак, ё мой сешиб аланга олдириш керак бўлади. Ёнасдан туриб, аланга завқини ҳис қилмасдан туриб, кул бўлишдан Олоҳнинг ўзи асрасин! Сапар ҳали ёш эди. Тутаетган ишққа сув сешиб ўчиришга ожиз эди. Мой сешиб, аланга олдириш ҳам қўлидан келмасди. Қамарнисонинг ишваси кун-кундан кўпайди. Қамарнисо кун-кундан сурбет бўлди. Хилват-хилватда унга суриниб ўтар бўлди. Сапар шўх йигит эди. Ўт олов йигит эди. Сўлиб қолди. Паришонхотир бўлиб қолди.

Соли сардор соянобли аравада жорияси билан кетаётган Қамарнисо ёнига кирди. Унинг йирик-йирик кўзларига термулиб, бир яхши сўз айтмоқни истади.

— Яхши боряпсизларми?

— Яхши боряпмиз, бегим, -деди Қамарнисо -дам олмаймизми, кун ҳам оғдику?

Шунда Соли сардор унинг чарчаганини билди. Шундай сулувни чарчатиб қўйганидан ўқинди. Йигитларга тўхташни буюрди. Чодирларни тикдилар. Гул-

ханлар ёқилди. Қўрда пишаётган этнинг ҳиди димоққа урилди. Гулханлар тун бўйи теварак-атрофни равшан ёритиб турди. Чўл бағрида маёқдек порлаб олис-олислардан ҳам кўзга ташланиб турди.

Бу гулханларни бир ўткинчи ҳам кўрди. Дарвешсифат, соч-соқоли ўсиб кетган гадо ҳам шу гулхани мўлжал олиб юрди. Гап нелигини сездди. Тун қоронғулашганидан фойдаланиб, анчагина яқин борди. Излагани шулар эканини билди. Қўлидаги ханжар дастасини сиқиб ушлади. Ханжар совуқ эди. Тиғи ундан-да совуқроқ бўлди. Бармоқларининг тафти билан совуқ темирни иситмоқчидек сиқимлаб ушлаб тураверди. У атрофни писиб айланиб чиқди. Чўл бўйсидек ҳамла қилишга пайт пойлади. Кутиб тураверди. Ой ботди. Осмондаги юлдузлар кўпайиб қолди. Шунда ҳам гулхан ўчмади. Гулхан атрофида ўтирган йигитлар сийраклашиб, бор йўғи икки киши қолди. Қолгани чодирларга кириб кетдилар. Қаландар шу иккаласидан кўзини олмади. Кузатиб ётаверди. Шу пайт йигитлардан бири ўрнидан турди. Сўнаётган гулханга ўтин ташламоқчи бўлди. Кечқурун ғамлаб қўйган ўтинлари тугаганди. Ой ботган сахро туни ваҳимали эди. Узоқдан бўрининг хунук улиши эшитилди. Йигитнинг эти жунжикди. Тун совуқ эди. Йигит белидаги тўппончасини пайпаслади. Қурол унга куч бағишлади. У ўтин териб келиш мақсадида ўзини қоронғилик қаърига урди, саксовул шохларини қайириб, синдириб, ўтин йиға бошлади. Шунда, яқингинасида, нимадаги гурсиллаб кетди. У тўппончасини қинидан суғуришга ҳам улгурмади. Устига бир нарса ташланди ва юмшоқ совуқ қумга қулади. Кимнингдир чайир панжалари бўғзидан сиқимлаб ушлаб, қўлларини қайирди. Шунда у башараси кўрқинчли тус олган, кўзлари қоронғу тунда янада ваҳимали тикилиб турган одамнинг қиёфасини илғади. Овоз чиқаришга ҳам улгурмади. Бу одам тўппончани олиб икки қоши ўртасига туради.

— Овоз чиқарсанг ўласан! - Вишилади у. - Айт, Соли сардорнинг йигитлариданмисан?

У тўппончани сиқимлаб турган бармоқлардан кўз узмай бош ирғади.

— Соли сардор қаерда?

— Ўртадаги чодирда, — деди у хирллаб.

— Қаерга кетяпсизлар?

— Қашқадарё бўйларига.

— Ҳм, Қашқадарё бўйларига де, у ерда нима бор?

— Билмадим.

Йигит жон аччиғида силтаниб, устидаги одамни ағдариб ташламоқчи бўлди. Унинг ҳаракати бирдан сусайиб, қўллари шалвираб қолди. Боиси, у қалтис ҳаракатни бошлаганида, Қаландар ўткир ханжарни унинг қоқ юрагига санчиб улгурганди. Бечора йигит оёқларини бир-икки типирчилатиб, тинчиб қолди. Қаландар ўрнидан туриб, қон қўлларини ва ханжарини қумга ишқалаб тозаллади ва ўчиб қолган гулхан ёнида дўшпайган қабрдек қорайиб турган чодирлар томонга кўз ташлади. Кейин тун қоронғулигига чекиниб, қумтепалар орасига сингиб кетди. Бу Қаландар қасоснинг илк таъмини тотган Файбулла эди.

## VIII

Файбулла мактубниғижимлаб жим қотди. Ойсулувнинг бошидан кечган даҳшат уни бир зумда бўлса-да тарк этмасди. Шу мактуб орқали у ҳамма нарсадан огоҳ эди. У юрагига қулоқ соларди. Юраги хун сўрайди. Етим қолган севгининг хунини сўрайди.

— Юрагим сенда Ойсулув — пичирлади у беихтиёр, — юрагим сен билан ойга кетган. Менинг юрагим сенсан Ойсулув. Юрагим қасос тилаяпти. Юрагим хун сўраяпти. Мен нима қилай, Ойсулув?!

— Юрагингиз буюрганини қилинг!

Бу Ойсулувнинг сўзлари эди. Бу Ойсулувнинг ойдан туриб етказган ноласи эди. Ойсулувнинг бу пичирлашларини Файбулла аниқ эшитди. Қуюнда учган сомондек тарқалиб кетган фикрлари йиғилди. Бир нуқтага жамланди. Савдойилигидан асар ҳам қолмади. Ҳам қадди тикланиб, муштраари қаттиқ тугилди, лекин, ўзини ёлғиз ҳис этди. Кўп сонли душман қаршисида бир ўзи қуролсиз тургандек туюлди. Кўрқмади. Аммо хун ололмай армонда кетишдан чўчиди. Юраги қасос тиларди. Интиқом сўрарди. Қаҳратонда қолган уйсиз, дайди итдек ғариб севгиси хун талаб этарди. Интиқом юракники. Уни ўзи олиши керак. Бу интиқом, қасос майини ёлғиз ўзи сиққориб, юрагининг чўғини сўндирмаса бўлмайди. Бу ишда бировдан мадад тилаш эракнинг иши эмас. Лекин Жумабекни соғинди. Жумабек ёнида бўлса, бирон йўл кўрсатармиди. Барибир бу йигитта суянса бўларди. Файбулла ўқинди. Ташқарига чиқди. Тонг бўзарганди. Аммо кўёш ҳали юз кўрсатгани йўқ эди. Шунда ҳовлида бир қора кўринди. Бу сўпайиб турган Абил эканлигини кечроқ англади. Файбулла бориб, унинг елкасига қўлини қўйди. Абилнинг кўзларида ёш филтилади.

— Файби, сен ҳам кетяпсанми? - деди кўзларини жавдиратиб.  
— Сенга ким айтди, бунини? — Ҳайрон бўлиб сўради Файбулла.  
— Ойси айтди, Файби кетади, деди. Сен кўрқма, сенга ҳеч ким индамайди, деди. Кейин... кейин, бироз ўйланиб турди. - Ҳа, ҳа, излаганини катта дарё бўйидан топади, деди.

— Яна, яна нима деди? - Файбулланинг юраги ҳаприкиб кетди.  
— Кейин...кейин унутиб қўйдим. - Ҳиқиллади Абил. - Билмайман, кейин нима деганини.

— Абилжон, бир яхшилаб эслаб кўрчи? - Энди у ялина бошлади. - Эсласанг сенга новвот бераман.

— Новвотингга керакмас. Егим келмаяпти. У яна нима деди, нима деди-а. Ҳа, ҳа кейин қора отли одамга яқин бормасин, деди. Излаб топганини олиб қўяди, деди. Шу...

Файбулла йўлга чиқар вақт етганини ҳис қилди. Офтобадан сув қуйиб қўл, бетини ювди.

Совуқ сув уни тетиклаштирди. Кейин тўғри отхонага бориб, отни етаклаб чиқди. Отнинг сағриси кенг эди. От бу ерлик жайдари отларга ўхшамасди. От олис шимол ўлкаларидан келганди. Унинг эгаси бу юртта тиг кўтариб келган эди. Шу тигдан ўлди. Бу от ўша Жумабек иккаласини жангдан олиб чиққан от эди. Энди уни жангга бошлаб борувчи ҳам шу от бўладиганга ўхшаяпти. Файбулла отни эгарлаб ташқарига олиб чиққанида, Абил яна унинг ёнига келди. Бу сафар унинг қўлида нақшинкор сопли қинсиз ханжар бор эди.

— Мен яна эсладим Файби. Ойси отамнинг орқасига санчилган пичоқни олиб сенга беришимни айтганди.

Пичоқнинг ялтироқ пулат тифида қорайиб қолган доғлари кўринди, Файбулланинг назарида. У ханжарни қўйнига яширди. Тикка Чоржўй йўлига қараб отини йўрттириб кета бошлади. Ойсулув айтган катта дарё Чоржўй бўйида эди. Ортига қайрилиб қаради. Уларнинг уйи Оллоқулбойнинг қўргони соясида қолиб кетган эди. У ота уйига, она қишлоғига видео айтганча жўнаб кетаверди. Энди қайтиб она юртини кўрмайдигандек, ўпкаси тўлди. Кўзларида ёш милтиради. Юрагида аввал мунглидан мунгли куй туғилди. Куйни хиргойи қилиб кетаверди. Маҳзун-маҳзун куй юрак дардини тўла айтиб бера олмади. Тасизлик қилди. Кейин шеър сўзлари минг бир азоб билан дунёга келди. Файбулла бу етим муҳаббатнинг дардли қўшиғини ҳазин овозда куйлаб бораверди:

*Қулаб тушди тоғлар тоши бошима,  
Бахтли йиллар, шогон кунлар қайдасиз?  
Минг чорладим келмас ажал қошима  
Чорбоғим чўл, хазон, гулар қайдасиз?  
Олис бўлди қўлим етар осмоним,  
Қайдасан дўст, ранги-рўйи сомоним  
Қаро бўлди йўлим, ёруғ жаҳоним,  
Қанотимдан суяр қўллар қайдасиз?  
Бу йўлларда хароб бўлдим, хор бўлдим,  
Бир имога маҳтал бўлдим, зор бўлдим,  
Бир беқанот лочин бўлдим, сор бўлдим,  
Мени Ҳаққа бошлар йўллар қайдасиз?  
Саҳроларни кезар Мажнунман- ўзим,  
Бағрим қонли, ҳоли забунман- ўзим  
Фигон айлар булбул-дилхунман -ўзим,  
Арзи ҳолим тинглар диллар қайдасиз?*

Файбулла йўл босиб, Амударёнинг қирғоқларига ҳам етди. Соли сардорнинг Марига — ўз юртига кетганини эшитди. Файбулла не-не азобларни бошидаён ўтказиб Марига келса, бу ерда Соли сардорга ўхшаганлар кўп эканми, уни биров танимади. Ўзга юртларни қон қақшатган қароқчини ўз юртида биров танимаса-я?!

Бу орада киш келди. Йўллар билч-билч лой бўлди. Мари атрофларини тенг-тиб Соли сардорни қишлоқлардан излади. Ёнида пул йўқ эди. Отини арзонгаров сотиб, қишдан бир амаллаб чиқиб олди. Наврўз арафасида кунлар илганида бир қишлоқдан хабар эшитди. Соли сардор Амударёни кечиб ўтиб, яна Бухоро томонга қайтибди. У шошилиб, йўлга тушди. Оёғидаги чориғи титилиб кетди. Эгнидаги чопони увада-увада бўлди. Юзини соч ва соқол деб аталган қайсар жунлар бутунлай қошлаб олди. Аммо юрагидаги интиқом ўти сўнмади. Соли сардор тўдаси дарёни кечиб ўтаётган паллада қорасини кўрсатди. Кун ботиш олдидан салқин бўлишига қарамай, ҳўпиқиб-ҳўпиқиб дарёни сузиб ўтди. Бир бурда қотган нонни дарёнинг сувига ивитиб еди. Кун ботиб саҳро қоронг-

илик қўйнига чўкканида карвон изидан яна йўлга тушди. Шунда олисда гулхан алангасининг қип-қизил тили кўринди. Гулханни қоралаб юрди. Қумтепалар ошиб-ошиб юрди. Кейин...

У саҳарда совуқдан жунжикиб уйғонди. Уйғондию, чодирлар томонга кўз ташлади. Чодирлардан дарак йўқ эди. Бархан узра тик туриб кунчиқар томонга кўз ташлади. Узоқлашиб кетган тўзонни кўрди.

— Кетавер, Соли сардор, барибир етиб оламан, ҳаммангни бир-бир бўғиз-ламасам ҳумордан чиқмайман. - У қўйнидаги тўппончани олиб қаради. Увада чопонидан тонг совуғи ўтиб қунишаётган эди. Қурбонининг этиги билан чопонини ҳам олиши керак эди. У юмшоқ қумдан сирғалиб пастга тушди. Файбулла бутун гавдаси қум остида қолган жасадни оёғидан судраб тортиб олди. Жасад тарашадек қотган эди. Очиқ кўзларига қум тўлган, узун тилларини ғарчча тишлаган хушсуратгина йигит экан. Унинг белидаги камарни ечиб тўппончанинг филофини олди. Уқдонда ўттиз донага яқин ўқ бор эди. Кейин мурданинг чакмонини ечиб олди, оёғидан этигини суғурди. Этик ҳам оёғига лоппа-лойиқ келди.

— Бечора! - Ачинган бўлди йигитга. - Ҳатто ҳамроҳлари ҳам уни қидириб ўтирмай жўнаб кетаверишибди.

У кун бўйи Соли сардорга қарама-қарама эргашиб юрди. Кеч бўлди ҳамки Соли сардор тўхтамади. Қоронғулик саҳрони парда янглиғ чулаб олганидан сўнг, тўда бирдан кўздан йўқолди. Файбулла кечаги сафаргидек уни гулхан ёруғидан топишга умид қилди. Осмонга ой чиқиб, саҳрони кумушранг нурларига чулганганида ҳам гулхан алангасидан дарак бўлавермади. Шунда Файбулла ой ёруғида карвоннинг қорасига кўзим тушиб қолармикан, деган умидда, қумтепа устига чиқди. Қумтепанинг шундоққина пастиди саксовулзор четиди милт этган аланга бир кўринди-ю, шу заҳоти сўнди. Соли сардор қўшини шу пастқамга чодир тикканлиги маълум бўлди. Чодирларни қуюқ саксовуллар паналаб турарди. У қароқчиларнинг ухлашини кута бошлади. Гулхан атрофидаги ўн чоғли йигит ҳеч ухлай демасди. Оловга ўтин ташлаганча чақчақлашиб ўтиришарди.

Файбулла уларга яқинроқ саксовул панасига ўтди. Ичлари таталаб кетди. Йигитлар гулхан атрофига хуржун тўшаб, устига дастурхон ёзиб қумғондан чой ичишарди. Файбулланинг кўзлари тиниб кетди. У оч эди. Ниҳоят гулхан атрофида икки киши қолди. Бири отлар боғланган томонга юриб кўздан йўқолди. Иккинчиси ўрнидан туриб ҳар томонга аланглаб қаради ва афтидан шамоллаб келиш учун катта бархан томонга юра бошлади. Шунда Файбулланинг омади чопиб қолди. Чунки гулхан атрофида ҳеч ким қолмаган эди. Бу Файбуллага қўл келди. Писиб келиб дастурхонни шоша-пиша хуржунга солди. Қумғоннинг оғзига латта қоп-қоқни босиб, уни хуржуннинг иккинчи кўзига солиб хуржунни елкасига ташлади. Ўттиз чоғли от ичидан бошини гажак қилиб турган жийронни бўшатди. Отлар, эгарлоғлиқ эди. Эгар устига хуржунни ташлаб энди узангига оёқ қўяётган эди ҳамки, орқадан овоз келди.

— Кимсан? Нима қиялсан бу ерда?! — Удағайлади милтиқ тутган кексароқ киши. У Соли сардорнинг отбоқари эди. Файбулла отга ирғиб миниб бўлганидан сўнг унга ўтирилди. Йўл-йўлакай белидаги тўппончани оларкан, отни отбоқар устига ҳайдади. Отбоқар ҳали уни таниб улгурмасидан тўппонча бир гумбурлади-ю, чол ўмбалоқ ошиб йиқилди. Қорамтир малларанг жийрон бир зумда қоронғуликка шўнғиб кўздан йўқолди.

## IX

Соли сардор ғазаб отига минди. Йигитларини, айниқса, Қурбондурдини бўралатиб сўқди. Авра-астарини ағдариб сўқди. Ахир, ҳамманинг кўз олдада отбоқарини отиб, жийрон отини олиб кетса. Бир одамини йўқотиб қўйган бўлса...

— Ким экан у лаънати, менда не қасди бор?! - Алам билан бақирди Соли сардор Қурбондурдига қараб. - У қаердан пайдо бўлди? Қанақа одам, сендан сўраярман? - Қурбондурди бошини эгди. Мум тишлади. Қурбондурди хаёлига келганини айтиб юборди.

— У жин! — деди Соли сардорга жовдираб қарар экан. - У саҳро жини. Бу бизларнинг пайимизга тушган.

— Ҳе, сен шу гапинга бир...галварс! - Унинг гапини бўлиб ўшқирди Соли сардор. - Жин бўлса унга от не даркор, товукмия?! - Агар шу "жинингни" менга ё тиригини, ё ўлигини олиб келмасанг, ўз қўлларим билан ой битган пешонангнинг терисини шилиб оламан. Тушундингми? - Қурбондурди Соли сардорнинг вазоҳатидан унинг ҳазиллашмаётганлигини ҳис қилди ва бутун танини совуқ тер босди - Йўқол кўзимдан, ҳе энангни... - Соли сардор уни чодирдан ҳайдаб

солди. Қурбондурди ўзининг ҳаёти қил устида турганлигини сезди. Соли сардор бундай ҳолатда раҳм-шафқат қилмаслигини кўп марталаб гувоҳи бўлганди.

У ўнта йигитни саралади ва улар билан бирга "чўл бўриси" деб ном олган Давлатбойни ҳам олди. Давлатбой чўлдаги ҳар бир изни кўриб, унинг қайси жониворники эканлигини биларди.

Ғайбулла отни олиб қочгандан сўнг, отнинг бошини орқага бурди. Чунки қароқчилар орқага қайтмас, уни излашлари хаёлига ҳам келмаганди. Дарё бўйидаги чакалакзорда яшириниб, мириқиб дам олиб, бир ўзи қароқчилар тўдасига бас келолмаслигини, энди Жумабекни излаб топиши, биргаликда атрофидаги йигитларни тўплаб ҳаракат қилиши лозимлигини англаб етганди. Чарчоғу тунги уйқусизликдан толиқиб, кўзи илинганини ҳам, отнинг тўхтаганини ҳам сезмай қолди. Атрофда тонг ёришаётганди. Шунда у дарё бўйига келиб қолганлигини билиб, отдан тушиб, хуржунини олди. У отни ҳам панароқ жойга қўйиб, дастурхонни очди. Дастурхонда нон бўлаклари ва яхна гўштлар бор эди. Қумғондаги чой тўкилиб ярми қолган экан. У апил-тапил овқатланиб, дастурхонни ўраб бошининг тагига қўйиб, пинакка кетди. Узоқ давом этган дарбадарлик уни ҳолдан тойдирган эди. Хушёрликни хаёлдан чиқарган Ғайбулла салгина эътибор берганида, у беркинган жарлик устидан келаётган қадам товушларини эшитган бўларди. У ғафлатда қолди. Унинг устига кимнингдир оғир вужуди ташланди. Қаттиқ панжа бўғзидан сиқиб ушлади. Гурзидек мушт чакагига зарб билан тегди. Кўзларидан олов сачради. Ҳушини йўқотди. Ўзига келганида бутун гавдаси арқонга чандиб ташланганини, ёрилган лабидан қон томаётганини, атрофида ўлжасининг ўлишини кутаётган калхатлар галасидек бир тўда йигитлар турганини кўрди. Ўзини жудаям ночор сезди. Ҳаётини заҳар, муҳаббатини етим қилган лаънати қароқчилар қўлида қасосини ололмай туриб, ўлиб кетаётгани алам қиларди. Уни Соли сардорнинг олдига олиб бордилар.

— Айт, нечун менинг изимга тушдинг, менда не қасосинг бор? — сўради Соли сардор.

— Сендан қасос олмақчийдим.

— Не учун, мен сени танимайман? Сенга не ёмонлик қилдим?

— Жудаям кўп ёмонлик қилдинг! — Хирилади Ғайбулла.

— Бўхтон қилма, сени биринчи бор кўриб турибман-ку!

— Соли сардор эслаб кўр, кузда Олоқулбой хонадонини босдинг. Молини таладинг. Ўзини ўлдирадинг. Қизини... Ойсулув-ни... Тўнғизлик қилдинг!..

— Хм, шунақа де... Дардинг оғир экан. Сен бойнинг ўғлимисан? Унинг битта тентак ўғли бор эди, шекилли?

— Бойнинг қўшнисиман.

— Энди қўшнилари ҳам хун сўрайдиган замон келибди-да?

— Мен бойнинг эмас, Ойсулувнинг хунини сўрайман.

— Уни мен ўлдирмадим-ку?

— У сенинг тўнғизлигингдан кейин ўзини осди.

— Сен мендан хун олгунингча, мен сенинг бу жундор бошингни узсам, нима қиласан? — Ҳиринглади Соли сардор. — Нима ҳам қила олардинг, Ойсулувми, Кунсулувми, ўшанинг олдига равона бўласан қоласан-да?!

— Ҳе йўқ. Бундай ўйлама Соли сардор. Мени ўлдириб ҳам тинмайсан. Сени мен бўлмасам ҳам яна бошқа бир ажал таъқиб қилаверади. Сени ажалнинг ўзи дарёдан ўтказиб, бу томонларга бошлаб келяпти.

Соли сардор унинг гапларидан каловланиб қолди. Мағрур кулгисидан асар ҳам қолмади.

— Нима! Сен ҳали ёлғиз эмасмисан? Ҳамроҳларинг ҳам борми? Гапир, бўлмаса ҳозирнинг ўзида пешонангдан дарча очиб қўяман.

— Ҳа! — деди ниҳоят, Ғайбулла. — Менинг ҳамроҳларим жудаям кўп. Менинг қоним қумга тўкилган заҳоти улар етиб келади. — Ғайбулла истехзоли кулди. — Айтайлик, биринчи бўлиб Жумабек етиб келади. Чунки, у менинг дўстим. Унинг юраги сезади.

— Ким? Жумабек?! — Энди Қурбондурди қичқириб юборди. — Нима, сен уни танийсанми?

— Таниганда қандоқ, у менинг жўрам бўлади.

— Жумабегинг ким бўпти? У ҳам сенга ўхшаб, менинг қўлимда ўлмоқчи бўлса келаверсин.

— Катта кетма Соли сардор. Жумабек мендан ўн баробар кучли, юз баробар зўр йигит. У келса сенинг кунингни кўрсатади.

Соли сардор ғазабланди. Кўзларини чақчайтирганча, тўппончасини Ғайбулланинг қоқ пешонасига тиради.

Ғайбулла ичида калима қайтарди. Шунда, ўртага Қурбондурди тушди.

— Сардор, буни ўлдирма, — деди.

— Нега, бунинг ўрнига бўлмаса сени ўлдирайми?

— Йўқ, уёқларга борсак, Жумабек деган фалокат бизни тинч қўярмиди. Уни мен кўрганман. Балонинг офати у. Бу унинг дўстиман, деяпти. Агар ростдан шундай бўлса, бунинг ортидан албатта, келади. Шунда уни тутамиз.

— Келмаса-чи? Бу ўлими олдидан шунчаки чўпчак тўқийётган бўлса-чи?

— Унда ўлдириш қочмайди. Буни менга бер. Буни хўрак қилиб, у лаънатини тузоққа илтиришман. Биласан, унда менинг қасдим бор. Менинг ўч олишимга имкон бер. — Соли сардор бир зум ўйлаиб турди. Кейин тўппончасини гилофга соларкан, алам билан Ғайбулланнинг кўкрагидан тепиб юборди. Ғайбулла шилқ-иλλαб йиқилди.

— Ол, сенга бердим. Лекин, эҳтиёт бўл, бунинг ўрнига тузоққа ўзинг тушсанг, билиб қўй, энангни кўзингга кўрсатаман!

## Х

Сахрога қиш қуруқ келди. Қуруқ бўлса-да, совуқ келди. Баҳор келиб сахрога сепини ёймади. Шошилиб тоғ томон ўтиб кетди. Қучоғидан битта-яримта тушиб қолган чечаклар ҳам унинг ортидан келаётган девнинг ўтли нафасидан қовжираб хазон бўлди. Сахрога бало келди. Қурғоқчилик деган офат келди. Моллар нобуд бўлаверди. Қудуқларда сув қуриди. Одамлар ҳам қуриб-қақшай-вердилар. Бўлди, бўлди сахродагиларга ёмон бўлди. Сахро билан жондош, қондош бўлган сахродагиларни сахро ўз қазабига олди. Кўч-кўронини, лаш-лушини ортиб, молини олдига солиб, баҳор ортидан тоғ томонга қараб йўлга тушдилар. Сахрони ёлғиз ташлаб кетаверишди.

Қурғоқчилик деганлари балонинг ўқи бўлиб кулфат ёғдираверди. Дарё сув-сизликдан қисиниб жилғага, жилға ҳансираб кўлмакка, кўлмак ботқоққа айланди. Хўлу қуруқ баробар ёнди. Сахро ўлик бир масканга айланди.

— Сув! Сув!- деб кўкка илтижолари боқди жониворлар.

— Сув! Сув!-деб ердан бир қатра нам сўради гиёҳлар. Осмоннинг қаҳри қаттиқ бўлди. Осмонда бир парча булут бўлмади. Осмонда фақат лаққа чўғ бўлиб ёнаётган қуёш бўлди.

Ернинг-да бағри тош бўлди. Ернинг-да бағрида чўғ бўлди. Бир қатра сув бўлмади. Қақраган лаблар каби ер тарс-тарс ёрилиб кетди. Ернинг ёриғидан олов чиқса чиқди, лекин сув чиқмади. Сахрога ёмғир ёрмади, барака қуриди. Қудуқда сув қуриди, ҳаёт қуриди. Сахродагилар сахродан айро тушди. Водий томонга юрди. Сахро-да улардан айрилиб ёлғиз қолгиси келмади. Сахро ҳам водий томон силжиди. Водийнида сап-сарик қум босди. Водий ҳам чўлга айланди. Сахродагилар энди тоғ сари кўчди. Сахро ҳам тоғ сари интилди. Энди бунга кучи етмади. Улкан-улкан тоғлар унинг йўлини тўсди.

Тақдир аталган фаришта сахродагиларни қува-қува Самандарни Зарнигор томон хасдек учираверди. Самандар-да ўзи билиб-билмай Зарнигор сари елаверди. Оқибат, шундоққина унинг қаршига келди.

Чақирса овоз етадиган масофага етиб қолди. Тонг шаббодаси Зарнигорнинг зар рўмолини учуриб жилғага ташлади. Жилға рўмолни оқизиб юзини зиоло сувга чаяётган Самандарнинг қўлига тутқазиб кетди. Самандар рўмолни олиб ҳидлади. Ундан тушига меҳмон бўлган сулув кўзининг бўйи келди. Сулувнинг ҳидига қонгандек бўлди. Унинг ўзига чанқоқ бўлди. Рўмолни бағрига боса-боса, жилға келган томон, яъни, юқорига ўрлай бошлади.

Зарнигор тонг шаббодаси ёр ҳидини олиб келганини сезиб уйғонди. Мужда олиб келган елни бағрига босгиси келди. Тонг шаббодаси шўхлик қилди. Рўмолини олиб қочди. Сўнг унинг ҳимоясиз қолган шаршарадек сочларини тортиқлаб ўйнай бошлади. Рўмолини оқизиб бораётган жилға, уни гоҳ кўрсатиб, гоҳ яшириб олиб қочаверди. Зарнигор уни қувлаб бораверди. Пастга жилға бир-лан эниб тушаверди. Тақдир отли фаришта хўп доно бўлди. Ҳамма нарсанинг ҳисоб-китобини пухта қилар бўлди. Бир ажойиб тонгда, тароватига жаннатда ҳавас қиладиган бир гўзал манзилда, жилға митти шаршара бўлиб пастга энадиган, азим чинор худди дилларни кўздан пана қилиш учун ўсгандек, хилват жойда иккаласини учраштирди. Бир-бирига юзма-юз келди.

Пастдан рўмолни бағрига босганча юқорига интилаётган йигит ва юқорида рўмол илинжида пастга энаётган қиз шу чинор тагида бир-бирига рўпара келди. Зарнигор йигитни кўриб бир сесканди. Унинг лаблари орасидаги чандиқни кўриб титраб кетди. Унга узоқ термулди. Мадорсиз лаблари билан зўр-базўр пичирлади:

- Сизмисиз?

Самандар юқоридан оҳудек тошдан-тошга сакраб тушиб келаётган сулув қизини фақат кўзлари билан эмас, вужудидаги етмиш икки томири билан кўрди. Етмиш икки томирида оқаётган қоннинг ҳадсиз томчилари билан кўрди. Самандарнинг ҳар бир зарраси кўзга айланиб, фақат шу сулувнигина кўрди.



Оний лаҳзада чанқоқ кўзлар шу сулувнинг дийдорига тўймоқ истади. Сулувнинг ёноғида хол бўлди. Самандар кўзларига ишонмади. Бу сулув унинг излагани бўлди. Излай-излай топгани бўлди. Қуруқшаган тиллари зўрға айланди. "Сизмисиз?!"

## XI

Жўракул дарё бўйлаб қайтди. Ширакайф, ҳазилкаш, дунёни сув босса тўпига чиқмайдиган ўртоқларидан ажралиб, тўлиб-тошиб оқаётган Қашқадарё бўйларидан юрди. Болалик излари қолган қирғоқларда ўз тотиралари билан ёлғиз кезгиси келди. Дарё тошқин эди. Йил бўйи тинчгина оқадиган Қашқадарё баҳорда тошади. Тиниқ сувлари бўтана-бўтана бўлиб оқади. Ўзанларини тўлдириб-тўлдириб, лойқа сувларини қирғоқларга тошириб-тошириб оқади. Йилига бир марта бўлса-да, Қашқадарё ўзининг дарё эканлигини эслаб қолади. Унинг сокинлигидан, вазминлигидан асар ҳам қолмайди. Тоғларнинг ҳаво-сини, тупроғини олиб келади. Кўпириб-кўпириб, масиққан туядай бўкириб-бўкириб оқади. Шу куни, дарёнинг ўзини англаган пайти эди. Кучга тўлган бўз йигитдек айқираётган вақти эди. Жўракул отнинг жиловини ўз ҳолига қўйиб, дарё бўйида узоқ юрди. Дарёнинг ўрқач-ўрқач тўлқинларига термулиб, хаёл суриб бораверди.

Ногоҳ, сувда шалоп этган товуш эшитилди. От ҳуркиб қулоқларини чимирди. Жўракулнинг хаёли бўлинди. Пастдан, дарё бўйидан қизларнинг шўх кулгуси эшитилди. Жўракулнинг юраги ҳаяжонли дукурлаб кетди. Дарёнинг тошиб қирғоққа чиққан, бел баробар бўлиб қолган саёз жойида дуркун-дуркун сахро қизлари қизғалдоқ сувига чўмилишарди. Ҳали йигитнинг ўтли нафасини ҳис қилмаган, ҳали йигитнинг бақувват қўллари тегмаган баданларга дарёнинг бўтана сувида ҳўл бўлган бўз кўйлақлар чиппа ёпишиб, нозик вужудларнинг бутун бойлиғи, тароватини очиқ-ойдин намён-этиб ўтирарди. Қизлар ҳапиқиб-ҳапиқиб сувда чўмилишар, қизлар сув парилари мисоли сувда ўйнашарди. Гўё жаннат парилари бунда макон қурган янлиғ, сирли, сеҳрли ҳисларни, бўй этган йигитни маст қилгувчи, шайдойи — девона қилгувчи бўйларни чор атрофга анқитиб-анқитиб чўмилишарди. Жўракул ўзини беихтиёр юлғун панасига олди. Юлғун баҳайбат эди. Жўракулни оти билан бирга кўздан пана қиларди. У сувдаги пари-пайкарларни, энтикиб-энтикиб чўғдек ёниб кузата бошлади. Сувда чўмилаётган оқбадан, оху кўзли, сочлари тўлқинли бу қизларни энтикмай, чўғ бўлиб ёнмай кузатмоқ учун йигитнинг юраги муздан бўлиши керак. Жўракулнинг вужуди темирдан эмас, унинг ҳам юраги бор. У ҳам одам боласи. Бунинг устига бўз йигит. Ҳали унинг димоғи қизлар ҳидига тўймаган, ҳали юрагида бир қизни севмоқ истаги жўш ураётган, чанқоқ йигит у ҳам. Шу қизларнинг орасида бир қиз бир томон бўлди. Қолган ўн чоғли қиз бир томон бўлди. Жўракул ўша бир ўзи бир томон бўлган қиздан кўзини узолмасди. У сулувдан сулув эди. Сахро қизларидек буғдойранг эмас, сутга чайилгандек оқ юзли эди. Қиз шундоққина у бекинган юлғунга паналаб ҳўл кўйлагини сиқар бўлди. Шунда, Жўракул унинг елкасидаги нўхатдек йириккина, нуқрадек қоп-қора холини-да кўрди. У ҳеч нарсадан беҳабар қизнинг хипчадек нозик белига кўзларини лўқ қилиб қарашдан уялмади. Жўракул уни таниди. У Маматбойнинг эрка қизи Нигора эди. От пишқириб юбориб, Жўракулнинг лаззатини чала қилди. Нигора ҳам кўйлагини шоша-пиша кийиб, дугоналари даврасига югурди. Ҳансираб-ҳансираб гапирди.

— Уёқда бир одам бор, отлиқ,-деб қўли билан Жўракул турган томонни кўрсатди.

Қизлар ўзларини панасага олдилар. Жўракул ноилож юлғун панасидан чиқиб йўлига равона бўлди. Шунда уни қизлар кўрди. Баъзилари таниди ҳам.

— Бу Жўра писмиқ-ку, бедарак кетган эди, яна пайдо бўлибди-да-деди бирови.

— Ҳе қизларга қараган кўзинг тешилсин!- деб қарғади яна бирови.

Жўракул юрса-да, турса-да, Нигоранинг мармардек оппоқ, қизғалдоқ суви-дан ҳўл бўлиб, ялтираган баданини кўз олдидан кеттизомлади. Унинг дуркуллаган кўкраклари, елкаларининг ўртасидаги қора холи вужудини ёндириб, юрагини қийма-қийма қиларди. У хаста бўлди. У ишқ дардига мубтало бўлди. У икки ўт орасида ёнди. У икки олов тафтида жизғанақ бўлди. Бири Нигоранинг ишқи бўлса, иккинчиси Жумабекдан ёнган рашк алангаси бўлди. Жумабекнинг эрта-индин Нигорага уйланадиган эканлиги уни баттар қуйдирди. У Жумабекни жинидан баттар ёмон кўриб қолди. У Жумабекдан ғазабланиб юрди. Элга бек бўлиб, элни оғзига қаратиб юргани етмагандек, энди Нигорага харидор бўлиб, унга уйланадиган ҳам бўлгани Жўракулга алам қилиб кетди. Ҳасада ўтида ёнди, йўқ ёнмади, тутаб-тутаб кулга айланаверди. У Когонга тез қайтмоқ-

чи эди. Энди бу хаёлидан воз кечди. Жумабек Нигорага уйланаман дегунча тезроқ қизил кўшин етишини Худодан тилаб юраверди.

Бу оппоқ вужуд унга насиб қилмаслигини туйди. Бир куйди. Бу покиза вужуд оғушида тўлғонмаслигини ҳис қилди. Бир куйди. Бу ақиқ лаблар унга бўса ҳадя қилмаслигини сездди. Яна бир куйди. Куя-куя юраги кўмир бўлди. Кўмирдан-да қора қурум бўлди. Мен унга етолмасам, сен-да унга етолмайсан, деб ёмон ният қилди. Сен-да у билан бахтиёр яшолмайсан, деб ёниб- куйди. Жумабекнинг бахтига калхат янглиғ чанг солмоқни режа қилди. Ичи қора одамнинг севгиси ҳам қора бўлар экан, биродарлар! Ёвуз одамнинг севгиси ёвудан-ёвуз бўлар экан. Ёмон одамнинг муҳаббати ҳам ёмон бўлар экан. Бахил одамнинг ишқи ҳам бахилона бўларкан, қоп-қора олов бўларкан, биродарларим-ай! Аё, биродарлар, бу олов ўзини-да маҳв этаркан, севгисини-да бахтиқаро қиларкан! Ана шундан асрасин, иблисона севгидан асрасин, биродарлар!

## XII

— Ана, бекнинг ўзи ҳам келяпти, -деди гулхан ёқиб, қора қумғонни қайнатаётган Чориқул бува, олисдан Сардоба томонга қора отини йўрттириб келаётган отлични кўриб. Неча кунки, Сардоба гавжум. Уста Шароф бошчилигидаги усталару мардикорлар куздаги режани амалга ошириб, Сардоба ёнидаги каттагина равотни қуриш учун лой тепиб, пахса уриб ётибдилар. Чориқул бува эса, уларга чой дамлаб, емак-ичмақдан ҳабардор бўлиб, ўтган-қайтгандан гурунг қилиб, усталарнинг ҳам, ўзининг ҳам кўнглини хуш қилиб юрибди.

Равот икки пахса кўтарилиб, анчагина кўринишли бўлиб қолган. Энди эса, учинчи пахса кўтарилаётганди. Уста Шароф Чориқул буванинг хабарини эшитиб ўтирилди. Бекнинг келаётганини эшитиб хурсанд бўлиб кетди. У бекдан сув ташиш учун яна бир-икки киши сўрамоқчи эди. Сув шу ерга яқинроқ бўлган қудуқдан ташилар, бир ҳандақ лой қориш учун оламжаҳон сув кетарди. Қудуқдан шунча сувни тортиб олиш, ташиб келтириш учун қанча куч керак, қанча одам керак. Мардикор, бақувват йигитлар ҳам чарчаб қолишяпти.

— Ҳорманлар-ов! — деб яқинлашди Жумабек.

— Бор бўлинг, бек, — деб уста Шароф саломлашиш учун девордан тушди.

— Бу, дейман, уста, кўз тегмасин, ишингизнинг унуми чакки эмасга ўхшайди?!

— Ҳа,энди вақтни бой бермайлик, деб тиришиб ётибмиз-да,бек,ҳали замон саратоннинг жазирамаси келиб қолса, ишда унум бўлмайди.

— Яхши, яхши, -деди Жумабек, иморатнинг атрофини айланиб томоша қиларкан.

— Қачон тугатаман деяпсиз, уста?

— Беш-олти кунда пахсани кўтариб, болорга тайёрлаймиз. Кейин пардевол, гулагир деганлари яна икки-уч кунни олади. - Уста Шароф пича жимиб қолди. Дидадагини қандай айтишни билмай ўйланиб, иккиланди.

- Бирон гап-сўзингиз борми, айтаверинг уста, -деди Жумабек, устанинг нимадир айтишга ботина олмаётганини сезиб.

- Нима десам экан, бек, ишимизнинг унуми сиз айтганчалик яхши эмас. Бундан ҳам тезроқ ишлашимиз мумкин эди. Куч ётмаяпти. Сув ташишда йигитлар чарчаб қоляпти. Иккита бақувват йигитта мухтожлигимиз билиняпти.

- Ҳа, майли, ўзимнинг йигитларимдан бераман. Яна нима гап?

- Бошқа гап бўлиши мумкин эмас, агар йигитларингиз эртадан ёнимизда турса, муддат тенг ярмига қисқаради. Узоғи билан ўн кунда равотни қўлдан чиқарамиз.

Чориқул бува қумғондан дамланган хушбўй чой кўтариб келди.

- Ие, Чориқул бува, сиз ҳам шу ердამиз?

- Э, бек ўғлим, сиз катта савобли ишни бошлабсиз, биз четда томоша қилиб ўтирсак, ярашармиди? Келиб, уста оғайним билан суҳбатлашиб, чой-пойидан хабар олиб юрибман-да!

- Яшанг, бува, минг раҳмат сизга. Ўзимнинг вақтим сал зикроқ, бўлмаса мен ҳам сиз билан қолиб, лой тепишардим.

- Сизнинг лой тепишингиз зарур эмаску-я, аммо бундан зарурроқ гап бор эди сизга,- деди, бува уни бир четга тортар экан. - Хабарингиз борми-йўқми анави Соли сардор деганлари яна пайдо бўлибди?! Эшитмагандингизми?

- Йўқ қачон келибди. Ҳозир қаерда экан?

- Кеча Помуқдан бир юртдошимиз келди. Соли сардор Помуқда бир кун бўлиб, кейин Чандирга ўтганмиш. Ҳозир ўша ерда бўлса керак.

- Ҳм, шунақа денг бува?! Нима дейсиз, бу ерларга келишга журъат қила олармикан?

- Ёмондан ҳазар лозим, бек ўғлим. Унинг кўнглида қандай гараз мақсади бор, биргина Оллоҳга аён. Душман шундоққина биқинимизда турибди. Биз ҳам тайёр турсак ёмон бўлмасди.

- Тўғри айтасиз бува. Биз ҳар нарсага тайёр туришимиз керак.

- Ўзингиздан қолар гап йўқ. Бу Сардоба катта йўл бошида. Ўтган ҳам, қайтган ҳам шу ердан ўтади. Сардобага беш-олти қуролланган йигитни қўйсангиз, бу ўрталар бироз бўлса-да, холи бўлармиди?!.

- Бу гапингиз менга маъқул. Беш-олти йигитни бугуноқ юбораман. Улар кундузи бекор ўтирмай устага сув ташиб беради, кечқурун пойлоқчилик қилади.

Жумабек усталар билан хайрлашиб кетар экан, шу бугуноқ, йигитларни жўнатишга қарор қилди. Аммо, уйда бир шум хабар кутаётгани, у билан андармон бўлиб, қарори унутилиши хаёлига ҳам келмади...

Уйига келганида уни кўзлари моматалоқ, кийим-боши йиртилган, ўзи чарчоқдан зўрға оёғида турган бир йигит тимсолида шум хабар қаутиб турарди. Йигит узоқ йўлни пойи-пиёда босганидан оёғида зўрға турар, ҳаяжонланганидан тутилиб-тутилиб гапирди.

- Қишлоғимизни қароқчилар босди. Уйимизни ёндириб, мол-ҳолларимизни талаб кетишаётир. Оқсоқолимиз мени Жумабекка хабар бер, бу балоларга бас келмаса, бошқа бас кела олмайди, деб жўнатди, - деди титраб-қақшаб.

- Шошмай гапир, қайси қишлоқдансан, қароқчи деганинг кимлар?

Йигит бироз ҳайрон қолган бўлди. Жумабек деган ҳайбатли номни, наҳот шу ўзи тенги йигит кўтариб юрган бўлса?! Аммо, буни ўйлаб ўтиришга вақти ҳам, унга ишонмасликка ҳаққи ҳам йўқ эди.

- Мен...мен Қамашиданман. Қароқчилар қишлоқларни икки кундан бери талаб ётишибди. Улар бу ернинг одамлари эмас.

- Уларнинг биронтасини таниб қолдингми, ишқилиб?

- Ҳа, ҳа, уларнинг каттасининг пешонасида ой шаклида каттакон чандиғи бор. Шу аблаҳ мени калтаклади.

- Уни таниб олганинг яхши бўпти. Нима дейсан, қишлоқларингда бой одам кўпми?

- Қишлоғимиз унча катта эмас. Катта бойлар ҳам йўқ хисоби. Ҳаммамиз деҳқончилик қиламиз. Аммо, ўздан қолганлар ҳам йўқ.

- Яхши, ундай бўлса, қароқчилар сизнинг қишлоғингизда кўп турмайди. Айтганча улар неча киши эканини билдингми?

- Ўн битта эди. Ҳаммаси отлиқ.

- Улар сизнинг қишлоқдан кейин қаерга ўтаркан. Ўша атрофда бой қишлоқлар борми?

- Йирик бойлар Майманокда, кейин Касбида бор.

Шошма, шошма Майманок билан сизнинг орангиз қанча йўл?

- Пиёда ярим кун юрилади-ёв.

- Ўзинг қачон йўлга чиққандинг?

- Кеча ярим тунда. Майманокқача пиёда келдим. Кейин Майманокдан Хўжамубораккача бир яхши одам отига мингаштириб келдию ундан Сарикгача яна пиёда келдим.

- Хўш, бўлмаса, сен меҳмонхонага киргин-деди-да, Турсунқулни чақирди.

- Манави йигитнинг қорнини тўйғазинг, уст-бошини ҳам бутлаб беринг. Битта от ҳам тайёрланг. Ўзингиз ҳам тайёрланинг. Кечқурун йўлга тушамиз.

- Қаёққа? - деди Турсунқул

- Майманок бозорини айланамиз.

Жумабек Чориларнинг уйига борганида қоронғу тушиб, шом синиб бўлганди. Овоз бериб ҳовлига кирди. Ҳовлида муштдайгина бўлиб Чорининг кампир онаси қўймаланиб юрганди. Жумабекни кўриб унга пешвоз чиқди. Бибисултон хола бир вақтлар қишлоқнинг энг олди аёлларидан бўлган, лекин бир вақтнинг ўзига ҳам эридан, ҳам ўғайдан айрилиб, чўки қолди. Холанинг эри кенжа ўғли-Панжи билан меҳмондорчиликдан кеч қайтиб, хаёл суриб келаверган ва отнинг жоловини ҳам бўш қўйган. Йўл Қашқадарёнинг тик қирғоғини ёқалаб ўтарди. Бир ён икки одам бўйи келадиган жарлик, юлғунзор эди. Нохос, олдидан лоп этиб тулкими, чиябўрими чиқиб қолган. От хуркиб ўзини четга олган. Шу бир қадам билан отнинг оёғи остидаги ер кўчиб, ота-болани ва отни қўшиб пастга учириб юборган. От туёғи теккан тупроқ мўрт экан. Сув унинг тагини ялайвериб, говак қилиб ташлаганди. Отнинг нохос теккан туёғи шу говак жойдаги тупроқни кўчириб юборганди. Ота ва боланинг жасадини эртаси куни топишди. Ўпирилган тупроқ остидан отнинг чиқиб турган туёғини кўриб қовлаб олишди. Уларни тупроқдан чиқариб олишганда ота ўғилчасини маҳқам бағрига босиб ётарди. Акашак бўлиб қолган қўлларидан болани ажратиб қарашса, унинг ҳатто тирналган жойи ҳам йўқ экан. Афтидан ота бутун гавдаси билан болани зарблардан тўсган...

Жумабек Чорини сўради.

- Чори, ҳов Чори, чиқ бек ўртоғинг келди-дея кампир ичкарига овоз берди.

Чори дангалчи, гурурли, муштлашув деса ўзини томдан ташлайдиган, бироз тутулиб гапирсада сўзини ўтказмай қўймайдиган ўжар эди. У лапанглаганча чиқиб келди.

- Ие бек, келинг, келинг -деб мулозамат қилди Чори.

- Чори, сенга бир гап бор, шунинг учун келдим.-Кампирни узоқлатиб гап бошлади Жумабек.

- Сенинг ишинг менга тушади-ю, мен йўқ дейманми, айтавер?!

- Сен мени ёнингга ол дегандинг, эсингдами?

- Эсимда, бек, сенинг ёнингга бўлсам, бирор фойдам тегиб қолар.

- Ҳа, бугун фойданг тегадиган бўляпти. Чори, отланиб чиқсанг, тунда Майманокқа ёки ундан ҳам нарига бориб келардик.

- Нима гап тинчликми?

- Қароқчилар Қамашни қишлоғини босибди. Майманокда тонгда бозор бўлади. Албатта, улар шу ерга келади, деб тахминлаяпман. Ўша ерга бориб улар билан ҳисоб-китоб қилмоқчиман.

- Қандай бўларкин, жоним билан бораман. Аммо от ориқ. Сенинг Қоратойингга етишиб юролмайди. Қурол-пуrol дегандек...

- Сен мен билан юр. Қурол ҳам, от ҳам бўлади.

- Бўпти, -деди Чори ва энамга айтиб қўйиб деб ичкарига кириб кетди.

Улар уйга келишганида, Турсункул отларни эгарлаб, йўлга тайёр қилиб қўйган, қамашлик йигитнинг ҳам ранги-рўйи ўнгланиб, кийим боши ҳам бинойдакгина эди. Жумабек Жўракул минган отни Чори учун эгарлашни буюриб, ўзи ичкарига кирди. Нашванкўлдан келган сандиқни очиб, иккита бешотар милтиқни, битта янгигина мойи ятираб турган тўппончани олиб, салмоқлаб кўрди. Ўзининг эски, аммо, қадрдон бўлиб қолган тўппончасини олиб ўқлади. Кейин иккала тўппончани икки ёнига осди. Устидан чопонини кийди. Ташқарига чиқиб милтиқнинг бирини Чорига узатди.

Тун қоронғусида қишлоқдан чиқиб кетаётган тўрт отликни Турсункулнинг уйи деворларини паналаб, улар томонга разм солиб турган Жўракул кўрган эди. Отлиқлар бир зумда кўздан ғойиб бўлиб, қоронғулик қўйнига сингиб кетдилар.

### XIII

Соли сардор ўзининг йигитлари билан Помуқда тўхтади. Қарийб бир ойни қотган нон қовшаб, чўда пишган куйинди гўшт еб, илиқ-бемаза сув ичиб, йўл босган йигитларга тандирдан янги узилган нон, ҳозиргина сўйилган қўчқор гўшtidан қилинган серёғ шўрва оламжаҳон бойликдай туюлди. Уларга лутфмарҳамат кўрсатган қишлоқ оқсоқоли Помуқни талондан асраб қолди. Кузда Қурбондурди томонидан етказилган шартни амал-тақал бажариб, ўлпонни тўлаб, Соли сардорни кузатган оқсоқол енгил тин олди. Дарҳақиқат Соли сардор ҳам дангаллик қилди. Помуққа тегинмади. Соли сардор Помуқда икки кун туриб, нафасини ростлагач, Чандир томон йўл олди. У ерда унинг яхши жўраси Бешим оқсоқол турарди. Тўғри унинг ҳовлисига келиб тўхтади.

Бешим оқсоқол даставвал Соли сардорни танимади, лекин кўзлари жуда таниш кўринарди.

- Танимадинг-а Бешим? Сенинг кўзларингни ёғ босибди!

Таниди. Отдан тушиб, қулочини кенг ёзиб келаётган Соли сардорга пешвоз чиқди. Қучоқлашиб кўришдилар.

- Қандай шамол учирди сени?-деди Бешим хурсандчилигини яширолмай. - Кечадан бери ўнг кўзим учаяпти десам, сен билан дийдорлашар эканман-да?!

- Шошма, Бешим!-деди Соли сардор. - Мен бир ўзим эмасман. Сени хонавайрон қилиш учун ўттиз чоғли йигитни бошлаб келдим.

- Бошлаб киравер, етса молим, етмаса жоним!

- Ундай бўлса, дарвозани каттароқ оч!- Соли сардор сеникига қуруқ келмайди.

Бешим оқсоқол қоронғуда кўчага қарамаган экан. Кўчада дунёнинг моли бордек туюлди. Аввал, тўртта туяни олиб кириб қозиққа боғладилар. Кейин йигирматача отни отхонага солдилар. Юз чоғли қўй-эчкилар қўрага қамаланидан сўнг, иккита арава ичкарига киритилди. Қуролли бадқовоқ йигитлар отдан туша бошладилар. Помуқ эли катта эл эди. Ўлпони ҳам чакки бўлмади.

- Бешим, аравада аёллар бор. Бир ярадор ва бир асир ҳам бор.

- Бўмаса, аёллар ичкарига кирсин. Ярадорни айвонга қўйишади. Асирни не қиламиз?-Бешим оқсоқол Соли сардорнинг не билан шуғулланишини, нима ҳисобига бунча мол унинг қўлига ўтганини тушунгандек бўлди.

- Асирни, ҳм, ертўланг борми?

- Бор-ку, аммо, унга баъзи нарсаларни қўйганман-деди оқсоқол.

- Йигитлардан иккитасини қўяман. Тозалашади. Асирни ертўлага қамашади.

Ўша кечкурун оқсоқолнинг уйида маишат авж бўлди. Семиз-семиз қўчқорлар сўйилди. Дошқозонлар қайнади. Йигитлар бўкиб қолгунча шўрва ичдилар. Эт чайнадилар. Очидан ўлиб қолмасин деб Қурбондурди сарқитлардан асирга ҳам киритиб турди. Кейин Соли сардордан буйруқ бўлди. Ишга киришиш вақти етди. Қурбондурди ўз йигитлари билан Касби томон йўл олди. Бундан мақсад ҳид олиш, омади келса ўлжа билан қайтиш эди. Соли сардор эса, ўзининг сара йигитлари билан Жумабекнинг устига бормоқчи эди. Бу қайсар қора отликнинг кучини қўрмоқчи, керак бўлса, кучини қирқмоқчи эди. Кейин бу юртларда унинг олдини кесадиган ҳеч ким қолмайди. Қурбондурди кетгандан кейин, кун ошириб Соли сардор ҳам кетди. Оқсоқолнинг ташқари ҳовлисида Сапар бир навкар билан, ертўлада эса, асир Файбулла, ичкарида Қамар билан жория қолди.

Соли сардор ҳам, Қурбондурди ҳам кетишдан олдин асирга кўз-қулоқ бўлиб туришни тайинлашди. Ертўла эшигига каттагина қулф осилганди. Қўйнидан калитни олиб, қулфни бурамоқчи бўлди. Бироз ўйлаб кўриб, аҳдидан қайтди. Шу пайт, ертўладан садо келди.

- Нима дейсан? - эшик ортидан туриб сўради Сапар

- Сув бер! - Хириллади асир. Сапар ортига қайтиб, молларга қараб юрган навкарни чақириб, қўлига сув тўла кўзани тутқазди. Ўзи тўппонча ушлаб унга эргашди. Эшикни очиб, ичкарига навкарни киргизди, тўппончанинг тепкисини кўтарди. Изидан ўзи кирди. Асир ҳалослаб навкарнинг қўлидан кўзани олганча бошига кўтарди. Эшикдан тушаётган хирагина ёруғда унинг пазмоқ ва кир соқолига тушаётган сув томчилари йилтираб кўринди. Унинг аҳволи ачинарли эди. Эти бориб устихонига ёпишган, аммо, кўзларида нафрат акс этарди.

Сапар индамай чиқиб, эшикни қулфлади. Кейин меҳмонхонага келиб, кўрпачага чўзилган ҳам эди кимнингдир қадам товушлари эшитилди. Эшик очилиб, остонада Қамар кўринди. Сапарнинг юраги ҳаприқиб кетди.

- Аनावи асирга сув бердингизми? - сўради Қамар.

- Ҳа!

- Нега бердингиз?

- Ўлиб қолмасин дедим. Соли сардор менга қаттиқ тайинлаган. Қараб турасан деб. У бизга ҳали керак бўларкан.

- У ҳали бошимизга кўп нарсаларни солмаса деб кўрқаман. Унинг кимлигини биласизми?

- Бугун иккинчи бор кўришим.

- У бир вақтлар бизнинг қўшнимиз бўлган. Менинг қайнисинглимни яхши кўрарди.

- Йўғе, ўша баттол ҳам бировни яхши кўрар эканми?

- Ҳа, у бир пайтлар мулойимгина йигит эди. Соз чалиб, ашула ҳам айтарди. Яхши овози бор эди, бечоранинг. Қайнисинглим, ўзини осиб қўйганидан кейин телбасифат бўлиб шу кўйга тушибди. Энди Соли сардорни ўлдирмаса, тинчимас экан. Ўша кун Соли сардорга тикка қараб шундай деди.

- Нега энди? Унинг Соли сардорда нима қасди бор?

- Қайнисинглимнинг ўлимида Соли сардорни айбдор деб билади, лекин, қутулиб кетса мени ҳам тинч қўймайди. Чунки, ўлимдан олдин унга Ойсулув бор гапни айтган бўлса керак.

- Хавотирга ўрин йўқ, - деди Сапар Қамарнинг лўппи юзларидан кўзини узоқмай.

- Ҳалигача Соли сардорнинг қўлидан ҳеч бир ўлжаси қочиб қутила олман. Бу шўрликнинг ҳоли ҳам шу-да-деди Сапар.

#### XIV

Қурбондурди Қамаша, Фазли қишлоқларини босиб, кўнгилдагидек ўлжа ололмади. Бир нечта от ва майда моллар кўзига кам кўринарди. Тонгда, Майманоқда катта бозор бўлишини эшитиб, кўнгилда хурсандчилик пайдо бўлди. Бозордан яхшигина ўлжа олишини ўйлаб севинди. Унга мол-ҳол ҳам керак, лекин кўпроқ тилла қизиқтиради. Четда тиллалай бой бўлиб яшашга нима етсин.

Соли сардор ўз йигитлари билан Жумабек эгалик қилаётган сарҳадлар чегараси бўлган Бекчи Сардобасига етиб келди.

Сардоба гавжум эди. Иморатда ишлаётган усталар ва мардикорлар, келгучиларни карвон деб ўйлаб, бамайлихотир ишларини қилавердилар, аммо, уларнинг шунчаки карвонга ўхшамаслиги, Чориқул буванинг юрагида ҳадик уйғотди. У умид билан Сариқ томонга кўз тикиб, Жумабек ваъда қилган йигитларни

кутди. Аммо, уларнинг қораси ҳам кўринавермади. Унғача келаётганлар анча яқин масофага келиб, одам танийдиган даражада яқинлашдилар. Чориқул бува уларнинг елкаларига осилган милтиқларидан Соли сардорнинг одамларимикан деб ўйлаб янглишмаганди. Ким бўлса-да бу юртга яхши ниятда келмаётган эди. Яхши ниятда бўлса қўлида қурол билан келармиди. Чориқул бува ёмоннинг юзини терт қилсин, деганча ўрнидан қўзғалди. Уларнинг чеҳраси тунда, нияти бузуқ эканлиги юз-кўзларидан сезилиб турарди. Олдинда келаётган отлиқнинг афтидан заҳар томарди. У ўзига пешвоз чиқаётган чолни кўриб отнинг жилловини тортди. Аммо, салом бермади. Чориқул буванинг бундан кўнгли оғриди.

- Келинлар, ўғилларим, қаердан сўраймиз?

Соли сардор бир ками, энди сенга қаердан келиб, қаерга кетишимни айтишим қолувди, дегандек хўмрайди. Саволни бежавоб қолдириб, унинг ўзи савол берди:

- Бу ерда нима қиялларимиз?

- Сизга ўхшаган йўловчиларга қўналга бўлсин деб, бегимиз равоат қурдирыптилар,-деди Чориқул бува. Кўриб қўй, бу юрт безга эмас дегандек, "бегимиз" сўзига урғу берди. Бу сўз нишонга тегди. Соли сардорнинг юзи ғазабдан қийшайиб кетди.

-Ким экан, ўша энағар, бегинг? - Энди сенсираб ўшқириб юборди Соли сардор.

Бува унинг бетакаллуфлигидан, соқолининг оқини ҳам ҳурмат қилмай, сенсирганидан тутақди. Вужудда ғурури кўпирди. Аммо, шундай бўлса-да ўзини зўрға босиб сўзлади:

- Меҳмон олдин ўзингизни танитинг, сизнинг кимлигингизни билайлик?

- Ҳо, анча тилинг бурро экан-ку, сан қари сарканинг. Чориқул деганлари сан бўлиб чиқма, тагин?! Мен Соли сардорман. Эшитганмисан?

- Мен ҳам сен айтган Чориқулман, -деди бува ловуллаб ёниб.

- Кузда менинг номимдан икки киши келмабмиди? Эсладингми? Нега ўшанда ўлпонни бермадинг?

- Бу юртнинг беги Жумабек бўлади. Сен ҳам эшитган чиқарсан, шу номни, Соли сардор?

- Ҳа эшитганман. Ўзим шу энағарни излаб келялман.

- Кўп ҳовлиқма. Ҳали келса, кўрарсан, излаганингга пушаймон ҳам бўларсан.-Чориқул бува Жумабекнинг етиб келишига ишонарди. Шу умид билан қишлоқ йўлига кўз тикди. Йўл бўм-бўш эди.

- Оғзинга қараб гапир, қари сарка. Шу гапинг учун бошингни узардиму лекин ёшингни ҳурмат қилдим-да,- хириллади Соли сардор. -Мендан одам келган бўлса, нега ўлпонни бермадинг?

-Ўлпонни бизга ер берган бекка тўладик. Сенга беришга ҳеч вақо қолмади.

-Ростданми? Ҳеч вақо қолмадими? Ҳозир ниятингга етказайми? Гапир?!

-Шум ниятингга етолмайсан Соли сардор. Бек ҳали замон келиб қолади.

-Ҳе, сенинг бегингниям, ўзингниям. - Ёмон сўкиниб Соли сардор отини тикка буванинг устига ҳайдаб келаверди.

Ҳозир даҳшатли воқеа юз беришини сезган уста Шароф ураётган паҳсасини ҳам ташлаб девордан сакраб тушди. Лой отиб берадиган капчани шогирдининг қўлидан олиб, Чориқул буванинг ёнига борди. Ун чоғи мардикор йигитлар ҳам устани ёлғиз қолдирмай унинг ёнида турдилар.

Соли сардорнинг йигитлари икки баравар кўп эди. Бунинг устига улар отлиқ ва қуролланган эдилар. Мардикорларнинг қуроли кетмон билан бел эди.- Чориқул бува ёмон кўнгилсизлик содир бўлишини, оқибатда йигитлар жувонмарг бўлиб кетишини ҳис қилди.

-Тўхтанлар,-кичқирди Чориқул бува қўлини кўтариб,-нима истайсанлар?

-Ўлпон тўлайсан, молингни тенг ярмини берасан, яна юз танга солиқ йиғиб берасан -деди Соли сардор ғолибона.

-Майли, ҳаммасини берганим бўлсин, фақат буларга тегма.

-Бошла бўлмаса, қари сарка, вақтим зиқ.

Чориқул бува уларни бошлаб кетар экан, мардикор йигитлардан бирига тез бекка хабар бер, деб айтишга ўлғурди. Отини атай Сардобада қолдириб, ўзи пиёда кетди. Кетгувчилар қумтепа ошиб, кўздан йўқолганларидан сўнг, бир йигит Чориқул буванинг отида Сардобадан ўқдек чиқиб, Сарик томонга елиб кела бошлади.

Чопар ҳаллослай-ҳаллослай, отни ҳам жиққа кўпикка ботириб келса, бек тунда кетганича, ҳали ҳам йўқ экан. Аксига олгандек, Турсунқул ҳам бек билан бирга кетган экан. Чориқул бува ҳам қўлларидан кетаётган молларга ачиниб қараб тураркан, ҳамон бекини кутарди. Бу Жумабек деганлари эса келавермасди. Соли сардор қишлоқни мириқиб талади. Қишлоқда қўй-эчки, от, туя қолдирмади. Сандиқларда пул ҳам қолмади. Чориқул бува бир Соли сардорни

сўкиб, бир вақтида етиб кела олмаган Жумабекни сўкиб қолаверди. Ҳамқиш-лоқлари узоқлашиб бораётган чангга алам билан термулиб, буванинг шунинг-сиз ҳам симиллаётган ярасига туз сепдилар.

- Бува, - дейишди улар, - биз сизга, анави бекбаччангизга ишонган эдик. Ўлпону солиғини ошиғи билан тўлаб қўйган эдик. Қани ўша бегингиз, молимизни топиб берсин, бек бўладиган бўлса?!

Бува не қилсин. Дардини кимга айтсин. Уларни ҳам тушунса бўлади. "Мол аччиғи-жон аччиғи", деганлар. Юборган чопари сўппайиб қайтиб келди. "Бек кеча кечқурун кетганича йўқ эмиш". Бу Жумабек деганни Чорикул бувага Шомуродбой рўпара қилганди. Энди бойнинг ўзи унга бекни топиб берсин. Топсин, бекни топсин! Бек унинг кетган молларини топсин. Топмаганига қўймайди!

Шомуродбой жаҳл отига миниб келаётган Чорикул бувани кўриб унга пешвоз юрди

- Баҳай, Чорикул бува тинчликми?

-Бой, тинчлик деманг, бой, олдимга тушинг, тез Жумабегингизни топиб беринг!

-Ҳа, Чорикул бува сал ҳовурингиздан тушинг, бундоқ нима гаплигини тушунтиринг-да, ахир?!

-Уйимиз куйди, бой! Бир меники эмас, бутун уруғимиз хонавайрон бўлди. Молларимиз қўлдан кетди, бой!

Чорикул буванинг кўз ёшлари оппоқ соқолига думалаб туша бошлади.

- Молингизни Жумабек тортиб олмагандир, Чорикул бува?-деди унга хавотирли боқиб.

- Ҳе, у тортиб олмади. Соли сардорнинг талашига йўл қўйиб берган бекнинг беклиги қоладими? У бек бўлиб, солиқ олгандан кейин, бекиниб ётмай элниям қўрисин-да, занғар!

Шомуродбой буванинг даъвосида жон бор деб билди, отланиб бува билан йўлга тушди.

- Кетдик! -деди Чорикул бувага.- Бекни ернинг остидан бўлсаям топаман!

## XV

Жумабек ҳамроҳлари билан ҳали тонг ёришмаган, аммо, хўрозлар томоқлари йиртилгудек бўлиб тонг келаётганидан хабар бериб қичқиришаётган паллада Майманокқа кириб келдилар. Бозор гавжум эди. Турсунқул бозор бақовулини қидириб, ичкарига оралаб кетди. Йигитга Жумабек қишлоқ четига бориб, кузатиб туришни буюрди. Чори билан иккаласи дарвоза ёнида кутиб турдилар. Бироздан сўнг Турсунқул бақовулни бошлаб келди. Бақовул ёши анчагинага бориб қолган, нуруний одам экан. Жумабекнинг мақсадини англагач, уларни хужрасига бошлаб келди. У қуйиб берган бир пиёла чойдан ичиб турганида Турсунқул шошиб кирди.

- Бек, анови йигит қайтди . Улар келаётган экан.

- Хўш, нима қиламиз, уларни ичкарига киритамизми, ё ташқарида ҳисобкитоб қиламизми? Сиз нима дейсиз?- Жумабек бақовулга савол назари билан қаради.

- Нима ҳам дердим. Бозорга киритсак олатасир бўлади. Одамлар тинчи бузилади. Бозорчиларга зиён етиши ҳам мумкин. Улар ўзи неча киши экан?

- Ўн битта деганди, шекилли.

- Сизда неча киши бор?

- Анави йигитни ҳам қўшганда тўрт киши.

- Қийин савдо экан бек. Ташқарида ҳам, ичкарида ҳам улар сизга олдирмайдиган кўринади. Фовурни бошлаб нима қиласиз. Ундан кўра уларга ҳалақит бермай, йигитларни йиғгандан кейин изига тушсангиз қандай бўларкин?

- Менинг шулардан бошқа йигитим йўқ.- Кейин сўради. -Дарвозадан бошқа, бозордан чиқиш йўли борми?

- Йўқ, Дарвозадан бошқа йўл йўқ,-деди бақовул .

- Бўлмаса, уларни киритамиз Турсунқул оға. Сиз дарвозада турасиз. Уччаламиз ичкарида ишлаймиз. Улар киргандан сўнг, дарвозани маҳкамлайсизлар. Кейин менга хабарини етказасиз.

Бақовул бир зумда мулойимгина мулласифат йигитдан, қаҳрли одамга айланиб, кетма-кет буйруқ бераётган бу кимсанинг кучли рақибдан тап тортмаслигига тан берди. Чунки, бунда ҳар қандай рақибни қалтиратиб қўядиган сирли қудрат мужассам эканлиги бақовулга аён бўлган эди.

Кейин Жумабек йигитни ёнига чақирди.

- Отинг нима эди, йигит? -сўради Жумабек унга бошдан-оёқ разм солар экан.

- Эргаш-деди йигит.  
 - Менга қара, Эргаш, қароқчилар билан олишишга юрагинг бетлайдими, тўғриси айт? Сени мажбур қилиб, уволингга қолишни истамайман.  
 - Менинг уларда қасдим бор, бек!- Унинг кўзларидан ўт чақнаб кетди.  
 - Қуролнинг борми?  
 - Бор.  
 - Бўлмаса, юр,-деб биргалашиб бозор оралаб кетишди. - Менинг ёнимдан жилмайсан. Менга қароқчиларни кўрсатасан. Менинг буйруғим билан ишлайсан.  
 - Хўп бўлади,бек!  
 - Тўппончада ота оласанми?  
 - Йўқ, отиб кўрмаганман.  
 - Ҳм, бўпти. Агар айтган режамда ишласанг тўппончага ҳожат қолмайди. Турсунқул уларнинг тўлиқ кириб бўлганигини хабар қилди.  
 - Агар тўппончадан ўқ узсам, Чори дарвозани ёпасан, оға сиз мен томонга ёрдамга шоясиз. Келишдикми, аммо, дарвозадан битта ҳам қароқчи чиқмаслиги керак. Санадингизми? Улар неча киши экан?  
 - Ўн битта, ҳаммаси кирди.  
 - Қани бўлмаса бошладик йигитлар. Худо омадимизни берсин! Омин!  
 - Омин!-деб юзларига фотиҳа тортди тўртовлон. Жумабек билан Эргаш одамлар орасига кириб кўздан йўқолишди. Ун чоғли сигирни бир-бирига боғлаб турган йигитларни кўриб Эргаш секингина: "Мана шулар", деб шивирлади. Улар тўртта эди. Жумабек бошлигини сўради  
 - У кўринмайди, бек! -деди Эргаш. Улар қўй сотаётган тўртта йигитни кузатишди. Улар орасида Қурбондурди кўринмади. Бозорнинг чеккароғида икки йигит учта отнинг жиловидан тутиб харидор кутишарди. Шуларнинг бири Қурбондурди эди. Пешонасидаги чандиғи йилтиллаб турарди. Жумабек уни узоқдан таниди ва, кетдик деб, Эргашнинг енгидан тугди. Хилватдаги қўй бозоридан бошламоқчи бўлди. Деворнинг панасидаги машғала ёруғи элас-элас етиб келатган бурчақдаги кўчорни ушлади. Қўйруғини силкилатиб кўрган бўлди.  
 -Қўчорга қанча сўрайсан оғайни? - деб чақирди йигитлардан бирини.  
 -Ўзинг қанча бераман дейсан?- деди йигит унга яқинлашар экан.  
 -Берироқ келгин савдолашайлик.- Жумабек унинг қўлидан қаттиқ сиқиб ушлади. -Уч танга бўладими?

-Йигит унга жавоб айтгунча Жумабекнинг омбурдек кучли қўллари бўғзини сиқиб ушлаб турди. Йигитнинг кўзлари олайиб, қўллари шалвираб қолди. Жони чиққанини билгач, Жумабек уни қўйиб юборди. Йигитнинг жонсиз гавдаси ағдарилиб тушди. Кейин жон-жаҳди билан савдолашаётган йигитлардан бирини чақирди:

-Эй оғайни бу ёққа қара, ҳамроҳингни мазаси қочиб қолди. Савдони шеригига қолдириб, югуриб келган иккинчи йигит ҳамроҳининг устига энгашган ҳам эдики, ёнбошдан санчидган кучли зарбдан инграб юборди. Қолган икки йигит эса ҳушёр тортиб, тўппончаларини қинидан чиқаришга улгуролмадилар. Жумабекнинг бехато узган ўқидан бозор бир зумда олатасур бўлиб кетди. Одамлар тўрт томонга қоча бошладилар. Ҳаммаёқни қий-чув босиб кетди. Бозорнинг кунчиқар дарвоза томонидан ҳам қисқа ўқ товушлари эшитилди. Жумабек Эргаш билан ўша томонга шошилди. Дарвозага яқинроқ жойда иккита йигитнинг ўлиги ётарди. Жумабек Турсунқулни от устида кўрди. Унинг вожати даҳшатли эди.

- Қароқчиларнинг бошлиғи қочди бек. Уни қувиб етмасам бўлмайди,-деб отта қамчи урмоқчи бўлганида уни Жумабек тўхтатди. Унга ва Эргашга қароқчилар ўғирлаган молларни тўплаб қўлга тушган уч асирни олиб, қишлоққа жўнашни буюрди. Ўзи ҳаяламасдан отта қамчи уриб қочганнинг изидан тушди. Узоқдан чанг кўринди. Афтидан қароқчи анча узоқлашган эди. Лекин Жумабек уни қўлга олмагунча орқага қайтмасликка аҳд қилди. Уларнинг орасидаги масофа тобора яқинлашиб борарди. Уни тирик ушлаш учун Жумабек қароқчининг милтиқ ушлаган қўлини мўлжалга олди. Қурбондурди бу сафар Жумабекдан қутулолмади.

## XVI

- Сиз ўшамисиз?

Иккаласи-да илк висол лаззатини туйиб ажралишдилар. Ўшанда қорли чўққилар оша бобо қуёш заминга қараганда, илк бор икки қалб дийдорлашувининг гувоҳи бўлди. Фақат жиддираб турган жилағина майсаларни силаб-сийпаб, барглари силкиб-силкиб юрган шўх шаббодагина, бу оний висолга гувоҳ бўлди. Сўнг улар ажралишдилар. Зарнигор тонг шаббодасида ёйилиб бораёт-



ган сочларини жилвалатиб зар янглиғ товланиб юқорига, Самандар эса, ундан күз узмай, сурина-сурина пастга кетди. Висол ҳижронга жой бўшатиб берди. Энди ҳижрон аввалгидек қаттол ва умидсиз эмасди. Энди ҳижрон мунис эди. Шириин ва тотли эди. Ҳижрон эртанги висол дарақчиси эди. Суронли эди. Ҳар эрта жилға бу икки бокира қалбарни томоша этди. Ҳар эрта шаббода буларнинг сочларини силаб ўйнади. Бобо қуёш ҳам бу висолдан баҳраманд бўлмоқ учун эртароқ ташриф буюрадиган бўлди. Кекса тоғ биродари елкасига ёнбошлаб мириқиб, томоша қиладиган бўлди. Уларнинг эҳтиросли суҳбатига қулоқ тутиб, ми-йиғида жилмайиб қўядиган бўлди. Улар сўзламадилар. Ҳижронзода кўзлар суҳбат қурдилар. Ҳижронзода кўнгиллар суҳбат қурдилар.

- Мен сени севаман!-Ҳайқирди йигит кўнгли.

- Мен-да севаман!- Майин шивирлади қиз кўнгли.

Буни жиға-да эшитди. Шамол-да эшитди. Кекса чинорлар баргларини шовуллатиб эшитди. Офтоб-да эшитди. Улар учун дунёда шу биргина жилгадан, шу биргина чинору унинг баргларини ўйнаб-ўйнаб тебратаётган шаббодадан бўлак, кекса тоғлару бобо қуёшдан бўлак ҳеч нарса йўқ эди. Фақатгина муҳаббат ҳукмрон эди бу дунёда. Самандар билан Зарнигор дунёси шунчалик гўзал эди. Шунчалар маъсум эди. Ва, шунчалар хилват кўздан яширин эди.

Саҳройи ота саҳродек қорақайсар бўлди. Саҳродек пурғазаб бўлди. Саҳройи онанинг гапини охиригача эшитмай туриб шартта кесди.

-Йўқ!-деди.- Ёлғиз ўғлимни тоғдан уйлантирмаман,-деди.- Жудаям ҳаддан ошди у. Олса ўз элимиздан олсин,- деди.- Биттасини танласин. Шу бугуноқ олиб бераман, данғиллама тўй қилиб бераман,- деб катта гапирди саҳройи ота. Кейин яна қўшиб қўйди.- Бегона эл бўлмайди. Бегона аралашган насл ўзлигини йўқотади. Мен наслимга бегона аралаштирмаман.

Саҳройи она икки ўт орасида қолди. Бир томонда паҳлавон ўғли ранги сомондек сарғайиб, кўксини захга бериб ётибди. Бир томонда қайсар эр гапидан қайтмай, оёқ тираб тураверди. Қийин-қийин, онага қийин бўлди. Тилаб-тилаб олган ўғлининг дарди ўз дарди бўлди. Умид билан бир ёстикқа бош қўйган яхши- ёмон кунларни бирга кечирган эрининг дарди-да, унинг дарди бўлди. Икки ўртада у куйиб, адо бўладиган бўлди.

-Отам шунга олиб бермаса кетаман! Бошимни олиб кетаман! - деди ўғли. Киприк қоқмай туриб айтди. Она отасидек қайсар бир сўзга ўғли айтганини қилишига ишонди. Оёғини қўлга олиб ота олдига чопди. Бор гапни мўлтираб-мўлтираб айтди. Хўрсиниб-хўрсиниб айтди. Кўзига ёш олиб айтди. Ота бир газабланди.

-Кетса, отамдан нари!-деди пинак бузмай. Она хун бўлиб йиғлади. Бағри қоп-қора қон бўлиб йиғлади. Ота ҳеч нарса бўлмагандек тураверди. Аммо юраги куйди. Саҳройи ота пурғазаб бўлса-да, қайсар, чўрткесар бўлса-да, барибир ота эди. Кўксига тош эмас, юрак кўтариб юрар эди. Шу юрак ёмон куйди. Ўғлининг кетиб, уйи хувиллаб қолишини тасаввур этди. Куяётган юраги орқага тортиб кетди. Хотини жўжасини олдирган какликдек бўзлайверди.

- Нима қил дейсан?- деб ота ўрнидан турди.

Она унинг шу гапини кутиб турганди. Кўз ёшини лачагига арта-арта сўзлади:

- Совчи юборинг!

- Нима, нима? — Отанинг бир қўли баланд бўлди, иккинчиси паст бўлди.

-Нима, бу тоғлик бизга қизини бераман деб ўлиб турганмиди? Йўқ, дейди. Шуда биз ўз вазирамизни бажарган бўламиз. Ўғлимиз гинани биздан эмас, қиздан қилади. Ҳаммаси жойида бўлади, бегим.

Саҳройи отага бу гап маъқул тушди. Олдинроқ шу гап калласига келмаганидан афсус қилди. Кулди-кулди, Самандарнинг бахти кулди. Қайсар отага Худо инсоф берди. У совчиликка борар бўлди.

Тоғлик ота манмансираган бўлди. Тоғлик отанинг тоғликларча ғурури кўзиди. Тоғликлардек тез газабга минди. Кўзига қон тебди.

- Биз у дайдиларга ер бериб эдик, яйлов бердик. Элга қўшдик. Энди қизимизни сўраб келибдими,- деб газаб отига минди.-Энди қизимни ҳам берайми, ўз иззатини билмаган саҳройиларга? Қайси ота ўз қизини жаннатдек жойдан дўзахдек қайнаб турган саҳрога бадарга қилади? Йўқ!-деди тоғлик ота.- Йўқ! Йўқ! Йўқ!-Ўқириб юборди тоғлик ота. Қайтиб қораларингни кўрмай, сен саҳройиларни. Тоғлик ота саҳройи совчиларни ҳайдаб солди. Зарнигор жилға ёнига боришдан тийилди. Шаббода билан қувлашмачоқ ўйнамай қўйди. Самандарни соғинди. Лекин у билан юзлашмоқдан хижолат бўлди. Аламини кўз ёшидан олди, оқи-оқига, қизили-қизилга ажралган нақш олмадек юзлари синиқди. Заъфарон-заъфарон тус олди.

Тоғлик она зийрак эди. Қизининг дарди нелигини сезди. Аммо бу дардни етказган йигит кимлигини билмади. Авраб-авраб сўради. Ялиниб-ялиниб сўра-

ди. Оқибат билди-Зарнигорнинг тили Самандар деб каломга келди. Тоғлик су-  
луд сахройи баҳодирни танлаганини сўзлади. Тоғлик она тилларини тишлади.  
Тоғлик онанинг ичи тўла ғам бўлди. Бойси, ёлғиз қизининг эртасини бебахт  
кўрди. Севгининг нелигини, қудратини бир ҳис этиб эди. Қизига йўлиққан  
дард оғирлигини ўз бошидан кечирган табибдек ҳис этди. Шу қизгинаси саҳ-  
ройига етишмаса, бутун умри куйиб ўтади. Бошқа йигитга кўнгли бермайди.  
Сахройининг ичгани-да заҳар бўлади. Умри хазон бўлади. Сахройи йигитга  
етишса-да бахтли бўлолмайди. Тўла бахтни ота дуоси беради. Сахройига тега-  
диган бўлса ота ўлгунча қарғайди. Ота қарғиши ўқ бўлиб қизининг бахтига  
чанг солаверади. Оҳ, қизим-эй! Сулувгина, қизим-эй! Тақдиргинанг қора бўлган  
қизим-эй!

У ёнда Самандар қаноти қирқилган лочиндек шалвираб қолди. Совчилар  
рад жавобини олиб келгандан сўнг, сахройи ота хотиржам тортгандек бўлди.  
Аммо, тоғлик отанинг заҳар сўзлари, ҳақоратлари дилини оғиритди. У қайта-  
қайта тоғлик отанинг аччиқдан-аччиқ сўзларини эслайверди. Ўзини, ўз элини  
ҳаммадан устун қўювчи, сахройи отанинг ғурури топталганди. Унинг эли, у  
учун дайди деган, юрт тилини келган юрт ғадоси деган маломатта қолди. Адо-  
вати бўлса, уни сўксин, ғазаби бўлса унга сочсин, Элининг нима айби бор?  
Ўзини сўкса майлийди. Финг демасди. Сахройи отанинг вақт ўтган сайин ғаза-  
би ортаверди.

- Тур ўрнингдан! — Ҳайқирди оқибат Самандарга. — Ётаверасанми сўлжай-  
иб?

Самандар отасининг ғазабидан чўчимади. Йўқ! Ҳайратдан сакраб турди.

- Сен анави тоғликнинг қизини оламан дебмидинг? — Оғзидан тупуклар сач-  
ратиб ўшқирди сахройи ота.

- Ҳа! — деди Самандар ва отасига тик боқди.

- Айниганинг йўқми? Ҳалиям шуни дейсанми?

- Ҳа! — деди Самандар, қорли чўққилар ёнидаги кўм-кўк бўлиб кўзга таш-  
ланиб турган қишлоқ томон маъюс термулиб.

- Унда нега ҳезалакка ўхшаб ётибсан? Бор олиб кел, ўша ўпкасини босолма-  
ган тоғликнинг қизини. Бир кўрайлик қани сахройига қиз бермайман деган  
эркакнинг ҳолини!

Самандар отасининг кўнглида ваҳший адоват ўт олганини ҳис қилди. Шу  
адоват, шу ўч олиш истаги уни шу сўзларни айтишга ундаяпти.

- Нега жимиб қолдинг?

- Йўқ, ота! Мен бундай қилолмайман.

- Нега, юрагинг урмаяптими? Нега бўлмаса мени ҳоли-жонимга қўйма-  
динг? Мақсадинг мени ҳақоратга қўймоқ эдимиз? Элинигга иснод келтирмоқ  
эдимиз? Айт?

- Йўқ, ота ундоқ эмас эди. Мен Зарнигорга яхшилик ила етишмоқчи эдим.

- Ҳе, сени ўғил деб тўққан энангни!..

Сахройи ота, сахройи онани-да бўралаб сўқди. Кейин ўғлига қараб:

- Сен ҳезалакмижоз ётавер. Мен ўзим бориб у ҳавойи тоғликнинг бурро  
тилини суғуриб оламан! Кейин ўша қизини олиб келиб қўйнингга соламан. Ҳа,  
мен шундай қиламан. Шундай қилмасам юзим қаро бўлсин! — Сахройи ота  
қасам ичди. Сахройи учун қасам ёмон. Қасамхўрлик ундан-да ёмон. Энди саҳ-  
ройи ота ниятига етмаса қўймайди. Ниятига етмаса қайтиб келмайди. Элда  
қасамхўр бўлиб, юзи қора бўлиб қолгунча жарликдан ташлаб ўлиб қўя қолади.  
Самандар буни тушунди.

- Тўхтанг ота! — деб унинг йўлини тўсди.

- Ўзим бориб олиб келаман!

- Йўқ! Энди кеч! Гишт қолипдан кўчди. Қасам ичдим. Энди бу ишни ўзим  
қиламан. Сен йўлдан қоч!

Сахройи ота ғазабланиб отланди ва юқорига ўрлади. Самандар-да, отланиб  
изидан юрди. Шунда еллар ёр ҳидини олиб келди. Йўлларига муштоқ-муштоқ  
боқаётган Зарнигор ҳидини олиб келди. Самандар беихтиёр жилға сари бу-  
рилди. Жилға бўйида йиғлаб-йиғлаб йўл пойлаётган Зарнигорни кўрди. Саҳ-  
ройи ботирнинг бақувват қўллари тоғлик сулувнинг оппоқ, нозик қўлларини  
сиқди. Зарнигор бир онда ўзини Самандар елдириб кетаётган учқур отнинг  
эгариди кўрди. От пастга қараб йўналди. Иккаласи-да, сахройи отанинг адова-  
тию, тоғлик отанинг ғазабидан қутулиб, олис-олисга, бағри кенг саҳро томонга  
кетаверди.

## XVII

Нашванқул номусга ўлди. Кўчага чиқарлиги қолмади. Бу Жумабек отлик  
баттол дастидан элда бош кўтара олмай юрди. Кимни кўрса, унинг устидан

кулгандай бўлди. Икки кишининг боши бирлашса, унинг гийбатини қиладиган-дек туюлаверди. Маъракалардан оёғини тортди. Меҳмонхонагача кириб келган отнинг қанақалиги ҳақидаги бемаъни саволлар уни жонидан тўйдирди. У ўзининг машғум меҳмонхонасига кирмай қўйди. Кирганида қонига беланиб ётган Қурбондурди, кўзлари хонасидан чиққудек олайиб, юрак ҳовучлаб турган унинг йигити ва деразадан ташлаб қочаман деб ўққа учган Садирбойваъча ҳамма-ҳаммаси кўз олдида намоён бўлар, даҳшатли қора от кўкраklarини кериб, кўзларини ола-кула қилиб унга ташланадигандек бўлаверарди. У кенг ҳовлида гандираклаб юраркан, энди нима қилишни, кимга дардини айтишу кимдан кўмак сўрашни билмасди. Қишлоқда Жумабекка душман бўлганлардан кўра, унинг тарафдорлари жуда кўп эди.

Нашванқул ўзининг шундай хўрланишига элнинг олди бўламан деб тиришиб, энди итнинг кейинги оёғи бўлиб, элнинг назаридан қолишига ягона айбдор Жумабек деб биларди. Агар Жумабек қўлига тушса борми, нимта-нимта қилиб, гўштини итларга едириб хуморидан чиқарди. Эҳ, бевафо дунё! Бир маротаба бўлса ҳам аламимдан чиқишга имконият бер! Жумабек деган иблисдан қасос олишимга қўйиб бер! Шунда унинг ичидан яна бир овоз келгандек бўлди.

- Жумабек уйингга келганида, ҳеч нарса қиломадинг. Ҳолбуки, у ёлғиз кириб келганида тўрт киши ўтиргандингизлар. Ҳеч нарса қиломадинглар. Энди уни нима ҳам қила олардинг? У сенга Нашванқул келиб, қачон ўчини оларкан деб, кутиб ўтирадиган анойи эмас. Уни Жумабек деб қўйибдилар. Олдинги сафар молингдан кечиб, жонингни асраб қолгандинг, энди нима қиласан? Агар яна унга рўбарў келсанг, бир зарб билан жонингни олиб қўяди-ку. Эҳ, хом сут эмган банда. Қасос, ўч-пўч деган гапларни йиғиштириб қўйиб, тирик юрганингни қувонмайсанми, шукур қилмайсанми, ношукур?!

У ақл тарозисига солиб кўрса, бу гапларда жон бор. У баттол, ҳеч нарсадан қайтмайдиган, бир лаҳзада уни чилларчин қилиб юбориши мумкин. Тинчгина Жумабекни унутиб, олдингидек тирикчилигини қилиб юргани маъқул эмасми-кан. Маъқуллиққа-маъқул, лекин юраги олов бўлиб ёнмоқда. Бу ўт қирқ йилда ҳам ўчмайди. Нашванқулни қасос ўти, алам алангаси жизғанак қилмоқда эди. Буни Жумабекнинг қонигина сўндириши мумкин. Бўлмаса у ёнаверади, қуя-қуя бир кун ёниб битади. Бир уюм кул бўлиб қолади.

Унинг қоп-қора кунлари шу зайилда ўтаверди. Зулмат янглиғ тунлари ҳам шу йўсин ўтаверди. Олдинги қариллаган Нашванқулдан қуруқ сумбат қолди. Қолган ҳамма-ҳаммаси ўт ичида ёнаверди. Бу хўрлик, ҳақорат ва ночорлик гулхани унинг барча ҳис-туйғуларини ёндириб кетди. Фақат алам қолди. Ўч олиш истаги қолди. Шундай кунларда унинг зулмат дунёсига бирдан офтоб чиқди. Унинг қора қурум босган ўчоқдек қалбида ўша қуёш жилваланди. У қуёш гарбдан келди. Чандир деган томондан. Қарлуқнинг кунботаридаги қишлоқдан чиқди. Унинг ноумид кўнглига умид бағишлаган хабар келди. "Соли сардор Чандирга келиб ўрнашибди". Нашванқул оёғи куйган товукдек типирчилаб қолди. У тилла топган гаёйдек ўзини қўйгани жой тополмади. Бошқаларни ваҳимага солган, бошқаларни ташвишга ташлаган бу хабар уни қувонтирди. У ўзини элдан бошқача билди. Элдан ўзгача билди. Жумабекка бас келадиган яна бир замона зўри пайдо бўлгани унга тўхфа этилган имкониятдек туюлди. Энди Соли сардор у баттолни маҳв этади. Унинг юрагидаги жизғанак оташ сўнади. Ниҳоят у ҳам одамларга ўхшаб ўзининг маъсуд, бахтиёр дамларидек эркин нафас олади. У энди нима қилишни биларди.

Нашванқул тўппончани авайлаб қийиқчага тутди. Тугунчани хуржунга, хуржунни елкасига ташлади. Отини эгарлаб хуржунни эгар устига қўйди. Узангига оёқ қўйиб, отта минган ҳам эдики, шунда, айвонда кекса онаси унга термулиб турганини кўрди. Юраги бир қақиб кетгандек бўлди. Ўзи бир неча ойдан бери остона ҳатлаб ташқарига чиқмаган эса-да, шу ҳовлида яшайдиган онасини кўрмагани учун ўзини катта гуноҳ қилиб қўлга тушгандек ҳис қилди. Кампир анчагина қариб қолган, рўмоли четларидан тўзгиб чиқиб турган сочлари пахтадек оппоқ эди. Юзини ажинлар босган. Кампир хаста эди. Шундай бўлса-да кўнгли ненидир сезиб тўшақдан турган ва ёлғиз ўғлининг отланаётганини сезиб, уни сўнгги бор кўраётгандек чақноқ-чақноқ нигоҳ ташлаётгандек эди. Нашванқул дарвозадан чиқиб кетаётганда ҳам орқасидан онасининг ҳамон мунгли нигоҳини ҳис этиб борди. Чандирга етиб келганида ҳам бу маҳзун ва шикаста нигоҳларнинг таъқибдан халос бўла олмади.

Қишлоқда биринчи дуч келган киши Соли сардор қўнган манзил-Бешим оқсоқолнинг ҳовлисини кўрсатиб берди. Ҳовлида йигирма чоғли одам — Соли сардорнинг тунд йигитлари айланиб юришарди. Унга ҳеч ким эътибор ҳам бермади. Саломига ҳам ёқар-ёқмас алик олишди. У отининг жиловини тутганча ҳовлида серрайиб туриб қолди. Шу пайт, қўлини елкасига танғиган бир

йигит кўзига иссиқ кўринди. Озгирок ва рангги оқроқ демаса, Қурбондурди билан борган йигитнинг қуйиб қуйгандек ўзи эди. У ҳам Нашванқулни таниди.

- Ие, Нашванқул, оға! - деди у яқинлашиб келар экан.

- Шу Соли сардорнинг келганини эшитиб келавердим. Сапар сенми бу, қўлингга не қилди?

- Ҳе, буми, ўқ бироз ялаб ўтди, - деди у кулиб чап қўлаб кўришаркан.

- Рўзивой, ҳой Рўзивой, кел меҳмоннинг отини боғла! - У йигитлар томонда хизмат қилиб юрган ёшгина йигитни чақирди. - Сиз эса юринг, Соли сардорга зарур гапингиз борми?

У кетма-кет савол бераркан, ундан жавоб кутмасди. Нашванқул эгар устидан хуржунни олиб елкасига ташлади. Отнинг жиловини йигитга тутқазар экан, ўзи Сапарнинг ортидан эргашди.

Соли сардор меҳмонхонада уй эгаси Бешим оқсоқол билан суҳбатлашиб турарди. Сапар оҳиста эшикни очиб ичкарига мўраллади. Аммо бу эҳтиёткорликка зид равишда баланд овоз билан сўради.

- Соли сардор, Қарлуқдан Нашванқул оға келипти. Ҳу, анави қурол сотадиган одам. Кирсинми?

Аммо у Соли сардорнинг жавобини кутмай, эшикни катта очиб, Нашванқулни бошлаб кирди. Нашванқул икки букилгунча пилдираб бориб, аввал Соли сардор билан, кейин оқсоқол билан қўшқўлаб кўришди. Пойгакроққа чўкар экан, унга бефарқ, худди буюмга қарагандек юқоридан кибри назар ташлаб турган совуқ нигоҳларни ҳис этиб, эти жунжикиб кетди. Қунишиб олди. Улар Нашванқулда бирон-бир қизиқарли нарса топишмади, шекилли, ўқдек қадалувчи нигоҳларини ундан олиб суҳбатни қолган жойидан давом эттираверишди.

- Аввал, у энағар Чориқул деган қари сарка озроқ тихирлик қилиб кўрди, - деди мўйловининг учини чимчиб ўтирган Соли сардор кўзларини ола-кула қилиб. ўйнатиб, Жумабек деганнинг номини ўртага қўйиб катта ҳам кетди. Нашванқул Жумабек номини эшитиб сергаklandи. Ўрнидан бир қимирлаб, яна суҳбатга қулоқ тутди. Буни, албатта, Соли сардор ҳам, оқсоқол ҳам сезишди. - Аммо, менинг тап тортмаслигимни, у оғзини тўлдириб айтаётган Жумабек, мен учун икки пулга қиммат эканлигини билиб чол бирдан ҳовуридан тушди, қўйди. Ҳа! Ҳа!

Ногоҳ, хаёлига бир гап келгандек оқсоқолга қаради:

- Бешим, сен шу ерликсан, билсанг айт, Жумабек деганлари ким ўзи?

- Мен уни кўрмаганман, аммо у ҳақда элда миш-мишлар юради. У ҳеч нарсадан тап тортмас эмиш. Иккита, нари борса тўртта йигити билан юрармиш ун беш, йигирма кишига ҳайиқмай ташланаверармиш? Буни, балки анави билар?

Бешим оқсоқол Нашванқул томонга имлади. Соли сардор уккиникидек кўзлари билан яна қайтадан унга бошдан-оёқ назар солди.

- Нашванқул деганлари сенмисан ўзи?

У жойидан туриб қуллуқ қилди. Соли сардор унга совуқ қаради. Кейин дағал овозда сўради:

- Сен қуролларнинг барини йигитларга бермай Жумабекка сотгансанми? Сен Жумабекнинг ошнасимисан?

Нашванқулнинг устидан бир челақ сув қуйилгандай бўлди. Шалвираб қолди.

- Мен... Мен... ҳеч қачон Жумабек билан ошна бўлмаганман. У менинг душманим. Хундор душманим. Ундан ўч олиш учун сизнинг паноҳингизга келдим! У... у Худодан қайтган, у мени хонавайрон қилди. - Нашванқул кўзларига ёш олди.

- У шунчалик баттолми? Ундан зўр йўқми? - Соли сардор ўшқирди. Кўз ёшини тиёлмаётган Нашванқулга ижирганиб:

- Бор, бор-деди Нашванқул ўпкаси тўлиб.

- Ким у?

- Сиз! Сиз Жумабекдан зўрсиз!

Соли сардор бироз ҳовуридан тушди. Хиёл кулимсиради.

- Ҳуш, бўлмаса у ҳақда гапир қани?

Энди вазият анча юмшаган эди. Нашванқул бундан тасалли топди. Ўзини тутиб сўзлай бошлади:

- У ҳали йигирма беш ёшлар атрофидаги уйланмаган, бўйдоқ йигит. Жўжахўрозга ўхшаб юриши шундан. Жамол элбеги деган эркакшода хотиннинг жияни. Ҳам тутинган ўғли. Шу хотиннинг орқасидан бек бўлиб керилиб юрибди.

- Ҳе, бор, сувни лойқалатиб юрган ўша аёл. Жиянини бек қилиб кўтаришга ўзи бош-қош бўлди. Бухорога, мадрасага юбориб ўқитди.

-Хўш, хўш ўша муллавачча мадраса кўрдим деб бек бўлмагандир.- деб Соли сардор унинг гапини бўлди.

-Йўқ, у аблахнинг отнинг калласидек юраги бор. Балодан ҳам қайтмайди. Бир ўзи беш-ўн кишига ҳам бас келолади. Тикка бораверади. Ўзи яхши мерган. От устида кета туриб, орқасига қарамасдан ҳам бехато отади. Осмонда учиб бораётган қушнинг хоҳлаган жойидан мўлжаллаб олади. Унинг девдай қоп-қора оти бор. Бундай зўр отни сира кўрмаганман.

-Ҳе, мақта-мақта! Бунинг эвазига нима беради?-Шунда Нашванқул Жумабекни таърифлайман деб қовун туширганигини сезди.

- Уни мақтагим йўқ! Мен эл ичида юрган гапни айтдим, холос!

-Эл ичида юрган миш-мишни биз ҳам биламиз. Унинг нечта йигити бор, орқасида кимлар бор, шундан гапир-да?!

-Ҳаммасини йигиб келса, йигитлари ўн беш-йигирмадан ошмайди. Қорабоғлик Шомуродбой, Худойбердибой, Хўжамуродбой, Давлатбой, Сарикдан Маматбой, Қарлуқдан Шониезбойлар кўллайди. Шулар унга от ҳам, мол ҳам, пул ҳам бериши мумкин. Кейин у аблах мендан ўттиз чоғли қурол-ўқдорини тортиб олган. Ўттизта йигитни қуролантириши мумкин. Шундан эҳтиёт бўлиш керак.

-Сен кўп ваҳима қилаверма, умрида биринчи бор милтиқни ушлаган ўттизта йигит, менинг жанг кўрган, тажрибали йигитларимга тенг келиб бўпти. Сен ҳозирни айтгин, одамларнинг бой-бадавлати, тилласи ҳам борми?

-Бор-деди Нашванқул мақсадига эриша бошлагандан хурсанд бўлиб. -Шомуродбой деганлари бу ўртада энг катта бой, қўйлари, туялари, отлари Ўрта чўлга сиғмайди. Хумча тўла олтинларининг саноғи йўқ. Қарлуқдаги Шониезбой ҳам катта бойлардан ҳисобланади.

-Яхши! - Сардор мамнун жилмайди.-Сен уларнинг уйларини биласанми, тиллалари қаерга кўмилаганиничи?

-Уйларини биламан-у, аммо тиллалари қаерга яширилганини билмайман-да. У қурумсоқ бойлар менга айтармиди?

-Ҳа, ҳа яхши, у ерга бориб шундай қиламанки, ўзлари топиб берадилар.

-Аммо...-Нашванқул минғиради.

-Нима, гапинг борми яна?

-Жумабек тирик экан, у ерга бориб бўлмайди, у бир касофатни бошлайди, деб кўрқаман!

Соли сардор унинг гапидан кулиб қўйди. Оқсоқолга юзланди.

-Бешим, ҳақиқатдан ҳам бу баттол буларнинг юрагини олиб қўйган экан. Буниси ҳам қалтираб ётибди. Сен кўп қалтирайверма, биз у ерга борганда бегинг дўзахда қайнаб турган бўлади.

-Сиз уни ўлдирасизми?

-Ҳа ўз кўлларим билан отиб ташлайман!

-Шунда Нашванқулнинг хаёлига бирдан олиб келган совғаси тушди, илқис ёнидаги хуржунни пайпаслади. Тугунчани олиб очди. Ажойиб филофдаги тўппончани кўриб, Соли сардорнинг ҳам, Бешим оқсоқолнинг ҳам оғзи очилиб қолди. Нашванқул филофнинг чангини пуфлаб қоққандек бўлиб, уни қўшқўлаб аъло кайфиятда Соли сардорга тутди.

-Илтимос, тақсир, кўлимни қайтарманг, шуни олинг. Анови баттолани шундан отсангиз мен ўчимни оламан. Аламдан чиқаман.- Соли сардор тўппончани олиб, филофини томоша қилди. Кейин кумушранг товланаётган тўппончага узоқ термулди.

-Зўр экан, бу сенга қандай тушиб қолди?

-Бир қуролфурушдан сотиб олдим. Сизга ўхшаган мард инсонга тақдим қиламан деб. Олинг тақсир, бунга ўн иккита ўқ кетади. Бир йўла ўн икки душманингизни ер тишлатасиз.

-Сен яхши одамга ўхшаб кўрингандинг боя келганинда, - деди Соли сардор совғадан мамнун бўлганини яширмай.- Энди билсам, ҳақиқатдан ҳам яхши одам экансан. Майли, мен совғанни олдим. Қарз бўлиб қолмоқчи эмасман. Энг яхши отларимдан бири сеники...

## XVIII

Жумабек Қурбонурдини ота ўнгариб етиб келганда, улар қишлоққа яқинлашиб қолгандилар. Асирлар икки киши эди. Учинчиси негадир кўринмасди. Унинг салт отини Чори етаклаб келаётганди. Бу ҳолни Турсунқул тушинтириб берди. Асир Хўжамуборакка етаверганида отдан сакраб тушиб, ўзини юлғунзорга урибди. Бошқа иккитаси ҳам безовталаниб қолибди. Уни ушлаб олмақчи бўлишса, қолганлари қочиб кетадиган бўлибди, шунинг учун ўни отиб ташлашибди.

- Уни ким отди- сўради Жумабек.

- Чори отди.

- Чори, ўлганига ишондингми, ўқ қаерига тегди? - Чори каловланиб қолди. Унинг биринчи ўқ отиши, ўқ отиб одам ўлдириши эди.

- Билмадим ўқ қаерига текканини, лекин ўқ теккани аниқ ва йиқилгани рост. У юлғунзор оралаб қочиб бораётганди. Мендан ўн қадамча олдинда эди. Ялангликка чиқиши билан уни отдим. Шалоплаб йиқилди. Қимирламай қолди. Кейин орқага қайтдим.

- Э, сени қара-я! Агар ўлмаган бўлса-чи? Сенинг қоранг ўчиши билан у ҳам йўлга тушган бўлса-чи? - Чори индамай ерга қаради. Турсункул эса бўйинини қисиб олди.

Жумабек қароқчини таниди. Бу Нашванкулнинг уйида учратган, кейин тирик қўйворган Соли сардорнинг энг яқин йигитларидан Қурбондурди эди. Бехато отилган ўқ йигитнинг милтиқ ушлаган ўнг қўлини тешиб ўтганди.

- Хўш, ўшанда эсингдами, сени ўлдирмай қўйвориб, катта хатога йўл қўйган эканман. Энди бу хатомни тўғирлашим керак деб, уни отишга шайланди. Шунда Қурбондурдига тил кириб, унинг оёғига йиқилиб жон талвасасида ёлвора бошлади.

- Мени ўлдирма бек! Сенга бир муҳим гапни айтаман. Сенинг дўстинг Файбулла Соли сардорнинг қўлида тутқинликда. Мени ўлдирсанг, Соли сардор уни ҳам ўлдиради. Унинг жонини мен кафил бўлиб сақлаб қолганман.

Жумабек бирдан бўшашиб қолди. Наҳотки кадрон дўсти Файбулла тирик бўлса? Қай аҳволда экан бандиликда. Бу қонхўрлар уни қандай аҳволга солдйкин-а?

Жумабек газабланди. Кейин Қурбондурдидан ижирғаниб, ўхшатиб бир тепди. Қурбондурди оғзи билан тупроққа қапишди. Жумабек кейинги вақтларда Соли сардорнинг номини эшитса нафрати қўзғайдиган бўлиб қолганди. Аммо, одамларга қўрқув ва ваҳима соладиган номни кўтариб юрган зот унга ҳеч дуч келавермасди. Лекин унинг қилғиликларини, жабрини тортган одамларнинг кўз ёшларини кўриб, Жумабек унинг қандай эканлигини ўзича тасаввур қилар, тақдир бир кунмас-бир кун шу қора девга дуч қилишини сезар ва бунга ўзини зимдан тайёрлар эди. Шунда унинг хаёлига ялт этиб бир фикр келди. Қурбондурдини Соли сардор Файбуллага алмаштирмасмикан? Кўнглида қандайдир бир илиғлик туйди. Гуё тезда дўсти Файбулла билан учрашадигандай туюлди.

Кун қоронғилашиб, шом оққан пайтда бир отлик қишлоқдан чиқиб, уларга пешвоз келаверди. Жумабекнинг кўнгли шувв этиб кетди. Ишқилиб тинчлик бўлсин-да. Уни яқин келгандигина таниди. У Жўрақул эди. Лекин миниб келган оти бошқа эди. Бу отни Жумабек Шомуродбойда кўрган эди.

- Жумабек, - деди Жўрақул ҳарсиллаб, - мени Элбеги холам жўнатди. Шомуродбой билан яна бир чол пешиндан бери уйда сизларни пойлаб турибди. Тез бормасанглр бўлмайди.

- Бўпти, Жўрақул, сен булар билан бирга боравер. Мен кетдим. - Жумабек Қоратойнинг жоловини силқиди ва гира-шира қоронғиликка сингиб кетди.

Қоронғуликда чопиб келаётган Қоратойни Жамол Элбеги туёқ товушидан таниди. Бошқа отлар дукурлаб юрса, Қоратой гурсуллатиб юрарди. Элбеги хотиржам тортди. Чоларга ҳозир Жумабек келади деб, ўзи ташқарига чиқди. Жумабек қоронғуликда Элбегининг юзидаги қаттиқ ташвишни сезмади. Жумабек ичкарига кирганида ҳам, улар билан кўришганда ҳам, Шомуродбойнинг ҳам, Чорикул буванинг ҳам қовоқлари очилмади. Бир сўз демадилар. Жумабек уларнинг оғизларини пойлади. Нега бунча пайсаллайди булар? Шартта-шартта гапирмайди. Ниҳоят, Шомуродбой тилга кирди. Бироз чайналиб турди-да, бўлган воқеани айтиб берди. Чорикул бува бошидан кечирган воқеа шом қоронғулигида янада даҳшатлироқ бўлиб кўринди. Энди уйига, хонумонидан айрилиб уни умидвор кутиб турган уруғлари ёнига қандай қайтиб боришини ўйлаб, юраги безиллади. Қариган чоғида бу кўргуликларни бошига солгунча жонини олиб кўя қолса, бўлмасмиди? Кўзларида филт-филт ёш пайдо бўлиб оппоқ соқолига думалаб туша бошлади.

-Қўйинг Чорикул бува, садқан кўз ёшингиз кетсин! Эрталаб, ўғирланган молларингизни битта-битталаб санаб оласиз,-деди Жумабек.

- Бек, мен ўз молимга қуяётганим йўқ. Мол аччиғи жон - аччиғи деганлар. Қариганимда уруғларим кўзига ёмон кўринганимдан кўрқачман.

Улар жим қолишди, Чорикул бува ҳам, Шомуродбой ҳам гап тугаганини ҳис қилдилар. Энди кўзғаламиз деб жойидан туришган эдилар ҳамки, ташқаридан отларнинг дукур-дуқури эшитилади. Катта дарвоза очилиб, ичкарига бир кўра кўй, йигирмага яқин от ва қорамоларни ҳайдаб киргизмоқчи бўлишганда, Жумабек уларни қайтарди ва Турсункул билан Чорига буюрди. Булар ҳаммаси Чорикул буванинг уруғларидан таланиб кетилган моллардан икки ҳисса ортиқ эди.

- Асирларни ертўлага қаманлар. Уларнинг масаласини эрталаб кенгашиб ҳал қиламиз. Кейин Жумабек Шомуродбойга юзланди. Агар малол келмаса, эрталаб чойни бирга ичсак. Маслаҳатли гап бор. Шомуродбой келишга ваъда бериб, Чориқул бува билан йўлга тушди.

Жумабек ёлғиз қолиб супага ёзилган ўринга чўзилди. Қаттиқ чарчаганига қарамай, уйқуси келмай, алламаҳалгача осмондаги юдузларга маҳлиё бўлиб қараб ётди.

Бешим оқсоқолнинг эшиги ярим тунда қаттиқ тақиллади. Дарвоза ёнидаги кичик хужрада турган қоровул ухлаб қолган шекилли, тақиллаш бу сафар гурсиллашга айланди. Шундан кейингина, ичкаридан: "Ким?" деган уйқусираган бўғиқ овоз эшитилди.

- Мен, Бердиман, оч эшикни.

Дарвоза занжири тарақлаб тушиб, эшик очилди.

- Ҳа, Берди, ҳамроҳларинг қани? Нега бошқалардан ажралиб юрибсан? - Хайратланиб сўради дарвозани очган йигит.

- Мендан гап сўрама, Соли сардор қаерда?

- Қаерда бўларди, ичкарида ётипти. Не гап?

- Сардорни уйғот, зарур гапим бор. - Берди энди ташвишли оҳангда, унинг сўроғига эътибор ҳам бермади.

- Гапинг шунча зарур бўлса, бориб ўзинг уйғот. Мен жонимдан тўйганим йўқ, -деди зарда билан йигит.

- Сапар қаерда?

- Ана, айвонда ётибди.

Берди секин айвонга ўтиб, Сапарни турта бошлади. Беихтиёр жароҳатига тегиб кетди. Сапар талвасали кўзларини катта очиб Бердига тикилиб турди. Сўнг ўзига келиб:

-Бердимисан?-деди- Қурбондурди қани, нега мунча ҳаяллагандлар!

- Иш пачава Сапар, -деди Берди инқиллаб. - Ишнинг расвоси чиқди. Бунни Соли сардорга қандай етказишни билмайман. Бу гапни эшитса мени сўйиб ташлайди у.

- Нима гап, Берди? Нега ишнинг расвоси чиқади? Тушунтириб гапирсангчи, бундоқ?

- Ҳамма гап Қурбондурдидан бўлди. Қамашни ва Фазли деган жойларни босгандик. Яхши ўлжани қўлга киритдик. Қурбондурди ўлжаларни Майманоққа элиб сотамиз, кейин бозорни талаймиз. Мўл ўлжа билан бориб Соли сардорни ҳам хурсанд қиламиз, деб, бизларни бозорга бошлади. Биз бозорга тонг билан кириб бордик. Ҳаммаси жойида эди. Молларнинг ярмини пуллагандик ҳам, кейин бир бало келди. Қулоғимнинг остига мушт қўйди. Мушти ҳам нақ гурзидек экан, баттолнинг, йиқилдим. Туриб ханжаримни олмоқчи бўлдим. Яна бошимдан бир мушт едим. Шундан кейин не бўлганини билмайман. Бир пайт, ўзимга келиб кўзимни очсам, қўл-оёқларим чандилган ҳолда ётибман. Мендан сал нарироқда афти моматалоқ бўлиб кетган Олоназар ҳам чирмаб, боғланган эди. Тонг отганда, чавақлаб ташланган Саид, Бекназар, Ёқуб, Ёшсузоқ, Яхшивой, Даврон, Бобоқул, Ҳикматларнинг мурдаларини судраб ўтишди. Кейин мени, Олоназарни, Муродни отга мингазишиб, ўлжаларимизни ҳайдашиб, йўлга тушишди. Йўлда уларнинг кўзини шамғалат қилиб оёғларимни ечишга муваффақ бўлдим. Қулай пайт пойлаб, одан ўзимни ташлаб қочдим. Изимдан ўқ отилди. Ўзимни юлғунзорга урдим. Яна ўқ узишди. Ўқ чап қўлимни ялаб ўтди. Ўзимни таппа ерга ташладим ва ўлганга ўхшаб қимирламай ётавердим. Афтидан мени қувган йигит тажрибаси йўқ экан шекилли, қайтиб кетди. Уларнинг қораси ўчгандан сўнг, қоронғу тушишини пойлаб, йўлга тушдим.

- Сабр қилчи, балки эрталаб айтган маъқулдир.

- Нега вақтида айтмадинг деб, газабга олса не қиламиз Сапар?- Берди унга илтижоли боқиб турарди.

- Ҳа, бунисиям бор. Бу хабарни Соли сардорга тезда етказмасак, эрталаб икковимизнинг ҳам теримизга сомон тикади.

- Сен шу ерда кута тур. Мен уни уйғотаман. Кейин сени чақираман-деди ва ичкарига кириб кетди. Берди қулоғини динг қилиб жон ҳовучлаб турарди. Сапар Соли сардор ётган меҳмонхонага яқинлашганда, унинг хурраги эшитиларди. Сапар эшикни тақиллатди

- Ким, у? - Соли сардорнинг хириллаган товуши эшитилди.

- Мен Сапарман, тақсир!

- Ярим кечада не ишинг бор, галварс?- Соли сардор ўшқирди.

- Тақсир хунук хабар бор. Шуни сизга етказмоқчи эдим.

- Ҳе, сени хунук хабаринг билан. - У хунук сўкинди. Кейин меҳмонхонадан чиқди. У жуда газабда эди. - Қандай хабар?

- Қурбондурди билан кетган йигитларимиздан кўпи ўлдирилибди. Бир қисми асир тушибди. Фақат Берди ярадор бўлса ҳам зўрға қочиб қутилибди.

- Ким банди қилади? Ким чавақлайди? Ким? - У Сапарнинг бўғзидан маҳкам ушлади. Сапарнинг кўзлари олайиб қолди. Шундагина уни Соли сардор қўйиб юборди. Сапар шалвираб ерга йиқилди.

- Қани у энағар, Бердинг? Чақир бу ёққа?

Берди Соли сардорнинг қаҳрли кўзига дош беролмай ерга қаради. Соли сардор уни қулочкашлаб бир туширди. Берди ерга йиқилди.

- Гапир, энағар, не...еб келдинг?! - Иккинчи мушт чаккасига келиб тегди. Эмак-лаб жойидан турмоқчи эди. Кетидан тепки еди. Ерга чўзилиб қолди. Сардор аямай уни тепа бошлади. Кейин уни даст кўтариб турғизди ва кўкрагидан чопони аралаш ушлади. - Айт? Ким қилди, буни? - Берди жон ҳолатда Жумабек деб хирилади. Соли сардорнинг қўли сал бўшашди ва ҳушёр тортди.

- Қурбондурди қани?

- У банди бўлди.

Шундагина унга қарши у ўйлагандек тажрибасиз, уқувсиз бир анойи йигит эмас, балки даҳшатли куч турганини ҳис қилди ва беҳол бўлиб қолди. Бундан фойдаланган Берди жонини қутқарди. Соли сардорнинг эса ўша кеча тонг отгунча кўзига уйку келмади. У Жумабек билан беаёв дучлашиш бўлишини ва бунга пухта тайёргарлик кўриш лозимлигини ўйлаб, режалар тузди.

## XIX

Жумабекни хўрозларнинг тинимсиз қичқириши уйғотди. Шарқ томондан осмон қорамтир тус олди. Ўрнидан туриб, офтобани олиб таҳорат қилди. Бомдодни ўқиб чиққанида тонг ёришган эди. У кечаси кўрган тушини эслади. Ишқилиб туш бўлиб чиқсин-да. Тушига дўсти Ғайбулла кирибди. Унинг атрофини бир гала махлуқлар ўраб олган эмиш. У бақирса ҳам товуши чиқмас эмиш. Жумабек тепалиқда экан. Ғайбулла уни кўриб: "Яқинлашма!" деб қўлини силкитариш. Жумабек милтиғини олиб махлуқларни отай деса, милтиқнинг тепкиси босилмасмиш. Охири бахайр бўлсин-да, деб ўйлади Жумабек. Ишқилиб қадрдон дўсти Ғайбулла соғ-омонмикан? Кеча Шомуродбойга эрталаб маслаҳатли иш бор деганида ҳам дўсти Ғайбулла тўғрисида гаплашмоқчи эди. У қон тўкишдан ҳам безиб қолганди. Кечаги мурдалар кўз ўнгидан кетмасди. Жангда шундай ёзилмаган қонун бор. Сен ўлдирмасанг, сени ўлдиришади. Бу ҳол қачонгача давом этаркан, фикрини кеча-си билан ўйлаб, яна пишитди. Кейин аниқ бир қарорга келиб, Шомуродбойни кута бошлади. Бой ҳам кўп куттирмай келди.

- Кеча мени катта бир хижолатдан халос этдингиз, бек! - деди Шомуродбой у билан кучоқлашиб кўришаркан. - Молларни эгаларига икки ҳисса қайтариб берганингиз учун Чориқулнинг уруғлари сиздан анча хурсанд бўлишди.

Жумабек уни сўрига бошлади. Бир пиёла чой устида суҳбат Ғайбуллага бориб тақалди.

- Бой ота. Дўстим Ғайбулла Соли сардорнинг қўлида асирлиқда экан.

- Йўғ-е, ҳали Ғайбулла тирикми? Буни Ҳасан эшитса терисига сизмай қувонади. Узи ҳам мени кўрди дегунча оғзимни пойлайди.

- Ҳасан акага билдирмай туринг. У тирикми, ўлганми буниси номаълум. Ҳасан аканинг тирналган ярасига яна туз сепмайлик. Менда бир таклиф бор. Шу борада сизнинг фикрингизни билмоқчийдим.

Шомуродбой унга маъноли қаради.

- Мен Ғайбуллани қутқаришим керак. Шунинг учун Соли сардор билан учрашишга тўғри келади. Мен қўлга олган учта асир ҳисобига Ғайбуллани алмаштирсак. Соли сардор ҳам анойилардан эмасга ўхшайди. Кўп нарсани биладиган, ер тагида илон қимирласа сезадиган туллак экан. Лекин у унча-бунча одам билан гаплашмайди ва музокара олиб бормади. Шунга нима дейсиз?

Шомуродбой бироз ўйланиб қолди.

- Яхши ўйлабсиз бек! Дўст-дўстнинг бошига оғир иш тушганда билинади. Ҳақиқий дўстлик шундай пайтда синовдан ўтади, лекин тулки Соли сардор бунга кўнармикан? Қанийди кўнса?

- Кейин яна бир гап айтмоқчиман. Орада қон тўкилди. Майли, бошқа қон тўкилмаслиги учун, мен Соли сардор билан суҳб тузишга розиман. Фақат битта шарт билан. У тезда бу жойни тарк этиши керак. Лекин сиз яна ўйламанг, мени чўчибди деб. Мен заррача ундан чўчимайман. Фақат ўртада яна қон тўкилмасин дейман, бой ота!

- Сиз ҳақсиз бек. Мусурмон-мусурмоннинг қонини тўкиши гуноҳ. Бунга уриниб кўриш керак. Қарс икки қўлдан чиқади. Эшитишимга қараганда Соли



сардор анча ўр, чўрткесар, ҳеч кимнинг гапига қулоқ солмас эмиш. Фақат Бешим оқсоқол билан маслаҳатлашаркан. Бешим оқсоқол билан бизнинг салом-алигимиз бор. Зора, бундан бирор иш чиқса. Ҳаммамиз ютардик. Ётиб қолгунча, отиб қол, деганлар. Мен боришга розиман, фақат бир ўзим сўппайиб бормай. Агар рози бўлсангиз ёнимга Турсунқулни қўшсангиз. Ахир, элчига ўлим йўқ деган гап бор-ку!

Шундан кейин Жумабек Турсунқулни ҳузурига чақирди.

## XX

Ғайбулла бу қоронғу, зах, каламушлар уёқдан-буёққа чошиб юрадиган ертўлага тушганига бир ойлар чамаси бўлиб қолганди. Шундан бери офтоб юзини кўрмагани учун кеча ва кундуз унга фарқсиз, кўзи қоронғиликка ўрганган, қорни ҳам кунда бир марта бериладиган бир парча нон, бир кўзача сувга кўникиб қолганди. У неча марталаб ўз ҳаётини, кечган воқеаларни сарҳисоб қилиб чиқди. Ҳаёлан Ойсулув билан қайта-қайта суҳбат қурди. Отасининг, онасининг сиймосини кўрди. Энди у ўлимини бўйнига олган эди. Лекин Оллоҳдан фақат бир илтижоси бор эди, "Юрагимдаги қасос алангасини сўндиришга имкон бер! Уз қўлларим билан душманам Соли сардорни бўғиб ўлдирай! Кейин жонимни олсанг минг бора розиман!".

Кейин кўп нарсаларни ўйлай бошлади, назарида шу қисқа вақт унга асрдай бўлиб туюлаверди. Миясига кўп фикрлар ўрнашиб қолганди. Дарахт қуриркан, тош емириларкан, одам эса ҳар қандай шароитга кўникаркан.

Ғайбулла ўзини анча улғайгандай ҳис қилиб, миясига ҳар хил донишмандона фикрлар оқиб кела бошлади.

- Ҳаётда тўртта ажойиб нарса бор:

- Унинг бири шуки, қанча есанг ҳам камаймайди, у- ғам!

- Иккинчиси — қанча берсанг ҳам тураверади, у- инсоф!

- Учинчиси — қанча оқизсанг ҳам тугамайди, у- кўз ёш!

- Тўртинчиси — қанча синса ҳам қиймати пасаймайди, у — дил! Дарҳақиқат, ҳаёт фақат байрамлардан иборат эмаску, унинг қувонч ва шодликлари, дард ва аламлари доим ёнма-ён. Ғайбулла мадрасада ўқиб юрганида Саъдий Шерозийнинг ғазаларига маҳлиё бўлганди. Айниқса, унинг ақл билан суғорилган фикрлари миясига маҳкам ўрнашиб қолганди. "Тирик оламдаги бари одамзот бир вужуддир, улар бир жавҳардан пайдо бўлган, агар шу вужуднинг атиги энг кичик, ҳатто, кўзга кўринмас бир жойига бирор мараз юкқудай бўлса, бутун вужуд чириб бораверади".

Ҳаёт даштга ўхшайди. Бу ҳаёт йўлларида кўпчилик адашади, тентирайди. Ғайбулла ўзини ўйлади. Мана ўзи тентираб юрибди. Ҳақиқатан бировлар урина-сурина тўғри йўлни топиб кетади. Айримлар эса, афсуслар бўлсинким, сўнгги нафасига қадар хато йўларда азоб-уқубат чекиб яшайди.

Умр узун бир йўлга ўхшайди. Бу йўлда текислик бўлгани каби, тоғлар, қирлар, ботқоқликлар, тиканлар ҳам бор. Инсон умр саёҳатида буларнинг барчасига дуч келади. Изтиробли соатдан олинган дарс, умр бўйи олинган дарслардан устунроқдир. Дунё-ботқоқ юзасини қоплаган ўтлоққа ўхшайди. Уйламасдан ташлаган ҳар бир қадамнинг, сени ботқоққа ботиради.

-Қизик! -деб ҳаёлга чўмади Ғайбулла. Ой доим ўз йўлидан юрган. Юлдузларнинг ҳам ўз йўллари бор. Улар ҳеч вақт бир-бирлари билан тўқнашиб кетмаган. Ҳаммаси мувозанат сақлаб, уйғуналик билан ҳаракатланган, аммо, биз инсонлар мудом урушу хунрезликлар билан бандмиз. Шогирдларидан бири Сукротдан одам дунёда қандай яшаши, қандай йўл тутиши кераклигини сўрабди. У шундай жавоб берибди: Шод яша, беҳудага бировнинг кўнглини оғритма, арзимас нарсага ғам чекаверма, яхшилик уруғини экиб, омонлик ҳосилини олишга интил.

Дунё шундайки, унда хатарли йўллар кўпдир, баъзан бу йўллар устига баргу хашак ташлаб қўйилган чохга ўхшайди. Шунинг учун бу йўлдан юрган пайтда, аввало, яхшилаб ўйлаш, тойиб кетмаслик чорасини кўриш керак.

Инсон учун энг катта бахт ғафлат уйқусидан уйғониб, ўзининг ким эканини ҳамда қўлидан нималар келишини тўғри англаб етмоғи ва ҳаётда шунга интилиб яшамоғидан иборат. Бунинг маъносини англаб етганларгина бу дунёда энг бахтли инсонлар дейилишга ҳақлидурлар. Ғайбулла ҳаёл суравериб мияси ғовлаб кетди. Ҳозир у қийинчиликлар тўғрисида эмас, балки қутулиш ҳақида ўйларди.

Ғайбулла ўлимдан қўрқмайди. У алақачон ўлимини бўйнига олган. Лекин, бу дунёдан ҳеч қандай ном-нишон қолдирмай кетиши унга жуда алам қилади. Ҳеч бўлмаганда, Ойсулувнинг ўчини олса ҳам майли эди. Энг асосийси Ғайбуллада ўлимдан қўрқув ҳисси йўқолган эди. Донишмандларнинг ёзишича, агар

ҳаммавақт қўрқувдан титрасанг, ҳеч қачон бахтли яшаш мумкин эмас. Қўрқув ҳамиша одамларни алдаш ҳамда уларни асоратта солишнинг ишончли воситаси бўлган ва бўлади. Ертўла эшигининг зарб билан очилиши унинг хаёлини пардек тўзғитиб юборди.

## XXI

Саҳронинг бағри чўғ эди. Улар олов саҳрони босиб ўтиб, бир азим дарё бўйига келдилар. Унинг қирғоғида манзил курдилар. Дарё бўйида яшовчилар бағри кенг эл эди. Бу икки ошиқ-маъшукни ёнларига олдилар.

Самандар бир кулба бунёд этди. Зарнигор шу кулбани обод этди. Самандар элнинг одамлари билан балиқ тутди. Дарё бўйида буғдой эқди. Саҳройи чорвадорнинг қўли базўр деҳқончиликка қовушди. Самандар сузишни унча уддаламади, яхши эшкакчи бўлди. Қайиққа эшкак солганда чарчаш нималигини билмади, йўлдошларини чарчатмади. У меҳнатдан бўйин товламади. Элнинг яхши-ёмон кунида бирга бўлди. Эл ҳам борини булардан аямади. Услари бут, қоринлари тўқ бўлди.

Зарнигор моҳир чевар бўлди. Яхшигина каштадўз бўлди. У тиккан, кашталарга, сўзаналарга харидор кўп бўлди. Тақдир сулувни тоғда, паҳлавонни саҳрода яратган экан. Аммо уларни дарё бўйида қовуштирди.

Саҳройи ота тоғлик отанинг уйига ғазаб отига миниб борар экан, тоғ йўлига ўрганмаган саҳройи от депиниб кетди, от сурилиб пастта, ваҳимали жарликка қулади. Саҳройи ота ичган қасамини бажаролмади, ҳалок бўлди. Унинг жасадини топишганда юзлари тошларга урилиб, кўкариб қорайиб кетган эди. Саҳройи отани тоғ ён бағридаги лолалар билан қопланган қияликда ғариб мозор қилиб қолдиришди. Тақдир тақозосига қарангки, бутун умрини саҳрода ўтказган саҳройи ота ўзига бегона тоғда мангу қўним топди.

Тоғлик ота қизининг ўғирланганини билиб оқланди.

- У лаънати саҳройини топиб, қонини оқизмасам шу тоғнинг суви менга ҳаром бўлсин! - деб қасам ичди.

Унга Зарнигор ишқида ёнган юртнинг тўртта йигити ҳам ҳамроҳ бўлди. Отланиб саҳройилар қўним топган пастликка тушишди. Тит-пит қилиб Зарнигорни-да, саҳройи йигитни-да топиша олмади. Кейин уларнинг изини олиб, ўзлари учун бегона бўлган саҳро томон йўлга тушишди. Отлар ҳам, эгалари ҳам толиқишди, йўл босолмай қолдилар.

Тоғлик ота сафарнинг тўртинчи кунини тамомла ҳолдан тойди. Аъзойи бадани қақшади. Уни офтоб урган эди. Ҳушидан кетди. Қайтиб ўзига келмай жон таслим қилди. Тоғдаги шаштидан асар ҳам қолмаган йигитлар жасадни олиб кетолмасликларини англадилар. Тоғлик ота жасади жаҳаннам янглиғ қайнаб ётган саҳронинг қоқ ўртасида, ўша ўзи жон таслим қилган танаси аждардек буралган кекса саксовул тағидаги мўъжаз қабрада қолди. Тақдир ҳазилини қарангки, улуғвор тоғлар бағрида умрини ўтказган тоғлик отага шу тоғлар қўйнидан бир парчагина жой насиб этмади.

Самандар билан Зарнигор дарё бўйидаги элда қўним топишди.

Уларга ҳамманинг ҳаваси келарди. Улар бир-бирига узукка кўз қўйгандек мос эдилар. Шундай, асалдек тотли кечалардан бирида Зарнигор янги олмадек қизариб, уялиб, қимтиниб Самандарга бўйида бўлиб қолганлигини айтди. Самандар қувонганидан еру кўкка сизмади. Шу топда у дунёдаги энг бахтли одам эди. Лекин бахт билан бир қаторда бахтсизлик ҳам юрар экан.

Серсув, ҳосилдор ерлар, боғ-роғлар, экинзорларга кўпдан бери ғаним кўз тикиб юрган экан. Пайт пойлаб, бу элга ҳужум қилди. Элнинг ботир йигитлари қатори Самандар ҳам унинг шаънини ҳимоя қилиш учун ғанимга қарши жангга отланди. Жанг қурбонсиз бўлмади деганларидек, кўп йигитлар нобуд бўлишди. Самандарнинг ҳам кўкраги найза ўқидан оғир яраланди. У минг бир азоб билан кулбасига етиб келди. Кўкраги остига санчилиган найзанинг захридан бутун вужуди олов бўлиб ёнарди. Шу ойдин тунда Зарнигорни тақдир ҳукмига ҳавола этиб, Самандар ҳам уни ташлаб кетди. Уша кеча фалак ҳам кўз ёшини тўкиб Зарнигорга ҳамдара бўлди.

Шунда ҳофизнинг кўзларидея ёш милтиради. У бўғилиб-бўғилиб нола қилди:

- Аё, биродарларим-ов! Айтинг-айтинг йигит ўлмасин экан.

Шунда осмон чўқар экан. Осмон ер бўлар экан.

Қаҳри қаттиқ ер йиғлар экан, тоғнинг муздек тошлари эриб, кўз ёшгайин оқар экан.

Аё биродарларим-ов! Айтинг-айтинг икки ошуфта дилни ажал айро қилмасин экан.

Бошқа ҳижронга чидаса бўлар экан.

Бошқа ғамни ичга ютса бўлар экан.

Аммо, ажал ғамини ютиб бўлмас экан.  
Унинг ҳижрони саҳро экан. Ҳаг-ҳугудсиз, чегара  
билмас саҳро экан.  
Унинг охири йўқ экан. Бу ҳижрон саҳроси чўғ экан,  
унда ҳеч кимни юргилик қилмасин экан.

Аё биродарларим-ов!  
Муҳаббат деганлари бир чиройли оппоқ куш экан.  
Икки дил икки қаноти экан.  
Шу қушнинг қанотини ажал айирмасин экан.  
Ёнди-ёнди Зарнигорнинг бағри ёнди.  
Куйди-куйди Зарнигорнинг бахти куйди.  
Сўнди-сўнди Самандарнинг умри сўнди.  
Ёниб-ёниб, куйиб-куйиб, охир-оқибат, икки дил кул бўлди.  
Энди беадаг ҳижрон саҳроси қолди.

## XXII

Шомуродбой Турсункул билан биргаликда Чандир қишлоғига кириб келганида кун чошгоҳдан оққан эди, лекин Шомуродбойнинг кўнгли хижил. Нимадир ичини тирнади. Жумабекнинг гапини қайтаргиси келмади. Бек уни жуда ҳурмат қилар, кўпинча унинг маслаҳатларига қулоқ тутарди. У Бешим оқсоқол хонадонига оёғи тортмай, худди биров уни бўйнига ип солиб етаклаб бораётган-дек эди. Дарвоза тагида, бадқовоқ йигит кутиб олди. Шомуродбой Бешим оқсоқолни сўради. У Шомуродбойнинг савлатидан ҳурқдим, отнинг тизгинидан тутди ва отдан тушишга кўмаклашди. Сўнгра Шомуродбой ва Турсункулни ич-қарига бошлади. Бешим оқсоқол таҳорат олаётган экан, чунки намоз вақти бўлиб қолганди. Ҳаял ўтмай чиқди. Шомуродбойни кўриб шошиб қолди. Чунки, Шомуродбойнинг довуғи яқин атрофдаги қишлоқларда жуда баланд бўлиб, бундай катта бойлар бармоқ билан санарли эди. Хон олдида ҳам бу қоракўлли бойнинг мартабаси улуғ эди. Шунинг учун ҳам у кўзларига ишонмади. Шомуродбойнинг яна бир хислати-унинг қўли очиқ, саҳий эди.

Анча йил олдин Бешимнинг қўли қисқалик қилиб бойдан ёрдам сўраб борганида, райини қайтармай ёрдам қилганди. Бешим оқсоқол ўзини тутиб олиб, қарзини узиш мақсадида олиб борган бир қопчиқ тиллани олмай: "Мен уни аллақачон унутганман Бешим! Хоҳласанг ўзингга ишлат, истасанг қишлоқда масжид қурдир, бўлмаса бева-бечораларга тарқат!" деганди. Кейин яхшилаб меҳмон қилиб, елкасига тўн ёпиб жўнатиб юборганди. Бешим келиб ҳамқишлоқлари билан маслаҳатлашиб, қишлоқда чоғроққина масжид қурдирди, бузилган кўприкни тузатди. Бир қисмини бева-бечораларга тарқатди. Шу-шу унинг ҳам, қишлоқ аҳдининг ҳам Шомуродбойга ихлоси баланд эди.

Бешим оқсоқол бой билан кучоқлашиб кўришди. Турсункул билан ҳам илиқ сўрашаркан, кейин бир йигитни чақириб, қаттиқ тайинлади:

- Меҳмонларнинг отларига қара, меҳмонхонани тайёрла, қассобга айт, кўчқорни олиб бой отамизнинг оёқларининг тагига сўйсин! Кейин Шомуродбой билан Турсункул ҳам таҳорат олишгач, жойнамозлар тўшалган алоҳида уйга кириб намозга турдилар. Улар пешин намозини тугатишиб, катта меҳмонхонага ўтдилар. Меҳмонхонага киришлари билан чаққонгина икки йигит елкаларида сочиқ, қўлларида обдаста ушлаб туришар, дастурхонда ҳамма нарса муҳайё эди. Шомуродбой Бешим оқсоқолнинг дидига қойил қолди. Бир пиёладан чой ичиб улгурмасларидан қовурдоқ тортилди. Сўнгра кўчқорнинг яхшилаб тозаланган калласи алоҳида Шомуродбойнинг олдига қўйилди. Шомуродбой Бешим оқсоқолга миннатдорчилик билдирган ҳолда, пиширилган калланинг гўштидан бир бўлагини кесиб олиб, каллани лаъли билан бирга Турсункулга узатди. Кейин шўрва тортилди. Охирида беданали палов ейилгач, ҳазми таом тарзида қовун, тарвуз қўйилди.

Қуюқ зиёфатдан сўнг Шомуродбой муддаога кўчди. Бешим оқсоқол Жумабекнинг номини эшитгач, талмовсираб қолди ва ялт этиб Турсункулга қаради. Зийрак бой буни дарров илғади ва Турсункулга ишора қилди. Турсункул чилим чекиш баҳонасида ташқарига чиқди.

- Шомуродбой оға! Жуда қалтис ишга қўл урибсиз. Соли сардорнинг энг ашаддий душмани Жумабек ҳисобланади.

- Икки кўчқорнинг калласи бир қозонга сиғмайди, дейишади. Шу кечакундузда Жумабек Соли сардорнинг саккизта энг сара йигитларини ўлдириб, учтасини асирга олибди. Ҳозир олов бўлиб ёнапти. Ундан сулҳ тузишни сўраш, аждарҳодан паноҳ излагандай гап. Сизни бундай вақтда Соли сардордек қахри қаттиқ, ғадар, шафқатсиз аждарҳога рўпара бўлишингизни ҳеч ҳам истамай-

ман бой ога! — деди Бешим оқсоқол илтижоли оҳангда. Шомуродбой узоқ ўйга толди. У икки оловнинг ўртасида қолганди.

- Бешим! - деди у ниҳоят. Мен Жумабекка ваъда берганман. Лафзни бузиш эркак кишига хос эмас. Нима бўлса пешонадагини кўрамиз. Кейин Соли сардорнинг Оллоқулбойга ва унинг оиласига ўтказган жабру зулмини, Гайбулланинг аччиқ тақдирини, ҳозир у шу ерда тутқинликда эканлигини сўзлаб берди.

Бешим оқсоқол Оллоқулбой, оила-аъзоларига, Гайбулланинг қора қисмати-га қаттиқ ачинди.

- Ога! - деди Бешим оқсоқол вазминлик билан. - Мен Соли сардор билан йигитликда танишганман. Амирга хос навкар бўлганмиз. У ўзининг довураклиги, чавандозлиги, чапдастлиги, тўғрисўзлиги билан тезда кўзга кўринди. Ҳатто у бир марта қуршовга тушганимизда мени ўлимдан қутқариб қолган. Шундан бери мен ундан умрбод қарздорман. Лекин ҳозирги Соли сардор ўша даврдаги Соли сардор эмас. У ҳақиқий чўл бўрисига айланибди. Чўл бўриси-дан ҳеч қачон шафқат кутиб бўлмайди бой ога! Биласиз бўри ҳеч қачон қўлга ўрганмайди. Кўп вақт нон-туз бўлганимиз ҳаққи мен у ва навкарларига уйимнинг тўридан жой бердим. Биламан, менинг хурматимни қилиб Чандир элига кўз тиккани, талагани йўқ. Лекин, атрофдаги қишлоқларда талончилик қилиб, одамларни зор қақшатиб юрганини биламан. Лекин иложим йўқ! Сал ноҳўя ҳаракатимни сезса, менга ҳам шафқат қилмайди. Юқорида айтганимдек, бўри ҳеч нарсадан қайтмайди. Менга бир гал кечаси билан йиғлаб чиқиб, уйқу бермаган икки яшар норасида гўдагини оёғидан ушлаб, деворга уриб ўлдираганини айтиб берди. Мен бир вақтлар қайнаб турган юрагининг музга айланганлигини ҳис қилдим. Энди асир масаласи, яъни, Гайбулланинг қисмати мени қаттиқ ларзага солди. Менга қилган яхшиликларингиз ҳаққи бу борада Соли сардор билан иш битмаган тақдирда ҳам бир иложини ўйлаб топармиз.

Шу билан суҳбат тугаганини сезиб, Шомуродбой ўрнидан қўзғалди. Унга Турсунқул ҳам эргашди. Бешим оқсоқол Шомуродбойнинг Соли сардорга учрашмасдан кетмаслигини англадию, ўзини қўйнинг бўйнига арқон солиб бўрига судраб бораётгандек ҳис қилиб, ноилоҳ йўл бошлади. Кўп ўтмай айвоннинг тагида жойлашган катта супага яқинлашишди. Бошдан-оёқ қуролланган икки йигит меҳмонларни Бешим оқсоқол билан кўришгач, уларга йўл бўшатди.

Супа устида кенг келбатли, девқомат, қирғий бурун, ҳар елкасига икки йигит бемалол сиғадиган, оппоқ яқтак, оппоқ иштон кийган, хумдай боши тақир қилиб устара билан қирилган, кўзларида фақат қаҳр акс этган бир одам турарди. Шомуродбой бирдан сергак тортиди. Бундай одамдан нажот истаб келиш-ларслоннинг кўкрагидан сут эмиш билан баробар эди. У меҳмонларни кўргач, ўрнидан сал қимирлагандек бўлди ва совуққина сўрашди. Еб қўядиган кўзлари билан аввал Бешим оқсоқолга, сўнг Шомуродбойга ва Турсунқулга боқди. Орага бироз сукунат чўкди. Ниҳоят, Бешим оқсоқол меҳмонларни таништирди. Соли сардор бунга эътибор қилмагандай, катта косага қуйилган совуқ чойдан ҳўплаб қўйди. Кейин Шомуродбой томоқ қириб гап бошлади. Жумабекнинг номини эшитгач, хўрпайиб, кейин чўккалаб олди ва ғазаб билан бойнинг оғзига тикилди. Шартларга чидаб туролмай, сапчиб ўрнидан турди. Олдида турган косани чойи билан биргаликда бойга қараб олди. Коса келиб Шомуродбойнинг пешонасига тегди. Бу ҳам етмагандек бойни судрай бошлади. Бешим оқсоқол билан Турсунқул бараварига Соли сардорнинг темирдек панжаларига ёпишди. Соли сардор бойни силтаб ташлаб, ёнидан тўппончани чиқарди. Кутилмаганда хунук воқеа бўлишини сезгандек Бешим оқсоқол бойнинг олдига ўтиб олди ва кўкрагини очиб бақирди.

- Сен тузимни еб, тузлимга тупуриясан Соли сардор! Отсанг мени от! От! Эҳ, Соли сардор сени уйининг тўрига ўтказиб қўйиб, меҳмон қилганнинг падарига минг лаънат! - Унинг сўзлари пайдар-пай чиқарди. Соли сардор сал бўшашгандай бўлди ва ўшқирди.

- Йўқолларинг кўзимдан!

Шовқинни эшитиб, югуриб келган навкарларга буюрди:

Нимага қараб ўтирибсан, эшшаклар? Олиб чиқиб ташлаларинг!

Шомуродбой шунча ёшга кириб бундай хўрликни кўрмаган, ҳўнг-ҳўнг йиғларди. Турсунқул билан Бешим оқсоқол унинг икки қўлигидан киришиб, суяб чиқишди. Бойнинг салласи бошидан учиб кетиб, ерда думалаб ётар, пешонасидан оққан қон кўз ёшлари аралаш оппоқ соқолини қип-қизил қилганди.

### XXIII

Самандарнинг кулбаси усиз ҳувуллаб қолди. Зарнигорнинг қалби ҳам вайрона бўлди. Фақат, фақат юрагининг тагида яна битта митги юракнинг тепаётганини ҳис қилди. Унинг жисмида кичик Самандарнинг бино бўлаётгани, унинг

нурсиз ҳаётига нур баҳшида этди. Энди бутун қолган умрини шунга бағишла-моқни ўйлади. Бир ажойиб тонгда бу вужуд дунё юзини кўрди. Ҳувуллаган кулбага нур келди. Чақалоқ ингаси ғариб кулбани бахтиёр ҳисларга тўлдириб юборди. Самандардан айро тушганидан бери илк бора Зарнигор кулди. Мунис табассум қилди. Жажжи Самандарнинг дўмбоққина вужудини бағрига босди. Чақалоқ отасининг исмини олди. Отасидай алқомат бўлиб кун-кундан ўсиб, улғайиб бораверди. Самандар аста юрадиган бўлганида, Зарнигор энди дарёчи элга сифмаслигини ҳис қилди. Бу элдан ризқи кўтарилганлигини билди. Уни яна машаққатли йўл, сахро чорлаётганини сездди. Боиси, дарёчи эл йигитлари боши очиқ Зарнигорга ошиқ бўлди. Дарёчи элнинг манаман деган йигитлари унга оғиз солди. Самандарсиз қолган Зарнигор муштипар бўлди. Жуфтидан айри тушган оҳудай ожиз бўлди. Кучи йиғига етди. Шунда, бу элдан тезроқ кетмаса, Самандарнинг олдида гуноҳқор бўлишини, бир дарёчининг чангалида хор бўлишини билди. Билди-ю бир тунда жажжи Самандарини опичлаб, саҳролар бағрига, ноаён манзил сари азоб-уқубатли йўлга равона бўлди. Сахро даргазаб арслон каби ўқирарди. Сахро тўрт бошли дев каби тўрт ёндан олов пурқарди. Сахро дўзах каби ёнарди. Зарнигор бир ҳафта йўл босиб, ҳолдан тойди. Самандарни бағрига босиб, зўрға судралиб-судралиб юрарди. Юраве-риб, мажоли қолмагач, кекса саксовулнинг соясида тўхтади. Бемадор қўллари билан Самандарни бағрига босиб ухлаб қолди.

- Келдингми, қизим? - деди отаси кўркем қора соқолини силаркан. Кели-шингни билардим.

- Ота сув беринг! Ўғлимнинг ҳалқуми қотди! Бир қултум сув беринг, шу норасидага!

Ота унинг ноласига эътибор ҳам бермади. Қорли чўққилар томон ўтирилиб олди.

- Сен отангнинг ризолигини олмадинг. Бизни ташлаб бир саҳройининг эта-гидан тутиб кетавердинг. Шунинг учун бу жаҳаннам саҳрода қийналиб юраве-расан.

- Отажон, майли, мен пешонамдагини кўраман. Лекин, ўғлим ўлмаслиги керак. Сув беринг, сув! Ўғлим ўлаяпти, ахир! Бир томчи сувни неварангиздан аяманг!

- Ўғлингнинг отаси катта гуноҳ қилди. У менинг юзимга оёқ босиб, қизимни ўғирлади. Мени шу саҳроларда сарсон қилди. Бу лаънатланган масканда қиёматта қадар қолиб кетаман энди! Ҳаммасига у айбдор!

- Ота! Отажон! Бу гўдак сизнинг набирангиз. Унга ёрдам берсангиз-чи? Сув, сув беринг!

- Нима, сув дейсанми? Сув нима қилади бу дўзахда?! Бу ерда олов бор! Сув йўқ! Йўқ!

- Мен нима қилай бўлмаса? Ўғлим, жигарпорам, Самандарим ўлиб қолади-ку?

- Сувни Олоҳдан сўра! Олоҳдан сўра!

Зарнигор уйғониб кетди. Самандар аллақачон уйғониб, уни турткиларди.

- Анна, умма — деди у зорланиб.- Умма, анна! Зарнигорнинг юрак-бағри эзилиб кетди. Ўпкаси тўлди. Аммо, кўзларидан ёш чиқмади, кўз ёшлари ҳам қуриб қолганди. У тинчгина шу саксовул тагида ухлашни, ухлаб, бутунлай уйғ-онмасликни истади. Аммо, бу истак, қанчалик тез келган бўлса, шунчалик тез кетди. "Ўғлим!" "Самандарим!" Унинг аҳволи не кечади унда! Йўқ. Зарнигор-нинг тинчгина ўлишга ҳаққи йўқ?

- Ё, Олоҳ! — Унинг кўксидан нола отилиб чиқди. -Ё Қодир Худо! Боламга раҳминг келсин. Сув бер! Шу бегуноҳ гўдак қуриб- қақшаб ўлмасин!- У умид-вор самога тикилди. Гўё ҳозир ғойибдан бир булут пайдо бўлиб, жала қуяди-гандек термулиб тураверди. Аммо, осмон оловдай ёнарди. Осмонда бир парча-гина бўлса ҳам булут йўқ эди. Зарнигор буткул умидсизликка чўқди. Саман-дарни бағрига босди. Бағрига босиб тураверди. Шу тахит ажални кутиб олмоқ-чи бўлди. Аммо, саҳрони ёндираётган лаққа чўғ-офтоб забтидан тушиб, пастлай бошлади. Бир пайт, бир жажжигина қушча, гоҳ баландаб, гоҳ пастлаб учиб келиб саксовулга қўнди. Чирқилаб шодон сайрай бошлади.

- Қани энди мен ҳам қушга айланиб қолсаму учиб бориб дарёдан сув олиб келсам?!

Зарнигор қушчага ўтирилди. Қушча куйиб-пишиб чирқиллар, унга ненидир айтмоқчидек туюларди, гўё. У эътибор бериб қараса, бу қушча дарё ва кўлмак-лар бўйида яшайдиган сув чумчуқ экан. Ғалати, сен бечора бу саҳрода не қилиб юрибсан, дея хаёл қилди, Зарнигор. Қуш яна жон-жаҳди билан чирқиллади. Хуноби ошиб чирқилади. Кейин бошини эгиб, кўтарди. Осмонга қараб тумшуг-ини очиб-ёпаверди. Сув ичгандек ҳаракат қилди. Шунда, Зарнигорнинг чанқ-оқдан хиралашган ақли ёришиб кетгандек бўлди. Ниҳоят, у қушчани тушунди.

Ўрнидан турди. Ҳушсиз Самандарнинг қушдек енгил вужудини кўтариб олди. Бола ожиз ингради:

- Анна, умма!

- Ҳозир болам, бироз сабр қил, сенга кўпала умма бераман!-У учиб-қўниб бораётган қушчанинг ортидан эргашиб бораверди. Қушча кичикроқ қумтепадан ошиб, кўздан йўқолди. Зарнигор сўнгги умидини қўлдан чиқармаслик учун чопа-чопа қумтепа устига чиқди. Қушча пастроқда уни кутиб турарди. У қумда сирғана-сирғана пастга тушди. Қушча ўн қадамча учиб бориб, яна ерга тушди. Қушча турган жойда сув шалоплаши эшитилди. Зарнигор тилла топган кимсадек ўзини йўқотиб, телбаларча югура бошлади. Кўз ўнгига ўртача ҳовуздек кўлмак сув кўринди. "Сув!"

Қушча унинг сувни топанга ишонч ҳосил қилгани учунми, Зарнигор боши тепасида бир лаҳза чарх уриб парвоз қилди ва ғойиб бўлди. Зарнигор ҳовуч-ҳовуч сув олиб Самандарнинг юзига сепди. У кўзларини ялт этиб очди ва қуруқшаган лаблари билан зўрға:

-Умма! — деди.

- Ма, болам, ичақол! -деди Зарнигор ва унинг оғзига бир ҳовуч сув тутди. Самандар ютоқа-ютоқа ичди. Яна тамшанди. У яна ҳовучида сув олиб унга ичирди. Самандар ўрнидан туриб ўтирди. Шундагина, она шўрлик ўзининг ҳам чанқаганини ҳис қилди. Сахро ўртасида Оллоҳ иродаси билан бино бўлган бу мўътабар сувдан қониб-қониб ичди. Чанқоғини босди. Кейин она-бола уйкуга кетишди. Ярим тунда бўрон турди. Увиллаб, бўкириб қум бўрони қутира бошлади. Зарнигор Самандарни бағрига босди. Қуюндан пана қилди. Шунда ортидан бир дахшатли соя силжиб келаётгандек туюлди, ўтирилса қумтепага жон кириб унинг устига силжиб босиб келарди, гўё. Зарнигор шошиб, ўрнидан туриб, бир икки қадам орта тисарилади. Қумтепа яна уч-тўрт қадам силжиса, сувни бутунлай босиб қоларди. Кейин бу саҳрода улар қандай жон сақлайди. Самандарнинг ҳоли не кечади. Йўқ. У бутун вужуди билан қумтепа йўлига тўғаноқ бўлиб, чўзилиб олди. Қумтепа бир тўхтади. Силжиб келаётган, қумоқ Зарнигорнинг ҳазин вужудига ўралиб, бир дам оёқ илди. Аммо, сел янглиғ тошиб келаётган қум оқими энди унинг гавдаси устидан тошиб ўтиб, зилол сувга шовуллаб куйила бошлади.

- Эй, Худо! — деб яна фарёд кўтарди Зарнигор. -Яна бир қудратингни кўрсат. Боламнинг жонини сақлаб қолган сувни мен ҳам сақлаб қолайин. Менинг вужудимни қўрғондай балад, мустаҳкам қилки, токи, қумлар мендан ошиб ўтиб сувни кўммасин. Ё Қодир Эгам, сен ҳаммадан қудратлисан!

Шунда Зарнигор вужуди тош қотаётганини ҳис қилиб, ўглини бағрига сўнгги бор босди...

Тонгга яқин бўрон тўхтади. Тонгнинг заррин нурлари остида сахро ўртасида пайдо бўлган улкан гумбаз яққол кўзга ташланарди. Қумтепа сувни кўмолмай Зарнигорни айланиб ўтиб анча нарига кетиб қолганди.

Самандар эрталаб уйғонса, бир улкан гумбаз остида, тиниқ зилол сув бўйида ётибди. Онасини излаб тополмади. Йиғлади, йиғлади. Барибир, онаси жавоб бермади. Негадир бу гумбаздан узоқ кетгиси келмади. Ерга қапишиб олиб сув ичди. Чанқоғи қонгандан кейин очлиги эсига тушди. Қорни таталаб кетди. Онасини қумсаб йиғлади. Иттифоқо, ўша тунда, бўронда она кийик боласини йўқотиб қўйди. Саҳронинг тит-питини чиқариб излади. Боласининг на ўлигини, на тиригини топа олди. Бўзлаб-бўзлаб, излаб-излаб юганида бир жойга келиб қолди. Бир улкан гумбазни кўрди. Ҳурка-ҳурка унинг ичига мўралади. Ичи тўла тиниқ сув бўлди. Кийик сувдан қониб-қониб ичди. Елинлари қизариб, тирсиллаб кетди. Шунда ичкарида недир шитиради. Она кийик ҳуркиб, қулоғини динг қилди. Ичкаридан бир бола қоқила-қоқила, эмаклаб-эмаклаб чиқиб келди. Она кийик аввал ҳуркиб қочди. Кейин боланинг ҳимоясиз, норасида эканлигини ҳис қилди. Йўқотган боласига ўхшашлигини сезд. Она кийик уни исқади. Бола унинг бўйнидан ушлади. Шохларини сийпади. Шунда она кийик ийиб кетиб, сут тўла елинини тутди. Бола ҳузур қилиб, майин қўлчалари билан елинни қўйвормай сутни сўрди. Она кийик роҳат қилиб тураверди. Она кийик гўдакни ташлаб кетгиси келмади. Бола билан гумбаз остида ухлади. Бир куни саҳрони кесиб карвон қўнғироғи жаранглади. Туяларига дунёнинг молини юклаган савдогарлар улкан гумбазни кўриб, шу ерда оёқ илдилар. Она кийик уларни кўриб болани тумшуги билан итариб қумтепа ортига паналади.

Йўловчилар гумбаз остида ҳовуз, ҳовуз ичи тўла сувлигини билдилар. Жазирама саҳродаги бу сув муздек совуқ эди.

Чанқоқ одамлар сувдан қониб ичдилар ва гумбазни Сардоба деб атадилар. Шу-шу унинг номи Сардоба бўлди.

*Сардоба-бир муштиллар онанинг илтижоси ила бино бўлган Оллоҳ инояти, Сардоба-онадир. Мушфиқ боласини тирик қолиши учун жонини қурбон қилган онадир.*

Сардоба – бизнинг онамиз. У бўлмаса биз ҳам бўлмасдик.  
Сардоба – элимизнинг онаси. Биз саҳроий элимиз, саҳроий элнинг бир бўлаги-Сардобали элимиз.

Сардоба – онамиз юзлаб йилларки, бизнинг паноҳимиз.

Сардоба – онамиз бўлмаса, бизни қутирган саҳро ютиб юборади.

Сардоба- онамизнинг Самандар ўғли бизнинг бобомиз бўлади. Биз ундан тарқаганмиз. Биз кийик сутини эмган Самандарнинг уруғимиз. Уни Кийикчи бобо деб билган эл.

Биз— Кийикчи бобонинг авлодимиз.

Кийикчи бобо ҳақида кейин айтиб бераман. Кийикчи бобо тарихи ўзи бир достон

Зокир бахши узундан-узун Сардоба қўшиғини шундай тугатди.

## XXIV

Бешим оқсоқол бўлиб ўтган воқеалар гўёки унинг калласига катта бир гурзи билан туширгандек ўзига келолмасди. Алам ва уятдан тўлғониб, ўзини қаерга қўйишни билолмасди. У ким деган одам бўлди?! Меҳмон келса жонини ҳам аямайдиган Чандир элида энди қандай бош кўтариб юради. Кимсан Шомуродбойнинг олдида унинг юзи қора бўлди. Қайтанга Соли сардор Бешимни отиб ташлаганида бу шармандалиқдан қутилармиди? Ўйлайвериб-ўйлайвериб боши шишиб кетди. Сал мизғиб олмоқчи бўлиб тўшакка чўзилди. Кўз ўнгида қора соқол ёвуз башара, инсонлар ҳаётини кемирувчи иблис пайдо бўлди. Бирданига иблис йўқолиб, унинг ўрнига Соли сардорнинг кўрқинчли қиёфаси кўринди. У катта панжалари билан Бешим оқсоқолнинг бўғзига чанг солди. Жон ҳолатда "Ё Оллоҳим, ё мадақорим!" дея қаттиқ ихранди ва ўз овозидан уйғониб кетди. Анча вақт карахт ҳолда ётди. Узоқ уйга толди. Миясида ҳар хил режаларни тузди. Ниҳоят, қатғий бир қарорга келди ва шашт билан ўрнидан турди.

Шомуродбой ва Турсунқул қишлоққа яқинлашиб қолганида, тун ярмидан оққан эди. Бой йўл бўйи чурқ этмади, Турсунқул унинг катта изтиробда эканлигини ҳис қилар, ўзи ҳам ич-ичидан эзиларди. Қани қўлидан келса Соли сардорни ўз қўллари билан бўғизлаган бўларди. Хаёлида бир фикр айланарди. Бу шармандалиқни фақат қон билан ювиш керак.

Жумабек Турсунқул кутганидек сапчиб ўрнидан туриб кетмади. Гўё ҳеч нарса бўлмагандек босиқ ва бироз тундлашиб хаёлга чўмгандек тураверди.

Турсунқул бекнинг юз мушаклари билинар-билинемас пириллаётганидан сокин сувратига қарши ўлароқ, сийратида довул турганини сезди. У дақиқа сайин ўзгара бошлади. Ботиндаги бўроннинг кучи шунчалар катта эдики, у энди зохирда ҳам акс-садо бера бошлади. Жумабекнинг кўзларида галати ўт чақнади. Бу бутунлай бошқача ўт эди.

- Наҳотки, у шунчаликка борган бўлса? Шомуродбой олдида ким деган одам бўлди. Аслида, уни жўнатмаслигим керак эди, -деб ич-ичидан эзиларди Жумабек, - ит-итлигини қилди-да.

Турсунқул бекадаги ўзгаришни кўриб турса-да, жим ўтиришни ноқулай сезди.

- Бек, энди нима қиламиз?

Жумабек шундагина ёнида Турсунқул турганини пайқади. Илқис бош кўтарди.

- Нима қилардик, оға? У бизга қаттиқ зарба берди. Энди бизнинг навбатимиз!

- Қачондан бошлаймиз, бек?

- Ҳозирдан бошлаймиз, йигитларни йигинг! Соли сардордан ҳаммаси учун ўч олмасам, бу ерда нима қилиб юрибман бек бўлиб?!

## XXV

Ғайбулла қаттиқ зарбадан уйғонди. Ертўлада одам сизадиган туйнук очилди. Ғайбуллани имлаб қақришди. У беихтиёр туйнукка яқинлашганда, бақувват қўллар уни туйнукдан ташқарига тортиб олишди. Очiq ҳаво баданига тегиб, Ғайбулланинг бир зум боши айланди. Кейин ҳушини йўқотди. Ҳушига келганида ўзини от устида кўрди. Уни икки йигит кузатиб келмоқда эди. Улар қишлоқдан чиқишгач, кенг яланлиқда тўхташди. Ғайбуллага: "Сизни бандилиқдан Бешим оға озод этди. Шомуродбойга ва Жумабекка узрини қабул қилишини илтимос қилди", дейишди.

- Ҳаялламай тўғри қишлоғингизга бораркансиз. Соли сардор сезиб қолса,

изингиздан одамларини жўнатиши мумкин. Йўл тўғри Хўжамубораққа олиб боради. Кейин Сарик, Қорабоғ қишлоқлари бир қадам.

Улар отнинг жиловини Файбуллага тутқазишди. "Бешим оқсоқолдан бу сизга совға". Файбуллага бўлиб ўтган воқеалар худди тушдай туюларди. Энди у асирликдан озод бўлганига ишонди. Отта қамчи урди. От ҳам шуни кутиб тургандай йўрғалиб кетди.

Бешим оқсоқол ертўлага бир вақтлар дарча ўрнатган, кейин зарурат бўлмагани учун суваб юборган эди. Ертўланинг эшигида доимо соқчи турар, Файбуллани озод қилишнинг иложи йўқ. Шунда ўзининг буйруғи билан суваб юборилган дарча эсига тушди. Уни Бешим оқсоқолдан бошқа ҳеч ким билмасди. Ертўланинг орқа томони дарвозадан ташқарида эди. Соли сардор сўраганда ҳам, «Жумабекнинг йигитлари келиб, деворни тешиб, олиб қочган», деб ваз жўрсатса бўларди.

Тонг билан Жумабекнинг дарвозаси қаттиқ тақиллади. Турсункул йигитлар бўлса керак деб, дарвозани очди. Рўпарасидан соқолари ўсиб кетган озгин бир одам турарди. Афтидан, чарчаган шекилли, отда базўр ўтирарди.

- Мен Файбулламан, Жумабекни қақиринг.

Жумабек ташқарига чиқиб, от устида турган одамни дафъатан танимади. Лекин чеҳраси жуда иссиқ кўринарди. Синовчанлиги ҳечам адаштиради ва от устида турган қоқдек одам яқин дўсти Файбулла эканлигини ҳис қилди. Файбулла деб, ичидан бир нидо отилиб чиқди ва уни отдан даст кўтариб олди.

Файбулла хўнграб йиғлаб юборди.

- Дўстим, дўстим! - дея олди, холос...

Файбулланинг асирликдан қайтиши бутун Қорабоғ қишлоғини қувонтирди.

Айниқса, Ҳасан аканинг шодлиги чексиз. Чунки яккаю ягона, кўзининг қорачиги, зурриёди бутун қайтган эди. Ҳасан ака бу хабарни етказган Турсункулга бошдан-оёқ сарпо берди. Энди у қарийб йигирма ёшга яшаргандай эди. Хотини эсига тушиб кўзларидан ёш оқди. Қани энди у тирик бўлса?! Қандай хурсанд бўларди. Шу тобда унинг сеvingанини ҳам, куйинганини ҳам билиб бўлмасди.

Жумабек энди ҳал қилувчи жангга отлана бошлади. У Файбулла билан узоқ суҳбатлашди. Файбулла орқали Соли сардор ҳақида кўп нарсадан хабардор бўлди. Энди бундай адашиш бўлмайди. Соли сардор кўпни кўрган. Дарҳақиқат, у чўл бўриси. Жумабек ўзининг кучини чамалади. Нар и борса йигирмата йигит чиқар. Лекин уларнинг кўпчилиги тажрибасиз. Шундан келиб чиқиб, жанг режасини миясида обдан пишитди.

Эртасига у барча йигитларни тўплади. Ўзи билан жами йигирма бир йигит. Нашванқуддан олиб келган қурооларни тарқатди. Кун бўйи чўлга чиқиб, қурол отишни машқ қилдирди. У бир нарсадан хурсанд эди. Гарчи йигитларда тажриба етишмаса ҳам, улар шижоатда, довжурликда ҳеч бир навкардан қолишмасди.

Кечга яқин ҳаммасини бир жойга тўплади. Кейин вазмин ва босиқ овозда деди:

- Йигитлар эртага, энг қаттиқ, қонхўр фаним билан юзма-юз келамиз. Улар одам қонини тўкавериш дийдаси қотиб кетган. Ҳеч нарсдан тап тортишмайди. Улар бугун бўлмаса эртага, албатта, қишлоғимизга яна ҳужум қилишади.

Хабарларингиз бўлса керак, юборган одамларимизни хўрлашди, энди эса, қишлоғимизни оёқ-ости қилишмоқчи. Биламан, юрагингизда ўт бор. Лекин, сизларга бир гапни айтмоқчиман. Эртагача ҳали вақт бор, ўйлаб кўринглар. Яна бир марта қайтараман. Айёр, тажрибали душман билан жанг қиламиз. Мен, яна сизларнинг уволингизга қолиб юрмай. Бориб, ота-оналарингизнинг, бола-чақаларингизнинг розилигини олинглар...

Эртасига шом қоронғулигида йўлга чиқишди. Тўпланганлар орасида уч киши, жумладан, Жўракул ҳам йўқ эди. Чандир қишлоғига кираверишда, пастқам жойда тўхташди. Фанимни гафлатда босиш керак. Кейин уч гуруҳга бўлинди.

Биринчи гуруҳга Жумабек, иккинчи гуруҳга Файбулла, учинчи гуруҳга Турсункул бошчилик қиладиган бўлди. Турсункули беш йигит билан пистирмада қолдиришди. Файбулла ичкаридаги жойларни яхши билгани учун тўғри дарвозадан борадиган бўлди. Фанимни чалғитиб туради. Бешим оқсоқолнинг ҳовлисидан ариқ ўтган эди. Жумабек бошчилигидаги гуруҳ ариқнинг ичидан ўтиб, тўғри Соли сардор турган жойга ҳужум қилиши режалаштирилди.

Соли сардор Файбулланинг қочганини эшитгандан сўнг, ўзини қўйгани жой тополмади. Ҳаммани бўралаб сўқди. Ертўла эшигида соқчи бўлиб турган Бердини Файбулланинг ўрнига асир қилди. Бешим оқсоқолдан шубҳаланди, лекин сир бой бермади. Чунки, Бешим билан муносабатлари илгаригидай эмас эди. Шомуродбойга қилган қилиғини бутун Чандир эли эшитган ва Соли сардордан ихлоси қайтган.

Соли сардор сўнгги жангга тайёргарлик кўра бошлади. У йигирмага яқин



бойларни талашни ният қилди. Бунинг учун, авваламбор, энг хавфли ва ашаддий рақиби Жумабекни тинчитиш лозим. Қолганлари ўзи бош эгиб келади. Кейин, бу ерларда узоқ қолиб бўлмайди. Бойликларни йиғиб олгач, ўзининг энг ишончли йигитлари билан суюкли хотини-Қамарнисони олиб Керки орқали Афғонистонга ўтиб кетишни мўлжаллади. Чунки, ҳадемай, бу ерга лаънати қизилларнинг оёғи етиб кетади. Катта хотинини бола-чақалари билан яхшилаб жойлашиб олгач, олиб кетади. Кейин бойликларини ҳисоблади.

Унинг барча олтинлари бир бўйноқ<sup>1</sup> чиқди. Энди уни яшириш керак. Қишлоқ четида эски тошқудуқ бор. Ушанга яширса ҳам бўлади. У ер кўздан пана. Соли сардор кун ботишини кутиб, бетоқатлана бошлади. Намозшом чўккандан сўнг, Сапарни ёнига олиб, Тошқудуқ томонга йўл олди. Қудуқ атрофини пастак юлғун буталари қоплаган. Ёнидаги отхонаси ва тошноваси сениб, нураб кетганди. Улар тошнова ёнида отдан тушишди. Қош қорайиб улгурганди. Бу ғирашираликда қудуқнинг ўпирилган оғзи янада ваҳимали кўринарди. Соли сардорнинг режасидан беҳабар Сапар титраганча қудуқ ёнига борди. Соли сардор хуржунидан бўйноқни олди.

- Тушир!

Сапар анграйганча залворли бўйноқни қудуқ ёнига олиб келди. Ипга боғлаб секин-секин тушира бошлади. Ип етмади.

- Ташла! — деди Соли сардор бетоқатланиб.

Сапар ипни бўшатди. Бўйноқ ўз залвори билан саёз сувга шалоплаб тушгани эшитилди.

Соли сардорнинг хаёли бузилиди. Шайтон васвасага сола бошлади. Қудуққа бошини минг битга хатарга қўйиб йиққан олтинларини жойлаштирди. Бундан Сапар хабардор бўлди. Қанча садоқатли бўлса ҳам ишониш қийин. Соли сардор яна бир хунрезликка қўл урди. Отининг ёнига қайтаётган Сапарнинг кураклари остига ханжар санчди. Қўлларига, енгига илиқ шилимшиқ қон сачради. Ханжарни суғириб олиб, яна бир неча бор, то Сапар мункиб йиқилгунча санчаверди. От қон ҳидини сезиб, кишнаб юборди. Шундагина Соли сардор ўзига келди. Сапар нурсиз, сўлиб бораётган кўзларини осмонга тикди. Энди битта-ярим юлдузлар чиқиб келаётган осмон қорамтир тус олаётган эди. Осмон уни ютиб юбораётгандек бўлди. Унинг ярим очиқ кўзларидаги нур секин-секин сўнди. Жасадни бу ерда қолдириб бўлмасди. Соли сардор уни кўтариб отга юклади. Соли сардор отнинг жиловидан маҳкам ушлаганча, Сапарнинг оёқларини узангига боғлади. Жиловни қўйиб юборганидан кейин эса, асов от устидаги мурдадан хуркканча, тўғрига қараб чопганча зулматга сингиб кетди. Соли сардор унинг ортидан бир муддат қараб турди-да, кейин қонли ханжарини қўйнига тикиб, ортига қайтди.

Кечқурун отилган ўқ, жимжитликни бузиб юборди. Соли сардорнинг йигитлари орасида ғала-ғовур бошланди.

Файбула бошчилигидаги гуруҳ дарвозадан ичкарига кирган эди.

Жумабек ариқдаги сув ичидан келар эди. Уч йигит ҳам унинг изидан сувга киришди ва қуролларини Жумабекка ўхшатиб баланд кўтариб олишди. Улар Соли сардор ётган жойга етишгач, унинг одамлари сезиб қолишдими, бу томонга қараб ўқлар ёғила бошлади.

Хайрият, улар ўзларини панага олиб улгуришди. Энди, Соли сардорнинг хириллаган товушда, бақириб буйруқ беришлари баралла эштиларди.

Жумабекни фақат Соли сардор қизиқтирарди. Уни қўлга туширса бўлди, қолгани ҳеч ерга кетолмайди. Жумабек ўзининг ашаддий рақибини шундай ёнгинасида кўриб турарди.

У ўз йигитларининг қуршовида турар, унга яқинлашишининг ҳеч иложи йўқ эди. Соли сардорнинг йигитлари атрофга пала-партиш ўқ узишарди. Жумабек уларни чағитмоқчи бўлди. Учала йигит уч томондан бўлиниб йигитларни ўққа тутишди.

Жумабекнинг отган ўқлари доимо нишонга тегарди. Соли сардор атрофдагиларга: "Отимни келтиринг!" деб бақирди. Нима бўлсаям уни қўлдан чиқармаслик керак эди. Жумабек энди кўриниш берди. Оралиқ масофа бор-йўғи ўн беш қадамча эди.

- Соли сардор, чиқ бу ёққа, яккама-якка олишувга!

Худди шуни кутиб тургандай у тўппончадан Жумабекка қараб кетма-кет ўқ бўшатди. Соли сардор мўлжални Жумабекнинг нақд пешонасидан олган экан. Жумабек сал энгашган эди, ўқлар унинг қулоғи остидан визиллаб ўтди.

Жумабек фурсатни қўлдан бермай Соли сардорнинг тўппонча ушлаган ўнг қўлини нишонга олди. Уқ мўлжалга теккан эди. Соли сардор жон ҳолатда тўппончани ташлаб юборди. Узини ўнглаб, ўнг қўлидан оқаётган қонга эътибор

<sup>1</sup> Бўйноқ - туянинг бўйин терисидан тикилган қоп.

бермай, тўппончани тезда чап қўлига олди. Жумабек Соли сардорнинг чап қўлда ҳам бехато отишини пайқаб ўзини панага олди ва ҳийла ишлатишга қарор қилди. Бошидаги телпагини олиб, пастқам жойда жойлашган ёғочга кий-гизиб, ўзини пистирмага урди. Соли сардор алам устида тўппончадаги барча ўқни телпақка бўшатди. Жумабек энди фурсат етганини англади ва Соли сардорнинг пешонасини мўлжалга олди. Соли сардор бироз чайқалиб турди-да, йирик чинор кулагандек гурсиллаб йиқилди.

Соли сардорнинг ўққа учганини кўрган йигитлари орасида саросима бошланди. Отларига миниб, жонларини қутқариш учун қочишга тушдилар. Жумабек уларни таъқиб қилишни тўхтатди. Чунки, пистирмада турган Турсункулдан қутулолмаслигига Жумабек ишонарди.

Тонгга яқин жанг узил-кесил тугаб, Жумабек фойдасига ҳал бўлган эди. Соли сардорнинг тўққиз йигити жонини сақлаган, қолганлари ер тишлаган эди.

Жумабек Бешим оқсоқолни ҳузурига чақиртирди. Икковлари қучоқлашиб кўришишди. Дўсти Файбулага кўрсатган ҳиммати учун чуқур миннатдорчилик билдирди.

Файбулла Соли сардордан ўз қўли билан ўч олмаганига ич-ичидан ачинди.

Жумабек одамлардан Соли сардор зўрлаб олган молу мулкни зиғирдай каймайтирмаган ҳолда эгаларига қайтартириб беришни Бешим оқсоқолдан илтимос қилди. Жумабекнинг йигитларидан ҳам уч киши ҳалок бўлганди. Уларнинг орасида бирга ўсган тенгдош, ҳамқури Чори ҳам бор эди.

## XXVI

Жамол элбеги Жумабек Соли сардорни тинчитиб келганидан сўнг, яна тўй ташвишига тушди. Тезроқ Жумабекни уйли-жойли қилмаса бўлмайди. Маматбойнинг қизини белгилаб қўйганига, ҳадемай, бир йил тўлади. Энди келинни тушириб олмаса, эл олдида уятга қолади.

Жамол элбеги шуни Жумабекка айтди.

- Мана, энди мақсадинга етдинг, Соли сардордек ашаддий фанимни йўқ қилиб, қишлоқни тинчитдинг. Худога шукр, дўстинг Файбулла ҳам топилди. Энди, мен ҳам тўй қилиб, келин тушириб, неварга кўрай, ўғлим!

У умид билан Жумабекнинг оғзига тикилди. Жумабек ҳам холасини ранжитгиси келмади.

- Майли, хола! - деди мийиғида кулиб, билганингизни қилаверинг. Мен рози!

- Рози бўлмай, ҳам кўр эди. Мен нима қилардим сени?! - Элбеги ёлғондакам дўқ уриб, чиқиб кетди. Лекин бу тўй Жумабекнинг бошига катта ташвиш келтиришини олдиндан сезгандек кўнгли ғаш эди.

Шунда кўчада Норхол момонинг бўғиқ овози эшитилди. Жумабекнинг кайфияти янада бузилди.

Норхол момо оёқ яланг, жулдур кийимда, оппоқ сочларини тўзғитиб, тупроқ кўчани чангитиб келарди. У қўлига латта-путтадан бувак<sup>1</sup> олган, уни бағрига босганича дардли овозда алла айтарди:

*Беш ўғилнинг эркаси-  
Алла болам, ҳукка-ё!  
Қўй-қўзилар серкаси-  
Ҳукка болам, алла-ё!*

*Мулла Жума багосил,  
Алла болам, ҳукка-ё!  
Сени мендан айирди,  
Алла болам, ҳукка-ё!*

*Чори болам, жон болам, алла-ё,  
Полвон болам, султон болам, алла-ё,  
Алла-ё, алла, ҳукка-ё, ҳукка!*

Норхол момо ҳеч кимнинг гапига эътибор бермай тупроқ кечганча кетаверди.

Жумабек Норхол момо кетган томонга маънос қараб қолди... Унинг нигоҳида шу қадар алам ва армон, шу қадар оғриқ жо бўлган эдики, бунга дош бериш осон эмасди.

**Иккинчи қисм тугади.**

<sup>1</sup> Бувак - қўғирчоқ маъносига.

# БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ



Гули Нигор  
Авазова,  
Зулфия мукофоти  
совриндори

ИВУЛҚА КЎЗ ОЧДИ

## Топиш

Соғинчлардан ҳайдалди юрак,  
Севинчлардан қувилди дилим.  
Аросатда сарсон вужудим  
Бир паноҳ истайди ўзига керак.

Ойнинг гуллари-да асрашолмади,  
Қуёшлар тафтида қолди, сарғарди.  
Армонлари минг турфа дилни  
Бешафқат тақдири хануз қарғарди.

Ёзининг қучоғига яширинди сўнг,  
(Телбавор кўнгилни тушунар балки?)  
Машрабнинг мероси-девоनावор ишқ-  
Хамон мени дардида ёндирар эди.

Ёндирди...  
Вужудим, руҳим аланга -  
Оташида қоврилди, куйди.  
Сўнг Қодири Якто кўнглимга:  
"Сен ҳам суйгин, у сени суйди",  
Дея Ватанимни кўрсатиб куйди.

## Қаршини соғиниб...

Минг парча руҳимнинг мингта бўлаги  
Сендадир, қучоғингда қолиб кетган.  
Ўша руҳиятнинг битта бўлаги  
Мен билан Тошкентда юради дайдиб.

Осмонингни соғиндим-эй, осмонингни,  
Дардларимни бу осмонлар тушунмайди.  
Маҳзунгина бўлиб турган мажнунтоли  
Ҳеч мен билан қулиб туриб сўзлашмайди.

Қаршимнинг қуёши қадрдон эди,  
Туш пайти ўйнардик анҳорларида.  
Оймомоси тўлиб эртас айтарди,  
Ўша беш қаватли бино тагида.

Соғиндим-эй, она, унинг йўлларини,  
Сувсиз қолган кичиккина чўлларини.  
Шамолгина келтирсайди бўйларини,  
Билармикин, соғинчнамо ўйларимни?!

Билармикин, она, менинг дардларимни,  
Кузатмоққа чоғланганда, биласизми?  
Уйидан чиқолмай, сўнг ночоргина  
Сўраганди, маҳзунгина: “Келасизми?”

Тушларимга кириб чиқар мусичалар,  
Сирлашардик шамол билан бирга-бирга.  
Менга алёр айтар эди ёмғирлари,  
Бу ёмғирлар қайрилиб ҳам қарамайди.

Япроқ бўлиб тўкилмайди соғинчларим,  
Гуллайверар менинг интиқ оғочларим.



### Амир Темур ҳикматлари

“Яна тажрибамдан ўтказдимки, кенгаш эгалари бирлик,  
иттифоқлик билан сўзда собит, ишда чидамли бўлишлари  
шартдир.”

\* \* \*

“Яна ўз тажрибамдан билдимки, содиқ ва вафодор дўст  
улким, ўз дўстидан ранжимайди... Агар керак бўлса, дўсти  
учун жонини ҳам аямайди.”

\* \* \*

«Олим кишилар билан суҳбатда бўлдим ва тоза, пок қалбли  
кишиларга талпиндим».





Поён Равшанов

## ТУТҚУН МАЛИКА

Тарихий қиссадан боб

Мезон кириб, кунлар салқин тортган, Бухоро Арки устида неча кундирки, паға-паға оппоқ булутлар муаллақ қотган. Кун ботар тарафдаги мухташам қаср сув сепгандай жимжит. Уч ярим йилдирки, қаттиқ муҳофаза этиладиган бу жойга биргина энага кампир кириб чиқади, холос. Вақт пешиндан оққанлиги боис, у ҳам ўз хонасига кириб, чўзилиб олган. Даҳлизда кўриқчиликда турган кекса мулозим эса, аллақачон уйкуга чўмган.

Қаср тўридаги хоналардан бирида, аҳёнда, ҳазин товуш эшитилгандай бўлади. Бу ерда, кимхоб кўрпача устида очиқ баёз, унинг ёнида икки тиззасини қучиб, бир нуқтага тикилганча, бир жувон ўтирибди. Эътибор берилса, унинг чиройли оху кўзидан ёш силқиб, оқ юзида юк қолдиради-да, кўйлагининг парпар ёқасига думалайди. Унинг ўзи буни сезмайди. Хаёл уммони анчадан буён бу гўзал малакни ўз гирдобига ғарқ этган.

"Оназорим, уч ярим йил бўлибдики, вужудим бу тутқунликда чиримокда. Фотима ойим деган отим ўчиб, Кенагас ойим бўлдим. Дев гўшангасида малика аталдим. Оқсаройим олисда қолди... Бухорода итим адашмовди-ку, бор эди-ку менинг газанфар оғам, бор эди-ку жондай тоғам, бор эди-ку, жонидан севар бийим, элим-хешим, дуганожонларим бор эди-ку?! Қайдасиз, жигарларим нечун мени бу зиндонга раво кўрасиз, "султон суягини хорламас", дерлар, нечун мени хор этдингиз?! Икки кўзим қораси Юсуфим ва Юнусимдан ажратдингиз, Бий эримнинг тақдири нима кечди, оғажоним, қайдасиз?! Эшитурманким, ўғилларим Бухорода эмиш, бир кўрмоққа зор бўлдим-а, кўзичоқларим! Бийим, узримни қабул айланг, мен энди ит теккан ялоқман, бийим дейишга ҳаққим йўқ, кесиб ташланг тилимни!"

...Амир Насрулло салтанат тутганининг йигирма саккизинчи йили, яъни, 1856 йилда Шаҳрисабзни ҳийла билан забт этганидан сўнг, валлабийлар хонадонининг томирини қуритиш пайида бўлган эди. Хўжакул парвоначи ва жанг майдонида ярадор бўлиб қўлга тушган Ёқуббекни ҳибсга олди. Искандарбекни Фотима ойим эвазига тирик қолдириб, Қорақўл туманига бек номи остида бадарға қилди. Амир Насрулло Шаҳрисабзда турган кунлар ариқлардан сув ўрнига қонлар оқди. Қўрғонлар талон-тарож этилди-да, бузиб ташланди. Ёқуббекнинг икки норасида ўғли - уч ёшли Юсуф ва бир ёшдан ошган Юнуслар тортиб олиниб, махсус ажратилган энагалар қўлига топширилди ва Бухорога жўнатилды.

Рози-ризоликсиз пойтахтга келтирилган Фотима ойим шариат белгилаган маълум муддат ўтгандан сўнг, амир никоҳига киритилди. Уни расмий равишда, Кенагас ойим деб атай бошлайдилар. Амир Насрулло, гарчанд, уни никоҳига киритган ва бу билан Шаҳрисабзни тамомила тахти тасарруфига олганлигини намойиш этгандек бўлса-да, ҳафсала қилиб, Кенагас ойим гўшангасига келган тунлар бармоқ билан санарлик эди.

Кенагас ойим сарпарда ортидан амир кириб келган биринчи учрашувни юракзада бўлиб эсларди. Мирзо Шафейй ҳазратлари айтган дев шу бўлса керак, деб тасаввур қиларди то уни кўргунича. Йўқ, дев эмас, одамбашара суврати бор экан. Қарқара санчилган оқ ипак салла, чиройли кузалган соқол, қоп-қора қуюқ қош, бўталоқникидай келадиган кўзлар... Кенагас ойим, бордию бу одамни сайилгоҳда, ёинки, бозорда кўриб қолганида борми, мударрис деб ўйлаган

бўларди. Кўркам савлат ичида зигирдак шафқат ташимайдиган бу вужуд дафъатан унга дуч келганларга титроқ уйғотарди. Кенагас ойим уни кўрганида, ақалли, сесканмади ҳам. Амир энага етти қават қилиб тўшаган кўрпачалар устига чўкканида, у бир бурчакда, бошини хиёл эгиб, серрайиб турарди.

... Кенагас ойим босинқираб уйғонди. Чамаси, уйқусида дод солган шекилли, бошида энага парвона бўлиб турарди.

... Туш кўрдингизми, маликам? ... деди унга гулоб қўйиб узатаркан энага.

... Ёмон ётиб қолибман...

... Кундузги уйқу хосиятсиз бўлади, маликам...

... ..

Кенагас ойимнинг ортиқ сўзлашга мажоли йўқ эди. Энага кечки таом ҳозирлигини кўриш учун ташқарига чиқиб кетди. Юз-қўлини ювиб, Кенагас ойим ҳозиргина кўрган тушини ўзича таъбирлашга тушди. Отаси Дониёр валлаамий қовоғини уйиб олган, унинг саломига алиқ олмасмиш. У илтижо қилиб, падаари бузруквори оёқларига йиқилса, бирданига зилзила бўлиб, ер ёрилибди-да, бир баҳайбат дев чиқиб келиб, Кенагас ойимни тортқилаб олиб кета бошлабди. У жон-жаҳди билан отасининг оёқларини қучоқлаб тармашса-да, дев уни мисли кўғирчоқдай юлиб олиб, биёбон тарафга йўналибди. Шунда девнинг олдидан бош яланг, оёқ яланг келаётган нуроний чол чиқибди-да, қўлини ҳавога чўзиб, узун шамшир олиб, шундай силтабдики, девнинг ҳам, унинг қўлтиғидаги Кенагас ойимнинг ҳам боши сапчадай узилибди...

Кенагас ойим боя, тушнинг шу жойида, даҳшат билан чинқириб юборган эди. Бош яланг, оёқ яланг чол ким бўлади? Мирзо Шафей ҳазратлари-ку! Ул зот шаҳид бўлгандан бери, шу билан иккинчи бор Кенагас ойим тушида бош яланг, оёқ яланг намоён бўлаётган эди. Кенагас ойим қаттиқ ўйга ботди: Падаари бузруквори қовоқ очмади, бу ундан ризо эмаслиги аломати. Отасининг оёқларини қучиб, илтижо қилганда ҳам, девни даф этмади. Бу нимаси? Сени қутқазадиган валлаамийларнинг тириги қолмади, деганими? Мирзо Шафей ҳазратлари сермаган қилч, нечун дев бирла унинг ҳам бошини ямлаб кетди, нечун?! Билдимки, Мирзо Шафей ҳазратлари мендан ризо эмастур. Эй пирим, ҳазратим, айтгинг нима қилай, ўзимни ўлдирайми, шунда бу беномуслиқдан қутиламманми?! Мендан бўлак бирорта кенагас қизи бу манғит амирлари дастига тушмабдур. Дунёда бор шармандалик бўйнимга илинибдур. Мирзо Шафей ҳазратлари, эсладим, сизнинг демишларингизни фаромуш айлабдурман. Сиз туҳфа қилган ҳинд бираҳманининг маржонини, таассуфки, олдириб қўйганман. Бу-хорога келганимдан сўнг, на либосимни, на тақинчоқларимни, на бирон нарса-мни қолдиришмаган. Энага деб қўйган анови шум кампир зебигардон, нозигардон, хапабанд, дури марварид, тилло-кумуш тангали маржонларимнинг барини ечиб олудди. Урнига ўрин деб манови матоҳларни бўйнимга тақиб қўйибдур. Бу олтин исирғалар, зебигардонлар, ўзимникидан қимматбаҳо эмиш... Оҳ, пирим, мени кечиринг. Ушанда, уруш-ғавгода, онамдан, оғамдан, болаларимдан, эримдан жудо бўлиб, эсимни йўқотган эканман. Йўқса, сиз тортиқ қилган маржоннинг қадрини билиб, нима бўлса-да, яшириб қолмайманми? Ахир, унда ҳикмат бор, девни ҳам ўлдирадиган оғу бор, деб айтмаганмидингиз?!

Энага дастурхон тузашга кирди. Унинг бугун руҳияси тетик эди. Пешиндаги уйқу унинг тиришган томирларидаги қоннинг айланишини мўътадиллаштирган эди, чоғи.

... Маликам, ғам қилаверманг, ... деди у очилиб-сочилиб. -Онҳазрат, магар, Кенагас ойим ўйнаб-кулса, болаларини кўрмоққа ижозат берурман, дебди.

... Онажон, ўйнаб-кулган Кенагас ойим Шаҳрисабзда, ... деди маҳзун тортиб у, ... Даҳяқдаги Мозортепада кўмилиб қолган.

Кенагас ойим шундай деди-да, хўнграб йиғлаб юборди. Унинг бу ҳолатига тоғ бўлса эрир, боғ бўлса қурирди. Энага ҳам дош беролмади. Бейхтиёр унинг кўзларидан ёш селоб бўлиб оқа бошлади. Энди у Кенагас ойимни қучиб олган, бошини силар, юз-кўзидан ўпар, она мисоли тасалли берарди. Шу тобда, энага сувратидаги амир айғоқчисининг тош қотган юраги Кенагас ойимнинг кўз ёшлари қайноғида эриган, ҳарамда не-не гулдек қизлар оху фарёдини эшитавериб, тарашадек қотган вужудда, бир пайтлардаги оналик меҳри куртак ёйа бошлаганди.

Кампир оғушида Кенагас ойим танасига иссиқ югургандек бўлди. Ўзига келиб, кўз ёшларини артди-да, энагага разм солди. Уч ярим йилдан буён унинг одам башарасига илк бор қараши эди. Қаради ва ... Ҳайратдан қотиб қолди. Энаганинг бўйнида ўша, Мирзо Шафей ҳазратлари ҳада қилган маржон шо-даси чироқ шуъласида хира ялтираб турарди.

... Онажон, ... деди у ҳазин товущда, ... маржонингиз бирам чиройлик экан.

... Бу дали ўлсин, маликам, ... астойдил пушаймон бўлиб сўзлай бошлади энага. ... Сизнинг бўйнингиздан тақинчоқларни ечиб олганда, амиримизнинг хазинасига шу мунчоқ тушмаса нима қилибди, деб яшириб қолувдим. Бу сизники, олинг, маликам!

Энага бўйнидан маржонни ечиб олди-да, Кенагас ойимга узатди. У ҳам ўз навбатида бармоғидаги тилло узуклардан бирини чиқариб, энаганинг қўлига тақди...

Шу воқеадан ҳафта ўтиб, саройда Амир Насруллонинг Шаҳрисабз устига кўшин тортиб жўнагани овоза бўлди. Уч ярим йил бурунги босқинида валла-миёларни қирғин қилиб, беклик идораю ҳукуматини ўз қўлига олган Амир Насрулло бир-икки йил оёқ узатиб яшаган бўлса-да, кенагаслар яна гимирлаб қолган, ўронлашиш-сўронлашиш кучая бошлаган эди. Шаҳрисабз ҳокими бўлган Абдуҳолиқ қирчиллама ёшида, тўсатдан дорулбақога рихлат қилди. Узунқулоқлар Бухорога унинг заҳарланиб ўлганлиги миш-мишини етказдилар. Китобда бек бўлиб турган Оллоёр устакор одам бўлгани билан, обрў-эътибори йўқ, тўй-ҳашамда ҳалойиқ уни ошкора масҳара қиларди. Олиқ-солиқлар, закотлар, йўл пуллари йиғилмай пайсалга солинар, ҳокимлар зугумдан безиб, арбоблар ишни ташлаб, Яккабоғ, Чироқчи томонларга қочиб кетарди.

Амир Насрулло 1277 (1860) ҳижрийда Шаҳрисабз ва Китобда ўн кун бўлиб, бош кўтарган бийларни тумтарақай қилиб, кўпини ўлдириб, раиятни итоатига олиб, музаффар бўлиб, Бухорога қайтди. Бу вақтда раби ул-охир ойи оёқлаб борарди. Энагага тайин бўлдики, амир ҳазратлари сешанба куни оқшом Кенагас ойим ҳузурига марҳамат қиладилар, деб. Кенагас ойим бу хабарни, одатда-гидай лоқайд қарши олган бўлса-да, кўнглининг тубида интиқом туғён уриб, қасос нияти етилмоқда эди.

Энага амир келишидан бурунроқ кўзлари нам бўлиб, хонага кириб келди. Шаҳрисабздан ғолиб бўлиб қайтган валиаҳд Музаффарнинг Бухоро зиндонида тутқун бўлиб ётган Хўжақул парвоначи ва Ёқуббекларни отаси амрига мувофиқ, жаллодга топширилганлиги хабарини эшитиб, унинг дили вайрон бўлганди. Кенагас ойим амакиси ва эри ўлими ҳақидаги бу мудҳиш хабарни мардонатор туриб эшитди. Бу сафар, ҳатто, кўзига ёш ҳам олмади. У интиқомга тайёр бўлган эди...

Ёши олтимишдан ўтган амирнинг ҳали қуввати етарли бўлса-да, узоқ йўл, от оёғи уни толиқтирган эди. Кенагас ойим у билан бир тўшакда мижжа қоқмай ётарди. Саҳар олди уни шундай уйқу элитдики, қовоқларига қадоқ тош осиб қўйилгандек, юмилиб кета бошлади. Чимчиловини тишлаб, қонатиб юборди-да, уйқусини қочирди. Неча йил аввал Даҳяқда Мирзо Шафеий ҳазратлари қаромат қилган дев шундай ёнгинасида, ҳуррак тортиб ухлаб ётарди. Кенагас ойим синаб кўриш учун унга биринчи бор сўз қотди:

... Давлатпаноҳ, ўтирилиб ётинг!

Давлатпаноҳ маст уйқуда эди. Ниҳоят, у ўнг ёнбошига ўгирилиб, олдингидан баттароқ хуррак ота бошлади. Кенагас ойим яна уни оҳиста тортиб, яхши ётинг, демоқчи бўлди. Амирни шу тобда замбарак овози ҳам уйғотолмас эди.

Кенагас ойим ёстиқ тагидан пайпаслаб, маржондан алоҳида ажратиб олинган жимитгайгина юрак шакллик шишачани олди. Ўрнидан туриб, бир неча сония амирга термулиб ўтирди. Сўнг, таваккулни Худога деди-да, шишачанинг овзини буради. Амирнинг чап қулоғига шишачадаги симоб ўйноқлаб кириб кетди. Кенагас ойим устига кўрпани тортиди-да, кўзларини юмиб, ўзини уйқуга солди. Боя симобни қўяётганда қалтирамаган қўллари дир-дир титрар, назарида, амирнинг бадани музлаб бораётгандегу совуқ унинг вужудига ҳам ўтаётгандек эди.

Кенагас ойим қаттиқ уйқуга чўмган экан. Туш кўрибди. Отаси Дониёр оталиқ оқ от миниб келибди-да, "мингаш қизим, кетамиз", дебди. Мирзо Шафеий ҳазратлари ҳам улар ёнида ҳозир бўлиб оқ фотиҳа бериб қолибди...

Бир вақт амир шундай бўйқириб турдики, уйқудан сачраб уйғонган Кенагас ойим, дафъатан нима бўлганини билмай ҳайрону лол қотиб қолди.

... Табибни чақир, табибни! ... Оғриқ зўридан бақирарди Амир Насрулло. ... Илон чақдими ё қирқоёқ кирдим, билмай қолдим. Ҳой, ким бор, мулозим, асас деганлар тирикми, ўлиб кетганми, чақир табибни, чақир деяпман!

Уйқусираган қўриқчилар бир-бирига хабар бериб, амир ҳарамига киришга ботина олмай, "сен кир, сен кир" дейишиб, анча вақтни ўтказиб юборишди. Бу пайтда, тонг ёришиб, муаззин бомдод намозига азон айта бошлаганди. Табиб дегани шаҳарнинг қайси бир маҳалласида, Арқдан олисда яшар эди. То уни олиб келгунларича кун чошгоҳ бўлиб қолди.

Амир Насрулло тўлғаниб-тўлғаниб доллар, кўзига кўринган, қўлига илинган

нарса борки, ҳаммасини дуч келган тарафга, дуч келган одамга қараб отарди. Уни бир амаллаб кўтаришиб, хос хонага олиб ўтдилар-да, Кенагас ойим ҳуж-расини, эҳтиёт шарт ёпиб, олдига икки соқчи қўйдилар. Табиб етиб келиб, амир чангаллаб, қашиб, эзиб ётган қулоқни обдон текшириб кўрди. Қулоқда ҳеч бир асорат йўқ, танада на илон, на бошқа ҳашарот чаққаннинг нишонаси кўрин-масди. Оғриқ эса, чидаб бўлмас даражада қаттиқ, у бошга ўтиб, амир кўзини очолмай қолаётганди. Бухорода номи чиққан ҳозиқу эмчининг бари шу кун саройга олиб келинди. Ҳеч бирининг қўлидан сариқ чақалик иш келмади. Қай-тага, қайси биридан, амир ётган хонани синчиклаб кўриш керак, деган фикр чиқиб, шубҳа бошқа тарафга айлана бошлади. Кенагас ойим ҳужраси тит-пит қилинди. Мулло Раҳмонберди Маҳдум гиламу бўйрага қадар ҳамма нарсени ташқарига олиб чиқдириб, синчиклаб элақдан ўтказди. Кўрпалар, болишлар ағдарилиб, кўриб чиқилди. Ҳоз пати солинган ёстиқлардан бирининг ичидан юрак шаклик шиша мунчоқни кимдир топиб олиб, вазирга узатди. Вазир унга эътибор бермай, тугунга ташлаб юбормоқчи бўлиб турганида, кўзлик табиблар-дан бири: "Вазири аъзам, бу симоб шиша-ку?!", деб бақириб юборди.

Ҳаммаси равшан бўлган эди.

Кенагас ойимни сўроққа тута бошладилар. Амирга симоб шишачани кўрсат-дилар. "Онҳазрат, илон қўйнингизда экандур, рухсати олий берсангиз уни жа-зога мустаҳиқ этсак, зеро, расми азал шулки, чаққан илон боши мажақланиб ўлдирилса, хастага шифо бахш бўлур", дедилар Амир: "Ўлдир, қийна, эз бу кенагас манжалақисини, ўлдир, ўлдир! Икки боласини ҳам келтир-да, кўз ол-димда сўй!", деб жон ҳолатда бақирарди.

Амир алаҳсираб, бўкириб ётган хонага Кенагас ойимни олиб келдилар. Ел-касига тушган қамчилардан устма-уст кийилган учта қўйлакнинг биринчиси дабдала бўлган эди. "Бетавфик, кенагас қанжиғи, нима қилиб қўйдинг, айт, айтсанг-чи?!", деб ғазаб қиларди вазир. Икки барваста жаллод ўрими икки қулоч келадиган қамчи билан шўрлик аёлни галма-гал саварди. У дарғазаб жамоа олдида адл турар, на юзини, на кўзини сўйилдан ҳимоя қиларди. Қий-ноқ уч кун давом этди. Оёқ қўлига кишан урилган, юзлари қонга беланган, елкасидан парча-парча гўштар узалиб тушган Кенагас ойим гунгу лол эди. Учинчи куни, пешиндан сўнг амирнинг аҳволи жуда ёмонлашди. Энди унинг нима деб гулдираётганини ҳам англаб бўлмасди. Амирнинг кўзлари шокосадай бўлиб, хонасидан чиқиб кетай деб турарди. Хонага Кенагас ойимнинг икки ўғлини судраб олиб кирдилар. Юсуф олти, Юнус тўрт ёшга кираётган эди. Улар хона пойгагида сочлари товонига қадар тўзғиб тушган, гулдай аъзойи бадани-дан қон сизиб ётган аёлни кўриб кўрқиб кетдилар-да, йиғлашга тушдилар. Аёлдан миқ этган товуш чиқмасди. Жаллод Юсуфни бўйнидан қисди-да, кўта-риб турди. Бола жон талвасасида бир-икки типирчилади-да, тинчиб қолди. Она унсиз инграб, ҳушдан кетди. У, ҳатто, Юнуснинг ўлимини сезмади ҳам.

Амир Насрулло раби ул-охир ойининг охири жума куни, уч кун бўталоқдай бўлаб, ярим тунда жон таслим қилди. Муаррих бу ҳақда "Ёши олтмишда тажовуз айлаб, вафот қилиб, душанба куни отасининг ёнига дафн қилинди", деб ёзган эди.

Чалажон Кенагас ойимни икки боласининг жасади билан қўшиб, Арк елка-сидаги қадимий Чилдухтарон гўрқудуғига ташлаб юбордилар. Айтадиларки, бу қудуқ ичи пишиқ гиштдан ишлаб чиқилган бўлиб, борҳо-борига тиф қадаб чи-қилган экан. Чуқурлиги йигирма қулоч бўлган қудуққа ташланган инсон тана-си то пастга етгунча нимта-нимта бўлиб кесилиб тушаркан.

Нақл қиладиларки, Чилдухтарон қудуғи олдида Кенагас ойим бир лаҳза ҳушига келиб: "Муродимга етдим!" деб пичирлаган экан. Бу сўзлар эркисизлик-ни тан олмай, зулмга, таҳқирга ва, ниҳоят, ўлимга тик борган Кенагас ойим-нинг авлодларга видоси эмасмикан?!







Қилич Абдунабиев

## Олисдан келаётган садо

Саҳнавий ҳикоят

Саҳна

**Насаф:** Эй Она Замин! Мен - Насафман, доимо бағрингда бўлсам-да, сенинг суҳбатларингни соғинаман, бул ерларда бўлган суронларда тўкилган қонлар, ажодларим шону шавкати, ғалабаси, уларнинг ғаму қайғулари ва, ниҳоят, орзу-умидлари ҳақида сўйлаб берсангчи?

**Она Замин:** Ҳар бир шаҳар, қалъа, қишлоқнинг пешонасини Яратганнинг ўзи силасин экан. Сен қатори бағримда пайдо бўлган қанча манзилу маконлар култепага дўниб кетган. Қалъа эдинг, шаҳарга айландинг. Эслашамизми, майли! Ерқўрғон сен яшаётган улуғ кунга етиб келгунга қадар кўп қилич зангини ютди. Сенинг тасарруфингга кўп ҳукмдорлар от сурдилар.

**Насаф:** Айни дамда, орзу қилган мустақиллик кунларининг шавқини бошдан кечирмоқдаман! Аммо, заҳматли кунларим ҳақидаги ҳикоятингга муштоқман.

**Она Замин:** Унда эшит, сен тетапоя бўлиб, дастлабки қадамларингни қўйган дамингдан бошлаб...

Ҳикоят

Куёш тафтидан узоқ-узоқларда сароб кўзга ташланади. Насаф баланд тепалик устига чиқиб, оғзига қўлини қўйиб ҳайқирди:

**Насаф:** Эй ажодларимни безовта қилган Эрон шоҳи Кир, қайдасан?!

**Кир:** (Қабрдан бошига меш кийиб чиқиб келади.) Мени чақирдингми? Не қилай, авлодлар хузурига бошда қон тўла меш бирлан чиқишдин хижолатдамен?!

**Насаф:** Уялма, қонхўр зот! Уятни билганингда қон тўкармидинг?! Менинг юртимга сени не ният бошлаб келди?

**Кир:** Замининг олтинга тенгдур, ҳар бир сиқим тупроғи катта бойлик, мақсадим бул заминга эга бўлмоқ эрди.

**Насаф:** Яна нималар изладинг?

**Кир:** Айтсам, муродим адо бўлмайди. Лекин ўлимим воқеасини эшитсанг, авлодларингга, набираларингга арзирлик ибратдур!

**Насаф:** Бағримга сени ўдим етақлаб келган экан-да!

**Кир:** Худди шундай... ойжамол Тўмарисга ошиқ эрдим, ошиқлигим ошкор этиб, унга совчи юбормоқ ўрнига, зўрлик ила хотинликка олмақ истадим, лекин мени...

Чироқ ўчиб, саҳна қоронғилашади, чироқ ёнганда, Кир шоҳлик ли-

босида чодирда ўтирган ҳолда намоён бўлади. Кир жаҳл билан кезинади. Бош вазири Гершасп қўл қовуштириб Кирнинг буйругини кутмоқда.

**Кир:** (Жаҳл билан) Гершасп хатоимизни онгладингму?

**Гершасп:** Аъло ҳазратим фаҳми ожизимча, ўнг қанот лашкарларимизни бир фурсат олдинроқ жангга ташлади.

**Кир:** (Баттар ғазабга миниб) Ношудсен, жангни кузатмабдурсен, Массаетлар ўқ-ёй ишлатишда биздин моҳирроқ эрканлар.

**Гершасп:** Аъло ҳазратим, шундоққа ўхшайдур.

**Кир:** Алар сўл ёнбош бирлан ўқ-ёй тортмишлар. Бул онда ёйдин отилган ҳар бир ўқ катта куч бирлан ўз ёғийсини ер тишлатур. Менинг ёйондозларим эса, ўқ-ёйни кўкракка тақаб отур.

**Гершасп:** Шоҳим эртагаёқ...

**Кир:** Бас, эртага кеч бўлур, ҳозироқ барча ёйондозларим ўқ-ёй отишда ёнбош ила отмоқ илмини эгалласинлар. Лашкарларим найзани сўл илкидин олиб, ўнг қўл ила отгунчалик онда ҳар бир чаққон массает ўнг ёки чап илки бирлан найза ирғитиб менинг лашкаримдин иккисин ер тишлатмоқдадур.

**Гершасп:** Шоҳим, атроф бийдай чўл, бўрилар увлар, ёввойи ҳайвонлар ўлжа илинжида изгиб юришибди. Боз устига, лашкарлар оч, чарчоқ аларни толиқтирган. Бир неча ҳафтадин буён, ҳар кунига бир неча қултумдангина сув тақсимлаб турибмиз. Чеки-чегараси йўқ саҳродамиз.

**Кир:** Озуқа неча кунга етгуликдир?

**Гершасп:** Кўёшнинг ердаги нури бўлмиш Олампаноҳим, озуқамиз бор-йўғи бир неча кунга етгулик қолди, холос!

**Кир:** Бас, ваҳимага ўрин йўқ. Томиримда аҳмонийлар қони кўпириб оқмоқда.

Шу пайт ташқаридан кучли шовқин-сурон, отлар кишнаши, қиличлар жаранги, оҳ-воҳлар эшитила бошлайди. Найзалар визиллаши эшитилади. Ярадор эрон сарбози қонга беланган ҳолда, намат устига йиқилади.

**Кир:** Нима гап? Яна саҳройилар хужум қилдиму? (Қонга беланган сарбоз ҳолсизлик билан бош ирғаб, унинг гапини маъқуллайди.) Гершасп, кўрдингми, алар, ҳаттоки, қоронғи тундаям бойқуш мисол ойдин кўрурлар. Биз эса...

(Шу пайт, шоҳ кўриқчилари чекиниб, массает лашкарлари билан жанг қилган ҳолда чодирга киришади. Икки ўртада тўқнашув бошланади. Массаетлар жангда устунликка эга бўладилар. Юз тузилиши кўркам, ихчам кийинган йигит лашкарлар орасида алоҳида ажралиб турган ҳолда, жанг қилади. Ёғийлар бирин-кетин йиқиладилар. Чаққон жанг қилган йигит Кирнинг бўғзига қилич тақайди.)

**Тўмарис:** Кир таслим бўл!

**Кир:** Ажаб! Йигит бўлсанг-да овозинг бунчалар тиниқ, худди қиз бола овози мисол майин. Қулоғим тагида булбул хониш қилгандек сас берди-я.

**Тўмарис:** (Бошидан телпагини олади, сочлари ёйилиб елкасини қоплайди, хандон ташлаб кулади.) Бу мендурмен!

**Кир:** Тўмарис! Оҳ, сенми мен ошику беқарор бўлган нозанин?!

**Тўмарис:** Сен менга ошику беқарормисан?

**Кир:** Худди шундоқ!

**Тўмарис:** Бас! Севги бирлан ўйнашма! Қонга ботурғувчи уруш ҳақида гапир! Севги ила қонхўр уруш сув бирлан ўтдек бир-бирлари ила асло тил топа олмай.

**Кир:** Куч ила аларни бирлаштирмоқ истадим!

**Тўмарис:** Кир сен бул ерга қонга тўймоқ илинжида келгансен. Шундоқ эркан, ҳукм битта, авваламбор, сен қонга тўйиб ол, (сарбозга) келтиринг, мен сенга ажойиб тухфа тайёрлагандурмен. (Сарбоз чиқади. Бироз ўтгач, каттакон мешни судраб киради.)

**Сарбоз:** Маликам барчаси фармонингизга мос адо этилгандур!

**Тўмарис:** Кир! Ана меш тўла қон, бир хуморингни босиб, тўйиб-тўйиб ичиб ол!

**Кир:** Мен қон ича олмасмен!

**Тўмарис:** Ичасен, ютоқиб-ютоқиб ичгил, токи, бул фоний дунёда армонинг қолмасин! (Қиличини Кирнинг бўғзига баттар тақаб) қани ичмоқни бошла!

**Кир:** Ича олмасмен. Ичмай...

**Тўмарис:** Фармони олийимдин бош тортдунгми? Унда бошини кесинглар, кесилган бошни мешга соламиз! Ана шунда абадул-абад қон ичиб лаҳадда ётурсен!

Тўмариснинг буйруғи билан Кирнинг бошини кесмоқ учун сарбозлар қиличларини тайёрлашади, Кир дастлаб ялтоқланади, сўнгра тиз чўкади.

**Кир:**Тўмарис, раҳм-шавқат қилгил, аркону давлатимни, подшоҳлик вазифамни сенга қўш қўллаб топширгум... барчаси, барчаси керакмас! Фақат менга омонлик бер!

**Тўмарис:** Яна нима илтижойинг бордур?

**Кир:** Фақатгина, жоним!..

**Тўмарис:** Жон шириндурми? Массажет қабилаларида бева қолган аёлларни, етим болаларни бир-бир кўз олдингга келтир! Аларнинг оталарининг жонлари ширин эрмасмиди? Ҳақлари йўқмиди? Дунёга тўймай кетган шаҳид лашкарларим, тул аёллар ва етим болалар ҳаққи буюраман! Босқинчи Кирнинг боши танасидан жудо қилинсин. (Сарбозлар Кирга ташланадилар.)

Чироқ ўчиб саҳна қоронғилашади. Яна чироқ ёнганда, Тўмарис ва унинг сарбози кўринади.

**Тўмарис:** Бул ерда қабилadoшларимиз шаҳид бўлдилар. Аларнинг руҳлари ҳурмати бул ерда қалъа қурайлик. Шундоққина ёнимизда шарқираб дарё оқмоқда, яйловларимиз эса мўлдур.

**Сарбоз:** Кўп яхши иш бўлур эрди.

**Тўмарис:** Бул қалъанинг номи Ерқўрғон бўлур! Абадул-абад яшагай!..

### Саҳнанинг давоми

**Насаф:** Тўмарис сенга тўғри жазо берибдур.

**Кир:** Насаф, ўзим сиғинган Куёш ҳаққи даври қиёматда аждодларим, авлодларим ҳузурига бошимда қон тўла меш бирлан қандоқ рўбарў бўлурмен? Бошсиз тана, танасиз бош... мешга солинган калла! Шармандалик... шармандалик!.. Дорга оссин, қилич тиғидин ўтказсин, ҳаммасига чидардим! Аммо, бул қадар жазойи олий ҳеч бир қонунда, маслакда йўқдур!

**Насаф:** Бағримда ватанпарварлар яшайди. Шу боис, аларга ғамхўрлик ила нон, туз, суву ва битмас-туганмас меҳр берурмен! Алар она замин гардини муқаддас билиб, кўзларига тўтиё айлагайлар. Ватан учун жонларини фидо қилгайлар! Шунданким, бу юртни енгиб бўлмас!..





Даврон Султон

### Тонг

Гулдан шабнам тўкилган сахар,  
Ел қақратган ташна лаб титрар.  
Тил учида турган жон қадар,  
Шабнамдан ҳам нозик қалб титрар.

Сутранг тонгга чайилган хаёл,  
Бошлаб кетар жонни йироққа.  
Рухимда шўх куй чалган шамол,  
Дилроз айтар маъюс япроққа.

Нур тигида нигоҳи синиб,  
Ўжар руҳим бўйсунар тонгга.  
Тагин қайта кетгайман сингиб,  
Осмон билан сирлашган жонга.

### Мажнунтол

Тун бўйи шовуллар боғда мажнунтол,  
Шамол ишққа илҳақ япроғин узиб.  
Ой сим-сим ёш тўқар майсалар узра,  
Уфқлар ортида заъфарон сузиб.

Тун бўйи шовуллар мажнунтол боғда,  
Нафасидан еру осмон титроғда.  
Япроқлар остида кўздан яширин,  
Тунда икки соя топишган чоғда.

Мажнунтол шовуллар боғда тун бўйи,  
Бағрида бир сирни яширган кўйи.  
Сўқмоққа сочини ёйиб ўлтирар,  
Оҳиста энгашиб ой терак бўйи.

Тун бўйи мажнунтол боғда шовуллар,  
Ой ёққан оташда жони ловуллар.  
Тунги боғ кўйнида ошиқлар пинҳон,  
Юлдузни ёндирган бир олов улар.

ГУЛ КҮП  
ЧАМАН КҮП

\* \* \*

Узун тунлар боқдим осмонга,  
Хаёлимда дунёни кездим.  
Оғриқ солган гупурган қонга,  
Сукунатнинг расмини чиздим.

Ҳисларимни тўқдим қоғозга,  
Юрагимни анордек эздим.  
Чорлагувчи мени парвозга  
Қушқанотнинг расмини чиздим.

Тортадурман ўзимча хомуш,  
Шунда ҳатто дўст-ёрдан бездим.  
Меҳмон бўлиб келди Алпомиш,  
Бойчиборнинг расмини чиздим.

Қулиб боқди саодат менга,  
Ўзни жуда бахтиёр сездим.  
Ёлғонларни йўйиблар чинга,  
Гул ҳаётнинг расмини чиздим.

\* \* \*

Қилмагин кўп борингни баён,  
Беҳудага эзмагин кўнглим.  
Юрагимга солма галаён,  
Мураккабдир яшамок, синглим.

Чўғ олдирма оловни титиб,  
Ўз умримдан кўнглим тўлмаган.  
Бу кунларга келмоқлик етиб,  
Менга ҳам кўп осон бўлмаган.

Кўп ҳам куйиб чекаверма ун,  
Тўкаверма бекорга кўз ёш.  
Шундай яралганди чархидун,  
Синовларга бермоқ керак дош.

Сен шафқатни Худодан сўра,  
Ўз умрингга имкон топсанг сал.  
Раҳим тилаб яшашдан кўра,  
Журъатга ёр бўлмоқлик афзал.

Рустам Очил

### Тўртликлар

\* \* \*

Инсон бўлиб келгач азим дунёга,  
Фарздир она-Ватан тузин оқламоқ.  
Халқим - оқаетган жўшқин дарёга  
Зора, қўшилсайдим бўлиб бир ирмоқ.

\* \* \*

Кўздадир инсоннинг асли қуввати,  
Тилдадир инсоннинг барча иллоти.  
Ҳар куни мисқоллаб йиғолсанг ибрат,  
Олтин-ла битилгай умрингнинг хати.

\* \* \*

Биллур коса надур, сополи надур,  
Иккисин бирма-бир сен қиёслаб кўр?!  
Меҳнатда баробар икки хил қадр:  
Кимлар сопол эрур, кимлар-чи биллур.

\* \* \*

Оҳ, мени бунчалар қийнайди хаёл,  
Сен мени суймаган ё суйган аёл.  
Севиб, севилмоқдин ортиқ бахт йўқдир,  
Ошиқ ошиқ отди: Хижрон ё висол.

\* \* \*

Абадий порласин кўкдаги қуёш,  
Мангуга айлансин шу она замин.  
Ҳақиқий дўст бўлсанг, мен бўлай сирдош,  
Кемтик ҳаётимнинг тўлдиргин камин.

\* \* \*

Ватан туйғусини жо қил юракка,  
Чангию гардин ҳам тўтиё айла.  
Йигитлик чоғида куч йиғ билакка,  
Элинг хизматига мудом бел бойла.

## Нилуфар Умарова

Киприк орасига ўхшар ўтган кун,  
Измида қаҳри хўп қаттиқ фурсатлар.  
Ёзиб, эгасига жўнатилмаган  
Столим устида саноксиз хатлар.

Лаҳзалар кўзида улғаяр олам,  
Ҳаёт мени жондан ортиқ суюди.  
Кўнгил сўраб турган бугунимни ҳам  
Ташвишлар ямламай ютиб қўяди.

Шошиб тушаяпман зинадан пастга,  
Ҳамкасбим чақирар: "Эй сиз, кўнимсиз!  
Вақтингиз бунча зиқ, қаранг бирпасга,  
Биров изляяпти сизни тинимсиз.»

Нигоҳим сирғалар ёнга мўлтираб,  
Сиқиқ йўлакларда тирбанд шовқинлар.  
Қон жўшиб урилар юракни бураб,  
Кўксимга сигмайди беадад унлар.

Якун ясалгандай дил талошларга,  
Вужуд ахтаради гўё кўз бўлиб.  
Рухим муҳрланар мармар тошларга:  
"Кимдир изляяпти!", деган сўз бўлиб.

Ҳисларим тортқилар самовий бир куч,  
Яна ҳаяжонга макон бўлар лаб.  
Мени остонамда зор кутар соғинч,  
Бир дона нилуфаргулни қучоқлаб.

\* \* \*

Ҳаёлларинг меҳр талашиб,  
Дайдиб борар шом қаросида,  
Туманлар ҳам кетар адашиб  
Қошларингнинг қоқ аросида.

Ётсирайди такаллумларинг,  
Кудуратлар намоишона.  
Келганингни билдирмоқ нечун,  
Қолдирмасанг бирор нишона?!

Жунжитади танни бир эпкин,  
Паривашлар талашар чирой.  
Япроқларни ўйнатиб секин  
Дарахтларга чирмашади ой.

Кўринмайсан, нигоҳим толар,  
Сер солмайсан дил моҳларига.  
Кокилларинг ўралиб қолар  
Шамолларнинг бармоқларига.

## Муҳаббат

Нуқул интилибман сен сари, билсам,  
Қайтиш чоғида ҳам сенга қайтибман.  
Устимдан кулибман, кулганимда ҳам  
Эски қўшиғимни тақрор айтибман.

Нега мақтандим-а, мен - телба, овсар,  
Нега ўз боғимга тош отдим доим?  
Эшигин очмади бир бора кавсар,  
Ортимдан хўп қўпди қиёмат қойим.

Олдимда не кутар билмайман, ҳали,  
Ўзимча ҳали не қўшиқ айтаман.  
Яна сен саридир интилиш гали,  
Қайтиш чоғида ҳам сенга қайтаман.

## Ҳаёт

Кечиримни билмас бу ҳаёт,  
Сергак тортар қаҳридан дунё.  
Тутганию олгани баёт  
У ўзига боқмас маҳлиё.

Кушни қўлга ўргатган овчи  
Каби ўқир ҳийладан сабоқ.  
Маккорликда ўтда тобловчи,  
Аммо, зинҳор очмайди қабоқ.

Гар умрингни зиёга чайсанг  
Атиргулдек очилиб борар.  
Улуғ йўлдан тонсанг, айнисанг,  
Лўх гулидек сочилиб борар.

Терс ўгрилиб, буриб йўлини  
Ўз йўлига тушиб олар зум.  
Раво кўрмас сенга қилини,  
Адашсанг ҳам қайғурмас, токим.

Аммо ичдан эзилиб куяр,  
Кафтига-да тутиб борликни.  
Оталардек айрича суяр  
У биздаги улуғворликни.

## Лобар Турсунова

\* \* \*

Ваъдаларни унутдик осон,  
Муҳаббатдан кўнгил тўлмади.  
Дуч келади йўллар ҳар қачон,  
Кўнгилни ҳеч узиб бўлмади!

Ишқ, севгини ёшликка йўйдик,  
Лекин ҳислар аҳди сўлмади.  
Неки бўлса, биз бўлиб бўлдик,  
Кўнгилни ҳеч узиб бўлмади!

Бахтимизни сочдик елларга,  
Ҳижронларда ишқлар ўлмади.  
Ҳисоб бериб келдик йилларга,  
Кўнгилни ҳеч узиб бўлмади!

Тақдир бошлар бўлинган йўлдан,  
Қўлдан бошқа ҳеч иш келмади.  
Унг турганда, мажбурлаб сўлдан  
Кўнгилни ҳеч узиб бўлмади!

\* \* \*

Энди умид қилманг  
ишқимдан,  
Сиз учун орзуга  
заволман.  
Куйганман куйганча  
рашқимдан,

Жавобин излаган  
саволман.  
Кулгучим тушларда  
кўрасиз,  
Номани битасиз  
ойларга.

Тим қора сочларим  
ўрасиз,  
Узрни айтасиз  
сойларга.  
Сифиниб ўтасиз  
изимга,  
Тутасиз кўнгилни

дасталаб.  
Гадолар бўласиз  
сўзимга,  
Пойимга бош эгиб  
ишқ талаб...  
Энди умид қилманг  
ишқимдан...

## Баҳодир Абдул Раззоқ

### Кўнгил

Барибир, мен соғинавераман,  
Номсиз дардлар билан юрагим ҳил-ҳил.  
Саробдек кўнгиртоб ҳислар оралаб  
Мен сени соғинавераман, кўнгил!

Билмам, турнамиди ёки бир оққуш  
Судраб кетаверар асов ҳисларни?  
Сийратим, ўсмирдек ҳар кун кўрар туш  
Сувга шўнғиётган оққуш қизларни.

Барибир, мен соғинавераман,  
Гарчи тасаввурим заъфарон, захил.  
Гарчи имконимда ўсади қайтиш,  
Мен сени соғинавераман, кўнгил!

Наҳот, бу йўллардан барча ўтган жим,  
Хорғин хаёл каби ютиб сўзларни?  
Сабр кўзасида соғинчлар лим-лим,  
Юлуқ тушлар аро кўриб қизларни.

Барибир, мен соғинавераман,  
Олис-олисларга қочиб кетган гул.  
Мен кўмсайвераман бағримни ўртаб,  
Мен сени соғинавераман, кўнгил!

Излаб тополмасман қадим сўқмоқда  
Еллар ёпиб кетган унут изларни.  
Кўнглим, хилватдаги қайси пучмоқда  
Ухлайди, тушида кўриб қизларни?

Барибир, мен соғинавераман,  
Осий туйғулардан ечилмас чигил.  
Гарчи, яшолмайман сен билан бирга,  
Лек, сени соғиниб яшайман, кўнгил!

### Саккизлик

Қувноқ шаббодалар шодон эсадир,  
Гўзал қизғалдоқлар уйғона бошлар.  
Қуёш қонли кўксин кўкка отадир,  
Замин тонг отди деб тўлғона бошлар.

Сўнарлар бирма-бир юлдузчалар ҳам,  
Гулнинг япроғини титратар шамол.  
Оқ ҳарир либосга бурканган гўзал,  
Тонг ҳам келинчақдек кўрсатар жамол.



\*\*\*

Яшаган умримдан бир қоя ясаб,  
Шошилмай йўл олсам чўққилар сари.  
Орқамдан қолади секин мўралаб,  
Болалик йилларнинг жажжи сирлари.

Ҳар қадамда соғинч, ортга қарайман,  
Олдинга боқаман, узоқ манзилим.  
Баъзан толиқаман, йўл тополмайман,  
Сендан мадад сўрар мағрур ёшлигим.

Қалбимга кирибсан нур-туйғу мисол,  
Шам бўлиб ёнасан қоронғи тунда.  
Яна одимлайман довулми, шамол  
Писандмас мен учун, бу сирли дунё.

Эзгулик, муҳаббат этгансан инъом,  
Бораяпман йўлда пояма-поя.  
Ёшлигим рози бўл, розиман сендан,  
Берган муҳаббатинг ўзи кифоя.

Имомали Фулом Муҳаммад

### Чўмилаётган балиқ

I

... Балиқ сапчир  
осмонга,  
қизариб кетди  
уфқ -  
яланғоч экан!..

II

Сув юзи - аланга,  
халқа - халқа  
табассум -  
ўпич олар  
балиқ лабидан  
бўсапараст кўл,  
чўлп - чўлп!..

III

Кулмоқ ортиқча  
шир ялонғоч  
балиқдан,  
Айби нима,  
бир умр  
сувда яшаса?

IV

Соҳилни кўр,  
соҳилни.  
Кирмоқ учун  
сувга  
бир бора  
юлқиб отди  
бор бисотини...

V

Балиқнинг тили йўқ,  
тили бўлсайди,  
ўхшамасди, айнан,  
яланғоч соҳил  
фуқаросига...

VI

Осмонга сапчир  
балиқ,  
титраб кетди  
ҳилол -  
бўритирноқ ёғду.  
Анқаяр эски қайиқ...  
Жонланар  
қадим чолғу...

Дўстмурод Ханталлий

### Дўстлик ҳақида

Ҳазабинг ўзингга бўлсин, биродар,  
Ҳасратинг ўзингга бўлсин, биродар.  
Истасанг дўст бўлай, хабарин юбор,  
Дунёда дўстликдан нима бор афзал?

Чин дўстинг бойлигинг ҳисоб этмагай,  
Яхши, ёмонингни китоб этмагай.  
Бир умр қолади ёнингда содиқ,  
Яхшилиқ қиларки, дунё етмагай.

### Кўк юлдузига

Майли, алдаса-да, ширин хаёллар,      Яшаб келаяпсан хаёлларимда,  
Нигоҳимда яшаб қолганинг яхши.      Йилларки, кўзимда асраб юраман.  
Бахтсиздир хаёлдан маҳрум одамлар,      Ёрқин бир юлдузсан осмонларимда,  
Бахтиёр-севгига ишонган киши.      Сен кўкда, мен ерда ёниб тураман.

Ориф Ҳожи

### Шаҳрисабз

Шаҳри сабз - шаҳри адаб, шаҳри имону эътиқод,  
Шамс Кулолнинг руҳларидан руҳ топар мангу ҳаёт.

Оқсаройнинг тоқидур Кисро тоқидан ҳам баланд,  
Руҳи пок Соҳибқирон сарманзили бўлгай обод.

Жон чекиб қилди чаман, мўғул хароб этган замон,  
Хор этиб душманларини, дўстларини қилди шод.

Ложувардликда ўтар осмондан ҳам "Кўк гумбаз"и,  
Ери кўклик бирла айлар ҳар неча кўк ерни мот.

Сабззордур тўрт тараф, гумбазлари феруза ранг,  
Ёзу қиш кўм-кўк ариқларда оқар оби ҳаёт.

Орифо, сен таърифида қанча ёзсанг шунча оз,  
Чунки бунда топдилар Темур бобонг олий нажот.

Лобар Пардаева

\*\*\*

Сенсиз, ёлғиз кетиб бораяпман,  
Бағрим тутиб куюш тигига.  
Дардим ичга ютиб бораяпман,  
Айланганман унсиз йиғига.

Бораяпман... Ўз тақдиримга  
Ўқиганча бешафқат ҳукм.  
Зор йиғладим ўзим қадримга,  
Гуноҳқори сендан ўзга ким?!.

Тош йўлларда оёғим толди,  
Оҳ, маконим поёни борми?..  
Кўзларингда армоним қолди,  
Айт, севгининг бори озорми?..

Ортлардасан, мана ушбу дам,  
Ёқдинг дилга бир ўчмас ўтни.  
Сенга томон қалбим-бечорам,  
Кузатаётир сўнги умидни...

Сенсиз, ёлғиз кетиб бораяпман...

\*\*\*

Қайтаман, ўзингга қайтаман,  
Ёнингга учиргай шамоллар.  
Қошингга элтади, айтаман,  
Сен қайда бўлма хуш хаёллар.

Бораман, ёнингга армоннинг  
Ортимга сочганча гулларин.  
Бораман, сенгача ҳижроннинг  
Тутганча оловли қўлларин.

Бораман, ёнингга гулбаҳор,  
Ёмғирни етаклаб сен сари.  
Фақат кут, тунлари интизор  
Оқ тонгни кутганинг сингари.



Ҳафиза Эгамбердиева

## НАХШОНА

### Қиссадан парча

... Йигитлар, шу навниҳол қизлар бошини қиличга тутиб, ўлимга адл боқиб юртини, эл-улусини ҳимоя қилаётирлар. Биз-чи? Тоғ йўлидан мўғуллар ўтса ўлдирурмиз, дея кутиб, писиб ётибмиз. Алар-чи? Насафдин Самарқандгача бориб, хавф-хатарга ўзларини уриб йўл босишяпти. Алар ор-номус курашига жаҳд айлаганлар. Биз-чи? - Сардор жаҳд билан дарахт танасига мушт туширди. - Отланинлар! Қора ниқоб тақиб олайлик. Шу бояқиш сингиларимиздан хавф-хатар йироқлашиб, биздин гумон қилишсин. Тунда ўн тўрт нафардин бўлиниб, мўғул навкарларига ҳужум уюштирғаймиз. Токи, руҳимизни жон қуши тарк айлагунча мўғул бирла сўғишамиз.

Қизлар бу исёнкор тўданинг-да, юрагида ёвга қарши нафрат ва ғазабни баттар алангалатиб кетди. Кешдан чиққунча Нахшона тезликни сусайтирмади. Ёллари силкиниб келаётган отларни кўрган мардум ҳозир қанот чиқаради-ю, учиб кетадиган важоҳати бор, деб ўйлаши мумкин эди. Ёғийнинг бадбўй ва қўпол кийими қизларни Кожартепагача ҳимоя қилди. Тонгга яқин улар турли сўқмоқ йўллардан, гоҳо секин, гоҳо отларни елдириб сандиқли чўл орқали мағорага етиб келишди. Бегона отлар бу жойга илк бор келишаётгани туфайли олд оёқларини кўтариб бўйсуннишни истамасди. Нахшона отдан тушиб қизларнинг сафи тўлиқлигидан қувонди ва Тангрига шукурлар айтди. Чунки, у қизларнинг ҳаётини ўз мақсади йўлида таҳликага қўйганигидан қаттиқ безовта эди. Хайрият, қадрдон бошпанасига етиб келишди. Отларни сўғоришиб, емишларини беришди. Ювиниб, айландилар. Бир-бирларининг сочларини ўриб бўлгунча энгилгина нонушталари тайёр бўлди. Улар ўз "кошона"ларида бежавотир, беҳадик уйқуга кетишди...

Орадан икки кун ўтиб Темучин ҳузурига соҳибхабар шошиб келди:

- Улуғ хон, Самарқанд томонидан чопар келмиш.

- Не хабар?

- Ўзингиз тинглаб, беназир ақлу заковатингиз ила мушоҳада этмасангиз, менинг ақлим ожиз.

- Кирсун!

Чопар хонга таъзим қилиб, тиз чўккан ҳолда сўз бошлади:

- Улуғ хон. Бундин бир неча кун аввал сизнинг махсус соқчиларингиз либосинда бир гуруҳ навкарлар Кеш дарвозасиндин қуёндек кириб келди.

Хон қизғиш соҳолони оҳиста силаб, кўзларини чақчайтирди.

- Сўнг алар кампирларнинг бирига кириб, - сўзида давом этди чопар, - нотавон чолу кампирни боғлаб, қўрқитиб, бисотидаги ёлғиз қўйини сўйиб, пишириб, сафар учун емак тайёрлаганлар. Шубҳаланган соқчиларни ўлдириб икки хўржунга солишган. Дарвозага етиб келгач, хўржундан икки кесилган бошни сизнинг амрингизга биноан, Кеш дарвозасин икки тарафина уч кун осиб қўйишни,

эл-улус бундан ибрат олмоғи жоизлигини айтиб доvon тарафдин Кеш сари кетканлар. Савол-жавоб қилмоқ истаған соқчиларни навкарлардин бири қўлидаги таёқ ила чунонам қаҳр бирла савағанки, ундин кегин бошқа соқчилар сўз очмоққа журъат қилмағанлар.

Хон ўйга толди. Ҳеч қандай топшириқ берилмаган-ку. Ким экан улар? Ёки ўз одамларимиз бирортасини қочириб излаб борганмикин? У чопарнинг юзига савол назари билан тикилиб қолди.

- Бизни шубҳалантирғон ҳолат шулки, кесилған бош эгалари маҳаллий халқдин эмас, билакс, ўзимизнинг сарбозлар эркан. Уларни ўша маҳалла соқчилари таниб қолишган. Икки сарбоз йўқолиб қолған эди. Биз билан кетма-кет навбатлашиб маҳаллани назорат қилур эдик. Ахир, булар исёнкорлар эрмас, балки мўғул соқчиларидир, дея улар соқчилар бошлиғина арз қилғанлар. Шундан кейин шубҳа-гумон кучайиб, мани сиз сари юбордилар.

- Икки-уч кун олдин Хузор йўлиндаги қароргоҳимизда навкарлар изсиз йўқолиб, катта ёнғин чиққанди. Энг сара отлар қўйиб юборилған. Алар эрмасмикин? Йўқ, алар ишонған сарбозларим эрдилар. Демак, бу ерда катта ҳийла ва макр бор. Наҳотки, бу иш ўша қора ниқоблиларға бориб тақалса?

Темучин ўрнидан туриб кетди. Жаҳддан сарғимтир кўзлари чақчайиб қонга тўлди.

- Самарқанддаги дарвоза соқчиларига айтингиз, бирор киши сўзсиз - сўроқсиз шаҳарға қўйилмасун. Демак, қора ниқоблилар мўғул кийиминда ўша кеча ёширинғон эканлар. Биз эрсак, алар ўз жонларига қасд қилған, дея аҳмоқ бўлиб ўтирибмиз.

Хон жазавага тушди. Ўзини лақиллатған, қора ниқоблиларни чўкиб кетганини айтган барча сардорларни қатл эттирди. Насаф теграсидаги қишлоқлар яна олов ичида қолди. Қирғин-барот урушлардан омон қолған, яқинларидан жудо бўлған, хўрлик ва қабохатдан тинкаси қуриған маҳаллий халқ, оч бўлса-да, тинч яшашни ўйлаб қолғанди. Улар орасидан меҳр-оқибат кун сайин кўтарилиб, бир-бирини тутиб беришга, жителар эътиборини қозониб, ширин жонини сақлашга уринадиганлар сони тобора ортиб борарди. Эл таланған, мамлакат вораг қилинған, хонин ёки дўст мардумни илаб олиш қийин эди. Темучин ғазабга миндим, кўз очиб кўрмаған хунрезликлар бўлиши мумкинлигини насафликлар ва атрофдаги қишлоқлар аҳли яхши билишарди. Шу боис, кўпчилик яшириниб, баъзилари Кеш, Самарқанд, Хуросон сари қочиб кетмоққа уринишарди.

Айёр Темучин мусулмон сарбозлари орасидан азон айтишга салоҳиятли йигитни топиб, эрта саҳарда Каттепадаги бузилмай қолған масжид мезанасига чиқариб азон айттирди. Мўғул хони ғазабидан тушибди, деб ўйлаган мусулмонлар яширинған жойларидан чиқиб масжид олдига келдилар. Шунда мўғул сарбозлари каттаю кичик, ёшу қарини ўраб олиб, қиличдан ўтказдилар.

"Қора ниқоблилар келиб таслим бўлмаса, бирорта мусулмонни тирик қолдирмай бошини олурмиз", деган ҳайқириқ бутун шаҳар ва унинг атрофини даҳшатга солди.

Кеш ва Самарқанд яқинидаги мўғул қароргоҳларига қора ниқоб кийған суворийларнинг тунги ҳужуми ҳақида Темучинга хабар етказилғач, у Насаф теграсидаги қишлоқлардаги хунрезликларни тўхтатиб, эътиборини Кешга қаратди. Улар ҳали Насафдан олисда, дея тахмин қилиб соқчиларни кўпайтириб қўйди. Каттепа деҳқонлари одамлар бошини гулни узғандек завқ-шавқ билан узаетған сарбозларни чалғитиш учун эгасиз уйда бир неча кундан буён устанинг аёли билан яшаётған Қутли Нигорни мажбурлаб судраб чиқишди ва ҳадея сифатида хонга тортиқ қилишларини, қишлоқда барча итоатда эканлигини, бегоналардан фақат шу қиз борлигини айтиб, бош уриб нажот сўрашди. Сарбозлар одмигина оқ шоҳи кўйлақда турған фариштадек гўзал қизни кўриб, чиндан-да, ҳовурларидан тушишди. Қўрққанидан баргдек титраётған Қутли Нигор хон ҳузурига олиб кетилди. Ёш жонини хавф-хатардан олиб қочиб, яна ёвга тутилған қизнинг юрак-бағрини эзарди. Қутли Нигор шунча пайт ҳимоя қилиб келған қизлардан воз кечганим учун Оллоҳ томонидан жазо юборилди, дея ўйлаб кўз-ёшларини тия олмасди. Қиз алоҳида отга миндирилди. Бир соатлар чамаси йўл юриб, хон қароргоҳига етиб келишди. Асосий қўшинини Насафда сақлаб турған хон Қутли Нигорнинг хуш рафторига қараб ийди.

- Бу гурчоқ қай гўшадан топилмиш?

- Каттепа деҳқонлари сизга туҳфа этмишлар. Алар бир қошиқ қонларидан кечишингизни ўтинишди.

- Омонлик. Бу сулуви жорияларга етқазинг. Кийинтиришсун.

Қутли Нигор судралганда эгни-боши тупрокқа беланган эди. У бутун Моварауннаҳр ҳаётини издан чиқарган фотиҳга бир назар ташлашга ҳам чўчиб, кўзларини юмиб олган эди. Ўзига хос жозига эга жориялар маҳаллий аёллардан эди. Уни нариги ўтовга олиб ўтишди. Улардан бири оқ тусли, уч баргли, майда гулли нақши бор сопол косада мушку анбар тайёрлади. Бири эса иссиқ сув тайёрлаб қизни ювинтира бошлади. Жория қизнинг узун сочларини ювиб-тараб сўнгига боши узра мушку анбарни қуйди. Қутли Нигор бутун вужуди ором олганини ҳис этиб чуқур хўрсинди. Ахир, шаҳар бегининг қизини ҳар доим чўрилар ювинтирарди. У неча кунлик ирқит ҳаётдан зерикиб, ўша саодатли кунларини қўмсарди. Бироқ хон ҳузурда бўлишдан чўчиб, юраги "гурс-гурс" урарди. Улар унинг дағаллашиб қолган товонига мойпа суркаб, тирноқларини тозалаб оро беришди. Қўлларига хино билан жимжимадор нақшлар чизиб, бир неча муддат кутиб туришди. Шундан сўнг ипак кўйлак ва мурсак кийдиришди. Мурсак тиззагача, кўйлак эса товонга етади. Нозик бурмалар ва елка қисмидаги қат-қат йўлли қаватлар кўйлакка зеб бериб турарди. Балдоғу, зебигардонлар ва қасаба тақилгандан сўнг бошига ҳарир силсила ташланди. Хуллас, сўғдиёнагагина хос миллий кийим Насаф қизининг кўркига кўрк, чиройига чирой қўшди. Қутли Нигорга бу кийимлар жуда ёқарди. Бироқ, Темучин ҳамда унинг аванғори ва жаванғорида ўлтирадиган бир гуруҳ арқони давлат ҳузурига бораётганини ўйлаб юраги қамалиб қолган қушдек типирчиларди.

Темучин қаерга қадами етган бўлса, ўша элнинг энг гўзал қизлари унга келтириларди. Чин Мочин аёлларининг гўзаллиги, зийраклиги унга маъқул келган бўлса, Моварауннаҳр қиз-жувонларидаги назокат ва фасоҳат, шарму ҳаё уни мафтун этарди. Бироқ, у ўз аҳли аёлларини танлашда, улардан туғилажак зурриёдни ўйлар, ўзидан ва ўғилларидан шафқатсиз замонга дош бера оладиган кучли, эпчил, жасоратли фарзанд ва набиралар қолишини истарди. У аёллар қуршовида титраб-қақшаб кириб келаётган Қутли Нигорни ўзига ҳам, ўғилларига ҳам хотинликка раво кўрмади. Унинг ҳусни талъатига маҳлиё бўлганча базм уюштиришни буюрди. Ясаниб-тусанган жориялар, чўри ва асира аёллар хомуш эди. Дариғоки, бу мастуралар устидан сийму зар сочилганда ҳам уларнинг лабидаги бир неча ой олдинги табассумни кўриб бўлмас эди.

- Қўлидан не юмуш келур, бирор ҳунарин кўрсатсин? - дея амр қилди ҳоқон.

Қутли Нигор бир четда уюлиб турган чолғу асбоблари орасидан қимтиниб дуторни олди. Могора ичида ёлғиз қолган кезларда Чашминадан кўп куйларни ёд олган эди. Аммо баралла чертиб кўришнинг имкони бўлмаган. У "Шаҳиди дину дун" куйини черта бошлади. Зулмга қарши кураш, қушдек эркин бўлишга орзумандлик, эрк йўлида фидо бўлиш ва зolimларга нафратни ўзида жо қилган бу сермаъно оҳанг ўтирганларнинг кўзларидан ёш оқизди. Темучин бу куйнинг маъносию маъзига маҳаллий вакилларчалик тушунмаса-да, ўзига нафрат билан қадалган нигоҳларни сезиб, исён ва нолани ҳис этди. Қутли Нигор ўлими олдидан сўзлаб қолишга шошилган маҳқумдек куй тугагач, вазиятни юмшатиш мақсадида, "Андалиб" куйини черта бошлади. Отасининг бағрида юрган кезлари, сандувочларнинг "вижир-вижир"и, тинч замон ҳақидаги куй йиғилганларнинг руҳини кўтарди. Кишилардаги ўзгаришларни пайкаб ўтирган ҳоқон Қутли Нигорни ўзгалар руҳига таъсир қилиш даражасидаги беназир санъати борлигига иқрор бўлди. Хон туғилган макони Йилун йилдиқнинг яйловларини, болалик даврини эслади. У Қутли Нигорни мўғул юртига жўнатиб юборишни бирров хаёл қилдию куй сеҳри таъсирида ювош ва ҳалим бўлиб ўсиши мумкин бўлган авлодларни ўйлаб фикридан қайтди. Бу орада моҳир раққосалар гир айланиб рақс туша бошлади. Кеш томондан келтирилган уч нафар қиз бир хил юмалоқ коптокни юқорига ирғитиб, унинг тагида гир айланиб, копток қайтаётганда эпчиллик билан илиб олишарди. Бир оздан сўнг улар коптокни оёқ остига қўйиб унинг устига чиқиб рақс туша бошлашди. Темучинга бу рақс жуда ёқиб қолганлиги туфайли раққосаларни Чин Мочин ва Мўғулистонга юборишга қарор қилди. Бу рақслар қиз-жувонларни эпчил ва чаққон бўлишига ёрдам

беради, дея фикр қилди у. Худди шу пайт соҳибхабар Кеш тарафдан чопар хабар келтирганлигини билдирди. Хон чопарни киришини имо қилди.

- Улуғ ҳоқон, Кўл қишлоғида ўн тўрт нафар қора ниқоб ила юзин тўсган суворийлар кўлга тушди. Аларни тириклайин қароргоҳга олиб келишни маъқул кўрдик. Бир неча фурсат орасида алар бунда бўлулар.

Хон чопарни сийлаб кичкина халтачага солинган бир ҳовуч Бухоро тиллосини иргитиб юборди. Бу хабардан Қутли Нигор бутунлай гангиб қолди. Эғнидаги кийимлар чақаётгандек, ўзини боягидан-да беҳуд сезди. У бир томондан қизларга қўшилиб жазоланмаслигини ўйлаб суюнса, бир томондан Нахшонанинг ўткир нигоҳига дуч келишдан чўчирди. Ҳарқалай, неча кунки унинг бошини кўриб, юртим, улусим, дея машаққат чекиб юрган жонфидо қизларга бу алфозда кўринишни зинҳор истамасди. Вақтики, қўллари орқага боғланган, калтак зарбидан юзу кўзлари таниб бўлмас даражага келган тутқунларни қароргоҳ ичига кирганини кўргач, у беихтиёр энтикиб: "Хайрият, алар эрмас экан!" дея шивирлаб юборди. Синчков хон Қутли Нигорни тутқунларга қараб нимадир деганини илғади ва бу қиз қасоскорларга тегишли баъзи ҳолатлардан хабардор дея ўйлаб қўйди.

- Кимсизлар, нечун буюк хон, оламгир Темучинга қарши курашаётибсизлар? - деди хоннинг амири.

- Биз қора ниқоблилармиз. Насафдин Самарқанд тараф бордик, ундин Кеш сари йўналдик. Эл-улусимизни босқинчилардан озод этиш мақсудидамиз! - деди улардан бири.

- Бари мамлакатлар бизнинг илкимизда бўлур, бизга қарши бормоқ ақли ноқисларнинг юмушидир. Насаф шаҳри ўртасида дор тикиб бу исёнкорлар дорга осилсун. Хабар берингки, қора ниқоблилар ниҳоят кўлга олинди. Боз, бош кўтаришга ҳеч ким журъат қилмаслиги учун аларнинг мурдаси ижозатимсиз дордин олинмасун!..

... Эртаси кун и асир йигитлар қатл этилиши тўғрисида хабар тарқалди.

Гарч-ғурч. Товонлар остида ҳазонлар инграйди. Теварак-атрофдаги томошага мажбуран чиққан оломоннинг кўзида ҳорғинлик ва бефарқлик акс этган. Ўн тўрт бош учун дор тикилган. Улар дор олдида ўлимни -да менсимасдан мағрур ва адл турибди. "Ла илоҳо иллоллоҳу Муҳаммадун расулуллоҳ", деганча исёнкор йигитлар ўз бошларини дорга илишди. Бир неча сониядан сўнг уларнинг шалвираган, жонсиз оёқлари заминдан узилди. Кимдир қўлида тош, кимдир кўзида ёш билан шаҳид ўғлонларнинг мурдасига термулиб қолди. Хотин-халажларнинг орасида паранжи ёпинган Қорасоч ҳам бор эди. Мўғул сарбозлари хушнуд қийқирганча, қароргоҳга қайтишди. Бироқ, улар хон ўрдасига етиб келишлари билан қора ниқоблилар Сайроб томонда ҳам пайдо бўлганликларини эшитиб ҳангу манг бўлишди. Фақат Темучингина қора ниқоблилар шамоли кул орасида ётган чўғни аланга олдираётганини, бунга чек қўймаса бойликка кон бу диёрдан авлодлари мосуво бўлишини ўйлаб чора кўрмоққа тутинди. Агар бу кучлар бирлашса, Термизни истило қилиш режаси орқага сурилиши мумкин эди. Темучин кеча тунни бирга ўтказган қизни келтиришларини сўради. Йиғлайвериб юзлари бўғриқиб, қизариб кетган Қутли Нигор хоннинг оқшом эркалаган нигоҳидаги мулойимликнинг ўрнини тундлик қоплаганини, узун ва ингичка соқоллари-да жаҳддан титраб турганини сезиб ҳушидан айрилаёзди.

- Қора ниқоблилар ҳақида нималарни билурсен? Агар яшашни истасанг хоннинг саволлариға жавоб берғил. Йўқса, сен ҳам осилурсен.

Қутли Нигорнинг кўрқувдан тиззалари букилиб кетар, тишлари бир-бирига уриларди.

- Ҳеч нарса билмасмен, улуғ хон, - деди ва ўкраб йиғлаб юборди. Таниш ва қадрдон йиғи овози сарбозларга овқат тарқатаётган Адҳамбекнинг вужудини ларзага солди. У бари юмушларини ташлаб, ўрдага кирмоққа ҳаракат қилар, соқчилар бошлиғи уни ўтказиб юборишни истамасди. Бу шовқин-сурон ичкаридагиларнинг диққатини тортди.

Хоннинг буйруғига биноан, шовқин кўтарган хизматкор ичкарига олиб кирди. Адҳамбек хонга ҳам қарамай, ёшли кўзлари билан қизнинг олдиға югурди.

- Нуридийдам, асраб-авайлаган кўзмунчоғим! Бунда не қилурсен? Наҳот, каттапаликлар совғаси сен бўлсанг? Ахир, сени деб тирик юриб эдим!

- Бузрукворим! Менинг ширин жонимни қутқаринг! Ўлмоқни истамасмен! Қизингизнинг номусини ҳимоя қилолмадинғиз, жонини асранг энди, отажон!

Темучин Қутли Нигор шаҳар бегининг қизи эканлигини англади.

- Модомики, қизингни тирик қолмоғин истасанг, қора ниқоблиларнинг аслини тутиб келурсан! - деди у калаванинг учини топганидан қувониб.

- Отажон! Аларни билурсиз! Аларға Сардорбек сипоҳийнинг қизи бошлиқ эрур! Ман аларнинг ўлимин истамасмен! Аммо, ўзим ҳам, сиз ҳам омон қолишимиз керак-ку! Алар сиз билган ожизалар!

Қизнинг гапни хонга таржима қилиб беришди. Бир неча ойдан бери ҳаловатини бузганлар қиз болалар эканлигини билиб хон ҳайратланди.

- Агар қизларни тириклай тутиб келтирилса, жони омонда қолур!

Тилмоч ота-болага бу гапни тушунтирди. Қутли Нигорни махсус хонага қамаб қўйишди. Адҳамбек отлар орасидан ўзининг Қорабайирини чақирди. Отнинг ёлларини силаб, тумшугидан қучди. Эгасининг бошига ғам тушганини сезган от уни искаб, бўйинларига тумшуқ уриб, оёқларини қимирлатди, сўнг пишқириб Адҳамбекнинг атрофида айланди. От ва унинг соҳиби ўртасидаги сўзсиз суҳбат ва ҳамдардлик жиҳати жосусларни ҳайрон қолдирди. Улар Адҳамбек ярим фарсахча йўл босгач, отларга қамчи уришди. Икки соатлардан сўнг жосуслар Адҳамбекнинг изини йўқотишди. Улар Кожартепани айлана-айлана толиқишди. Изни йўқотганларини билса, Темучин ўзларини қатл қилиши мумкинлигини ўйлаб тепалик устига чиқиб чалқамон ётиб осмонга кўз тикишди. Куз қуёшининг ёқимли иссиғи, паға-паға оқ булутларнинг имилаб, бамайлихотир сузиб юриши сарбозларга мўғул юртидаги тинч кунларини, кенг яйловларни эслатарди. Улар неча йиллардан буён йўл босиб, қон тўкиб, бойлик, сийму зар илнжида ерга кўз тикканлар. Аммо беғубор осмонга назар ташламаганларига йиллар гувоҳ. Улар Темучиннинг қаҳрини ҳам унутиб булутларни унсиз томоша қилишди. Беихтиёр кўзларига уйқу инди. Неча дақиқа ухлаганларини билишмайди. Отнинг пишқиригидан чўчиб уйғонишди. Адҳамбек қандай йўқолган бўлса, шундай пайдо бўлиб, қароргоҳ томон елиб кетаётганини кўришди. Улар сапчиб туриб отларига қамчи уришди.

Моғорада ўтган уч кунлик ҳордиқдан сўнг қизлар яна жангу жадалга шайланаётган эди. Қорасотнинг хабарлари уларни тезда оёқлантирди. Улар тунги режа устида бош қотираётганда, ногаҳон кўз ёшлари селу селоб, абгор ҳолда Адҳамбек кириб келди.

- Нега, нега бундай қилдиларинг? Бир йил яйраб яшашларинг учун имкон яратқан эрдим?! Ҳадемай, Темучин мўр-малахлари ила Термиз истилосига кетмоқ учун тадорик кўраётганди. Эмди не бўлғай, қизалоқларим? Яхши кунларни кутиб, шу онгача келмагандим. Қутли Нигорни нечун ёв қўлина топширдинғиз? Мени хон сизларни тутмоқ учун юборди. Ваъдага вафо лозим эрди-ку! Нечун ул нуридийдам ёв қўлинда! Номуси топталган, афтодахол! Ўлимдан қўрқиб йиғлаюр! Жон ота, бузрукворим, қутқаринг, ёғийдин халос қилинг, дейди. Нечун у сафинғизда эрмас? Сўйланг, Сардорбекнинг чироғи? - дея Адҳамбек тиззалаб, бошини ерга уриб, ўкириб йиғларди.

- Бу фоний дунё кўз ёшингизга арзирму, оға? Сиз таслим бўлиб хон хизматиға борган кунда мен падаримдин, онамдин, қувноқ инимдин, ёримдин жудо бўлдим. Билсангиз, Сардорбек сипоҳининг ҳовлиси гўристонга айланди. Мен моғорага қайтдим улар учун қасос олмоққа аҳд қилдим. Ўн мўғулни ўлдирсам ҳовуримдин тушармен, деб ўйлаб эрдим. Надоматлар бўлсинким, ўз еримда, қувлашмачоқ ўйнаб ўсқан бўстониғизга ёғийнинг эмин-эркин юрмоғин тасаввуримга сигдиrolмадим. Менинг бу ёнмоғим парвонанинг шамға ўзин уриб куйдирмоғи киби хатарли эрди. Қутли Нигорни хавфу хатарларга тўла юришларимизға сабри чидолмаганлиғи туфайли Каттепада, бир аёлнинг ёнида қолдириб кетгандик. У бизни сотиши, бизға хиёнат қилиши мумкинлиғин билсак-да, унга омонлик тилаб хайрлашқан эрдик. Биздин ўткан бўлса узр! Боиси, тузу намагингизни еб бунда шунча жон сақладик.

- Кўзимнинг оқу қорасини қафасға солишди! Мени ўлдиришлар! Қизғалдоғим хазонга юз тутди! Анинг қора, кунини кўрмоқ менга азобдур, ҳадсиз азоб! Сизларни-да, ёв қўлинда бўлишингизни истамасмен! Не қилай ё парвардигорим? Адҳамбек бошини чангаллади. Унинг аҳволини кўриб Нахшона ёнига чўқди.

- Майли! Қутли Нигорнинг жонини сақламоқ-чун биз таслим бўлурмиз! Фақат бу кун эрмас. Тунда қиладурғон юмушларимиз бордур. Сиз эртан чош-

гоҳға яқин мўғулларнинг энг зўрларидин қирқ нафарини эргаштириб келасиз ва бирма-бир могорага киритурсиз. Сўнг таслим бўлмоққа рози ўлурмиз, - деди у. Сўнг Адҳамбекка бир коса ўрик шарбатини тутди. Олинг, зардолу суви. Юракни қувватлай қилгай.

Адҳамбек Нахшонанинг ниятини пайқаб рози бўлди. Ерга юмалаб кетган бош кийимини Саржиға қоқиб қўлига берди. Қизларнинг хотиржамлиги Адҳамбекни лол қилди...

У ордидан келаётган хон жосусларига ҳам қиё боқмай, Темучин ўрдасига келди.

- Улуғ хон. Қора ниқоблилар изини топдим. Алар ожизалардир.

- Таърифини келтур.

- Улар ўн тўртта қизғалдоқ, Малоҳату фасоҳатда тенги йўқ турур, риёзат ва меҳнатдин қочмаслар. Ажални лолоғун қадаҳдек сипқоришга шайлар. Илму урфонда ҳам, ҳарбу зарбада ҳам беназирлар. Қизларнинг ҳусну жамолидин олам ёришқай. Аларнинг қўлинда жон бермоқ ҳузур. Қасос ўтида ёнмоқдалар. Алар ота-онадин, хешу ақрабодин жудо бўлгон аламзадалар. Қора ниқобли бу гуллар она тупроғида эсаётган сабони-да ёғийға раво кўрмайдилар. Шамшир аларнинг қўлида рақсга тушгай, асо морға айланиб ёвға ажал тутгай. Шул боис, қирқ азамат навкар берсангиз эртаға, шомғача аларнинг бошини сизға келтирурмен.

Темучин Адҳамбек муҳаббат билан шоирона таърифлаган бу гўзалларнинг ёниб турган кўзларига боқмоқ истарди.

- Алар тириклайин ўрдаға келтирилмаса қизинг ҳам, ўзинг ҳам бу дунё ила хайрлашурсен! - деди ва у Адҳамбекни чиқариб юборгач, жосусларни ёнига чақирди.

- Улуғ хон, икки фарсаҳ йўл босганимиздин сўнг анинг изин йўқотдик. Худди ерға кириб кетгандек ёки кўкка чиққандек ғойиб бўлди. Бир қошиқ қонимиздин кечинг! Бу сир-синоат тагига етмоқчун ҳарчанд уриндик, поёниға етмадик. Бир пайт қарасак, осмондин тушгандек шитоб ила ўрдаға йўл тортмоқда.

Мўғул хони яна бир кун сабр қилишга қарор қилди. Кураги ерга тегмаган қирқ баҳодирни эрта саҳар йўлга отланишига изн берди.

Темучин учун тун жуда узун бўлди. У бир неча ойдан буён оромини бузган, лашкарлари сонига катта талофат етказган, ҳарбу зарбада беназир рақиби гулғунчадек қизлар эканлигидан ҳайрон эди. Бир тарафдан учқун аланга олмасдан қўлга тушаётганидан хотиржам бўлса, бир тарафдан уларни қатл қилиш обрўсига путур етказишидан хавотирланар эди. Шунча жангу жадал ичра юрсада, ҳали аёл зоти унга қарши қўлига қурол олмаган эди. Тўғри, пойига йиқишиб, шафқат сўраган ёинки ор-номуси учун ўз жонига суиқасд қилган аёлларни кўп учратган. Хоннинг уйқуси қочди. Моварауннаҳрда қон дарёсини оқизгани, ёшу қарини аямай зулм қилганлиги ҳақида ўйлади. Қачондир қон кечиб олган бу юртлардан авлодлари мосуво бўлиши мумкинлигини кўз олдига келтирди. "Аёлики қўлиға қурол олибдими, демак исёну кураш мана шу юртдин бошланажагидин башоратдир бу. Ўзим қартаймоқтаман, ясоқларим авлодимни бу балодан асрарму?" Тонгга яқин Темучиннинг кўзи илинди...

Қора ниқоблилар Адҳамбекдан биттагина тунни сўраб олганликлари учун тонг отгунча бедору беором бўлишди.

- Эй мастуралар, Нахшаб гулрухсорлари, қазои қадар дақиқа сайин яқинлашмоқда. Мўғул хони, фотиҳ Темучинга мен-ла рўбарў бўлмоққа ҳозирмисизлар? Анинг ҳузурига бормоқ, жаллод кундасига бош қўймоқ ила баробардур. Турон замин эрки, эртаси учун шаҳид бўлмоққа розимисиз? Мен сардор эсамда, ҳар бирингизнинг ширин жонингиз соҳибаси ўзингизсиз. Шул сабаб, яна бир бор ўзингиз-ла, сўхбатлашинг. Йўқса, вақт боринда этагингизни ёпинг-да қочиб қолинг.

- Нахшона сиз қўрқмаяпсизми? - деди Саржиға унинг кўзига термулиб.

- Мен ҳам қўрқамен. Жон ширин. Аммо мўғулга чўри бўлмоқ, ўз заминимни ёт товонлар остида эзғиланганини кўрмоқ ҳар кунни бир ўлимдур. Ёғий қаҳқаҳаси ҳар дақиқа сийнама ханжардек ботқай. Зулук мисол эл қонини сўраётган бу фотиҳнинг ўтовидан тутун чиқғонини кўрсам, дийдам тутунға тўлғай. Мўғул



юртинда зору сарсон юрган ҳунармандларимиз, заргарларимизни эласам, қўлим титраб шамширға югургай. Шу муқаддас туфроқ учун жоним садқа бўлсин!

- Жонимиз садқа бўлсин! - Бир овоздан такрорлади қизлар.

- Чашминабону, моғора ичиндаги емаклар бир қишлоқ аҳлини қишдан омон сақлағай. Бори отларға ортиб, Кожарга элтинг. Элга тарқатинг ва жонингизни омон сақланг. Ёширининг. Сиздаги илму тафаккур бизда йўқ. Хотунларни ўқитинг. Сизнинг танглайингиз илм-ла кўтарилғон. Беш тилни обдон ўрганиб ўлмоқ уволдир. Боз устига таъби назмда, оҳанги чолғуда ҳам иқтидорингизга шубҳа йўқтур. Мўғулларға қарши бош кўтарган Насаф қизларининг номи Темучин ўрғасида кўмилмоғи маъқул иш эрмас. Бу менинг Сардор сифатиндаги сўнги амримдир"

Қизлар моғора ичиндаги қоринларни шамширлари билан уза бошлашди. Қўй ва молнинг қоринларига солинган саримой, гўшт, жиззалар, халталардаги жийда, ёнғоқ, данак, бодому майизлар отларга ортилди. Ҳар бир юк ичига :“Эй мусулмон! Ушбу емакни қирқ кишига бўл!” деган хат ташлашди.

Чашмина тонг саҳар отларни йўлма-йўл қолдириб Қорасочнинг холасиникидан паноҳ топди.

Куюш бош кўтарганда Рўёб Адҳамбек мўғул навкарлари ила келаётганидан қизларни огоҳ этди. Моғора оғзидан фақат битта от эгаси билан сиғиши мумкинлиги қизларга қўл келди. Адҳамбек режага кўра мўғулларни яккама-якка ичкарига ўткази бошлади. Қизлар мўғул баҳодирларини бирма-бир қиличдан ўтказар ва ўзлари дунёни кўчиргудек чинқирдишарди. Гўё мўғуллар уларни қийноққа солаётгандек бўзлашарди.

- Тириклай қўлга олинглар, бу хоннинг буйруғи! - дея Адҳамбек мўғулларнинг ҳар бирига тайинларди. Бу ҳийла яхши самара берди. Қирқ давангир навкар ним қоронғу борга яхшилаб қарашга ҳам улгурмай жон бердилар. Қизлар қора ниқобда моғорадан чиқишди. Уларни омон кўриб Адҳамбекнинг димоғи чоғ бўлди.

- Ийе, ўн тўрт қизнинг бири қани? - деб сўради у Нахшонадан.

- Жанг қурбонсиз бўлмас. Гулғунчадек дугонамизни мўғул ўлдиришга улгурди, - деди қиз айёрлик билан.

Адҳамбек юзига фотиҳа тортди. Отлар ортга қайтди. Аммо Темучиннинг қирқ баҳодир қайтмади. Неча ой қизларга бошпана бўлган моғора бир неча сония ичида улкан қабрга айланди.

- Улуғ хон, қирқ баҳодир алпингиз сиз ва салтанат йўлинда шаҳид бўлдилар. Қора ниқобли қасоскорлардин бири ўлим жазосини топибдур. Жазога мустаҳиқлар яқин фурсат ичинда етиб келгайлар, - деди тунд ва ғазабнок Темучинга соҳиб хабар.

Темучин энг сара баҳодирларига қасоскорлар тузоқ ташлаганини сезиб, ингради. Шону шавкат, бойликка навкарлари туфайли эришаётгани учун хон уларни ниҳоятда қадрлар эди. Шафқат билмас баҳодирлари қизлар қўлида ҳалок бўлганидан надомат чекарди.

- Қирқ баҳодирларим учун бу юртнинг қирқ минг фуқаросини ўлимга еткурурмен, - дея у тахтига бориб ўтирди. Унинг икки ёнида давонғирлари ва жавонғирлари тартиб билан жойлашди. Ўз ихтиёрлари билан келаётган қизларнинг қўллари кишанланмаган эди. Адҳамбек таъзим қилиб қизларни хон рўпарасига кўйди. Ўзи эса ортга тисарилди. Темучиннинг имоси билан қасоскорларнинг ниқоби тортиб олинди. Бир-биридан гўзал қизларни кўриб хон ўрнидан туриб кетди. Уларнинг пойига бош уриб, йиғлаб-сиқтаб ёлворишларини кутди. Бироқ улар узун-узун киприклари билан нигоҳларини яширганча қилт этмай тураверишди.

- Бир неча сониядан сўнг қатл этилишингизни билурмисиз? - деди хон қайта жойига ўтираркан.

- Ҳа! Биз ўлимга тайёрмиз! Эл-юрт учун қурбон бўлмоқ ягона тилагимиз! - деди Нахшона баланд ва мағрур овозда.

Хон Нахшонага тикилиб қолди. Негадир ўғли Жўчидан бир йил кейин туғилган, ўн етти ёшида отдан йиқилиб, олти ойгача инграб ётиб жони узилган қизи ёдига тушди. У ҳам ҳарбу зарбга ихлосманд эди. Йилон - йилдиқ яйловларида от чоптирса, йигитлар етолмасди.

- Эй Темучин, мўғул ҳоқони. Агарки жангчи аъмолини, ҳақ сўзни қадрласанг, Адҳамбек ва Қутли Нигорни озод эт. Алар бўлмаса, бизни зинҳор қўлга

ололмасдинг, - деди Нахшона чарос кўзларини ғазаб-ла тикиб, шаддодлик билан. Дунёни ларзага келтирган фотиҳ билан юзма-юз тургани, бироқ ёнида шамшири йўқлиги унинг юрагини куйдирарди. Хоннинг амри билан Адҳамбек ва Қутли Нигор озод этилди.

Хон шошилинич қарор қабул қилмаслик учун қизларни шаҳар дарвозаси ёнидаги зиндонга жўнатди. Қатл ҳақидаги фармонни кутиб турган аёнлар ботиниб бир сўз айтолмадилар. Қора ниқоблилар қўлга тушганлиги ҳақида эшитган халқ уларни бир бор кўрмоққа орзуманд эди. Шул сабаб юмушларини четга суриб, кўчага чиқдилар. Қўллари орқага боғланган, йиғламай-сиқтамай вазмин одимлаётган қизларни кўриб элнинг ақли шошди. Нахшона юпун кийинган, эзилган оломонни кўз қири билан кузатиб борарди. "Эй аҳли Турон! Нечун тарқоқсен? Орзуларинг турфа, мақсудинг турфа. Биринг олқишлайсен, биринг тош отасен. Ҳаракатинг турлук. Биринг олдга интилсанг, биринг ортга тортасен! Энди маним элим неча аср офтоб юзин кўрмас. Балки эртага ҳам офтоб чиқур, аммо кўнгиллар ёришмағай. Эртага ҳам моҳ тўлур, аммо кўнгил тўлмағай. Фалакни тўлдириб ситоралар жилва қилғай, аммо кўзлар жилваланмағай. Эртага мунису дилдорлик учун яратилган ҳамшираларим адолат ва ҳақ йўлида шаҳид бўлғайлар. Эй Оллоҳим, аларнинг соф вужудидин мўғулни қон қақшатқувчи арслон юрак эрларни бунёд эткил. Эй, боди сабо, бизнинг хоки-мизни Моварауннаҳр узра сочғилки, саодатталаб элнинг кўксига офтоб уйғонсин. Қалбдаги ёлқинлар бирлашуб, ёғийни оташу алангасида ёқсун". Нахшонанинг ўй-хаёлларини "Нахшона, жигарим" деган хитоб тўзғитиб юборди. У аланглаб овоз келган тарафга боқди. Мўғул навкарларининг қамчиси аъзои баданига шикаст етказётганига эътибор ҳам қилмай амакиси Элдорбек Нахшонага яқинлашишга уринарди. Нахшона бошини сарак-сарак қилиб, амакисини тўхташга ундади. Сўнг ҳеч нарса кўрмагандек, қоп-қора кўзларини тунд осмонга тикканча юришда давом этди. Шаҳар дарвозасида Адҳамбекни кўриб қолди. Нахшона Қутли Нигорнинг озодликда эканлигини эслаб, Адҳамбекка қараб маъюсгина жилмайиб қўйди. Соқчилар уларни зиндон тарафга бошладилар. Зиндон уч қават бўлиб, кенг гумбазли қилиб қурилган пастки қаватига энг оғир жиноят содир қилганлар, салтанат ишига даҳл қилганлар, подшоҳ ва амалдорларга зиён-заҳмат етказишга уринганлар, тожу тахт илинжидагилар, умрбод зиндонбанд этилганларни ташлашарди. Зиндон таги қудуқдек қазилган йигирматача бўлимдан иборат бўлиб, оғзи оғир, айланма темир эшиклар билан ёпилиб кулфланарди. Бу жойдан камдан-кам одам тирик чиқар, кўпчилик зиндоннинг заҳ, қоронғи, қўланса ҳидига чидолмай очликдан ўлиб кетарди.

Иккинчи қават пастки қаватдан торроқ, ёруғроқ эди. Бу бўлимда кўпроқ ўғрилар, талончилар, таъмагирлар қамаларди. Қизларни бинонинг кичкина эшигидан бир киши сиғадиган зиналар орқали зиндоннинг учинчи қаватига олиб чиқа бошлашди.

Учинчи қават - бинонинг гумбазсимон қисми бўлиб, ўн-ўн беш чоғли киши сиғарди. Биттагина туйнукдан ёруғлик тушиб турар, пичан ҳидини айтмаганда, пастга нисбатан бироз баҳаво эди. Соқчилар қизларнинг қўлларини бўшатиб, эшикни тамбалаб чиқиб кетишди. Қизлар сомон устига бирин-кетин чўзилишди. Нахшона билан Рўёб эса туйнук томон бориб, пастга қарамоқчи бўлдилар. Бироқ туйнук бироз баландроқ эди. Шунда Рўёб эгилиб Нахшонани белига чиқишга ундади. Нахшона деразадан қараб, беш-олти нафар дарвешлар қўлларидаги тасбеҳни ўтирганча туйнукка қараб турганларини кўрди. Ана Адҳамбек: "Ё дўст, ё Оллоҳ!" деганча Нахшонага бош ирғаб қўйди. Навкарлар бола-бақраю хотин-халажни, ҳатто дарвешларни ҳам қамчилаб ҳайдаб солди. Қоронғи туша бошлаганда дарвешлар янада кўпайди. Нахшона Адҳамбекнинг сирли қарашларида қандай режа бўлиши мумкин, дея Рўёб билан шивирлашиб сўйлашарди:

Хоннинг бир-биридан кўркам ва дуркун, малоҳату фасоҳатда, ҳарбу зарбда беназир бўлган асирларни қатл эттиришга кўзи қиймади. Уларни ўғилларига хотинликка беришни истарди. Ўғиллари орасида Жўчинини айрича муҳаббат билан суйгани учун кўзига тик боқиб гапиришдан тап тортмаган Нахшонани унга атади. Аммо, бу қайсар, юраклари нафратга тўла қизлар унга келин бўлишга кўнармикин? Темучин шу ҳақда узоқ ўйлади. Назарида, қатл этилишдан кўрққан қизлар бу шартига жон-жон деб рози бўладигандек эди. У соҳиб хабарни зин-

донга юбориб, ўз амрини уларга етказишини сўради. Нахшона хоннинг бундай ён беришига, тақлифига ҳайрон қолди. Рўёб ва Саржиға ниҳоятда дарғазаб бўлди. Нахшона виқор ва тавозе билан: — Хон уч кун муҳлат берсин, ўйлаб кўрайлик, - деди.

- Наҳот энди мўғулга хотин ўлсак ва ёғийга ўғил туғиб берсак, - деди ҳеч қачон гапга арашмайдиган Моҳи Нур. - Ахир, мўғул навкарлари қўлида эрмак бўлмаслик-чун ҳарб билан машғул эрдик. Бу не кунки, эмди қонхўр золимға, ато-аномиз қотилиға келин бўлсак. Бу кундин ўлмоқ мақбул эрмасми, бегим?

- Сабр қилинғиз! Оллоҳим бир йўл кўрсатур! Ўйлаб оларға халал қилманғиз, - деди Нахшона ўйчан.

Бир неча сониядан сўнг соқчи қизларга турли таомлар келтирди.

- Ана, ҳамшираларим, хон тобоқ юборибдур, эртаға зеб-зийнатлар тўла баркашлар келур! - деди Рўёб хохологанча. Қизлар кулиб юборишди.

- Бу кун ҳам насибамиз ер устинда эркан! - деди Фарида ва дастурхондаги таомлардан қизларга бир-бир узатиб чиқди.

- Тановул қилинғиз! Эҳтимол, яна бир бор қўлларимизға шамшир тутмоққа мушарраф бўлурмиз! - деб Нахшона қизларни таом ейишга ундади.

Улар тамадди қилиб улгурмасидан, туйнуқдан визиллаб пайкон учиб кирди ва гумбаз ўртасидаги устунга тегиб пастга тушди. Пайкон чилвирга қўшиб отилганлигини қоронғида қизлар дарҳол пайқамасди. Нахшона чилвирни тортиб олиш асносида анча калта эканлигини билди. Бу аҳволда қизлар пастга сакраб майиб бўлиши мумкин эди. У пайконнинг ўткир қирра томонини Рўёбга кўрсатиб, ўзининг узун сочларини кесишни буюрди. Қаро тундан ранг олган сочлар чилвирга қўшилиб эшилди. Бирин-кетин Рўёб, Саржиға, Моҳи Нур, Анвара ва қолган қизлар ҳам сочларидан айрилдилар. Ой нурлари қизлар турган хонани ёрита бошлади. Бу уларнинг иши тезлашишига кўмак бўлди.

- Туйнуқдан бир қўлингиз ва каллангиз чиқса, бас. Фақат арқонни маҳкам тутинг ва пастга зинҳор назар ташламанғиз, - деди Нахшона ва Рўёбни биринчи бўлиб, тушишга ундади. Чунки, қизлар орасидаги энг дуркуни Рўёб бўлиб, туйнуқдан у чиқса, қолганлар бемалол сиға оларди. Боз устига арқоннинг мустаҳкамлиги ҳам имтиҳондан ўтарди. Рўёб: "Бисмиллоҳ!" дея елка тутиб турган қизнинг устига чиқди. Нахшона устунга маҳкам айлантириб боғланган чилвирни эҳтиётдан ушлаб турарди. Рўёб танасини гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга ташлаб, не машаққатлар ила арқонга ёпишиб туша бошлади. Дарахтдан-дарахтга ўтиш машқини обдон ўрганган қизлар бирма-бир ипга осилиб тушишди. Фақат энг охирида қолган Нахшона оёғи тагига нима қўйишини билмай чорасиз қолди. Ниҳоят, пайкон ёрдамида оёқ учи сиғар даражада деворнинг бир неча жойини ўпириб, сўнг туйнуқка чиқиб олди.

Чилвирнинг соч қисмига етганда, унинг кўзларига ёш келди: "Хайр, бешикдаги ҳамроҳим, сен қабрда сийнам узра ёйилиб, танамни ёшуриб турмоғинг лозим эрди! Энди, сендин айро тушиб, вужудим яланғочлангандек, андиша ва уят ичра қолдим! У дунёда падари бузрукворим ва Мунир қошига сенсиз бормоқлиғ нечоғлиқ оғир мусибатдур мен-чун! Хайр, анбар кокилим!"





Шарофат Ашурова

## Апамоҳнинг армони

Тарихий ҳикоя

*Александр Македонский дея тарихда ном қолдирган босқинчига қарши курашган Сўғдиёнанинг баҳодир саркардаси-Спитаменнинг қизи-Апама (Апамоҳ)нинг тақдири ҳақида*

Апамоҳ кўрқинчли тушдан сесканиб уйғонганча, анча вақт ўзига келолмай аъзои-баданини титроқ босиб ётди. Бу туш ва хотиралар уни янги қурилган қасрда ҳам тарк этмади. Не кўргуликки, мана қирқ йилдан буён болаликдаги хотиралар туш бўлиб унинг тинчлигини бузади, нималарнидир англатмоққа, ортга қайтмоққа чорлайди. Бу тушлар тўшақда ёнма-ён ётган севикли ёри - Селевқдан нафратланиши лозимлигини эслатиб так-рорланаётгандек бўлади. Тигр дарёсидан Сайхунгача бўлган мамлакатнинг ҳукмдори Селевк билан умргузаронлик қилган йиллар мобайнида доим унинг кўнглини овлаш, муҳаббатини қозониш, ҳурматини жойига қўйиш, ҳар бир лутфини ортиғи билан адо этиш орқали юрагидан жой олган барча ўтмишни, кўрганларини ёддан чиқаришни, истаганидан ҳам зиёда шон-шавкатга, эътиборга эришган малика янглиғ ҳаловатда яшашни орзу қилади. Қанча тиришмасин ўша дамлардаги армонлар, ҳамон ўз жавобини топмаган азоблар тинчлик бермайди.

Назарида, кўрганлари туш эмас, кўз ўнгида қотиб қолган хотиралар.

Апамоҳнинг онаси танасидан жудо қилинган отаси - Спитаменнинг бошини каттагина баркашда кўтариб, шоҳона ўтовнинг атрофида телбадек тентираб юрарди. Апамоҳ эса, онасининг қаердан келганини, отасининг бошини қаердан олганини, нима мақсадда лашкар жойлашган майдонда уни телбадек кўтариб юрганини англамасди. Оломон кўпайгани боис, Апамоҳ онаси томонга ёриб ўтолмади, шовқин-суроннинг остида унинг йиғи овози, онасини чақириб бақиришлари қоришиб кетди. Одамлар орасидан сирғалиб ўтиб онасини тўхтатмоққа, бу кимнинг иши эканини сўрамоққа ҳаракат қилди, аммо урдасидан чиқолмади...

... Ўша куни Спитаменнинг лашкари билан Александр Македонскийнинг қўшини ҳал қилув жангини бошлаб юбордилар. Сўғларнинг лашкарбошиси ўлдирилиб, лашкар чинакам бошсиз қолгани боис, Александр Макелонскийнинг қўли балад келди. Спитаменнинг лашкари жойлашган маскан бир пасда вайронага айлантирилди, шоҳона ўтовларнинг кули кўкка совриди. Оломоннинг орасида тентираб юрган Апамоҳни бир чавандоз йиғит от чоптириб келганча, эгарининг бошига ўнгариб кетди. У чавандозга қаршилиқ қилмоқни, керак бўлса от жilовини қўлга олиб, сўғлар чекинган томонларга бошқариб кетишга тиришганда имкон топарди. Бироқ, у буткул ҳоддан тойганди. У беҳад кўп уқубат тортиганидан, ҳамон ўзига келолмаган бўлса-да, кўпчилик қизларга қўшиб, улкан чодирга олиб киришгани, отасининг ашаддий душмани Александр Македонскийнинг қайси-дир қизларни танлаш учун ёнгинасидан ўтиб кетгани, ундан ўч ололмагани Апамоҳга армон. Кимдир уни Спитаменнинг қизи эканини айтди. Ҳамон отларнинг кишнагани, жангчиларнинг ҳайқариқлари, ярадорларнинг инграшлари ўрнашиб қолган қулоқларига кўшимча Александр Македонскийнинг шарафига айтилаётган мақтовлар ақлдан оздираётганидан, оёқда зўрга турарди. Кўзини юмиши билан хаёлида онасининг қўлидаги қон тўла баркашда турган отасининг боши у томонга келаётгандек чўчиб

кўз очар, ҳафтадирки, мишжа қоқмаганидан кўзлари қотиб қолганди. Рўпарасида отасининг қотили турибди, аммо унинг ҳатто юзига туфлашга ҳам қурби етмайди. Очлик, сувсизлик унинг мадорини қуритган, лоақал туфлай деса тилининг устида нам йўқ. У ашаддий душман пойига йиқилиб қолмаслик учун оёқларини маҳкам ерга тиради:

- Зоти олиянинг номлари Апамоҳ дегин?

Александр Македонский Апамоҳнинг рўпарасига келиб, бир пас тикилиб турди. Унинг бошидан-оёғигача кузатаркан, бўлмайди, дегандек имо қилди. Сўнгра, ёнидаги лашкарбоши Селевкнинг елкасига қўл чўзиб, розилик аломатини билдирди. Апамоҳ душманнинг нигоҳига кўзи тушганда, газабдан йиғлаб юбормаслик учун, бошини қуйи солганча, қайтиб кўтармади. Нигоҳини ерга қадаш мағлублик эмас, Сўғдлар назарида рақибдан нафратланиш, юзинга кўзим тушишдан Тангрининг ўзи асрасин, деган маънони билдирарди. Аммо, ҳатти-ҳаракатларидан ёнидаги чапдаст йигитга қизни тортиқ этгани аён. Апамоҳ чапдаст йигитни таниди, чунки уни ўлимтихўрлар гужғон ўйнаган майдондан ўша олиб чиққанди...

... Ўшанда Александр Македонский ўзининг ашаддий рақиб - Спитаменнинг мағлубияти шарафига катта тўйга ҳозирлик кўрди. Катта мамлакатларни қўлга киритган босқинчи Шарқ ва Ғарб халқларини бир-бирларига қориштиришни юнон-македон маданиятини бутун дунёга ёйишни, сўнгра барча халқлар устидан мутлоқ ҳукмдор бўлишни орзу қилгани боис, Эроннинг Сўза шаҳрида катта тўй тадбирини ўтказди. Унда 90 та лашкарбоши ҳамда сафдошларини туронлик ва эронлик подшоларнинг, аслзодаларнинг қизларига уйлантирди. Бу маросимни тантанали ўтказиш учун фотих маблағни аямади. Барча келинлар сепига атаб хазинасидан катта боёлик ажратди. Тўйда ўн мингга яқин меҳмон қатнашгани узок йиллар айтиб юрилди. Македонскийнинг буйруғи билан ҳар бир меҳмонга бир донадан олтин қадаҳ улашилди. Ҳар бир уйланган келин-куёв учун алоҳида ўтовлар тикилди. Сўзанинг атрофини ясатилган ўтовлар шаҳристонига ўхшатиш мумкин эди. Дастлаб, никоҳ маросими шоҳона безатилган, бир неча устунлар устига ўрнатилган улкан чодирда ўтказилди. Юзлаб машъаллар чодирни яна-да, сирли ва салобатли қилиб кўрсатарди. Бир неча кундан бери туя устида эзилиб, ҳориб келган Апамоҳнинг ҳам никоҳи ўша Сўза шаҳридаги улкан чодирда ўтиши тақдирида бор экан. Тақдирнинг зарбларидан эсанкираб, карахт қолга тушиб қолган Апамоҳ кимларнингдир қўлида ўйинчоқ бўлиб, кийинди, ясантирилди, никоҳи бўладиган тўқсон қизнинг сафига қўшиб юборилди. Тўйни Македонскийнинг ўзи бошлаб берди. У тўқсон қизнинг ҳам жамолини томоша қилиб, таъриф-тавсифни эшитди. Ҳар бирининг рўпарасида сониялар тўхтаб, осмон рангидаги кўзларини ҳар бирига ботириб-ботириб қаради, ҳатто, иякларидан кўтариб, маъноли қаради. Сафнинг ўртарағида зўрға оёқда турган Апамоҳнинг кўзларига ботинолмади чоғи, негадир унинг иягидан кўтаришга ҳам нимадир халақит берди. Балки бош лашкарбошиси Селевк уни танлаб қўйганини, аввалдан билгани боис, эътибор қаратмагандир. Балки Спитаменнинг қизи экани уни чўчитгандир. Нима бўлганда ҳам, унинг рўпарасига келганда, тўхталиб ўтирмади, тез ўтиб кетди...

Македонский ўша тўй маросимида Эроннинг икки подшоси - Доро ва Артаксерис III нинг қизларига уйланди. Апамоҳ ўша никоҳ маросимини ҳеч қачон ёддан чиқармайди. Македонский ўзига қайлиқ танлаб олганидан сўнгра, чодир ичида саф тортиб ўтирган йигитлар ҳар бирлари келинлар ёнига бориб, уларга қўлларини чўзди. Апамоҳ ўрнидан кўзғалиб улар томонга юриб келаётган куёвларни кўрмаслик учун кўзларини юмиб олди. Чунки, кимдир унинг қўлидан тутуди, чодирга жуфти ҳалол сифатида олиб кетади. Кейин у билан юртма-юрт, жанг майдонларида умрини саргардон ўтказди. Энг шармисорлик томони шундаки, отасининг қотилларидан бирига хотин бўлади. Умри давомида авлодлари қарғишини кўтаради, отасининг ружига хиёнат қилиб, қотилнинг тўшағида ётади. У мушти-ни қаттиқ тугди. Ҳозир унга яқинлашган йигитни бўғиб ташлашга, шу шоҳона чодирдан ўлиги чиқса ҳам рози эди. Аммо, ҳамма қизлар эгалик бўлди, ҳеч ким унинг қўлини сўрамади. Тўқсон қизнинг орасида ягона бўлиб, жуфтсиз қолди. Ҳамма унга қараётгандек, масхаралаётгандек, ҳазар қилаётгандек туюлди. Ўша дамда Македонскийнинг ёнида ўтирган лашкарбоши - Селевк ўрнидан турди ва у томонга шиддат билан кела бошлади. Бош лашкарбоши қўлини сўраганида, иззатини билиб бошида соябон,

келажақда тождор, душманига отилажақ камон ўқи бўлишини ўйлаган қиз унинг ортидан эргашди.

- Истасанг, мана захри қотил, бир ҳўпласанг мендан қутуласан! Балки отангинг хунини олмоқчи бўлсанг, мана қилич, розиман! Сенинг қўлингда ўлим топсам, ўзимни армонсиз деб биламан! Аммо, билиб қўй, мен сени асира келин эмас, маликам бўлишингни истайман!-деди Селевк уни ўз ўтовига етаклаб киргач.

Апамоҳ лол эди, чиндан-да, уни севиб қолганди. Қолаверса, Селевкнинг сўзларига унчалик тушунмаганди ҳам. Дунёдаги барча халқларга нисбатан ўзларини маданиятга деб биладиган калондимоғ юнон куёв учун маҳаллий келинларнинг кўплари ёқмагандир. Аммо, Селевк Апамоҳнинг олдида тиз чўқди, унга ўз тилида нималардир деди. Асира келиннинг ҳурматини жойига қўйди. Токи, ўз розилиги билан бир ёстиққа бош қўйишни истамагунча алоҳида тунади. Шунда ҳам Апамоҳ узоқ вақтлар азоблари бош кўтариб, Селевк ва бошқа юнонлардан ўч олиш ниятидан қайтмади. Унинг муҳаббатига сазовор бўлиш учун ўлиб-тирилайётган куёвни бир кунмас-бир кун бўғиб қўйишдан қўрқиб, қўлларига хино боғлаб ётган кунлари қанча бўлган. У дастлаб ўзини қўл-оёғи боғланган лочиндек ҳис этган бўлса, бора-бора бу туйғу уни тарк эта бошлади. Онасини сўнгги бор кўрган телба ҳолати, баркашда қони силқиб турган отасининг боши, очик қолган кўзлари ҳам хотирасидан анча хиралашди. Селевкнинг унга ҳаддан зиёд эътибори, ҳатто маслаҳат сўраб мурожаат этишлари, боз устига, ўғли Антиохнинг туғилиши, вазиятни анчагина юмшатди. Апамоҳ борган сари Селевкка боғланиб, усиз ҳаётини тасаввур этолмайдиган даражага етди. Оғир жангларга йўл олганда хавотир билан кузатишлар бошланди... Селевк келиб чиқиши жиҳатидан оддий оилада тарбия топса-да, жангларда кўрсатган жасорати, садоқати учун уни Македонский ўзига лашкарбошилик даражасига муяссар кўрди. Аммо, қаландимоғ, олий мансабли оилалардан етишиб чиққан лашкарбошиларга бу нарса ёқмас, унинг ҳар қадами хатарли эди. Селевк босқин бўлган шаҳарлардаги ибодатхоналарнинг вайрон этилишига, таланишига қаттиқ норози эди. Бу эса, талончиларнинг баттар ғазабини кўзғар, уни йўқ қилиш пайида бўлардилар. Бир куни Милет шаҳрини вайрон қилиш олдидан Селевк аёлига ёрилди:

- Назаримда, менга тузоқ қўйишни режалаштиришгандек туюлмоқда. Мен сени умрингнинг охирига қадар бахтли қилишни, Антиохни етим ташлаб кетмасликни, ҳаловатли кунлар кўришни, балки отангни юртини обод этиш орзуси билан яшардим. Бугун негадир ўлимга кетаётгандекман. Чунки, Милетнинг гўзал обидаларини ер билан яксон этиб, обидаларга ишлатилган жавоҳирларни талаётган пайтда, камон ўқидан ёки қилич зарбидан қуларман. Чунки, уларнинг махфий режасидан озгина бўлса-да, хабардорман. Қирол жаноблари негадир жангларда кўринмаяптилар, назаримда, нимадир рўй берган. Биргина таянчим Александр Македонский эдилар. Шу боис, агар жангдан қайтмасам, бир неча отларни қолдираман, ортга қайтишга, ўзингникилар томонга етиб олишга ҳаракат қил! Мана, бу отангинг тумори, уни ҳодирда ўлдириб келган қотил Қирол жанобларига келтириб берган экан, ул зоти олий инсоф юзасидан менга тортиқ қилдилар. Демакки, мен Спитаменнинг босқинчи куёви бўлиб эмас, ўғли бўлиб ниятларини амалга оширмоғим лозим. Боиски, мен сени бежизга танламаганман. Кўриш насиб этмаса, алвидо айтмоқдан ўзга чорам йўқ! Боиски, сен мени севикли ёр деб эмас, доим босқинчи куёв, ёв деб ҳисоблаб келдинг. Наилож, шубҳасиз, гапларимни тинглашдан ҳам қутуласан!

Отига шиддат билан минганча, ўқдек чоптириб кетди. Шу дамгача Апамоҳ Селевкни севиб қолган бўлса-да, ўзини ундан олиб қочар, жанглардан ўлиги келишини кутарди. Бугун отасининг машғалга ўхшаш туморини қўлига олар экан, фикри остин-устун бўлиб кетди. Агар шу жангдан ёри қайтмас экан, ҳоли қандай кечишини, унинг ғанимлари қўлида ҳатто ҳалок бўлишини, эндигина юра бошлаган ўғлининг кўз ўнгида ваҳшийлар томонидан қийноқларга солинишини тасаввур этар экан, беихтиёр қўллари муштга тугилди:

- Сўғдининг мард баҳодири - Спитаменнинг авлодлари жанг майдонларида изсиз кетмаслиги лозим! Унинг юрагига куч-қувват бериб турган тумори қўлимда. Бу тумор ҳатто босқинчи куёвнинг мақсадларини ўзгартирган экан, ўшандай мардни ғанимлар қўлига ташлаб қўймаслигим лозим. Унинг ёнида навкар бўлиб, ҳимоя қилмоғим, унинг кўзи, идроки

бўлиб унга қувват бермоғим зарур!-дея, қолдирилган учқур отнинг бирига шиддат билан минди. Ўғлини энагага тайинлаб топширди. Суворий либосидаги бу жангчини ҳеч ким аёл киши деб ўйламасди. У жанг кетаётган, талончилик бўлаётган жойлардан ўтди. Селевк айтган ибодатхона томон интиларди. Шаҳарни ташлаб кетаётган маҳаллий халқнинг йиғи, шовқини, босқинчиларнинг масиқиб қийқиришлари қулоқларини қоматга келтирарди. У минглаб суворийлар орасидан Селевкни ахтарди. Таланаётган ибодатхонага от чоптириб кирди. Ёрининг оти ибодатхона майдонида қулоқларини тик қилганча, хавотирланиб, юқори қаватдаги талотўпга нигоҳини қадаганди. Демакки, шу томонда нимадир рўй берган. Апамоҳ зудлик билан зиналардан туртиниб-суртиниб ола интилди. Шиддат билан энг юқори қаватга чиқди. Маҳаллий халқ сифинадиган олтиндан ясалган маъбуднинг бошини боғлаб, Селевкнинг бўйнига осмоққа, сўнгра, уни юқори қаватдан пастга ташлаб юбормоққа ҳаракат қилаётганларига кўзи тушиб, бир дам карахт ҳолга тушди. Агар Апамоҳ ҳозир ёрдамга борадиган бўлса, улар бир пасда уни ҳам қўлга олиб пастга улоқтириши турган гап. Селевк эса, улар билан курашарди. Унинг қўллари орқасига қайрилган, бошидан дубулғаси ҳам тушиб кетган, маъбуднинг бошини яқинлаштирмай тўғри келган рақибини тепиб, елкаси билан урарди. Апамоҳнинг бирдан камонда мерганлиги ёдига тушиб, уни қўлга олди. Ёрига ўлим ҳозирлаганларни қия устунлар панасидан нишонга ола бошлади. Маъбуднинг бошини сиртмоққа боғлаган рақибни шонасидан теккан камон ўқи пастга қулатди. Зум ўтмай кейинги ўқ учи Селевкнинг қўллари орқасига қайириб турганининг пешонасидан санчилди ва қўллари муаллақ қолди. Бир пасда уч нафар ганим камон ўқига учраб, ҳалок бўлганини кўрган аламзадалар Селевкни ташлаб тумтарақай қочдилар. Апамоҳ эса, сургилсининг ёнига боришни ҳам, ортига қайтишни ҳам билмай, бир муддат устун панасида туриб қолди.

Ўша воқеадан сўнг мард, жасур Спитаменнинг қизи Апамоҳга Селевк баттар кўнгил қўйди, ҳар доим сафарларда олиб юрди. Бу орада аксарият келин-куёвлар ажралиб кетдилар. Аммо, лашкарбоши Селевк Апамоҳни чиндан севиб, жангчи дўсти каби унга суянди... Чунки Македонский 33 ёшида Вавилонда номаълум касалликдан вафот этди. У барпо этган, аммо, мустаҳкамлашга улгурмаган империя уч бўлакка бўлиниб кетди. Тож-тахт учун бўлган курашларда Македонскийнинг онаси Олимпия, хотини Равшанак ва ундан дунёга келган Александр IV ҳалок бўлдилар. Македонский империясининг катта бўлаги моҳир лашкарбоши Птоломейга, Тигр дарёсидан Сайхунгача бўлган бепоён ўлкалар Селевкка теги. Тақдир тақозоси билан хотини Апамоҳнинг юрти Сўғдиёна ҳам Селевк тасарруфига ўтган эди. Бир вақтлар Милет шаҳридаги ибодатхоналарни бузишга ихтиёрий-мажбурий ҳолда кетаётган дамдаги видолашувдан сўнг қилинган мақсадлар, орзулар йўлида ҳар иккиси ҳаётини бағишладилар.

Апамоҳ Селевкдан уч ўғил кўрди. Улар ҳам оталари каби моҳир лашкарбоши, юртгарвар подшоҳ бўлиб етишдилар. Онаси ўғиллари орасида Антиохни бобоси - Спитаменга жудаям ўхшагани учун беҳад севар, унга алоҳида эътибор қаратарди. Селевкнинг улкан ҳудудининг Сўғдиёна мамлакати катта ўғли Антиохга ажратиб берилди. У бобоси - Спитаменнинг номи билан беҳад фахрланарди. Шу боисдан ҳам бобоси шаҳид бўлган жойда, ўз номига шаҳар қурдирди. Аслида, бобосининг давлати ҳукмронлиги бу нарсага кечирмасди. Нима бўлганда ҳам, бобоси ўтган масканларни обод этиш, шаҳристонга айлантириш унинг неварасига насиб этгани ҳам ғойибдан келган бахт эди. Ота-бола ҳар иккиси мамлакатни обод этиш, шаҳарлар қуриш, ибодатхоналар барпо этишга ҳаётларини бахшида этдилар. Апамоҳ сочларига оқ оралаган, жангларда орттирган касалликдан азият чекиб, эртароқ қартайган Селевкнинг ҳурматини жойига қўяр, ҳар дақиқасидан хабардор эди. Ахир, бир ёстиққа бош қўйибдиларки, яратиш, қуриш иши билан машғул. Илгари сафдошлари бузган, вайрон этган масканларни тиклаганда, халқнинг ишончига кирганда, уларнинг руҳиятида миннатдорлик учқунларига кўзи тушганда кўнгил таскин топарди. Ҳар бир шаҳарнинг бунёд этилиши, Апамоҳнинг юрак қатларига чуқурроқ кириш, унинг муҳаббатига сазовор бўлиш деб билган юнон куёв бир қизнинг муҳаббати боис, шу юртларнинг халоскорига, фарзандига айланди.

Селевкнинг орзулари бисёр эди. Шу боисдан ҳам умрининг сўнгги дамларида давлат ишларини ўғилларига топшириб, ўзи шаҳарлар қуриш, бан-

даргоҳ ва кўприклар барпо этиш билан машғул бўлди. У севикли ёри шарафига Евфрат дарёсининг чап қирғоғига Апамоҳ шаҳрини қурдиртирди. Унг қирғоғига эса Селевкия шаҳрини бунёд этди. Шаҳарлар оралиғида уларни бирлаштирадиган қўш кўприк барпо қилди. Ўша кунлари бу севишган қалблар қанчалар қувонди.

- Севгилим, илгари бу бандаргоҳдан бир босқинчи бўлиб кириб келгандим. Сенинг муҳаббатинг боис, бунёдкор шаҳаншоҳга айландим. Муҳаббатнинг қудратига бош эгаман! Сенинг муҳаббатинг олдида қулман!

- Азизим, ҳукмдорим, бу муҳаббат меники эмас, улуғ Тангриники! Сиз бизни қўллаган маъбудларга, Қуёш Тангрисига сажда қилинг! Шаҳар ва ибодатхона қурилишларида иштирок этган халқни чорланг ва барчамизни қўллаган қудратли яратгувчининг шарафига қурбонликлар қилинг! Мен Милет атрофидаги отарга икки минг отни қурбонлик қилишга тайёрланганман. Бизнинг мана шундай қувончли кунимиз одамларнинг шод-хуррам овозлари маъбудларни уйғотсинки, бошлаган ишларимизнинг баракаси ёғилгай!

- Ҳар бир сўзинг, каломинг мен учун туғдир, мақсадларинг тожимга қадалган гавҳар янглиғ қадрлидир, севгилим! Сен боис, кўплаб иззат-ҳурматга сазовор бўлдим. Аммо, елкамдаги жароҳатнинг азобидан эмас, оқибатидан кўрқаман! Негадир, тушимда отанг ҳузуримга келди. Боши танидан жудо қилинган ҳолатда, баркашда туриб сўз айтарди. Демакки, қурбонлик қилиниб, шаҳарда, ибодатхонада иштирок этган барча маҳаллий халқ байрам этсин! Балки, уларнинг дуолари ижобат бўлур, Қуёш Тангрисидан озгина бўлса ҳам умримни чўзишни, лоақал гуноҳларимни сўраб, дунёнинг у бурчидан сени излаб келдим, энди эса беармон кетаман, албатта!

- Ҳукмдорим, тождорим! Сиз гўё от устида туғилганга ўхшайсиз. Бир пас бекор қолсангиз, ўлим ҳақида ўйлайсиз. Бир муддат фарзандларнинг фаолияти билан ҳам шуғулланинг, уларга йўл-йўриқ кўрсатинг. Сўғдиёна ҳукмдори бўлдим деб, катта ўғлингиз ўз номидан тилло ва кумуш тангалар зарб этибдилар. Ота турганда, ўғилнинг номидан тангалар зарб этиш, ҳурматсизлик саналмайди, азизим?

- Маликам, ўғлинг Антиох йигирма йилдирки, Сўғдиёнанинг ҳукмдори, сен ҳали ҳам уни ёш бола кўраётганинг ажабланарлик ҳол. Мен унга ўзим изн берганман. Биласанки, ўғлимиз бобоси - Спитаменнинг қуйиб қўйгандек ўзгинаси. Шу боисдан, Сўғд мамлакати аҳолиси унинг суврати туширилган тангаларни кўрганларида фахр этишларини, унинг қиёфасида бобоси - Спитаменни кўргандек тасаввур уйғонишини, ўғлимизга меҳри ошишини истагандим. Қолаверса, ота ва ўғилнинг бу тадбири сени бахтиёр қилишини истагандик, азизам!

- Миннатдорман, тождорим! Сиз бунёд этган Шарқ ва Ғарбни боғлаб тургувчи шаҳарлар тасарруфидаги Ипак йўлида жойлашган дунё бозори кўнглимни тоғдек кўтарди. Довруғини эшитган савдогарларнинг оқимини кўриб бошим айланди, азизим! Рим ва Юнонистондан келган тужжорлар, Сўғдиёна, Бақтрия, Хоразм, Хитой ва Эрондан ташриф буюрган савдогарлар қўлида ўғлимизнинг сиймоси туширилган тангаларни кўриб, кўнглим соғинчдан ўртаниб кетди. Сўғдиёнага бормаганимизга, уларнинг келмаганига ҳам икки йилдан ошди. Ҳукмдорлик дегани, ҳижрон азоби дегани эмас-ку, ҳукмдорим!

- Азизам! Кўпгина ганимларим мана шу ҳалқумимга келиб турган жонимнинг қачон чиқишини кутиб турганларини эсингдан чиқарганга ўхшайсан. Қолаверса, Рим императорлари бу обод гўшага кўз олайтиргани кундан-кун аён бўлиб бормоқда. Уларнинг яқиндаги музокаралари жанжалга айлангани кўнглимни хижил қилмоқда. Мени қўявер, сенинг тақдирингдан кўрқаман. Чунки, менинг ўлимим, сенинг ҳам ҳалокатингдир. Шу боис, бу ерга Антиохни чорламоғимиз лозим. Хавотир олма, савдогарлардан маросимга чорлаб, хабар юборганман. Сен эса, Милетнинг маликаси, маъбудаси бўлиб халқнинг ҳузурига чиқишга тайёргарлик кўришинг лозим!

- Энг оғир кунда мени ўйлайсиз, тождорим! Нафақат Милет халқи, балки сизнинг ҳам маъбудангизга айланиб улгурганимнинг боисини билломай ҳайронман! Отамнинг туморини қандай ҳолатда олганингизни ҳар сафар айтишни пайсалга соласиз. Қирқ беш йилдирки, бутун олам онамни отамнинг қотили деб нафратландилар. Сиз эса, бу сирдан воқиф бўла туриб, тилингиз тағида асрайсиз!



- Тўғри, отангни енгиб бўлмагани боис, суиқасд уюштирилганидан хабарим бор. Аммо, бу қотилликни ким бажарганидан беҳабарман! Билгинки, бу ерда онангнинг айби йўқ чиқар! Агар онанг бу ишни қилганида бу тумор бизнинг кўлимизга тушмаган бўларди. Чунки, мен кўлга туморни олган дамда, ундаги қон юқи ҳали қотиб ҳам улгурмаганди. Назаримда, ўз чодирида ётган отангнинг ўлимини сотқин ғанимлар, ёнида дўст бўлиб юрган кимсалар амалга оширган. Онанг эса, бехосдан боши кесилган отангнинг жасадини кўриб, ақлдан озар даражага етган, бу кимнинг иши деб сўрамоқ учун унинг бошини кўтариб чиққан бўлиши керак. Бу эса Македонскийга кўл келди... Бечора онангнинг додини ҳеч ким эшитмади, қотил хотин сифатида ўликлар орасида қолиб кетди. Ҳоли не кечганини ҳамон ўйлайман. Ҳақиқий аҳволни билганим учун ҳам, сени ўша қонга беланган маскандан олиб чиқишга аҳд қилдим. Бунга ҳам, шубҳасиз отангнинг ўша тумори сабаб бўлганди.

- Ё, Тангрим, ярим асрдирки бечора онамни барча эрининг қотили деб нафратланадилар! Шунча йилдирки, тушларимга кириб, безовта қилишининг сабабини энди билдим! Наҳотки, ундан хабар олишга фарзандлик меҳрим ҳам йўл бермади? Шунча шаҳарлар барпо этиб, кўприк ва ибодатхоналар бунёд қилибману ҳақоратланган, хўрланган, алданган онамнинг ҳолидан хабар олмабман, бу не кўргулик?! Демакки, отамнинг қотили унинг бошини уйқудалик вақтида танидан жудо қилиб, унинг қудрати туморида дея, босқинчига тортиқ этгани аён!

Ҳақиқатни билган Селевк Тангрининг инояти билан Апамоҳнинг юрагидаги аламга таскин берди. Ярим асрлик туҳмат тошидан халос этиб, онасининг руҳини ҳақорат ботқоғидан олиб чиқди.

Апамоҳ, онасини кесилган бошни барқашда кўтариб юрган ҳолатда кўргани каби, яна қарахт қолга тушиб қолди. Мард ва жасур Спитаменнинг қизига уйланиб, шунча шон-шухратга ноил бўлган Селевк аёлидан рози бўлиб кўз юмди. Дафн маросимига ўғли Антиох ҳам етиб келди. Милет шаҳрининг кўчалари раҳмдил, шафқатли ҳукмдорини охириги йўлга кузатди.

Селевкнинг ҳали қабридаги тупроқ совимасдан туриб, Парфия ва Рим империяси ўртасида қонли жанглар бошланиб кетди. Ярим асрга яқин беҳад гулаб-яшнаган Селевкия ва Апама шаҳри кўчаларида қон дарё бўлиб оқди. Шаҳарлар ичидаги саройлар, ибодатхоналар, театр, ҳаммом ва боғлар вайронага айлантирилди. Македонский босқини давридагидан ҳам баттар ҳолатда таланди, милетликлар аёвсиз қирилди. Қирғин-барот бошланиши билан Апамоҳ кўлидан ҳеч нарса келмаслигини билиб, Сўғдиёна тарафга чекинди. У бундан элик йил илгари юнон куёвга зўрлаб берилган дамда, ўзини қандай ҳақоратлангандек сезган бўлса, ундан ҳам баттар ҳолда, дили вайрон бўлиб, ярим аср бир ёстиққа бош қўйган баҳодирнинг қабрини от туёқлари остига қолдириб, етмишдан ортиқ шаҳар бунёд этган малика бўлиб эмас, балки бир отга ортилган хуржун кўзига лойиқ матоҳ билан ортага қайтарди.

Апамоҳ ўтган умрини сарҳисоб қилар экан, бахтиёр кунларини Селевк билан баҳам кўрганини, бир ғанимни муҳаббати боис, халоскорга айлантирганидан Яратганга шукрона келтирарди. Шунча йил уни бошига кўтарган баҳодирнинг мозори вайроналар остида қолгани, отасининг ўз ғанимлари томонидан қатл этилгани, бу хойнлик эса, онасининг номига қолгани, шунча бунёд этган шаҳарлари, қасрлар яна отлар туёқлари тагида қолгани, армон. Яхшиямки, Антиохни шарқона одоб ва отасининг орзулари руҳида тарбиялади. Сўғдиёнанинг чегарасига келганда, олам маликасига айланиб, осмондан ерга қулаган аёл бир муддат икки ҳудуд ўртасида туриб қолди...



Ориф Омонов

# МАЖНУНТОЛ

Ҳикоя

Кенг ва озода туғруқхона ҳовлисининг бир қарашда сезилмайдиган, аммо разм солинса, яқиндагина таъмирланганлиги билиниб турган текис йўл ва йўлак-чалари четларида қатор қилиб мажнунтоллар экилган. Тагидан жиддираб оқаётган сувга қараб сочларини ёйиб ташлаган мажнунтоллар ҳовлига ўзгача бир тароват бахш этган.

Ёз ҳавоси бўлганлигидан қўшқаватли бино деразаларининг аксарияти қия очик. Кўз ёриши оғир кечган Нафисани тепага чиқаришмади, қибла томондаги хонанинг докадан парда тутилган ана шундай қия очик деразаси тагидаги бўш жойга олишди. Ўзини жуда ҳорғин ҳис қилаётган Нафиса букчайиб, чап қўли билан қорнини ушлаган кўйи аста келиб, оппоқ чойшаблар солинган ўринга ҳолсизгина чўзилди. Ўзига қизиқсиниб тикилиб туришган ҳамхоналари - ўрта ёшлардаги аёлларга ўтирилиб қараб, синиқ табассум билан сўрашган маъносида бошини қимирлатди.

- Эсон-омон қутилиб олдимми, биринчисими дейман? - Гап қўшди кўринишидан шаддодлиги билиниб турган аёллардан бири, унинг аҳволига ишора қилиб.

Нафиса "ҳа" дегандай яна бош силкиди.

- Нима бўлди, айланай?

- Ўғил-а, - мажолсиз, пичирлабгина жавоб берди Нафиса.

- Яхши, умри билан берган бўйсин. Биза иковимизникиям қиз. Энди, ўғилбойди ўртага олиб ётарканмизда-а? - Ёйилиб кулди аёл.

Кўзи пишган бу аёллар навжувоннинг аҳволини тушунишди чоғи, бошқа гап кўшишмади.

Нафиса уйқуга кетди.

- Чиройли келинчак экан-а?! - Шаддод аёл Нафисага суқланиб қараган кўйи ҳамроҳига сўз қотди. - Сарвқомат, оху кўз, лаблари гунча, кичкина бурун-часи ёнидаги холчасини айтмайсизми?! Оҳ! Оҳ! Оҳ! Бу туққан болаям пари бўлса керак-да?!

- Ээ, кўп гапирманг-ге, кўзиз тегади бировнинг бачасига, - аёлнинг шериги жеркиган бўлди. - Ёши каттароқ кўринади, шу пайтгача туғмабдими? Ё турмушга кеч чиққанмикан-а, бояқиш?

- Чиройлиларнинг ҳаммаси шунақа, - билағонлик қилди шаддод аёл. - Олдин танлаб-танлаб, кейин қолиб кетади, ёки эрга тегсаям, вақтида туғолмайди. Ҳолини кўрдиз-ку?! Уйғонсин, ўзидан сўраймиз.

Табиатан анча вазмин, камсуқим кўринса-да, нариги хотин ҳам бўш келмади:

- Сизга бугун жавоб беришади, ўртоқ. Бу ўзимга қолади насиб бўса.

- Ҳо-о!!!

Иккала аёл Нафиса баҳона анча чақчақлашишди.

Нафиса пешиндан ошганда уйғонди. Ёнбошига ўтирилиб, атрофга кўз югуртирди. Ёнидаги қаравотчада чақалоги пишилабгина ухлаб ётарди. Шаддод хотиннинг ўрни бўш, тўрдаги аёл унга қараб турган экан:

- Турдимзи, синглим. Анча ухладиз-а?! Мана бу, - у кулиб бўш ўринга ишора қилиб гапирди, - уйғонишизга илҳақ кута-кута уйига кетди.

Нафиса беҳолгина жилмайди. Унинг табассум балқиган маъсум чеҳрасига тикилиб қараган аёл ғалати бўлиб кетди. "Ҳақиқатан ҳам ажиб нарса экан", кўнглидан ўтказди у ва меҳри товланиб кетди.

- Оч қолиб кетгандирсиз-а? Ҳали хўжайиниз келиб, термосда овқат, анави туғунчани ташлаб кетувдила. Сиз уринманг, ман ҳозир...

Аёл чаққон юриб келиб, тугунчани очди ва ундаги чинни чойнак-пиёла, коса-қошиқ, устига муштдек-муштдек тўрт бўлак новвот қўйилган мулоимгина иккита нон, бир юмалоқ кўк чойни олиб, столга қўйди. Сўнг қўлига илчнган узун катта рўмолни Нафисага узатаркан:

-Манг, белизди маҳкам боғлаб олинг, қорниз осилиб кетмайди, буни шунинг учун юборишган, - деди.

Нафиса туғруқхонага келиши олдидан онаси, қайнонаси билан ҳам эшитган бу гапга сўзсиз итлоат этиб, охишта "рахмат" деганча рўмолни олиб, қорнини айлантириб, боғлади. Сўнг аста туриб бориб, хона четигаги дастшўйда қўлини чайиб келди. Аёл икки косага атала сузди. Тухум солиб қайнатилган аталани ичгач, Нафиса ўзини анча тетик ҳис қилди. Ҳали эмизганида бирёғи чарчоқ, бирёғи атрофдагилардан уялиб, тўйиб қарай олмаган чақалоғига қизиқсиниб, терилди: "Кимга ўхшаркан-а бу, дадасигами? Тоғаларига кетганми-ей, пучук, тфу-тфу, ёмон".

Чақалоқ "қулт-қулт" эмиб, нафси ором олгач, яна уйқуга кетди. Нафиса ҳали туш қизигида иссиқ кирмасин учун кўшни хотин беркитган деразани қия очиб қўйди. Гўдагининг таглигини алмаштириб, жойига ётқизгач, ўзи ҳам аста ўринга чўзилди.

Бу пайта хона тўридаги аёл ҳам боласини эмизиб бўлиб, икки қўлини қорнининг устига қўйганча, шифтга термилиб ётарди. Иш вақти тутаб, дўхтирлар алмашишган чоғи, хонага кўзлари чақнаб турган навбатчи ҳакима шошиб кириб келиб, она-болаларнинг соғлигини текширди. У чиқиши билан эшик яна қайта очилиб, фаррош хотин кирди.

- Нафиса сизми, қизим? Онаиз сўроптила. Айтайми, деразадан келсинлами?

Фаррош хотин унинг жавобини ҳам кутмай чиқиб кетди. Нафиса деразага тикилди. Салдан сўнг онасининг сўлғин, чиройли чеҳраси кўринди.

- Тузукмисан, бачам? Яхши қутилиб олдингми?! Ҳў, она бўган момо кизимдан айланай. Эшитгим, "Суюнчи беринг?" деб куёвни ҳам роса талашибди-да бу қурмағур дўхтирлар. Майли, яхшиликка кетсин, пул топилади. Ҳа, ўзинг яхшими? Белингни маҳкам боғлаб олдингми? Ўзингни эҳтиёт қил, бачам. Ма, мана буларни еб ол, дармон бўлади.

Онаси қия очиқ деразадан пашша-чивин кирмасин учун таранг тортиб қўйилган докани кўтариб, янги узилган иккита нон, беш-олтита тухумни узатди.

Онаси кетгач, қайнонаси билан эри катта тугунда иссиққина қайирма нон, ярим килоли шиша банкада асал, термосда овқат олиб келишди. Нафиса кулиб турган эрининг юз-кўзларидан чексиз меҳр-муҳаббат, мамнунлик ифодаларини ўқиди. Йўрғақда пишиллабгина ухлаб ётган чақалоғининг секин юзини очиб кўрсатиб, уни янада қувонтирди. Қайнонаси узоқ дуо қилди, ўзини ҳам, болани ҳам асраб-авайлашни қайта-қайта тайинлади.

Кун бўйи давом этган келди-кетди тингач, кечки овқатга ўтиришди. Чақалоқларни эмизишиб, ҳўл бўлган тагликларини янгилашди.

- Олдинлари бола туғилгач, икки-уч кунлаб онасига беришмасди. Ҳозир дарров ёнизга келтириб қўйишади, кўнглиздагидек боғлайсиз. Кўзизнинг олдида бўлади, - деди аёл чақалоғини йўрғақлар экан.

Нафиса унга жавобан "Ҳа, шунақа эдими?!" деган маънода ярим жилмайиб, бошини секин силкиб қўйди. Шу билан гап тутаб, ҳар иккала хотин ҳам жой-жойларига чўзилишиб, яна ўз хаёлларига берилишди.

Ташқарида эса оқшом чўкмоқда эди. Қибла томон қизариб, қуёш ўз ётоғига ошиқар, унинг заррин нурлари кечки шабадада охишта тебранаётган дераза ёнидаги мажнунтол новдаларига, баргларига тушиб, ял-ял товланар эди.

Бу манзарага тикилиб ётар экан: "Мажнунтол, нақадар сўлим дарахт." - Кўнглидан ўтказди Нафиса. - Мажнунтол, мажнунтол..."

У танасидаги сим-сим оғриқни ҳам унутди. Ва, аксинча, туққанидан сўнг, боласини эмиза бошлаганидан бери вужуди билан бирга руҳи ҳам энгил тортиб, кўнглида алақандай майин, шаффоф туйғулар жонланаётганлигини, юраги тубида мудраб ётган нурли хотиралар уйғонаётганлигини ҳис қилди.

Хаёл уни олис-олисларга - қизлик даврларига етаклаб кетди: "Мажнунтол. Сени яхши кўраман, мажнунтол..."

Ўша пайтлари йўли тушиб, туғруқхона ёнидан ўтганида бош эгиб турган мажнунтолларга узоқ тикилиб қолар, кўнглига ёрқин фикрлар келар эди. Ҳатто бу ҳақда шеър ёзиб, бошқа машқларига қўшиб туман газетасига ҳам элтганди. Таҳририятдагилар кўздан кечиршиб, "Шеърларингизда пессимизм кучли. Ҳадеб худони тилга олмасиз, унга мурожаат қилаверасиз. Хусусан, мана бу "Маж-

нунтол "ингиз бутунги воқеликка зид" деб қўлига қайтариб беришган эди. Шу-шу, шеър машқ қилишдан ҳам совиди... "Мажнунтол" қандай бошланарди ўзи?!

Нафиса "Мажнунтол" машқи мисраларини эслашга уринди. Лекин ўртада бир неча йиллик вақт шамоллари эсиб турганлигидан, қофиялар ҳавода ўйнаб, тутқич бермас эди. У шеър мазмунини хаёлида жонланттирди: "Эй, мажнунтол, бу тасодифми ёки боғбоннинг кўнглига худо солдимикан, сени айнан шу ерда қатор қилиб экибди. Эй, мажнунтол, не учун қаддинг бунча дол? Сен қирққокил сочларингни ёйиб, чиройли бошингни эгиб, оналар пойида таъзимдамисан ё? Ёки сулув бўлсанг-да, меванг йўқлигидан уларнинг қошида ўзингни уятли сезасанмики, кўзларингни ердан узолмайсан? Йўқ, жоним, бошингни кўтар. Сен, ахир, ишқу вафо тимсолсан. Гарчанд, она бўлиш буюк бахт. Оналар ҳамиша иззат-ҳурматга муносиб муҳтарам зотлар. Биламан, агарда кутганинг келганида сен ҳам мева берардинг. Аммо... Сен ҳамон кутасан. Суймаганларга суйкалмайсан. Ишқингга содиқсан, менинг маъсуа малагим, мажнунтол..."

Хонадаги аёл чироқни ёққанида ўз фикру хаёлларидан ўзи тўлқинланиб, таъсирланганидан юраги дук-дук уриб, юзлари қизиб, кўзларини юмиб олган Нафиса "ялт" этиб унга қаради.

"Ухлаётган экан, кўзига ёруғ тушганига уйқуси қочди, чоғи," деб ўйлаган аёл:

- Қоронғу тушиб қолди, кечаси чироқни ёқиб қўймасак бўлмайди, чақалоқлар бор, - деганча ўзини оқлаган бўлди.

Нафиса ширин хаёлини бўлиб, унга гапиргиси келмади, секин бурилиб, ташқарига қаради. Қоронғуликда ҳеч нарса кўринмас, фақат қия очиқ деразадан ичкарига кирмоқчидек мажнунтолнинг бир новдаси доқа-пардага тиралиб турар эди. У деразани ёпмоқчи бўлиб узалувди, аёл: "Бир пас очиқ турсин, синглим, уйининг ичи дим бўлиб кетади, кейинроқ ёпармиз", дегач, қайтиб жойига ётди.

Унинг фикру ёдини "Мажнунтол" банд этганди. Нафиса шеър таъсиридан қутулолмай тўлғонар, мажнунтолнинг олдида айблдек, унга қарашга ботинолмасди. У деразага орқасини ўгириб ётди-бўлмади. Ғужанак бўлиб олди-бўлмади. Шифтга қараб ётди ва шу кўйи ёта-ёта кўзи илинганини сезмай қолди.

Бир маҳал тушидами ё ўнгида бўлаяптими билолмади, мажнунтолнинг қўларини бўйнига ёпишиб, томоғидан маҳкам қисиб, бўға бошлади: "Сен-чи, сен, - дерди у жаҳл билан, - ўзинг фариштамисан? Бир мард, ҳалол йигитнинг суйган ёри, покиза хонадоннинг эрка бекаси бўлишга муносибмисан? Билмайди, дейсанми? Ҳаммасидан хабарим бор. Барча нарсани кўриб, билиб турибман: олдин бировни ортингдан эргаштириб юриб, кейин бошқасига турмушга чиқиб кетдинг. Яна ўзингни ҳеч нима бўлмагандай тутасан, вафо-садоқатдан лоф урасан, "Бошинг нега хам?" дейсан. Ахир, сен ва сенга ўхшаганларнинг бебурдлиги, иродасизлигидан мен бошимни кўтаролмайман. Сенларнинг ёмон тушдек гуноҳларингни эртадан кечгача оқар сувларга айтаман, дилларинг тўғри, руҳларинг тирик бўлишини илтижо қиламан доим. Сен бўлсанг..."

- Қўйвор томоғимни, - жон аччиғида мажнунтол новдасига ёпишди Нафиса.- Мен, ахир... Ахир, кўнглим чопмади. Қолаверса, у шилқимга "тегаман" деганим ҳам йўқ. Шу сабаб ота-онам раъйига қарши боролмадим.

- Биламан. Кўнглингдаги ишқ эмас, ҳавас экан. Пешонангга ёзилгани билан аҳил яшаб кетдинг. Умр йўлдошинг сени яхши кўради, еру кўкка ишонмай, ардоқлайди. Сенинг ҳам унга меҳринг ортиб бораяпти. Лекин... лекин, нега иккиланасан? Нега ҳамон қароринг қатъий эмас, ўзингни тутолмайсан? Гоҳо уни учратиб қолсанг, кўзинг сузилади, ёлғон хўрсинишлари, тикилишларига рўйхушлик берасан. Пўрим кийиниши, замонавий машинаси, давлатига ҳавасинг келади. Баъзан у ҳақда ўйлашдан, нафасини дудоғингда туюшни хаёл қилишдан уялмайсан. Бу кетишда эрта бир кун жуфти ҳалолнинг ва мана шу бокира дилбандинг юзига оёқ босишинг тайин. Момоларинг: "Оила - муқаддас, эр-ярим пир, фарзанд-буюк неъмат", деб қулоғингга қуйишган. Сен эса уларни бадном этишинг, энг ёмони, мурғак бола дилини ўқитиб, кўнглини синдиришинг мумкин. Шу боис ҳозир сени ўлдириб қўя қоламан. Токи, беғубор гўдак нопок аёл кўксини эмгандан ва хиёнаткорни она деб юргандан кўра, етим ўссин, аммо тоза оилада ҳалол ризқ еб, чин инсон бўлиб вояга етсин. Эҳ, парирўй! Сенинг суратинг бошқа, сийратинг бошқа эканда-а?!

- Қўйворр, - хириллаб ялинишга тушди Нафиса. - Қўйворр, мен эримдан бошқага қўлимни ҳам ушлатганим йўқ.

- Биламан. Бироқ сенинг кўнглинг тўғри эмас. Кўнгли бўш киши эса бузуқ хаёллар суришга мойил бўлади. Оқибатда имкон туғилса, ҳою ҳавас кўчасига

кириши ва унда адашиб кетиши, сўнгра тўғри йўлни тополмаслиги ёки умуман унутиши мумкин. Чунки, сиртдан жозибали кўринадиган эгри кўнгила кўчалари ўта хавфли, ҳалокатли ва боши берк. Буни ўзинг ҳам яхши биласан, лекин шайтонга "ҳай" беролмайсан. Мен шундан қийналаман, бошимни кўтаролмайман.

- Қўйворр, қўйворр, - хириллаганча ҳиқиллади Нафиса. - Қўйворгин, тушундим, хатоимни тушундим. Бундан ўзим ҳам хижил эдим. Баъзан шундай ёмон хаёллар кўнглимга келиб кетгач, анча вақт умр йўлдошим кўзига қарай-олмай, ўз-ўзимдан жирканиб юраман. Тавба қилдим. Қалбим уйини фақат турмуш ўртоғим банд этади, бошқага мўралашга ҳам йўл қўймайман.

- Алдама!

- Рост, сўзим рост. Шу болам ҳаққи, менга ишон.

Нафиса чўчиб тушди. Кўзини очди. Ёнидаги гўдаги чинқираб йиғларди. Чақалоғини олиб, оғзига кўкрагини тутар экан, кўрқа-писа ташқарига қаради. Очиқ қолган деразадан кирган уч-тўрт қарич бўйи келадиган мажнунтол новдаси ичкарида - ёстиғи тепасида осилиб турарди. "Дока-парданинг ҳеч ери йиртиқмасди-ку, қандай кирди экан, тагидан ўтдимикан ё?" Уйлади у ва сал чўзилиб, қўли қалтираб-қалтираб, новдани аста ушлаб, дока остидан ташқарига чиқариб юборгач, деразани ёпди. Сўнг ҳозирги воқеалар тушида кечдими ё ўнгида бўлдимми ўйлай кетди. Уйлаган сари ваҳимаси орта бошлади. Назарида, ташқаридан ҳамон мажнунтол қўлларини мушт қилиб, нафрат билан тикилиб тургандай туюлаверди. Угирилиб ётди, деразага қарашга ботинмади. Секингина "мени кечир" дея олди, холос. Шу ондаёқ хаёлидан : "Нима ўйлаётганимни ҳам у билади. Ҳозир: "Яхшиси, аввало Яратганнинг, сўнгра эрининг олдида тавба-таъзарру қил, дейиши аниқ" деган ўй ўтди. Шунда беихтиёр лаблари : "Оллоҳим, мен ношукруни кечир. Жуфти ҳалолимдан ҳам узр сўрайман, сен ҳам кечир мени, мажнунтол", деб пичирлади. "Мен ўзимни-ўзим алдашга, шайтон васвасасига учиб, ўз-ўзимга қарши боришга уринибман, воҳ, адашиб кетаётган эканман-а!" деган фикр миясига урилди. Сўнг хўрлиги келиб, ўпкаси тўлиб, қучоғидаги чақалоғининг юзига юзини босиб, елкалари силкиниб-силкиниб, унсиз, узоқ йиғлади...

... Бугун унга жавоб беришади. Кеча бу ҳақда эрини хабардор қилиб: "Эрталаб, соат тўққизлардан кечикмай кийимларимни олиб келинг", деб тайинлаган эди. "Кечга қолмасмикан?" У ўйини тугатмасидан деразадан турмуш ўртоғининг кулиб турган юзи кўринди.

- Нафис, мана кийимларинг, машина олиб келдим, чиқақол.

Туғруқхонанинг ўзига хос расмиятчиликлари адо этилгач, чиройли қилиб йўрғакланган чақалоғини бағрига босиб, ташқарига йўналди. Эшиқда уни эри гул билан қаршилаб, машина томон бошлади.

Супириб-сидирилган, сувлар сепилган ораста ҳовли, чарақлаб турган қуёш, эрталабки тоза ҳаводан баҳри-дили очилиб Нафиса чуқур энтиқди ва умр йўлдошига эргашиб, секин юриб кетди. Нохос, машинага беш-олти қадам қолганда бир чўчиб тушди: хаёлида гўё мажнунтол новдаси яна ёпишаётгандай, бўйинини ўнг қўли билан шоша-пиша пайпаслади, бағридаги чақалоқ ерга тушиб кетаёзди. Турмуш ўртоғи шошиб қолди:

- Нима бўлди, Нафис???

У тўхтаб, кўзларини юмди: "Ўша... киракашлик қилиб юрган бўлса, эри бориб илтимос қилдимикан? Ёки ўзи хизматини таклиф этдимикан? Ҳа, тилёғламликка, йўлдан оздиришга уста у сурбет. Эҳ, соддадил эр..."

Нафиса ўзини ўнглаб олди ва ранги ўзиникидан ҳам баттар оқариб кетган умр йўлдошига қараб:

- Машинага минмайман, пиёда кетамиз, - деди.

- Қандай, ахир, бу аҳволда, ё дўхтир чақирайми?

- Йўқ, йўқ. Утиб кетади. Машинада юрагим қисилади. Юринг, яхшиси, пиёда дам олиб-дам олиб, аста-аста кетаверамиз, уйимиз яқин-ку, юринг!

Турмуш ўртоғи ноилож кўниб, чақалоқни кўтариб олди. Улар пиёда йўлга тушишди. Машина ёнидан ўтаётганда, эри ҳайдовчидан узр сўраб, пул узатди. Кўзлари ола-кула бўлган "таксичи" пулга ҳам қарамай жаҳл билан машинасига газ босиб, ҳайдаб кетди.

Нафиса енгил тин олиб эрига қаради, унинг пинжига киргудек бўлиб яқинроқ сурилади ва туғруқхона ҳовлисидан чиқишар экан, орқасидан мажнунтол мамнун қараб қолганини ҳис қилди.



Абдулла шоир  
Нурали ўгли

Сўз чеварлари, сўз чечонлари бир маъни-мақсадни кўзлаганда, нақл қилиб, тошга тамға ўйгандай, узукка кўз кўйгандай, Сулуга хол этгандай, зарҳал билан битгандай, мақол аралаш, улаштириб, мазмун бериб сўзлайдилар. Бундай сўзларни халқимиз: "Йўрға сўзлар", деб, айтувчисини эса, чечон дейишади. Шундай "Йўрға сўзлар"дан намуналар келтираимиз.

\* \* \*

Олиб олтов бўлмаган,  
бериб-бешов бўлмаган,  
кам косаси тўлмаган.

\* \* \*

Остга йўқ,  
устга йўқ,  
бошга йўқ,  
оғзи очик,  
кўзи юмик,  
ҳайдасанг қўйдан,  
сўрасанг бўйдан.

\* \* \*

Ошинг бўлмаса,  
бошинг бўлмаса,  
келди-кетди қайдан?

\* \* \*

Оз етар,  
кўп кетар,  
йўқни бордай,  
озни кўпдай,  
яккани тўпдай қил!

\* \* \*

Олишиб алп бўлдик,  
курашиб кучга тўлдик.

ЖИЛНОБОЎ  
ЯНАСЛОВ  
ИНИШИ  
КАННАР

\*\*\*

Ҳазилинг оз,  
уйинг соз,  
туришинг ғоз,  
қишинг ёз бўлсин!

\*\*\*

Топ деса топқир,  
отдайн чопқир,  
тоғдай бели,  
ортида эли бор.

\*\*\*

Ё эртаси келмайди,  
ё эртачи келмайди.

\*\*\*

Пичоқласанг бўйним,  
кучоқласанг қўйним,  
овласанг кўнглим бор.

\*\*\*

Бир айёғини ёза,  
бир айёғини юза босади.

\*\*\*

Ўзингдан чиққан ўт ёмон,  
ўзингдан чиққан ёт ёмон,  
юртни қилур хонумон.

\*\*\*

Адашмаган тил,  
қайрилмаган тайёқ,  
сингмаган бўёқ йўқ.

\*\*\*

Яхши отинг яроғинг,  
яхши аёл туроғинг,  
яхши боланг чироғинг.

\*\*\*

Ер ҳайдамоқ, бормоқ-келмоқ,  
ўроқ ўрмоқ-ўйнамоқ,  
хирмон қилмоқ-айланмоқ,  
хай-хай, ишнинг оғири,  
чайқалиб ун эламоқ.

## АЙТИШУВ

### Қиз

Бугун дарвоза ёпиқ,  
Йўлчи отингни ҳайда.  
Куз ортидан қиш келар,  
Ҳар кун сенга ёз қайда?

### Йигит

Мен йўлимни бурмасман,  
Бошқа йўлга юрмасман.  
Қалбим сирини очай-  
Сендан юз ўгирмасман.

### Қиз

Қошларим орасин кўр,  
Юрагим ярасин кўр.  
Мен сенга ёр бўлмасман,  
Бошқанинг чорасин кўр.

### Йигит

Чил-чил синмасми чинни,  
Қанча қийнама мени,  
Отим бадном бўлса ҳам,  
Қўлдан қўймасман сени!

### Қиз

Ҳар келган ўзин билмас,  
Танишар сўзин билмас.  
Булоғдан сув ичади,  
Булоғнинг кўзин билмас.

### Йигит

Сен ҳам бўйсан, мен ҳам бўй,  
Иккимизда бир хил ўй,  
Юрак очиб, гап айтсам,  
Араз қилишингни қўй!

**Термаларни Чори ҲАМРО ёзиб  
олган**





Қаҳҳор бахши  
Қодир бахши ўғли

## МАРДИ БЎЛСА - ЭЛНИНГ БЎЛАР МАДОРИ

“Ёдгор” достонидан парчалар

\* \* \*

Тирикликда ҳар бир кунинг фанимат,  
Бир-бирининг қадрин билмас одамзот,  
Ташлаб келдик Бойсун-Қўнғирот элатни,  
Ор-номусдан айтиб берай бир суҳбат.

Оллоҳимнинг неъматидир ширин жон,  
Лозим бўлса олар экан ҳар қачон,  
Бойсун элнинг зўрларини сўради,  
Алпомишдан баён берди Арасхон.

Яшин тушган ҳўл арчалар нуради,  
Тошқин келса паст-баландни суради,  
Алпомишдан таъриф бер деб Арасхон,  
Интиқ бўлиб, Бойчиборни сўради.

Гар уйлансанг сўра ёрнинг зотини,  
Ким ошдига қўйма хотин бетини,  
Шул нарсага амин бўлдим, боболар,  
Зўр чиқарар экан элнинг отини.

Энди билсам эл зўрида ҳикмат бор,  
Боқий бўлса орқасида ҳурмат бор.  
Алпомишни мароқ билан сўзлади,  
Зури борнинг тепасида савлат бор.

Доно одам оқлар она сутини,  
Лозим бўлса кесиб берар этини,  
Жойи келса шуни билинг боболар,  
От чиқарар экан элнинг отини.

Бойчиборнинг келбатини сўради,  
Ҳар сўзимга диққат билан қаради,  
Шундай элни ташлаб келдик, боболар,  
Ёмон кунда кунимизга жоради.

Нодон одам сўзлаб юрар тухматни,  
Полвон қилар даврасида ғайратни,  
Алпомишу Бойчиборнинг шаънига,  
Минг йилгача султон берди руҳсатни.

\* \* \*

Номард билан суҳбат қурсанг ҳар ерда,  
Саваш куни заиф жойинг билдирар,  
Одам деганинг ҳам бўлар минг турда,  
Доно одам донолигин билдирар.

Айрилиқдан хумор босди кўзимни,  
Аймоқ юрда чалкаштирдим изимни,  
Ёдгор деб айтсама адашмайманма,  
Бек фарзанди тингланг ҳарна сўзимни.

Ҳар элатнинг бўлсин экан шунқори,  
Марди бўлса элнинг бўлар мадори,  
Алпомишдан хабар беринг бойбачча,  
Келдимикан Ултонтознинг хундори.

Тортувлидан даракчи бўб келаман,  
Асл ўзим Бойсун юртдан бўламан,  
Юрт эгаси келган бўлса, Ёдгоржон,  
Хизматини ўлгунимча қиламан.



Остимда ўйнаса отим юз алвон,  
 Белда олмос, пўлат, эгнимда қалқон.  
 Номусли кун иш кўрсатай, онажон,  
 То ўлгунча бўлмайинда полапон.

Юрти вайрон бўлса султон тебранар,  
 Қўлдан давлат кетса оға эмранар,  
 Номусли кўп кўра била бормасак,  
 Шанимизга ҳатто тоғлар ингранар.

Кумуш бўлар қарчиғайнинг чегаси,  
 Олтинга мос кировка тўн ёқаси.  
 Энажоним занорлигин билдирар,  
 Ота сиз-ку Бойсун элнинг эгаси.

Хиди йўқ лоладан яхшидир янтроқ,  
 Севгисиз кишидан афзалдир тупроқ,  
 Кучимни элимга бермасам, ота  
 Унда мендан яхши қуриган таёқ.

Ўйлайсиз ҳалиям мени бола деб,  
 Заиф жойлашган бир бежон қала деб,  
 Кучимни Рустамдан сира кам деманг,  
 Оҳ десам тоғ қочар кимдан нола деб.

Шул боис отимни минайин, ота,  
 Сиз-биздан авлодга ўтмасин хато.  
 Қўнғирот уруғининг урф-одатини  
 Ҳимоя қилайин кўп бўлса сита.

Йўлимда интизор кўзлари хумор,  
 Мени деб оҳ тортса бир малак, дилбар,  
 Номусдан бўларми мен ёвдан қочсам,  
 Унда шавкатимиз, отажон, бекор.





Фарҳод Рўзиев

## ВАТАНПАРВАРЛИК — ЎЗ ЎЛКАНГНИ ЎРГАНИШ ДЕМАК

Шаҳрисабз — қадим карвон йўлларида қад ростлаган маҳобатли шаҳар. У Соҳибқирон Амир Темур тимсолида ўзбекнинг улуғ давлатчилик тарихини, шону шавкатини аллалаб вояга етказган ўлка. У барча замонларда доврўғини оламга таратгувчи ўғлонлари билан танилиб келган. Ҳисор тоғ тизмалари этагида жойлашган мафтункор бу гўша кўплаб асрлар юқини опчиб, замонлар залворига дош бериб келмоқда. Маҳобатли Оқсарой тарихимиз нечоғли буюк ва қудратли эканидан далолат бўлса, "Доруссаодат" ва "Доруттиловат" мақбаралари, Китобдаги "Улуғбек расадхонаси" илму ҳикмат бобида ҳам ўтмишимизнинг улуғвор қиёфасидан шаҳодатдир.

Шаҳри Кеш қадим маърифат ўчоғи. Бир пайтлари Улуғбек султон оёғини шу заминга қўйиб, нигоҳини қўкка тиккан, идроки билан юдузларни саралаган, ҳатто, Алишер Навоий ҳазратлари ҳам шаҳри Кешнинг олиму фузалолари, илм толиблари ҳақида илиқ фикрлар айтиб, қоғоз қоралаган эди...

Сир эмас, маълум бир муддат биз ана шу қадриятларимиздан узоқлашдик. Мустабид тузум даврида халқ орасида асрлар оша яшаб келаётган қаҳрамонлик эпосларини тинглаб, шундай шавкатли аждодларимиз борлигидан дилимизда миллий ғурур туйғуси шаклланар, бир оз вақт ўтиб расмий доираларда ўша улуғларимизни ҳукмрон сиёсат қутқуси билан лойга чаплашдан ҳам тоймасдик. Хуллас, эътиқод ва эътиқодсизлик орасидаги аросат бир даврни бошдан кечирдик. Фақат, юртимиз мустақиллиги бу каби довдирашларга барҳам берди.

Мамлакатимиз Президенти, мустақиллигимиз асосчиси Ислоҳ Каримов истиқдолнинг дастлабки кунлариданоқ комил инсон тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб келадилар. Бу бежиз эмас, зотан ўтмиши улуғвор халқнинг келажағи ҳам буюк — бу эса ўсиб келаётган авлод, эртаимизнинг эгалари бугун нечоғли илм-маърифат касб этаётгани, ўзида умуминсоний фазилатларни таркиб топтираётганига боғлиқ. Бу борада давлат сиёсати даражасида белгиланган тадбирларнинг салмоғи жуда улкан.

Сирасини айтганда, ҳар бир жамият ёшларининг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий билим даражасини ўстиришдан манфаатдор. Зеро, бу омиллар ўз навбатида шахснинг ижтимоий фаоллигини оширади, ташаббускорлик фазилатларини тарбиялайди. Ватанпарварлик туйғусини шакллантиради. Одатда ватанпарварлик деганда — жанг майдонларида қўлда қурол билан Ватанни ҳимоя қилишда намоён бўлувчи жасорат намунаси англашилади. Бу ватанпарварликнинг олий кўриниши, албатта, аммо кундалик тинч меҳнатда ҳам ватанпарварлик фазилатларини намоён этишнинг кўплаб усул-

лари бор. Бу айнан меҳнат интизомида, иш унумдорлигини ошириш, тежамкорлик, омилкорлик, маҳсулот сифатини яхшилаш; тинмай ўқиш, изланиш; маънавий ва жисмоний қобилиятни ўстириб, уни юрт равнақи йўлида бахш этишда намоён бўлади. Ўзбекистонда қарор топаётган миллий истиқлол мафкураси миллати, тили ва динидан қатъи назар, фуқароларимизда она Ватанга муҳаббат, мустақиллик гояларига садоқат туйғусини тарбиялайди. Бу мафкура – Ўзбекистонда истиқомат қиладиган ва ўз тақдирини шу муқаддас замин билан боғлаган ҳар бир киши Ватан байроғига, Ватан тугросига, Ватан мадҳиясига, Ватан равнақи учун масъулият туйғуси билан яшашида намоён бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳаёти ва ҳарбий фаолияти юрт озодлиги ва ободлиги, эл тинчлиги ва осойишталиги учун курашнинг ибрат олса арзирлик намунаси сифатида аҳамиятли. Президентимиз айтганларидек: **"... кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак"**. Бу сўзлар улуғ ўтмиш ва буюк келажак ўртасида яшаётган ҳозирги авлод учун чақирiq, даъватдир. Бу масъулиятли бир ишни олдимизга кўндаланг қилиб қўяди, яъни, биз бугун ўзимизни, ўзлгимизни ўзимиз яхшироқ англашимиз, сўнг ўзгаларга бу ҳақиқатни англашмоғимиз лозим.



## Амир Темур ҳикматлари

\* \* \*

«Амир Ҳусайнга ушбу мазмунда туркий байт ёзиб юбордим:

*Ёрга еткур сабо, ким макр қилмишдир манга,  
Қилди эрса кимга макрин, қайтадур бир кун анга».*

\* \* \*

“Муҳандислар билан иттифоқда олий иморатлар барпо этиб, боғ бўстонларнинг лойиҳа-тарҳини чиздирдим”.

\* \* \*

“Асил ва шижоатли сипоҳийзода қайси тоифадан бўлмасин, унга ўрин бериб, қилган хизматига ва ишига яраша тарбият қилсинлар”.



Ўта Бердиёв

ОЛАМ ЗИЁДА ДУЛАР

## **Сиз кулсангиз болалар**

Кўзларимда нур порлар,  
Сиз кулсангиз, болалар.  
Илҳом гулшани чорлар,  
Сиз кулсангиз, болалар.

Қиш кетиб, баҳор келар,  
Юксак орзулар кулар,  
Олам зиёга тулар,  
Сиз кулсангиз, болалар.

Кўнгилларда муддао,  
Эркин, осойиш дунё,  
Кундан-кун кўркем, аёло,  
Сиз кулсангиз, болалар.

Ватан сизни ардоқлар,  
Эй бахтиёр кувноқлар,  
Қуёш ёрқин чарақлар,  
Сиз кулсангиз, болалар.

## **Билиб қолди**

Ўлчаштирсак бўйсира  
Ҳамма тенг эмас сира.  
Албатта, кимдир дароз,  
Намоздан пастроқ ўроз.  
Тизил-чи, турна қатор:  
Дилдор, Эшнор, Шаҳриёр.  
У паст, бу баланд пича,  
Мен-ла тенг эдинг кеча,  
Эшнор, бугун ўлчаб боқ,  
Сендан ўзим бўйчанроқ.  
- Бунча бўлма нимчаки,  
Оёқларинг чимда-ку!

## **Рост гап**

- Қуёш қизариб кетдинг,  
Ботар чоғингда нечун?  
- Жуда уялиб кетдим  
Икки олганинг учун!

## Таклиф

Бувим билан юрган чок,  
Ортда қолсам, "Чоп!" дейди.  
Пилдираб олға кетсам,  
"Тўхтаб, турсанг-чи", дейди.

Ёнига борсам койир,  
"Нари тур!" деб, итариб.  
Дейман:  
- Йўкса олингда,  
Елкангизда кўтариб!

## Фамхўрлик

Ўқитувчига деди  
Дарс пайти эснаб Ҳамдам:  
- Бизларга бериб жавоб,  
Ўзингиз ҳам олинг дам!

## Савол - жавоб

Жажжи Нор билан Ваҳоб  
Қилишар савол-жавоб:  
- Булут недан?  
- Тутундан.  
- Юлдуз-чи?  
- Учкун кундан.  
- Шамоллар?  
- Пуфлашимдан.  
- Чаманлар?  
- Қувнашимдан.  
- Ой каттами, нон катта?  
- Иккиси тенг, албатта.

## Билагон

Супага сув сепганда  
Қуриб қолди бир пасда.  
Ўзича ўйланиб, дер,  
Дастёр киз Ораста:  
Чамамда, сувни шамол  
Этаги артиб кетди.  
Бир қисмин қудуғимиз  
Тубига тортиб кетди.



## Амир Темур ҳикматлари

“Бузуқи ва оғзи шалоқ ғийбатчи одамларни мажлисимга йўлатмадим, сўзларига амал қилмадим. Бирор кимсага туҳмату ғийбат қилсалар, қулоқ солмадим”.

\* \* \*

“Фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим, сипоҳийларга инъомлар улашдим. Золимлардан мазлумлар ҳақини олдим”.

\* \* \*

“... Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улуғларини оға, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим”.

\* \* \*

“Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни парвордигори оламга топширдим. Иш кўрган, шижоатли эр йигитларни қошимда тутдим”.





Сафар Каттабоев

## Жомеъ масжид қисмати

Қарши шаҳрининг эски шаҳар мавзесида одамлар орасида “Тоштурма” деб аталадиган жой бор. Хизмат тақозоси билан бу ерда кўп бўлганман. Унинг расмий номи УЯ-64/ИЗ-5. Терговчилар эса уни оддийгина қилиб “СИ-5” ёки Тергов изолятори дейишарди.

Юқоридаги сўз ва рақамлар шу соҳа ходимлари учун бир қарашдаёқ аён. “УЯ” деган сўз собиқ иттифоқнинг ҳамма минтақасида қамоқ жойларини билдирарди. Яъни, “Учреждения” - “Муассаса” (таъкид муаллифники) сўзининг қисқартмаси. “СИ” эса “Следственный изолятор” - “Тергов изолятори” сўзининг қисқартмаси.

Шўро даврида қамоқ жойлари ана шундай сирли номланган. Шунинг учун ҳам уни дабдурустан ўқиган одам тушунмаслиги, табиий.

Атрофи 6 метр 20 см. лик баланд девор билан ўралган, 4 гектар майдонни эгаллаган бу жой билан илгари камдан-кам одам қизиққан. У ерга бо-ришнинг ўзи одамлар юрагида қандайдир ваҳм пайдо қилади. Кимдир кўркув билан, кимдир ғазаб ва нафрат билан бу баланд деворларга, унинг усти-дан бир неча қават қилиб ўтказилган тиконли симларга разм солади.

Бу ерда қачонлардир, қандайдир мадрасами, масжидми бўлган экан. Ўша қадимий иншоот яна қайта ўз ҳолига келтирилар экан, деган хушха-бар тарқалди.

Бунинг исботи тезда ўз аксини топди. 2004 йил декабрь ойида, бу жой-даги маҳбуслар бошқа жойга кўчирилди. Турма эса бузила бошланди.

Кўз олдимизда машҳур шарқона услубда қурилган маҳобатли бино аста-секин ўз жамолини кўрсатмоқда.

Бир пайтлар, Оллоҳга илтижо ва ибодат қилинган масжиднинг ҳар бир арк устуни кенглиги 2 метр 25 см. Арклар оралиғи 2 м. 70 см. Арклар ораси гишт қаланиб девор шаклига келтирилган ва маҳбуслар сақланадиган ка-мераларга айлантирилган. Уларнинг шиплари қўпорилгач, қадимий ин-шоотларга хос гумбазлар кўрина бошлади.

Шўро тузуми одамлар эътиқодини ва миллат тарихини гўё гиштлар орасига яширмоқчи бўлган.

Масжидга кириш эшиклари қўпориб олиниб, бошқа, дағал темир-дан бўлган панжаралик махсус эшиклар ўрнатилган. Масжиднинг асосий азалий ва асрий эшик ва дарвозалари қаерга йўқолди экан?! Фақат ён томондаги бир кичик эшикни қўпоришга ҳафсала қилишмаган шекилли, унинг икки томонидан гишт қаланиб, ёпиб ташланган. Ким билади? Ким-дир шу эшик орқали бизни тарих сари олиб кирмоқчи бўлгандир? Ёки бу муҳташам обида китобининг бир варағи бўлмиш бу эшикни бизларга атай-лаб қолдиргандир? Ким билсин яна?!

Уни усталар авайлаб олишиди. Уша вақтда қандай қурилган бўлса, шу ҳолича турибди. Бир неча йил ҳаво тегмасдан кўмилиб турганлигидан таг қисми чирий бошлаган. Қалинлиги 10 см., баландлиги 2 м. 20 см. Икки

табақалик тут дарахтидан бўлган. Ҳар табақаси эни 55 см. дан. Бундай эшиклар сони нечта бўлган экан, унинг устаси ким экан, қачон ясалган? Бу саволларга жавоб топиб бўлармикин?

Бу эшикдан қанчадан-қанча олиму фузалолар, шоиру файласуфлар, сипоҳу амирлар кириб чиқмаган дейсиз? Эҳтимол, ундан замонасининг энг журъатли зиёлиларидан бўлган, қатагонларга қарамасдан ўз фикрини айта олган Бехбудий бобомиз ҳам ўтгандир? Ахир, бир вақтлар у киши Қаршида яшаганлар. У кишининг обрў-эътибори жуда баланд бўлган.

Афсуски, бу буюк алломанинг кейинги тақдири номаълум. Қаерда, ким томонидан, нима учун ўлдирилган, ҳеч ким аниқ билмайди. Ҳаётининг сўнгги кунларида ҳамроҳлари билан Қаршида, зиндонда сақланган, кейин эса, Чорбоқда қатл этилиб, қабрлари ер билан текислаб юборилган деган тахмин бор, ҳалос. Эҳтимол, шу атрофда қатл этилгандир. Ахир, бу жойлар қанчадан-қанча сирларни ўз бағрида сақлаб келмоқда.

Эҳтимол, Бехбудий бобомизнинг энг сўнгги кунлари ҳақидаги сирлар архив ҳужжатлари қатида ўз қидирувчисини сабрсизлик билан кутаётгандир. Чунки, Бехбудий, 1919 йилда большевиклар томонидан қатл этилган, деган тахминлар ҳам бор. Агар шундай бўлса, бу ҳақда бирон-бир ҳужжатда қандайдир из қолган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Ҳар ҳолда, бунга ишонч билан қараймиз ва ишимизни давом эттирамиз.

Ҳозир эса, шундоққина қўл остимизда бўлган архив ҳужжатларини ўқиймиз.

Мана, бугун тарихга айланаётган 5-тергов ҳибсхонасининг расмий паспорти. Йиллар ўтиши билан айрим варақлари йиртилган, сарғайган. Аммо, махфий ҳужжат ҳисоблангани учун авайлаб сақланган. Чунки, бундай ҳужжатларнинг ҳисоб-китоби қатъий тартиб билан алоҳида юритилади.

Унинг муқовасида тузилган сана сифатида 1940 йил кўрсатилган. Нақ 66 йил вақт ўтаяпти. Муқовада ЎзР Бухоро вилоят НКВДсининг турмалар бўлими деган ёзув бор. Уша йиллари ички ишлар ва давлат хавфсизлиги органлари бирлаштирилиб, НКВД деб аталган. Қашқадарё вилояти Бухоро вилоятига қўшилган йиллар.

Муқованинг юқоридаги ўнг бурчагида “Сов. секретно” - “Мутлоқо махфий” (таъкид муаллифники) деган грифи бор. Бундай ҳужжатларга ҳос огоҳлантирувчи сўзлар. Лекин бугунги кунда бу ҳужжатнинг махфийлиги қолмади. Ўз хизматини ўтаб бўлди.

Паспортни тузувчилар: ЎзР НКВДнинг турмалар бўлими бошлиғи давлат хавф-сизлиги катта лейтенанти Кириллов ва НКВДнинг режим ва қўриқлаш бўйича оператив бўлими катта инспектори давлат хавфсизлиги кичик лейтенанти Винер.

Паспортни ўрганамиз. Унда ўша вақтдаги турма раҳбариятининг 10 кишидан иборат рўйхати илова қилинган. Улар орасида биронта ҳам маҳаллий миллат вакиллари йўқ.

1940 йилда, 5-тергов ҳибсхонасининг бошлиғи, давлат хавфсизлиги лейтенанти Ермолов Л.Н. деган шахс бўлган экан. У 1925 йилдан ВКП /б/ аъзоси, ФЗУни тамомлаган, ушбу турмада 1939 йилдан бери ишлаган.

1946 йилда турма бошлиғи капитан Захарченко бўлган.

Ҳужжатларга қараганда, ушбу турма 1939 йилда ҳам фаолият кўрсатган. Чунки, ҳисоботларда 1939 ва 1940 йилларга оид маълумотлар келтирилган. Жумладан, ушбу жойдан 1939-1940 йилларда 3 та маҳбус қочганлиги, улардан 2 таси хўжалик ишларида фойдаланаётганда, 1 таси эса соқчи кузатуви остидан қочиб кетганлиги, лекин уларнинг ушланганлиги кўрсатилган. (Кейинги ўн йилларда эса, бу ердан ҳеч ким қоча олмаган. Фақат 1980 йилларда соқчиларнинг эътиборсизлиги оқибатида бир киши қочган ва у ҳам кейинчалик ушланган).

Бу ерда қилинган маҳбусхона дастлаб умумий турма бўлиб, 600 кишига мўлжалланганлиги, 10 та туманга хизмат қилиши, темир йўлдан 7 км., Қарши шаҳар НКВДсидан 1 км. узоқликда жойлашганлиги ҳам қайд қилинган (1960 йилларда ўта хавфли рецидивистлар сақланадиган махсус режимли турмага ҳам айлантирилган).

Шундан сўнг қўриқлаш режимига оид қатор кўрсатмалар тайёрланган. Яъни, турма қурилиши, қаерда, қандай иншоот жойлашиши, уни қай

тартибда қуриш кераклиги батафсил кўрсатилган. Меъморий чизмалар илова қилинган.

Паспортда изоҳ тариқасида ушбу маҳбусхона XVII-XVIII асрларда, шу ерда бунёд этилган мадраса ўрнида қурилиши кўрсатилган. Аммо, унинг номи айтилмаган. Эҳтимол, уни тузувчилар учун бунинг аҳамияти ҳам бўлмагандир. Эҳтимол, улар учун бу жой, худди шўро мафкураси каби, диний қолоқликни тарғиб қилувчи бир идора деб талқин қилингандир. Шунинг учун масжид нимаю мадраса нима фарқига бориб ўтиришга ҳожат ҳам бўлмаган бўлса керак. Ахир, янги тузум асосчилари худо йўқ деб дин-сизликни тарғиб қилиб турганларида, бу масжиднинг номию унинг қачон бунёд этилганини аниқлашга ҳожат қолмаган. Эҳтимол, улар бу масжид яна қайтадан очилишини, қачонлардир бир зиёратгоҳга айланишини хаёлларига ҳам келтиришмагандир.

Улар учун бу масжид ва унинг атрофини қандай қилиб мустаҳкамлаш, ҳеч ким, ҳеч қачон қочиб кетолмайдиган жойга айлантириш муҳим бўлганга ўхшайди?

Не тонгки, асрлар оша элимиз учун илм ва маърифат маскани бўлиб келган ушбу муқаддас жойни шўро тузуми маҳбусхонага айлантирган.

1980 йиллардаги “Пахта иши” даврида унга 850 тагача одам жойлаштирилган. 10 кишигача сақланиши мумкин бўлган камераларда 40 тагача маҳбус сақланган. Жой йўқлигидан қаватма-қават ўрнатилган темир каравотларда навбатма-навбат ухлаган.

Ҳужжатларни ўрганар экансиз, бу ер учун доимо жой масаласи муаммо бўлиб келганига гувоҳ бўласиз. Бу жой турмага мўлжалланмагани учун унинг антисанитар ҳолати ҳақида гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Битта камерада ўнлаб одамларнинг кечаю кундуз ўтириши, оддийгина нафас олишнинг ўзи укубат бўлганини тасаввур қилинг!

Яна тарихга мурожаат қиламиз.

Тарих эса, бу жой XIV асрнинг 80 йилларида бунёд этилган Одина жомеъ масжиди эканлигидан гувоҳлик бермоқда. “Одина” сўзи жума кuni деган маънони билдиради.

Тарихчи олимларимиз орасида ушбу масжид Соҳибқирон Амир Темур томонидан 1385-1386 йилларда бунёд этилган деган мулоҳаза ҳам мавжуд.

Келинг, бу борада тарих фанлари номзоди, доцент Қамбар Насриддинов фикр-ларига эътибор берайлик.

“...Одина масжиди Регистон мажмуасига кирган меъморий дурдоналардан ҳисобланади.

Регистонда жойлашган бу муаззам иншоот Абдуллахон мадрасаси билан биргаликда, меъморчиликдаги «Қўш» мажмуини ташкил этганлиги, унинг ҳажми бўйига 50 метр, энига 40 метрдан иборатлиги қайд этилган. Алоҳида кўзга ташланадиган томони: кириш эшигининг қулфи бўлиб, унинг қалит солиб бураладиган қисмининг қопламаси ҳамда эшикнинг икки ҳалқаси каттақон балиқ шаклида ишланганлиги қайд этилган.

Масжид ичидаги ибодат жойлари кенг, баланд, тепаси кичик гумбазчали, ҳар-ҳар жойда қалин қилиб терилган гишт устунлари бир-бирига равоқлар орқали тутшиб кетган. Ана шундай ўнлаб равоқ гумбазчали хоналардан ўтиб, катта гумбазли намозгоҳга чиқилган, унинг гарбий (қибла) томонида жуда катта, маҳобатли меҳроб бўлган. Меҳроб равоқининг атрофига Куръони каримдан “Оят ал-курси” дуоси олтин ҳарфлар билан битилган.

Меҳробнинг ўнг томонида етти зинали мармар минбар бўлиб, унда жума ва ҳайит намозларида хутба ўқилган.

Регистон майдонидан етти зина кўтарилиб, Одина масжиди олдидаги майдонча (“ковуш партоб” - ковуш ечиладиган жой) га чиқилган. Майдончанинг устида чор истилочилари келмасидан илгари айвон бўлиб, у ҳам тўп ўқлари билан вайрон қилинган. Саид Олимхон томонидан қалъанинг таъмирланиши пайтида бу айвон ҳам қайта тикланган.

Айвон 1920 йилдан сўнг, Бухоро амирлиги тугатилгач, шўролар ҳукмронлигининг дастлабки йилидаёқ бузиб юборилган. Шунингдек, масжиднинг баланд миноралари ва мовий гумбази, маҳобатли меҳроби, мармар минбар ва бошқалар бузилиб, йўқолиб кетган.

Кексаларнинг айтишларича, улар XIX аср 60 йилларининг охирида



чор истилочилари томонидан тўпгатутилиб, вайрон қилинган. Масжид гумбази ва минораларнинг қолдиқлари эса 1914 йилгача сақланган. Уша йили амир Саид Олимхон томонидан Қаршидаги бир қанча бинолар ва иншоотлар таъмирланган бўлиб, Қашқадарё кўприги, Қарши қалъаси, Абдуллахон мадрасаси қаторида Одина масжидида ҳам қайта тиклаш ишлари олиб борилган.

Таъмирлаш давомида вайрон бўлган масжиднинг гумбази ва минораларини тиклашнинг иложи бўлмаган.

Шўролар ҳукмронлиги даврида масжид ва мадрасалардан бошқа мақсадларда фойдаланиш бошланган. Бу пайтда, Одина масжидида ҳам турли идоралар жойлаштирилиб, кейинчалик, омборхона ҳам қилинган.

1938 йилга келиб, масжиднинг атрофи баланд девор билан ўраб олинган ва маҳбуслар сақланадиган жойга айлантирилган...”

Демак, 1938 йилда масжид турмага айлантирилган. Унинг расмий паспорти эса юқорида кўрсатганимиздек 1940 йилда тузилган.

Яна манбаларга мурожаат қиламиз.

Қарши шаҳри ва унинг атрофи 1965-1966 йилларда ТошДУ (ҳозирги Миллий Университет) ташкил этган махсус археологик-топографик экспедиция томонидан ўрганилган.

Экспедиция ҳужжатларида машҳур археолог олим М.Е. Массон томонидан тузилган XIX аср охири, XX аср бошларидаги Қарши қўрғонининг чизмаси келтирилган.

Уртада Регистон майдони. Айтишларича, майдонга қизил қум тўшалган бўлган. Майдон атрофида Одина масжиди, Бекмир қозоқ, Абдулазизбой, Қиличбой, Олий нур, Чорбоқ мадрасалари жойлашган. 1920 йилларда Қаршида 20 га яқин мадрасалар бўлган. Ҳозирги кунда Шарофбой, Абдулазизбой, Қиличбой, Бекмир қозоқ мадрасаларигина сақланиб қолган, холос. Улар ҳам таъмирга муҳтож.

Экспедиция ҳужжатларида, Қарши қўрғонида жойлашган 1929 йилда фотосуратга олинган сардобанинг ҳам расми келтирилган.

Одина жомеъ масжиди турмага айлантирилгач, сардоба ҳам турма ҳовлисида қолган ва бузиб ташланиб, унинг ўрнида турманинг хўжалик ишларида фойдаланишга мўлжалланган иморат қурилган.

Сардобани қидириш бошланди. Шу атрафда яшаган кекса кишилар сардобадан сув олиб чиққанларини, унинг 41 та зинаси бўлганлигини эслашсада, аммо, аниқ қаерда эканлигини кўрсатиб бера олишмади.

Турма ҳовлисини тусмоллаб қазишлар бошланди. Қаерни кавламанг, қадимий гиштлар, кўзалар, эски иншоотлар қолдиқлари чиқа бошлади.

Ниҳоят, сардобанинг ўрни топилди. Унинг ер тагидан кўтарилган деворлари кўрина бошлади. Сардобанинг ер сатҳидан юқори қисми ҳозирги кунларда Шахрисабзда тайёрланаётган гиштлар билан тикланмоқда.

Масжидни бузишда арklar тагидан одамнинг бош суяклари, йўлаклардан эса одам скелети топилди. Уларни ўрганиш, тегишли хулосалар қилиш, бундай ҳодисалар қайси асрларга таалуқли, ўтмишдаги қайси воқеаларга алоқадорлигини аниқлаш учун тегишли мутахассисларни жалб қилиш ниҳоятда зарур.

Мутахассисларнинг айтишларича, бу ерда фойдаланилган иморатлар пойдеворида XIV асрдан илгариги қурилиш ашёлари борлиги аниқланган. Ҳатто, мўғул хони Кепакхон саройи устига Одина жомеъ масжиди қурилмаганми деган мулоҳазалар ҳам пайдо бўлмоқда. Чунки, ўша давр қурилишларидан дарак берувчи устунлар, деворлар топилмоқда.

Шунинг учун қурувчилар олдига Одина масжиди ва унинг атрофидаги барча қадимий иншоотларни охиригача топиш, тиклаш масаласини қатъий қўйиш лозим.

Умуман олганда, қурувчилар билан бир қаторда, у ерда олимлар, археологлар ва бошқа мутахассислардан иборат махсус экспедиция тузилса, улар ҳам ишлашса ва улар ўзларининг тегишли хулосаларини беришса, у ердан топилган ва топила-ётган ҳар бир гишт, ўтган асрларга тегишли қурилмалар, кўзалар, эшиклар ва ҳоказо нарсалар мутахассисларимиз текширувидан ўтса мақсадга мувофиқ бўлув эди...

Утган асрнинг 30 йиллари охирида, ҳибсхонага айлантирилган Одина жомеъ масжидини тиклаш ишлари бошланганига ҳам бир йилдан ошди.

Қўшимча бинолар бузиб ташланди. Арматура, қўпол михлар, темир пан-жаралар, цемент деворлар қўпориб олинди. Аста-секин бундан бир неча аср илгариги жомеъ масжидининг кўриниши намоён бўла бошлади.

Деворлар бузиб олиб ташлангач, деворлар ёриғидан, гиштлар орасидан устидан лой шувоқ қилиб яширилган ҳар хил ёзувлари бор қоғоз бўлақла-ри топилмоқда.

Мана улардан бири.

Мутахассисларнинг фикрича, ўтган асрнинг 20-30 йилларида ёзилган бўлиши мумкин. Ёзувлар лотин алифбосида бажарилган.

Уни тўлиқ ўқиш имконияти йўқ. Анча йиллар ўтганлиги учун қоғоз чириган, қаламда ёзилгани учун ёзувлар хира тортган. Унда фақат “юзим” деган сўз тўлиқ сақланган. Яъни, ўша вақт лексиконида “юзим ёруғ”, “ай-бим йўқ” маъносида шундай сўзлар ишлатилган.

Қоғозда эса, анча-мунчадан бери имзо қилиб юрган кишининг имзоси бор. Бу эса, қандайдир мансабда, вазифада ишлаган, анча вақтдан бери имзо қилиб юрган одамнинг имзосига ўхшайди.

Кўп ёзувларни эса, ўқиш имконияти бўлмади. Бу қанақа алифбо экан-лиги ҳам номаълум. Эҳтимол, шифр дир. Яъни, шартли сўзлар дир. Мута-хассислар фикрича, унда лотин алифбосининг айрим ҳарфлари учрайди. Аммо, уларни бир-бири билан боғлаб бўлмаяпти. Эҳтимол, қандайдир саводсиз одамнинг ёзуви бўлиши ҳам мумкин. Эҳтимол, бу маҳбус ўз айб-сизлигини ташқаридаги одамларга етказиш мақсадида ёзишга урингандир. Эҳтимол, у билан бирга бир камерада ётганлар ёзишни билмагандир.

Бу қоғоз яна ҳам кенгроқ, чуқурроқ ўрганишни талаб этади.

Бир ёзув эса, дуо эканлиги аниқланди. Яъни, мушкул аҳволга тушган одамга ёрдам бериш мақсадида, араб алифбосида ёзилган. Куръон сурала-ри туширилган. Ахир, қатағон даврида адвокат-ҳимоячи деган ҳуқуқшу-нослар жиноят ишларига қўйилмаган. Қамалган одам қайтиб чиқмаган, қандай бўлмасин уни айблашга ҳаракат қилинган. Давлатдан, унинг идо-раларидан шафқат кутмаган маҳбус, раҳмдил ва меҳрибон Оллоҳ, кало-мини ёнида олиб юргандир. Эҳтимол, уни бу дуо сақлагандир.

Бундан ташқари арklar атрофига қурилган қўшимча гиштлар олин-гач, арklar очилиб қолди ва унинг деворларидан қалам билан ёзилган ёзувлар чиқди. Улардан бири қуйидагича.

#### Форсча нусхаси:

*Қалам грифтаму гуфтам,  
Салом бинависам.  
Ҳикояти ғами худро,  
Бом бинависам.*

#### Таржимаси:

*Қалам олдим дедим,  
Салом ёзайин.  
Ўз куйдирувчи ғамим ҳикоясини,  
Том (девор)га ёзайин...*<sup>1</sup>

...Деворлардаги қолган ёзувлар ҳам ўрганилмоқда.

Арklarнинг устуни 2 метр 25 см. бўлиб, деворларга ўткир кесувчи нар-са, эҳтимол, мих билан ўйиғ бинонинг кириш эшиги тархи чизилган ва бино пештоқида абжад ёзувига ўхшаш ёзувлар бор. Аммо, уни ҳам ўқиш имкони бўлмаяпти. Балки, бу бино қурилган йил ёки ушбу ёзувлар битил-ган вақтни англатар?

Қадим деворлар ўзида қанчадан-қанча сир-синоатларни сақламоқда. Бу хусусда мутахассислар фикрини кутамиз.

<sup>1</sup> Ушбу битик Хожа Исмоил Бухорий номидаги Ислому ўрта махсус билим юрти - Китоб мадрасаси домласи Тошқулов Махтумқули томонидан ўқилди. Унинг тахминича бу битик 1900-1910 йилларда битилган бўлиши мумкин.



Назар Шукур

ДАСТЛАР, СИЗНИ СОҒИНАДИ  
 ЧОҒУДА

### Қишлоқ йўлида

Эшилади тупроқлар қалин,  
 Уст-бошимни қоплай бошлар чанг.  
 Силкинади адирлар ёли,  
 Иссиқ ҳаво ҳолни этар танг.

Чиқиб охир йўл чеккасига  
 Шим, кўйлакни қоқа бошлайман.  
 - Бу йўл асфальт бўлмаган нега?  
 Мен ўзимга савол ташлайман.

Ногоҳ эсар иссиқ шабада,  
 Чанглар келар дарғазаб оқиб:  
 - Бизни эмас, соғиниб кучган  
 Болалигинг ташладинг қоқиб.

Тупроқ йўллар оғринар бирдан:  
 - Сени кутдим ичиб кўзёшни.  
 Мени четлаб сен тошлар билан  
 Орзу қилдинг кўмиб ташлашни.

Дард зўридан портлайди кўёш:  
 - Уполмадим шаҳарда тўйиб.  
 Юзларингни беркитдинг бунда  
 Манглайингга кўлларинг кўйиб.

Якка дарахт сўрар:  
 - Сенмисан?  
 Бошинг эгик, сўйлагин, не сир?!  
 Келганингдан бу гал дўпписиз  
 Танимабман узоқдан, кечир!

Кучоқлайман дарахтни қаттиқ,  
 Бор танбехлар туюлади бахт:  
 - Турибсанми ҳали ҳам йўлда  
 Бу тупроққа содиқ, эй дарахт?

### Овозимнинг чегаралари

Чақираман айтиб номингни,  
 Келолмасдан, гулим, ўзимга.  
 Висол ишқи ўртар жонимни,  
 Тиқилади сўзлар бўғзимга.

Чақираман.  
Турар бемалол -  
Овозимни йироқлар ютиб.  
Шаҳд - шиддатин синдираар, алҳол,  
Собит қирлар кўксини тутиб.

Зилдай ҳижрон ўртада абад,  
Сен яшайсан баридан нари.  
Имкон бермай қийнар бешафқат  
Овозимнинг чегаралари...

## Бекинмачоқ

Чуқурликлар, деворлар орти  
Заб жой эди бекинмачоққа.  
Бўлиб олиб шунда тенг ёрти  
Ажралардик биз икки ёққа.

Бир жиддийлик кучди йилларни,  
Янги тортди хаёлу ҳислар.  
Панасида қолди йилларнинг  
Бекинмачоқ ўйнаган дўстлар.

Бир-бирларни топардик излаб,  
Қувлашардик ҳаллослаб яна.  
"Рақиб"ларни сотмасди бизга  
Ўз бағрига яширган пана.

Олис шаҳар олди бағрига,  
Боқдим севги йўлига муштоқ.  
Соғинтирди ўз дийдорига  
Кўзларимдан беркинган қишлоқ.

Сира парво қилмасдан шомга  
Бурчакларга бўлардик ғойиб.  
Тушиб ташвиш аталган дамга  
Излар эди онамиз койиб.

Тарқалишдик англагач ўзни,  
Кетдик бизлар ҳар ён бош уриб.  
Сўнг, йироқлар бир-биримизни  
Деворлардай қўйди яшириб.

Мафтун эдик йироқ-йироққа  
Ва дилларда орзулар тигиз.  
Ҳар кун кувноқ бекинмачоққа  
Дил берганди болалигимиз.

Қолдирганча ўзимни ёлғиз,  
Иқрор бўлмай севги шартига,  
Жим беркинди толеи ол қиз  
Тоғ ҳайбатли фиरोқ ортига.

Рай бермасдик дунё дардига,  
Бефарқ эди иссиғи, музи.  
Охир баланд йиллар ортига  
Болаликнинг беркинди ўзи.

Кимдир менга кин, зарда сақлар,  
Кўзларида яширин таъна.  
Қатталарбоп бекинмачоқлар  
Ўзи томон чорлади яна.

Дўстлар, сизни соғинган чоғда  
Соф ўйиннинг хаёли қийнар.  
Оҳ, бугунги бекинмачоқда  
Мен суймаган одамлар ўйнар...





Чори Аваз

РУХИМ ДУНЁСИНИ ИЗЛАБ  
КЕТАРМАН

### Куз эртаги

Тонг ели баданга ўрмалар,  
Вужудим бир ширин жунжикар.  
Мен кутиб турибман куёшни,  
Қизариб бормоқда кунчиқар.

Кун нафис ва илиқ кафти-ла,  
Сап-сариқ барглари силайди.  
Ел кўзим ўнгида ўзини  
Офтобнинг рангига берайди.

Табиат қайтадан жонланар,  
Лаҳзалар ардоқли кечади.  
Уфққа термулган тириклик  
Куёшни - оловни ичади.

Кўксимда умидлар ёнмоқда,  
Кетяпти юрагим гупириб.  
Нигоҳим биланми куёшни  
Олгандай уфқдан суғириб.

### Соғинч

Очгил кучоғингни, о, келгил, қани,  
Эй, менинг руҳимнинг излаб топгани!  
Сенинг висолингни кутганча интиқ,  
Титраб куйлаяпман бир ғамгин қўшиқ,  
Сен келсанг, қайтадан гуллагай хазон,  
Сен келсанг, ложувард туюлгай осмон.  
Сен келсанг, энг дилбар янграгай наво,  
Сен келсанг, бағримда тирилар дунё...  
Тагин хотиралар гулханида жим,  
Ҳинду мурдасидек ёнар вужудим.  
О, қани кул бўлиб қолсайдим буткул,  
Нечун шафқатсизсан бунчалар кўнгил?  
О, кўнгил, сен дея баъзан тутоқдим,  
Ёлғизлик даштида қанча улоқдим.  
Бахтиёр дамларим совурдим бутун,  
Зигирча ҳақиқат ушоғи учун...  
Энди мен, энди мен, энди нетарман,  
Руҳим дунёсини излаб кетарман?!  
Унда сен яшайсан, яшайди онам,  
Унда қишлоғим бор, бор мўъжаз кулбам.  
Унда мени кутар гўдак сингари  
Ҳасратли дўстларим толғин кўзлари.

Унда пошналардан қаварган йўллар  
Идроким мавжини тинглагай кўллар.  
Гўдакка айланиб қолган чол мисол  
Ўзимни бағрингга отарман алҳол.

## Кўзларинг

Сендан-ку кўнглим тўқ. Кўзларинг  
Бир нурли чаманга етаклар.  
Нигоҳинг - дилтортар болакай  
Кўзимдан сўрайди эртақлар.

Сен боис, заққумлар лаззатга  
Айланиб кўзингдан қайтади.  
Биз севган эртақни кўлларим  
Кўлингга пичирлаб айтади.

Нигоҳинг ҳаққини ахтариб,  
Юрагим қатини титаман.  
“Гап топа олмасам”, деган ўй  
Келару заққумлар ютаман.

Мен ютмоқ бўламан тилимни,  
Тил мени енгмоққа шайланар.  
Хайрият, мен чўчиб айтмаган  
Сўзлар ҳам эртақка айланар.

Сендан-ку кўнглим тўқ. Кўзларинг  
Бир нурли манзилга етаклар.  
Нигоҳинг - дилтортар болакай,  
Кўзимдан сўрайди эртақлар.

## Изҳор

Ишқ юракка найзасин санчди,  
Сачраб кетди оламга қоним.  
Ўксиб-ўксиб йиғламоқда жим,  
Ошиқлигим - бахтсиз имконим.


Келажакка бўйлайман аста,  
Нишон қолгай ғамимдан дил — хун.  
Менинг учун тузар гулдаста  
Ўн беш йилдан кейинги бугун.

Биламанки, бахтиёр бўлгум,  
Мени ғамлар сийлашади бот.  
Билмам, нечун йиғлайсан юм-юм,  
Юрагимда улгайган сабот?!

Келажагим - ўйчан гўдагим  
Хаёлларга ургин эгарни.  
Бир кун бирга излаб кетармиз  
Тушда кўрган шамсу қамарни.

Ишқ найзасин нишон айлаган  
Кўлда тутиб кемтик юракни,  
Юракнинг ўрнида олиб қайтамиз  
Шабнам янглиғ келин - чечакни.





Сувон Соқий

ЯНИНГ МЕН  
НАЗОРДА  
САНГА  
БАРМИК  
НАЗОРДА  
САНГА

## **Фидойилик**

Бу тор меникидир, чертмасин ҳеч ким,  
Навоси оҳимдир, чекмасин ҳеч ким.  
Бу жом меникидир, лиқ тўла бўлсин,  
Нўш этай, жомимни тўкмасин ҳеч ким.

Бу асо меники, тутмасин ҳеч ким,  
Бу тош меникидир отмасин ҳеч ким,  
Бу ниҳол, бу чаман, бу боғ меники,  
Анчар дарахтини экмасин ҳеч ким.

Бу дарё шиддаткор, наҳримдир менинг,  
Бу уммон терандир, баҳримдир менинг,  
Бу Ватан бепоён бағримдир менинг,  
Тупроғи гардимдир, тепмасин ҳеч ким.

## **Бўзтўрғай**

Кел, даламга, бўзтўрғайим, бўзлашайлик,  
Учиб-қўниб, яйра қушим ҳаволарда.  
Сенинг билан қуш тилида сўзлашайлик,  
Менинг дилим ташна эзур наволарга.

Осмон билан ер ораси мислсиз йўл,  
Кел, осмонда муаллақ тур, бўзтўрғайим!  
Чаманларда сайрайверсин тўти, булбул,  
Фақат сени тинглагайман, ўз тўрғайим!

Сен тўрғайсан, мен ҳам тўрғай бўлгим келур,  
Сенинг билан дашту қирда қолгим келур,  
Сен куйласанг, мен торимни чалгим келур,  
Кел, қошимга, қўн тўрғайим, сўзлашайлик,  
Кел, бошимга қўн тўрғайим, бўзлашайлик!

Бугун сенинг қўшиқларинг кўкка етди,  
Кўкка етди, қанотларинг ёз, тўрғайим.  
Бугун менинг армонларим Ҳаққа етди,  
Ҳаққа етди, куйлайвергин, бўзтўрғайим!

Қаро кунлар энди ҳаргиз қайтиб келмас,  
Кел, тўрғайим, саодатдан сўзлашайлик.  
Қуёш нури асло сўнмас, қўшиқ тинмас,  
Кел, қадрдон, қуш тилида бўзлашайлик!

## Муҳаббат

Ёмғир торларини тор этиб бўлмас,  
Шамолни тўхтатиб, бор этиб бўлмас,  
Муҳаббат аҳлини хор этиб бўлмас,  
Муҳаббат, жонгинам фидодир сенга!

Дарёйи сел бўлиб оқар қўшигим,  
Кўзингга гул бўлиб боқар қўшигим,  
Бағрингга гулханлар ёқар қўшигим,  
Муҳаббат, жонгинам фидодир сенга!

Сенсиз бу дунёлар сўқир, тап-тақир,  
Ақлимдан, ҳушимдан жудоман, фақир,  
Сенсиз юрагимни бургутлар чўқир,  
Муҳаббат, жонгинам фидодир сенга!

Сен гўзал хилқатсан, мен сенга шайдо,  
Борсанки, дилларда мурувват пайдо,  
Йўқ эрсанг, очунда мусибат пайдо,  
Муҳаббат, жонгинам фидодир сенга!

Азалдир, оқибат муҳаббат бордир,  
Муҳаббат ҳамиша одамга ёрдир,  
Сендан айро тушган меҳрга зордир,  
Муҳаббат, жонгинам фидодир сенга!

Севгилим, муҳаббат саодатимдир,  
Саодат - ёр сенга садоқатимдир,  
Вафою садоқат - қўшқанотимдир,  
Муҳаббат, жонгинам фидодир сенга!

Ёр, сенга субҳидам илтижо этдим,  
Меҳрингни дилимга жабожо этдим,  
Соғиниб, соғинчинг нақшини битдим,  
Муҳаббат, жонгинам фидодир сенга!

Ким сенга етмишдир, ҳаққа ёр ўлан,  
Етмаган ошиқлар телбавор ўлан,  
Етганлар Соқийдек бахтиёр ўлан,  
Муҳаббат, жонгинам фидодир сенга!







Хусан Эшмуродов

УМР ХАМ ЯДРОҚДАЙ ОМОҲАДИ  
НУЖ  
ЭЖАН

### Кўнғиротнинг ўтови

Насл-насабимдан кетса агар сўз,  
Бош бобом-Алпомиш демиш улуғ зот.  
Бир томон Барчиной момом-хумор кўз,  
Бир томон-Добонбий ўктам, кўнғирот.

Йўлингиз тушса гар Бойсун тарафга,  
Кўҳна Танғихарамга тўхтанг бир нафас.  
Дуч келган биринчи ўтовга кўнинг,  
Мени билмоқ учун шунинг ўзи, бас!

Менинг кимлигимни айтади сизга  
Керагада турган анов дўмбира.  
У оддий ёнғоқнинг танаси эмас,  
Бойсари бобомдан қолган хотира.

Бойлик ҳам, шавкат ҳам - бу қўлнинг кири,  
Мен учун ор, номус баридан зўрроқ.  
Чунки, бобом ўтган кимсан Бойбўри,  
Балки қайсардирман, балки ўжарроқ.

Тўрдаги анову қашқари тўрва,  
Анов қошиқ халта, анов сирли қур,  
Сизга баён қилгай унсиз, забонсиз,  
Синглим Гулшоддан то Барчинга довур.

Адирга тикилган ҳар бир ўтовга,  
Тепадан Тўнкарма тушмаса бекор.  
У момо Барчиннинг бебаҳо боши,  
Удир Кўнғиротдан қолган номус, ор.

Бийлар салтанати тизмаларга жо,  
Соқов тўрлиқларга сингган ўкинчлар.  
Чийдан сизиб чиққан гоҳида нидо,  
Баъзан кезиб чиққан мужда севинчлар.

Тўрдаги осиглиқ у шоҳ тўрвани,  
Безабди турфа хил рангларга бўяб.  
Менинг қаддим тутар шу элат ҳисси,  
Увуқлар Чанғороқни тургандай суяб.

Чанғороққа қадалган увуқ-увуқмас,  
Беш ёшли Ҳакимнинг куч-бардошлари.  
Тўнкармадан тушган сонсиз арғамчи-  
Гўзал Ойбарчиннинг ўкинч ёшлари.

Дўсту қадрдонлар тушса йўлингиз,  
Бир зум назар ташланг, сиз, ўтов томон.  
У узоқ ўтмишдан хотира бўлиб  
Қаршимда ястаниб турибди ҳамон.

### **Ўғлимни отам деб суйгим келади**

Тоғларга тикилиб тўйгим келади,  
Кўксига бошимни қўйгим келади.  
Мен ҳар гал меҳрга дар қолганимда,  
Ўғлимни отам деб, суйгим келади.

Умр ҳам япроқдай омонат экан,  
Тўкилган тупроқдай иморат экан.  
Диёнат экану унинг тенг ярми,  
Тенг ярми адоват, хиёнат экан.

Қайрилиб қарайман қирқ уч ёшимга,  
Омад четлаб ўтар, келмай қошимга,  
Ҳою ҳавасларни босиб тўшимга,  
Ўғлимни отам деб, суйгим келади...





## ШОЗА УМИДНИ ТУТИМ ҚОЛОМ

*Ўзбекистон халқ устаси Баҳодир Ниёзов қиёфасига чизгилар*

Сиз “мўъжиза” деган сўзни кўп эшитгансиз. “Мўъжиза яратмоқда”, деган гап ҳам кулоғингизга чалинган. Лекин, айнан, мўъжизанинг содир бўлаётган онларига гувоҳ бўлганмисиз? Мен гувоҳ бўлганман. Ҳозиргина кўз ўнгингизда турган, ҳатто кафтингизга олиб, ҳароратини ҳис этганингиз бир ўюм тупроқ лойга, лой эса турфа шаклларга айланиши мўъжиза эмасми? Йўқ, йўқ улар шунчаки шакллар эмас. Бармоқларингизни теккизсангиз лагандаги ёриқ анордан қип-қизил шарбат томадиганга ўхшайди. Ёки, иккинчи лаганни қўлингизга олсангиз, ундаги дарахтлар шовуллаб юборадигандай туюлади. Сизга бу тасаввурлар шу қадар ёқадики, уларнинг таъсирида ўз тасаввурларингиздан чиқиб кетгингиз келмайди. Нега шундай? Ҳолбуки, кўриб турганингиз, илоҳий оламдан сизни ҳайратга тушириш учун юборилган буюмлар эмас. Улар кулол қўли билан ясалган сопол буюмлар... Демак, ҳамма гап уларни ясаган соҳиби ҳунарларда экан-да. Бир донишманддан “Ватан туйғуси, ватан туйғуси, дейишади... Бу қандай рангда, қандай шаклда?” деб сўралганда, “Бу туйғу ҳар кимнинг ўз юраги шаклида ва ўз муҳаббати рангида”, деб жавоб берган экан.

Ўзбекистон халқ устаси, таниқли кулол Баҳодир Ниёзовнинг ишларини кузатганингизда, беихтиёр ўша донишманднинг жавоби эсга тушади. Чунки, Баҳодир ясаган сопол буюмларнинг шакллари, ранглари билан унинг овози, нигоҳидаги хаёлот, кечинмалари орасида ажиб уйғунлик кўраман.

- Кулоллар тупроқни кўйдириб буюм ясагани учун яратган эгамнинг улардан бироз гинаси бор экан, шу боис, обрў-эътибор берса-да, ҳаддан зиёд бойлик, давлат бермас экан, деяпсиз... Бизда бошқачароқ нуқтаи назар ҳам йўқ эмас. Яратиш фақат Оллоҳга хос. Одамзод тупроқдан бино бўлган, унга куй билан жон ато этилган, деган гаплар бор-ку... Халқда ҳеч нарса бекор айтилмайди. Ҳар ҳолда кулолчилик, оддий ҳунармандчилик эмас. Унда ақл, қўл, юрак - барабар иштирок этади. Қўл қанча ишласа, руҳият, тафаккур ҳам шунча ишлайди. Шахсан мен: “Ҳозир ишлайман”, деб қўлимни ювиб, лой ёнига ўтиролмайман. Аввал руҳиятим моддий дунёнинг икир-чикирларидан баландроққа кўтарилиши керак...

Баҳодир Ниёзовнинг ўшандай ҳолатлари ҳам менга таниш. Кимлардир илҳом дея атайдиган бундай ларзали, чақмоқли лаҳзаларни унга кўпинча шеърият, хусусан, Чўлпон шеърияти олиб келади:

*Чечаклар ўсгуси кўз ёшларимдан,  
Бўғинлар унгуси уйлашларимдан,  
Қалблар юмшагуси сайрашларимдан,  
Севги чаманида яйрашларимдан,  
Жаннатлар яратган ташланган жонда.*

*Тилинган тилларга қон югургуси,  
Бўшалган ипларга жонлар киргуси,  
Тиконли боғчалар чечак кўргуси,*

*Ҳақ йўли, албатта, бир ўтилгуси,  
Жандалар жонимга теккан кунларда...*

- Мен Чўлпон ҳазратларини жуда кўп ўқийман ва ҳар гал ўқиганимда, яратаётган, ижод қилаётган нарсам (вожаб, уни нарсая дейиш мумкинми?)нинг бирон шакли, бирон чизгиси, бирон рангларини аниқ ҳис қиламан... Инсоннинг озодлик, эрк ҳақидаги мангу орзулари, адолат соғинчлари, бу йўлдаги курашлари, изтироблари, гоҳ парча-парча бўлган руҳиятини қайтадан тиклашлари - ҳамма-ҳаммаси тасаввуримда шакл бўлиб чизила бошлайди... Ишга киришаман...

Сопол лагандаги бешта дарахт, илдиллари бир-бирига туташ, шохлари бир-бирига чирмашган... Улар шу туришда қудрат, шу туришда куч. Шу туришда шовуллаб тунларни уйғотади. Тунга ваҳима солади. Ҳамиша шиддатли... Агар улардан бирортасини олиб ташлашса-чи... Аёзлар киради орасига, бўшлиқ киради...

Ҳар бир санъат асари ижодкорининг тасаввури билан муҳлиси - томоша қилувчиси тасаввури тенг келмаслиги ҳам мумкин. Нима бўпти? Санъат шунинг учун ҳам санъат! Агар икки карра икки баробар тўрт, дегандай аниқ бўлганда, у кулолчилик эмас, бошқа нарсая бўларди

Баҳодир Ниёзовнинг яна бир асари - сопол лагандаги анор тасвирини ҳам кўздан кечирайлик. Бир чизиқ шаклида ёрилган анор... Увайсийнинг чистони келади ёдга. Яна эрк йўлидаги бепоён масофа ... бу масофада юрак билан югураётган инсон... Майли, у аёл бўлсин, майли эр киши бўлсин... Ахир, озодликка интилишнинг жинси борми? Интилишнинг ранги бор, холос! Баҳодир Ниёзов талқинида, у қон рангида, чўғ рангида, учқун рангида.

Баҳодир Ниёзовнинг бармоқлари текканда сопол кўзалар, сопол шамдонлар бошқача бир кўринишни зоҳир этади. Кулолнинг ўзи буни шундай шарҳлайди:

- Мен Қашқадарё воҳасининг Касби деб аталадиган қадим бир гўшасида туғилиб, ўсганман. Қадим ажодларимиз кулолчилик билан шуғулланишган. Султон Мир Ҳайдар зиёратгоҳидан кўплаб сопол синиқлари топилган. Мен ўша синиқларни кафтимда узоқ тутиб ўтираман. Боболаримиз кўзаларга сир бериб, ажиб безаклар туширишган. Биз бу сирлар сирини ҳалигача топа олмаймиз. Касбида Даврон кулол Итолмасов бор, ўша киши билан ҳар гал борганимда, дилдан суҳбатлашаман. У киши кулолчилик касби хор бўлган замонларни кўрган. Бугунги кулолчиликка эътибордан кўнгиллари ўсган. Мен ўша қадим Касби кулолчилигидан “ўқиган” илмларимни бугунги ишларимга сингдиргим келади. Ҳар бир санъат асарида ўз замонининг руҳи акс этиши керак. Шунинг учун бугуннинг фалсафасини бугунги ёшлар, бугунги сўзлар, бугунги орзулардан ахтараман...

... Баҳодир Ниёзов ақсарият санъат кишиларидан фарқли ўлароқ, иш одами. У асардан-асарга ўзиниянгилайди. “Мен фақат ўзим учун ижод қиламан, ўзгалар мени тушунишмайди”, деган гапларни у мутлақо қабул қилмайди. У доим ҳаётга фаол аралашади, ўз соҳасига ўз қарашларини олиб киришга интилади. Шунинг учун қуйидан юқоригача ўтказиладиган “ташаббус” кўрик-танловларида иштирок этади. Голиб бўлган лаҳзаларида одамлар эътирофидан қувонади.

- Қашқадарёдаги “Тоҳир ва Зухра” мажмуи, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, вилоят ташхис маркази биноларининг ички қисмларини безашда қатнашганим. Каттароқ ишларга қўл ургим келарди. Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйини ўтказиш мақсадим учун катта имконият очди...

Баҳодир Ниёзов Қарши шаҳридаги 2800 ўринли амфитеатр биноси фасадига ўрнатиладиган монументга керамик панно лойиҳасини мутахассислар эътиборига ҳавола этди. Рассом-кулолнинг аниқ тарихий воқеаларга таяниб яратмоқчи бўлган образлари бу соҳа билимдонлари диққатини тортди.

... Яхлит бир мавзу билан бир-бирига боғланган иккала паннонинг умумий майдони 40 квадрат метрни ташкил этади. Паннонинг марказида

шер образи ... Давлат ва куч тимсоли ўз муқаддас заминнинг жасоратли кўриқчиси... Унг томондаги панно марказида туя образи. Бу ниҳоятда сабр-бардошли жонивор. Минг- минг йиллик саҳролар оралаб кумуш кўнғироқларни жаранглатиб ажодларнинг ўлмас умидларини авлодларга олиб келаётгандай...

- Термиз шаҳридан XI-XII асрга оид археологик манбалар топилган. Шер образини ишлаганимда, ўша қадимги тасвирлардан кўп нарса ўргандим. Туя тасвири XII аср суғд маданий ёдгорликларида кўп учрайди. Шундай тасвир туширилган кўза Эрмитажда сақланади. Қанотли туя ўша образга асосланган...

Мен биламан, рассом-куллол ҳеч нарсани айнан кўчирмайди... Фақат ўз илдизимиз билан боғловчи ришталарни қолдириб кетмасликка, уларга қайта ҳаёт бахш этишга уринади. Фақат бир ранг - қуёш ранги унинг асарларидан - асарларига кўчиб юради. Бу унинг ҳамиша яхшилиқка ишонувчи қалбини кўрсатади. У Республика рассомлик коллежи (собиқ Беньков номидаги билим юрти)ни битирганда, гулоб рангини севарди. Муҳаббат ёши, истакнинг имкондан торлиги... Ким билади, яна нималардир бу рангни севдирган экан унга... Ўғиллари ёнига кирганидан фахрланади. Ўзи бошчилик қилаётган Республика “Хунарманд” уюшмаси Қарши бўлимида амалга оширилаётган ишлардан қувонади.

... Ҳар бир миллатнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатувчи тафаккур қудрати, қалби имконларини намоён этувчи соҳалар бўлади. Шарқ мақоми сирларини, унинг қочирим, нолаларини ким яна бизчалик ҳис этади?! Танбур, най наволарини-чи?

Хоразм қайроқлари яна қайси халқ қўлида шундай жаранглаши мумкин?

Кулолчилик ҳам шундай ноёб санъат.

- Кулолчилик уфқларининг ҳудудлари кенг. Ҳам шакл, ҳам ранглар муҳим рол ўйнайди. Рассом-куллол тупроқ, лой таркибини, рангларни аниқ ҳис этиши зарур...

Баҳодир Ниёзов билан суҳбатлашиб, унинг ишларини томоша қилгандан сўнг, одам негадир оддий ҳаётга қайтгиси келмайди. Ўша бир чеккаси Чўлпон шеърларига туташган олам бағрида қолгиси келади. Ҳолбуки, рассом-куллол ўз ишлари, ўз ҳаётига сеҳрли бир тус бермайди. Иложи борича, ўзини қандай ҳолда бўлса, шундай тахлитда кўрсатишга интилади. Фақат, биз - мухлислар ўша оддийликдан мураккаб кечинмали шахс қиёфасини топамиз. Ва, бу топиш, ўзимизни топиш қадар ёқимлидир.

Бўритош Носирова





## Қайноқ ҳаёт масвири

Адиб Самар Нурни ёдлаб

Ёзувчилик қисматининг энг мураккаблиги китобхон қалбига йўл топиш учун тинимсиз ҳамда машаққатли меҳнат билан бадиий сўзлар шодасида ҳаёт воқеалиги ва инсон фаолиятининг ранг-баранг фаолиятини юксак эстетик мезонларда тасвирлаб беришдир. Ана шу масъулиятни ҳис қилиб адабиётнинг муқаддас даргоҳига қадам қўйган ҳар бир ижодкор энг аввало ўз сўзини айтишга ҳаракат қилади. Таниқли ёзувчи Самар Нур ўтган аср ўзбек насри бўстонида ўз сўзини айта олган ёзувчилардан бири эди.

Адиб ижодининг асосий мазмун-мундарижасини фидоий ҳамюртлари ҳаётини тасвирлаш, уларнинг қувончу ташвишларига ҳамдард бўлиш ташкил этади. Унинг "Чўл уйғоқ", "Дурдона", "Бир уй қувонч", "Беда ҳиди", "Бодом гули", "Қур-эй, қур-эй", "Яйловдаги гулханлар", "Саҳархез қушлар" номли ҳикоялар тўплами, "Сени севаман, ҳаёт", "Лайлатулқадр", "Олис юлдузлар", "Давомли мактублар", "Раис" қиссалари, "Нарвон", "Майсаларни аёз урмайди" каби романларида даврнинг энг долзарб муаммолари, хусусан, инсоний поклик ва ҳалоллик, эътиқод ва садоқат, фарзанд ва ота-она муносабати, инсон ва табиат, бурч ва масъулият каби маънавий масалалар ўзининг бадиий талқинини топган. Ёзувчи ўз асарларида баён этган бадиий тафаккури орқали Қарши чўлларининг тилсимини очган. Қашқа воҳасининг бағри кенг ва руҳи пок, танги ва меҳнаткаш одамлари образини ҳамда воҳанинг ўзига хос жаннатий ва илоҳий табиати манзараларини, руҳи ва иймони тасвирини адабиётга олиб кирди.

Айтиш мумкинки, Самар Нурнинг ижодий ҳаёти, маънавий ва жисмоний иродаси катта жасорат намунаси бўлиб қолади. Ёзувчи ҳаётдаги бир тасодиф туфайли ўттиз йилдан кўпроқ вақт ногирон бўлиб қолганига қарамай, ўзининг метин иродасини, оғриқли, ўкинч ва армонларга тўла ҳаётини воҳанинг долғали воқеаларга бой тарихини, юртдошларининг қувончу ташвишларини бадиий ёритишга бағишлади.

Таниқли адиб Раҳмат Файзий ёзувчи ҳикоячилиги ҳақида тўхтаб шундай деган эди: "Самар шингил ҳикоялари билан ўзбек адабиётида унутилаётган жанрга қайта жон бағишлади". Ҳақиқатан ҳам у бир қатор ҳикояларида катта маъно ташувчи фалсафий хулосалар чиқаради. Хусусан, "Элак" номли ҳикоясидаги она ва бола суҳбати орқали катта ҳаётий фалсафа талқин этилади. Ҳикояда унни элакдан ўтказиш мисолида жамиятда нопок кишиларнинг озми - кўпми борлиги огоҳ этилиб, яхшилар орасида ўралашиб юрган нопок кишиларни ҳам элайдиган элак бўлишини истаган бола саволига онанинг жавоби билан ҳаётнинг ўзи элак эканлиги ўқтирилади.

Ҳикоялардаги қайноқ ҳаёт тасвири, давр томир уришларининг табиий талқини, халқимизнинг урф-одатлари, эзгу-ниятларининг пухта сюжетда берилиши ёзувчини жанрнинг таниқли вакиллари билан бирига айлантди. Айниқса, унинг сўнгги йилларда яратган ҳикоялари замирида ҳикматлар, халқона донишмандлик нафаси сезила бошлади. Ёзувчининг ҳикояларини ўқир экансиз, уларни шартли равишда "замирида ўлан ҳикояларни жам этган" ҳикоялар деб атагингиз келади. Чиндан ҳам ёзувчи ҳар бир ҳикоясида ўзига хос донишманд, нуроний зот қиёфасида жонланади. Ана шундай фалсафий негиз "Тумор" ҳикоясидаги Очил образи талқинида ҳаётий лавҳалар орқали очиб берилган.

Ёзувчининг бошқа, хусусан, "Саҳархез қушлар", "Қўшиқ", "Дов" сингари ҳикояларида ҳам зоҳиран композициядаги соддалик кузатилади. "Саҳархез қушлар"даги Неъмат ота ўғлининг номзодлик диссертацияси ҳимояси баҳонасида

шаҳарга тушади, турли воқеалар ва манзаралар гувоҳи бўлади. Бироқ, ёзувчи Неъмат отанинг қишлоқдаги барчага ўхшаш ҳаётини ёки шаҳардаги саргузаштини кўрсатмоқчи эмас. Ёзувчининг мақсади чўл одамлари ҳаётига ўрганиб қолган саҳархез қушлар хосиятини, улар ҳақидаги эл орасидаги ҳақиқатни баён қилишдан иборат. "Осмоннинг кунчиқар этаги ёриша бошлаганда қушлар бирдан тиниб, Қашқа, Қўнғиртоғ этакларига учиб кетишди... Қушлар учиб кетган дарё томонга, кулранг тоғ этакларига ҳавас ва армон билан тикилди. На одам товуши, на қўйларнинг "ба-ба"си, на хўроз қичқириви эшитилади. Бу товушларсиз тонг жуда ғариб отаркан".

Адибнинг "Беда ҳиди" ҳикоясида ҳам гўё ҳар кунгидек ҳаёт қаламга олингандек. Уйга меҳмон келиши. Бу меҳмоннинг ким учундир қутилган, ким учундир малол бўлиши, дўстларнинг паст-баланд сўзлари, улфатчилик, бой берилаётган вақт - ҳаммаси табиий. Бундан катта фикрни кутиш ҳам жоиз эмас. Аммо ҳикоя сўнггидаги атрофни тутган беда ҳиди асар моҳиятига кучли маъно юклайди. У Нусратни қайта тарбиялади. Нусратбек зоҳиран инсон, яшаш тарзи жиҳатидан, ақл-идроқи жиҳатидан инсон, оиласи, ёр-дўстлари борлиги жиҳатидан, хуллас, одамлар орасида яшаётгани билан инсон. Бироқ қалбан у инсон, деган тушунчадан анча узоклашиб кетган. Унинг қалби йўқ. Қалби ўлиб бўлганлигини беда ҳиди унинг ёдига солади...

Адиб ижодининг тадрижий йўлига эътибор берилса, у ҳар бир янги асарида маҳорат қирраларини эгаллаб борганлигини кузатиш мумкин. Унинг ҳар бир янги асарида давр талабларига мос гоёвий мазмундорлик ва бадиий баркамоллик кучайди, янги образлар пайдо бўла бошлади. Бундай хусусиятлар унинг қисса ва романларида бўртиб туради. Айниқса, унинг қиссаларида чўл воқеалари ва дашт одамлари тақдири қизиқарли вазиятларда, мураккаб ҳаёт кучовида кўрсатилади. Оддий меҳнаткаш инсоннинг маънавий дунёси, унинг руҳий олами, хуллас, бутун қиёфаси бадиий тадқиқ объекти қилиб олинади. Ёзувчи асарларига синчиклаб эътибор берилса, ўзига хос муштракликнинг яна бир фазилати ҳам кўзга ташланади. Хусусан, "Раис" ва "Майсаларни аёз урмайди" каби йирик жанрдаги асарлар қаҳрамонларининг кўпчилиги билан биз унинг қатор ҳикояларида учрашиб чўл сийнасида бирга кезишган эдик. Бу қаҳрамонлар адибнинг қисса ва ҳикояларида янада ақл - заковатли ва маънавий жиҳатдан камолотга эришган инсонлар сифатида кўзга ташланади. Қолаверса, адабий танқидчилик ўз пайтида ёзувчи ижодий лабораториясини ўрганганда, Қарши чўлини ўзлаштиришда қаҳрамонлик ва фидойилик намуналарини кўрсатган юртдошларимизнинг ҳаётдаги прототиплари билан танишган бўлардик...

Самар Нурнинг прозасига хос бўлган унинг индивидуал ижодий қиёфасини белгилловчи омилда, яъни, унинг воқеликка эстетик муносабатида ҳаётнинг носоз томонларини драматик кескинлик негизда юзага чиқувчи тасвирлар асосида очиб бериш, эстетик танқид орқали тасдиқлаш, турмуш воқеаларининг бутун зиддиятини, ички мураккаблигини кўпроқ одамлар тақдири фонидан бериш усулида бадиий - ижтимоий типлар яратиш санъати устувор ўринга чиқадди. Унинг замонавий мавзуда яратилган "Раис" қиссасида ҳам ана шу индивидуал услуб қирраси кўзга очик ташланади. Бу хусусият асардаги Мамажон, Қурбон ака, Чори ота ва Бек ака каби образлар қиёфасида намоён бўлади.

Бадиий асар мавзуи ижтимоий моҳияти билан таъсирли ёритилган чоғдагина адабиёт учун зарур ва қадрлидир. Чунки мавзунинг катта - кичиклиги эмас, балки у орқали асарда ифодаланадиган гоёвий концепциянинг даврга мансуб илғор ахлоқий - психологик хусусиятларига ҳамоҳанглиги, салмоғи, санъаткорона етказилиши ҳал этилади. Бошқача айтганда, мавзу муаллиф кўнглида узок ардоқланиб етилган гоёна амалда бадиий кашф этиш майдонидир. Бунинг миқсолини ёзувчининг замонавий мавзуда ёзилган "Майсаларни аёз урмайди" номли романи тажрибасида кўриш мумкин. Дарҳақиқат, ўз пайтида адабий ҳаётимизда катта баҳсларга сабаб бўлиб адабий - илмий жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланган мазкур романда ёзувчи индивидуал услубига хос янги қирралар, яъни, мақсадни драматик моҳиятли ҳолатлар тасвирида ифодалаш маҳорати алоҳида кўзга ташланиб туради. Ёзувчи ижодидаги бу фазилатни тўғри пайқаган ва унга муносиб баҳо берган атоқли адабиётшунос Озод Шарафидинов роман нашрида тақризчи сифатида иштирок этиб, қуйидагиларни ёзган эди: "Самар қишлоқ ҳаётини тасвирлар экан, айрим ёзувчилар сингари бир ёқламалikka берилиб кетмайди, чучмал ҳаёт манзараларини чизмайди, идилия яратмайди. Аксинча, асарда у ҳаётийлик принципига қатъий амал қилади, қишлоқ ҳаётидаги бугунги муҳим зиддиятларни очик-равшан кўрсатади". Ёзувчи романда ҳаётдаги ана шу муҳим зиддиятларни ҳаққоний тасвирлаш мақсадида ўз қаҳрамонларини қишлоқ хўжалиги илмий - тадқиқот институти олимлари ва

қишлоқ пахтакорлари орасидан танлайди. Асар қаҳрамонлари илмий кашфиётлар, ҳақиқат учун курашиш ва изланишга, она табиатни кўз қорачиғидай пок сақлаш йўлидаги зиддиятга, оғир ва мураккаб турмуш чорраҳаларидаги тўсиқларни енгиб ўтишга тўғри келади. Китобхон асардаги институт олимлари ва шу тажриба майдони жойлашган хўжалик раҳбарлари ҳамда пахтакорлари фаолияти, улар ўртасидаги муносабатлар, курашлар орқали "Инсон инсон бўлиб қолиши керак!.." деган ғоянинг ижтимоий моҳиятини англаб етади.

Заҳматкаш адиб Мустақиллик йилларида истиқлол имкониятларидан илҳомланиб тарихий мавзудаги "Қора тонг" («Қарши хони») романини ёзди. Хусусан, ёзувчи суҳбатларининг бирида бу романи уч китобдан иборат асар сифатида яқунлашни ҳикоя қилган эди. Минг афсуски, бевақт ўлим муаллифга романи нашр этиш ва адабий жараённинг катта даврасида адабий танқидчиликнинг баҳосини эшитиш имкониятини бермади. Роман 2003 йилнинг охирида ўқувчилар қўлига теғди. Айтиш жоизки, ёзувчининг ушбу асари ўзининг эпик кўламдорлиги, мавзунинг мазмун ва моҳият нуқтаи назаридан ўзига хос бадиий талқини билан тарихий романчилигимизни бойитиши, шубҳасиз. Роман асосида XIX аср иккинчи ярмида Туркистонда бўлиб ўтган воқеалар ётади. Хусусан, чор Россиясининг юртимизга босқини, Бухоро амири Музаффархоннинг юрт тақдири ҳал қилинаётган муҳим фурсатда журъатсизлиги, амирнинг валиаҳди Абдумалик тўранинг душманга қарши аёвсиз кураши, унинг Қарши ва Шаҳрисабздаги фаолияти тасвирланган.

Роман бошланишидан оқ шиддатли воқеаларга бой. Муаллифнинг маҳорати амир Музаффар нуқул қора бўёқда, чоризм қўшинларига қарши халқ ҳаракатининг йўлбошчиси Абдумалик тўрани фақат ёрқин бўёқларда, бирёқлама тасвирламайди. Адиб амир Музаффарнинг аввалги вақтларда имкони борича Бухоро салтанатини чор Россияси босқинидан ҳимоя қилиб, бир қанча жанглар қилганини, лекин душманнинг макр-ҳийласига учиб, ватан мудофаачиларига қарши хоинларча қилмишларини ҳаққоний тасвирлайди. Амир Музаффар ҳатто чор қўшинлари устидан валаба қозонаётган ўз ўғлига - Абдумалик тўрага хоинлик қилиб, ивгоарларни юбориб, унинг қўшинларини парокандаликка учратади. Лекин, босқинчиларга қарам бўлгач, юрагида қасос олиш умиди уйғонади, аммо бунинг иложини тополмай азоб чекади.

Муаллиф романда чоризм қўшинлари босқини бошланган вақтда вазиятни бениҳоя мураккаблаштирган барча ҳолатларни ишончли тарихий манбаларга суяниб, ҳаққоний тасвирлайди. Асарда маърифатчи Аҳмад Дониш амир Музаффар томонидан сийланса-да, у амирни халққа чексиз жабр - зулм қилаётгани учун ёмон кўради. У бир неча марта Петербургга бориб, Россиядаги таракқиётни кўргани учун, "руслар маърифат келтиради, бу ердаги жаҳолат, хурофотлар, ўзаро қирғиналарга чек қўяди", деб ишонади. Амир Музаффарнинг тўнғич ўғли Абдумалик тўра аллома Донишнинг бу фикрига қўшилмайди. Чор генерали фон - Кауфман амир Музаффарни алдаб, ўлка аҳолисини қул қилувчи сулҳ шартномасига қўл қўйдиради. Бу шартномага кўра, бутун Туркистон истилочилар қўлига ўтади, фақат Бухоро ва унга қарашли айрим вилоятларгина амир Музаффар қўлида номига "мустақил давлат" бўлиб қолади. Ҳар йили юртнинг ярим бойликларини оқ подшоҳга бож - хирожга тўлаб турувчи давлатни мустақил дейиш мумкинми? Халқ мудофаачилари буни яхши тушунадилар. Асоратда, қуликда яшашга рози бўлмаган халқ, унинг кўплаб йўлбошчилари қаттиқ қаршилик жангларини бошлайдилар. Аммо, амир Музаффар ва айрим сотқин бойлар хиёнатга билан халқ мағлубиятга учрайди.

Адиб, ана шу тарихий мағлубиятга замин тайёрлаган ҳукмдорлар ва одамларнинг ҳам асосий қисми жаҳолатга, ғафлатга, хурофотга берилганини, инсон қадар - қиммати оёқ ости қилинаётганини, ёрқин характерлар, фожиали қисматлар орқали равшан тасвирлайди.

Ёзувчи ҳаётида содир бўлган фалокат унинг метин иродасини бука олмади. Адиб жасоратли меҳнати учун "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвонига сазовор бўлди. Энг муҳими у умрининг охири (2003)гача, ўлим чангалида ҳаёт кечирса-да, "ҳаётга, одамлар ва уларнинг тақдирига, воқеаларга теранроқ муносабатда бўлди. Қашқадарё аталмиш маъвонинг руҳий имонини, илоҳий табиатини ўз асарларига жойлаб" (Х. Тўхтабоев) ижод намунасини кўрсатди, таҳлилу эътирофларга арзигулик адабий мерос қолдирди.

Дамин Тўраев,  
филология фанлари доктори.



# Қатрада кўёш янглиф...

Умум ўзбек адабиётининг юксалиш ҳамда тараққиётини, ўтмиши, бугуни ва келажagini, албатта, вилоятлардаги адабий муҳитсиз асло тасаввур этиб бўлмайди. Адабиёт аталмиш мўъжаз маъвонинг доимийлиги ва ҳаётийлигини таъминлашда, ҳар қандай давр ва замонда ҳам воҳалар, вилоятлар, чекка гўшалардаги ижод аҳллари ўзларининг “улушлари”ни кўшиб келишган. Бошқача айтганда, муайян жойда яшаб ижод этган йирик шоир ва адиблар таъсирида, ўша ҳудудда ўзига хос ижодий, яъни, “адабий муҳит” юзага келган. Ижод оламига Гулҳаний, Махмур, Нодири, Увайсий, Фурқат, Муқимий, Завқий сингари кўплаб мумтоз шоирларни “етиштириб” берган Қўқон адабий муҳити ўз замонида Хоразмий, Сайфи Саройи, Мунис, Огаҳий, Феруз... каби йирик мумтоз адабиёт намояналарини “армуғон этган” Хива адабий муҳитини мисол келтириш мумкин.

Бироқ, таассуфлар бўлсинки, шу нуқтаи назардан қараганда, тарихан илдири бoқий, узoқ ўтмишдан бошлаб шаклланиб келатган Қашқадарё адабий муҳитини ўрганиш, тадқиқ этиш яқин йилларгача эътибордан четда қолиб келди. Дарслик, қўлланмаларда мазкур адабий муҳит учун саҳифалар “ажратилмади”. Бу борада, яна бир ҳаётий мисол. 2000 йилда нашр этилган “Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси”да ҳам (124 бет) Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Каттақўрғон, Хива, Андижон, Шаҳрихон адабий муҳитлари номма-ном зикр қилинган ҳолда, Қашқадарё ёхуд Насаф ва Шаҳрисабз адабий муҳити тўғрисида лом-мим дейилмаган.

Табииyki, биз бу ўринда Қашқадарё адабий муҳитини бошқа ҳудудлардаги адабий муҳитлардан устун қўйиш, унинг нуфузини бўрттириш фикридан йироқмиз. Мақсадимиз оддий. У ҳам бўлса, нафақат ўзбек миллий адабиёти, балки жаҳон маданияти хазинасига ўзларининг ўлмас асарлари билан беқиёс ҳисса қўшган ёрқин аллома, адиб ва шоирларга бешик бўлган Қашқадарё заминининг улугворлигини эътироф этиш, холос.

Муҳтарам Юртбошимизнинг: “Ҳеч шубҳасиз Қашқадарё воҳасининг нақадар катта тарихий ва маданий меросга эга экани ҳақида гапиришимиз бугун, албатта, ўринлидир”, деган сўзлари фикримизнинг яққол далилидир.

Манбалардан аёнки, Қашқадарё адабий муҳити ҳам жуда қадимий. Қашқадарё воҳаси азалдан илм-маърифат масканларидан бири бўлиб келган. Хусусан, қадимда Насаф Ўрта Осиёдаги тўртта ҳадисшунослик мактаблари (Марв, Бухоро, Самарқанд сингари)дан бири, кўҳна Кеш (Шаҳрисабз) эса, шарқ фузалолари “Илм ва адаб куббаси” сифатида таърифу тавсиф қилинган.

Ҳазрат Алишер Навоий ҳам ўз дostonларида кўҳна Насаф ва Кеш тупроғи қадимдан улуг инсонлар, таърифи оламга кетган машҳур олимлар, шоирлар, ҳаттотлар, муаррихлар ватани эканлигини зўр эҳтиром билан қайд этиб ўтган. Хусусан, мутафаккир шоир “Мажолис ун - нафоис” асарининг олтинчи бобида, Қашқадарё воҳаси қалам аҳллари ижодига катта баҳо бериб, жумладан, ватандошимиз, моҳир ҳаттот ва шоир Соилий ҳақида шундай ёзганлар: “Мавлоно Соилий - қаршиликдур. Анингдек, сариёул (тез ёзар) қалам котиб ўз замонида йўқдур!”

Кези келганда, Қашқадарё воҳаси жаҳон адабиётида “Хамса”чалик анъанасини бошлаб берган Хусрав Деҳлавий, файласуф шоирлар Мирзо Бедил ва Мирзо Ғолибнинг ватани эканлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқ лoзим.

Қорахонийлар даври илм-фани, адабиёти ва маданияти равнақига беқиёс ҳисса қўшган Нажмиддин Абу Хафс Насафий; XIII асрда яшаб, ижод этган, Навоий замондошларидан саналмиш Мир Қарший, Абул Барака Фироқий, XVII асрнинг иккинчи ярмида адабиёт майдонига кириб келиб, то XVIII аср бошларигача баркамол ижод этган шоир Миробид Саидо Насафий, Салоҳиддин Салоҳий, XIX аср Қашқадарё адабий муҳитининг йирик намояналари, ҳассос шоирлар Жунайдулло Ислои шайх ўғли Ҳозиқ, Мулла Курбон Хиромий, ўзи Ҳисорда таваллуд топса-да, кўп умри Қарши ва Шаҳрисабзда ўтган шоир Сайқалий, XIX аср иккинчи ярмида ижод қилган Машраби Соний-Ҳофиз Рўзибой Охунд, зуллисонайн шоира Тоҳира Насафий ва яна кўплаб элга танилган шоирлар, мутафаккирлар ўзбек адабиёти тарихи, илм-фан ва маданиятида чуқур из қолдиришган.

Қарши ва Шаҳрисабзнинг ўзида Бурҳониддин ал Насафий, Аҳмад Абул Абдуҳолиқ, Озар Насафий, Абдул Фозил, Муҳаммад Юнус Кеший каби ўз замонасининг машҳур шоир ва ҳаттотларининг яшаб ўтганлиги ҳам Қашқадарё адабий муҳитининг нечоғлик нуфузга эга эканлигидан далолатдир...

“Оққан дарё, оқмасдан қолмас...”, деганлари айни ҳаётий ҳақиқат. Бу ҳолни Қашқадарё адабий муҳитида ҳам яққол кўриш мумкин. Косон туманининг дашту далалардан иборат овлоққина Некуз қишлоғида тугилиб, ўсиб, 60 йиллар бошида шеърятимизда “Митти юлдуз” сифатида чақнаган Абдулла Орипов ижоди шак-шубҳасиз адабиётимизда улкан воқеа бўлди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Абдулла Орипов йирик жамоат арбоби сифатидаги фаолияти билан ҳам истиқлолимизнинг асл фидоийларидан саналади. Унинг инсонни эзгуликка, юксак маънавий қадриятларга қорловчи теран муҳаббат билан сугорилган соҳир шеъряти аллақачон Ватанимиз худудларидан олис-олисларга қанот ёзиб, маълум ва машҳур бўлиб кетган. Абдулла Ориповнинг ижод чўққиларига кўтарилишида, албатта, шоир тугилиб, ўсган замин, шу юрт берган қудрат, ҳарорат муҳим аҳамият касб этганлиги аниқ.

Умуман айтганда, 60-70 йилларга келиб, Қашқадарё адабий муҳити янги бир босқичга кўтарилди. Бу борада, сал олдинроқ шеърят оламига кириб келган ҳассос қалам соҳиблари, Ўзбекистон халқ шоирлари Жуманиёз Жабборов, Нормурод Нарзуллаевлардан тортиб, воҳамизнинг ўзида яшаб, ижод этган Абдулла Гулшаний, Шарофжон Орифий, Тўра Жуман, Чори Ҳамро, Сувон Соқий, Пўлат Кўҳий, Саодат Тожи, Момоҳол Элмуродова, Хусанжон Амин, Бозор Номоз, Ортик Жўраев сингариларнинг турли жанр ва мавзудаги, ҳаётнинг ҳар хил жабҳаларини қамраб олган асарлари юзага келди.

Қашқадарё адабий муҳитини эса, ҳозирда адабиётимизда фаол ижод қилаётган Икром Отамурод, Зебо Мирзаева, Муҳаммад Раҳмон, Исмоил Тўхтамишев, Амир Худойберди, Салим Ашур, Фулом Мирзо, Сафар Оллоёв, Рустам Мусурмон, Сирожиддин Рауф, Холмуҳаммад Ҳасан, Норқобил Жалил, Зилола Хўжаниёзова, Назира Ўроқова, Мусаллам Умирова, Юсуф Худойқул, Илҳом Каром, Сулаймон Ҳайдар, Берди Раҳмат, Назира Ўроқова, Амиркул Карим, Норқобил Жалил, Зилола Хўжаниёзова, Ғайрат Мажид, Адиба Умирова каби кўплаб истеъдод соҳибларининг шеърятисиз асло тасаввур этиб бўлмайди.

“Қашқадарё прозаси” (шартли тарзда шундай аталадиган бўлса) хусусида мушоҳада юритишдан олдин, таъкидлаш жоизки, бу жанр, рўй-рост айтганда, 60 йилларгача, воҳа адабий оламида “кемтик” кўриниш ҳолатида таассурот қолдирарди. Қашқадарёлик прозаик ёзувчилар борасида фикр юритиладиган бўлса, Ҳосият Лутфиллаева ва Самар Нурнинггина исми-шарифи тилга олинарди, холос. Қисқа умр кўрса-да адиба Ҳосият Лутфиллаевдан “Туташ тақдирлар”, “Жумагул”, “Қайсар қиз” каби қиссалар, бир неча ҳикоялар тўплами ҳамда поёнига етмаган “Виждон ва нон” романининг қораламаси адабий мерос сифатида қолди. Ишонч билан айтиш мумкинки, воҳа прозасини шакллантириш, уни ўзига хос насрий асарлар билан бойитишда энг кўп тер тўккан захматкаш адиб — Самар Нур ҳисобланади. Ёзувчининг ҳаёт ва ижод йўли кўпчилик учун ибратлидир. Бойси, адиб 68 йиллик умрининг 30 йилдан ошиғи хастахоналарда, касаллик тўшагида ўтди. Аммо, матонатли ирода соҳиби бўлган Самар Нур бирор дақиқага бўлсада қаламини қўлдан қўймади.

Кувонарли томони, воҳа адабий муҳитида шеърятда бўлганидек, наср соҳаси ҳам йилдан-йилга янгидан-янги истеъдод соҳиблари, умидли қалам аҳиллари билан бойиб бормоқда. Бу ўринда, ўзининг дастлабки романи “Жазирамадаги одамлар” билан кенг адабий жамоатчилик эътиборини қозонган Луқмон Бўрихон, дашт одамларининг характерини жонли тасвир этган қатор қиссалар муаллифи Нормурод Норқобилов, “Адам водийси” романи муаллифи Неъмат Арслон, детектив жанрда “сўқмоқ очаётган”, бу жабҳада ўзининг дастлабки романини чоп эттирган Юсуф Сиддиқов, “Сардоба” романи билан китобхонлар меҳрини қозониб, роман-трилогия яратиш иштиёқида ижод қилаётган Жумақул Қурбонов, “Илоҳий тун” қиссаси ҳамда “Қусам шайх” романини ёзган адиба Шарофат Ашурова, янги ҳажвий қисса ва ҳикоялар тўпламини нашр эттирган Муҳаммад Очил, бир неча насрий асарлар ва киносценарийлар муаллифи Мирзапўлат Тошпўлатов, ёзувчи, шоир ва ношир Темирпўлат Тиллаев, шунингдек, аллақачон ўз китобхонларига эга носир ва публицистлар Мурод Абдуллаев, Носир Муҳаммад, Назар Эшонқул, Шодиқул Ҳамроев, Ҳаким Сатторий, Қилич Нурмуҳаммедов, Ғози Раҳмон, Уроз Ҳайдар, Абдулла Айизов, Шоҳ Мурод Шароф ва бошқа ижодкорларнинг номларини тилга олишни истардим. Умум ўзбек адабиётимизда бўлгани каби, воҳамизнинг назм ва наср “баҳриуммон”ида ҳам янгидан-янги тўлқинларнинг мавж ураётганлиги, албатта, дилда ўзгача умид шукуҳини уйғотади. Адабиётнинг нурли уфқларидан дарак беради.

Бойназар Йўлдошев,  
филология фанлари доктори



Носир Муҳаммад

## НАСАФ ВА КЕШ АЛЛОМАЛАРИ

*Носир Муҳаммаднинг "Насаф ва Кеш алломалари" рисоласи 2001 йилда чоп этилган эди. Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан муаллиф рисоланинг тўлдирилган иккинчи нашрини босмага тайёрлади. Қуйида мазкур китобдан олинган насафлик айрим алломалар ҳаёти ва фаолиятига оид маълумотлар билан танишасиз.*

Таҳририят

### АБУ ТУРОБ НАХШАБИЙ

Абу Туроб Асқар бинни ал-Ҳусайн ан-Нахшабий ан-Насафий пири мурид даражасига эришган машҳур тасаввуф шайхларидан бири. Фариддин Аттор ўзининг "Тазкират ул-авлиё" асарида у ҳақда шундай ёзади: "Шайх Абу Туроб Нахшабий, қоддасаллоҳу руҳаҳул азиз, валоят бодиясининг (даштининг) сайёҳи, замон денгизининг маллоҳи (кемачиси) эди. Хуросон тупроғидаги шайх-ларнинг улуғларидандир. Ҳар қачон муридларида бир ёмон иш кўрса, муридига бир нарса демас, ўзи тавба қилиб, истиғфор айтар эди. Айтар эдики, "Ул бечора бу балога мен туфайли йўлиқди". Дарҳол Ҳақ таоло ўша муридга салоҳ (яхшилиқ) ато этар, мурид пушаймон бўлиб, тавба қилиб, истиғфор этар эди."

Алишер Навоий ўзининг "Лисон ут-тайр" достонида Абу Туроб Нахшабий номини эҳтиром билан тилга олади ва у ҳақдаги бир ривоятни келтиради. Ривоятга кўра, Нахшабийнинг муридларидан бири зебу зийнатга бўлган майлини йўқота олмайди. Кийган тўнидаги ямоқлари ҳам қизил, яшил, сариқ рангларда эди. Нахшабий пир сифатида унинг нафсини мағлуб қилиш учун турли оғир ишларни буюради. Аммо натижага эриша олмайди. Охири шундай юмуш буюради: мурид бир неча кун давомда қўйининг қорин ва ичак-чавоқлари солинган саватни қарши бозори ичидан олиб ўтиши керак. Мурид бу ишни адо этади ва худпарастлигидан асар ҳам қолмайди. Саватдан томган ифлос сувлар дастори ва тўнини расво қилади. "Бу машаққат унинг кибри ва нафсини ўлдирди", дейди Навоий. Шундан кейингина мурид унинг покланишига рухсат беради.

Бу ҳикоя орқали Алишер Навоий бир томондан Нахшабийнинг ўткир руҳшунос мутафаккирлигини кўрсатган бўлса, иккинчи томондан тасаввуфнинг муҳим шартларидан бири бўлган нафс ва кибри жиловлашнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини таъкидлаган.

Абу Туроб Нахшабийнинг кўплаб муридлари ва шогирдлари бўлган. Улардан бири машҳур Шайх Қамдун Қассордир. Авлиёларнинг ибратли ҳаёти ва ишлари ҳақидаги китобларда у ҳақда ҳам қизиқарли маълумотлар бор.

Абу Туроб Нахшабий 850 (859) йили вафот этган. Фаридиддин Аттор у Басра шаҳрида дафн этилганлигини ёзади. Аммо баъзи маълумотларга кўра, қабри Қарши шаҳрида.

## АБУЛ ҲОРИС АЛ-ВАРАСИНИЙ АН-НАСАФИЙ

Тарихчи ва ҳадисшунос олим Абул Ҳорис Асад ибн Ҳамдавайҳи ал-Варасиний ал-Насафий Насаф вилоятининг Варасин қишлоғида туғилган. Тарихчи Абдулкарим ас-Самъоний у ҳақда шундай ёзади: "Бу киши муҳаддис, чиройли тасниф қилувчи олимлардан бўлиб, Насаф шаҳрининг ифтихори эдилар. Насаф аҳли у киши номини фахр билан тилга олар эди. Бу киши уйларидан кўп чиқмас эдилар. Агар чиқсалар ҳам қўлларида сиёҳдон, қалам ва дафтар бўлар эди".

Олим талабалик йилларида Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий, Туфайл ибн Зайд ат-Тамимий, Мусанно ибн Иброҳим ал-Ғубдиний сингари ўз даврининг машҳур шахсларидан таълим олган. Ҳар томонлама чуқур билим олиб, тарих ва филология соҳаларида кўпгина асарлар ёзган. Ас-Самъоний улардан бир қанчасининг номини тилга олади. "Ал-Бўстон", "Ал-Ажойиб", "Ахбор ал-Ҳасан ва ал-Ҳусайн", "Ал-Мақтал" ва "Китаб муфарахат аҳл Насаф ва Кашш" ("Кеш ва Насаф аҳлининг ифтихорлари") номи асарлари шулар жумласидан. Сўнги асари мазкур шаҳарлар тарихи ва машҳур шахсларига бағишланган. "Китаб ан-нассаб" ("Нисбалар ҳақида китоб") деб номланган асари эса филологияга оид бўлган. Афсуски, бу асарлар бизнинг давримизгача етиб келмаган. Олимнинг Насафда ва Мовароуннахрнинг кўпгина шаҳарларида шогирдлари бўлган.

Асад ал-Варасиний ал-Насафий милодий 928 йили вафот этган.

## АБУ УСМОН АН-НАСАФИЙ

Абу Усмон Саид ибн Иброҳим ан-Насафий таниқли тилшунос ва адабиётшунос олим бўлган. Унинг "Ал-адаб ва ш-шиър" ("Адабиёт ва шеъринг ҳақида китоб") асари машҳур эди. Милодий 952 йили вафот этган.

## АБДУЛАЗИЗ АН-НАХШАБИЙ

Абу Муҳаммад Абдулазиз ибн Муҳаммад ал-Устуғдодизий ан-Нахшабий 1018 йили Насафдан 4 фарсах узоқликдаги Устуғдодиза қишлоғида туғилган. Ҳадисларни тўплашдаги қобилияти туфайли "Ҳофиз ал-ҳадис" "Ҳадисни ёддан билувчи" унвонига сазовор бўлган. Ас-Самъонийнинг ёзишича, у илм талабида Ироқ, Ҳижоз, Шом ва Мисрда бўлган, саҳих ҳадисларни чиройли насх хатида ёзиб олган ва тўплаган. Насафда отаси ва Абул Аббос Жаъфар ан-Насафийдан, Самарқандда Абу Тоҳир Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Журжонийдан, Бухорода Абу Бакр Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Варроқдан, Марвада Абул Қосим Ҳасан ибн Исмоил ал-Маҳмудийдан, Маккада Абул Ҳасан Муҳаммад ибн Али ал-Аздийдан, Бағдод, Шероз, Байт ул-Муқаддас, Миср, Искандария ва Туниснинг муътабар уламоларидан таълим олган. Исфаҳон шаҳрида бир муддат яшаб турган. Сўнгра Насафга қайтиб, мударрислик қилган.

Устозларидан бири, ҳамқишлоғи — Абу Аҳмад Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Устуғдодизий шайх ва адабиётшунос олим сифатида ном қозонган. Султон Маҳмуд Фазнавий бу шахсни ўз саройига тақлиф этган. Олим Фазна шаҳрига бориб, султоннинг фарзандларига адабиёт илмидан сабоқ берган. Сўнгра катта обрў-эътибор билан Насафга қайтиб келган.

Олимнинг отаси — Абу Бакр Муҳаммад ибн Осим ал-Устуғдодизий ҳам таниқли фақиҳ ва муҳаддис бўлган. Ўғлининг ҳар томонлама билими ва комил шахс бўлиб етишишига катта ҳисса қўшган. Олим Абу Тоҳир ан-Насафий бу шахснинг шогирдларидан биридир.

Абдулазиз ан-Нахшабий 1066 йили Насафда вафот этган.

## АБУЛ МУЪИН АН-НАСАФИЙ

Мотуридия калом мактабининг атоқли намоёндаларидан бири, буюк олимлар оиласига мансуб йирик фақиҳ Абул Муъин Маймун ибн Муҳаммад ибн Муътаmid ибн Макхул ибн ал-Фазл ан-Насафий 1037 йили Насаф вилоятининг Ибсан (ҳозирги Қовчин) қишлоғида туғилган. Унинг катта бобоси Макхул ан-Насафий (ваф. 930 й.) ал-Мотуридийнинг шоғирларидан бири бўлган. Бобоси Муътаmid ибн Макхул ан-Насафий эса отаси даражасида шухрат топмаган бўлса-да, ҳанафийлар орасида катта обрўга эга эди. Абул Муъин уларнинг ишини давом эттирган.

Манбаларда Абул Муъин узоқ муддат Бухоро ва Самарқандда яшаб, ижод этганлиги айтилади. Фатхуллоҳ Хулайф Абул-Муъинни "Мотуридия калом мактабини ҳимоя қилиб турувчи буюк шахс", деб таърифлайди.

Олим 15 га яқин асар ёзган бўлиб, уларнинг аксарияти калом илмининг турли масалаларига бағишланган. "Ал-умда фи усул ал-фиқҳ" ("Фикҳ усулидаги устун"), "Баҳр ал-калом фи илм ал-калом" ("Калом илми денгизи"), "Табсират ал-адиллати фи илм ал-калом" ("Калом илмида далиллар тилга кирганда"), "Ат-тамҳид ли-қавоид ат-тавҳид фи илми калом" ("Калом илмидаги тавҳид қоидалари учун ягона китоб"), "Ал-олим вал-мутааллим" ("Устоз ва шоғир"), "Маноҳиж ал-аймма фил фуруъ" ("Фуруъ илмида олимлар йўли"), "Мўътақидот" ("Эътиқодлар") каби асарлари шулар жумласидан.

Абул Муъин ан-Насафийнинг "Баҳр ал-калом фи илм ал-калом" асари калом илми бўйича Ал-Мотуридия мактабининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли унинг ўрта асрларда кўплаб қўлёзмалари тарқалган. Бугунги кунда қўлёзма нусхалафи Дубай, Дамашқ, Бағдод, Қоҳира ва Искандария шаҳарлари кутубхоналарида сақланмоқда. Асар 1886 йили Бағдодда, 1908 йили Қоҳирада чоп этилган. Айни пайтда, асрлар давомида унга бир қанча шарҳлар битилган.

Алломининг машҳур асарларидан бири - "Табсират ал-адиллати фи илм ал-калом" Имом Мотуридий ва Самарқанд калом илми мактаби ҳақида маълумот беради. Китобда Мотуридийнинг бу фандаги хизматларига юксак баҳо берилган ва ёзган асарлари шарҳланган. Шарқшунос олим Убайдулла Уватовнинг таъкидлашича, мазкур китобда Ал-Мотуридий таълимоти ниҳоят даражада мукамал ва тушунарли тарзда баён этилган. Шу сабабли у асрлар давомида калом илми бўйича асосий қўлланмалардан бири сифатида эъзозлаб келинган.

Бугунги кунда асарнинг мўътабар қўлёзмаларидан бири Мисрнинг Искандария шаҳри кутубхонасида сақланмоқда. У 1269 мелодий йилда Муҳаммад ибн Ҳасан ибн ал-Ҳусайн исмли хаттот томонидан Бухорода кўчирилган. Қоҳирадаги "Дор ул-кутуб ал-Мисриййа" ва машҳур Ал-Азҳар университети кутубхоналарида асарнинг яна уч нусхаси мавжуд. Араб тилини ўрганиш бўйича Француз илмий институти тадқиқотчилари мазкур нусхалар асосида Дамашқ шаҳрида бу йирик асарни (минг саҳифадан ортик) 1990 ва 1993 йилларда икки жилд ҳолида чоп этидилар.

1986 йили Абул Муъин Насафийнинг калом илмига оид яна бир асари - "Ат-тамҳид ли-қавоид ат-тавҳид фи илми калом" Қоҳирада нашр этилганлиги араб дунёсида аллома меросига қизиқиш катта эканлигидан далолат беради. Бу асарнинг 1273 йилда кўчирилган бир нусхаси ЎзФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар жамғармасида сақланмоқда.

Абул Муъин ан-Насафий ҳижрий 508 йили (мелодий 1115) 70 ёшида вафот этган. Қабри ҳозирги Қарши туманидаги Қовчин қишлоғида.

## НАЖМИДДИН АБУ ҲАФС УМАР АН-НАСАФИЙ

Ўз даврининг қомусий олими, шоири, муаррихи, фикҳшуноси Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ан-Насафий ҳижрий 461 йили (мелодий 1069) Насаф шаҳрида туғилган. Ёшлигида ўз даврининг машҳур алломаларидан сабоқ олган. Улар орасида Абул Йуср

Муҳаммад ал-Баздавий, Ал-Ҳасан бинни Абдулмалик ан-Насафий, Муҳаммад бинни Аҳмад ал-Моймарғий ан-Насафий, Исмоил бинни Муҳаммад ан-Нуҳий ан-Насафий, Ёқуб бинни Муҳаммад ан-Нуҳий ан-Насафийлар бор эди.

Нажмиддин ан-Насафий асосан Самарқандда яшаган ва илм ҳамда мударрислик билан машғул бўлган. Пойтахт шаҳардан фақат бир марта четга чиққан — 1113-1114 йиллари Маккага ҳаж зиёратига бориб келган. Олимпнинг исмига баъзан "Ал-Мотуридий" нисбаси ҳам қўшиб айтилади. Чунки у Мотуридия калом мактабининг машҳур вакили ва тарғиботчиларидан бири, Бурҳониддин ал-Марғинонийнинг устози бўлган.

Нажмиддин ан-Насафий фаннинг турли соҳаларига оид 100 дан ортиқ асар ёзган. Айниқса, у фалсафа ва ислом дини масалаларига доир асарлари билан кенг танилган. Шулардан 10 га яқини бизнинг давримизгача етиб келган. Мазкур асарларидан бири "Манзумот ан-Насафия фи-л хилофия-т" ("Келишмовчиликлар ҳақида ан-Насафий манзумаси") дир. Шеърый шаклда, арузнинг ражаз баҳрида ёзилган бу китобда мазҳаблар ва улар ўртасидаги мунозарали масалалар ҳақида фикр юритилган.

Нажмиддин ан-Насафийнинг ислом қонушнослигига оид яна бир асари - "Ақоид ан-Насафий" дир. Бу асарга Амир Темур даврида яшаган машҳур олим Саъдуддин Тафтазоний 1367 йилда батафсил шарҳ ёзган. Мазкур асар Бухорода Субҳонқулихон даврида номаълум котиб томонидан кўчирилган (1702) ва форс-тожик тилига таржима қилинган.

Ўзбекистон Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар жамғармасида олим асарларининг турли даврларда кўчирилган нусхалари ва бошқа тилларга қилинган таржималари сақланмоқда. Шундай асарлардан бири "Матлаъ ан-нужум ва мажмаъ ал-улум" ("Юлдузларнинг чиқиши ва фанлар мажмуаси") дир. Яна бир асари - "Шарҳ ал-ғариб" араб тили лексикасига бағишланган бўлиб, талабаларга қўлланма сифатида тайёрланган. Мазкур асарнинг уч қўлёзма нусхаси бизнинг давримизгача етиб келган.

Насафлик алломанинг "Ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд" ("Самарқанд уламолари зикрида қанддек ширин китоб") номли асари ўз даврида ниҳоятда машҳур бўлган. Чунки унда Самарқанд тарихи, унинг суғорилиши ва атрофидаги қишлоқлар ҳақида қизиқарли маълумотлар берилган. Айни пайтда, унда Тоҳир ибн ал-Ҳусайн ан-Насафий ал-Майтманоний, Тоҳир ибн Муҳаммад ан-Насафий ас-Суфий, Ал-Хидр ибн Муҳаммад ан-Насафий сингари машҳур ҳадисшунос ва фикршуносларнинг таржимаи ҳолларига оид маълумотлар келтирилган. Алломанинг шогирди Абу Фазл Муҳаммад ибн Абдулжалил ас-Самарқандий бу асарни қисқарттирилган ҳолда форсий тилга таржима қилган. Кейинги асрларда ҳам унинг бир неча таржималари яратилган. Уларнинг бир қисми Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар жамғармасида сақланмоқда.

Мазкур асарнинг бир қисми 1906 йилда рус тилида, бошқа қисми эса 1955 йилда Техронда форс тилида чоп этилган.

Ас-Самъоний Нажмиддин ан-Насафийнинг яна бир асари - "Ужалат ан-Нахшабий ли дайфи-хи ал-Мағрибий" ("Нахшабийнинг Мағрибдан келган меҳмон учун шошилич ёзган китоби") ҳақида маълумот берган. Бу асар Мағриблик олим Абу Ҳорун Мусо ибн Абдуллоҳ ал-Ағматий ал-Қаҳтанийга бағишлаб ёзилган. Мазкур олим Ироқ, Хуросон ва Мовароуннаҳр шаҳарлари бўйлаб сафар қилган ва 1116 йили бир неча кун ан-Насафийнинг уйида меҳмон бўлган, унинг маърузаларини тинглаган.

Академик Бўрибой Аҳмедов Нажмиддин ан-Насафийнинг Қуръон шарҳига оид "Ал-явокиг фи-л мавокит" ("Қулай вақтлар хусусида ёқулар"), "Заллат ал-қорий" ("Қориларнинг хатолари ҳақида") ҳамда тасаввуфга оид "Рисолаи Наж-мия" ("Нажмиддиннинг рисоласи") каби асарлари борлигини таъкидлаган.

Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ан-Насафий ҳижрий 537 (милодий 1143) йили вафот этган ва Самарқанднинг Чокардиза қабристонига дафн қилинган.

## АЗИЗИДДИН НАСАФИЙ ИБН МУҲАММАД

1240-1300 йилларда яшаган файласуф ва шоир. Ёшлик йиллари Қаршида кечган. Сўнгра Бухорога бориб, кўп йиллар илм ўрганган. Нажмиддин Кубронинг шогирди шайх Саъдиддин Муҳаммад ибн ал-Муайяд Ҳамавийдан (1191-1252(60) тасаввуф сирларини ўрганган. Айни пайтда тиб илмидан сабоқ олган ва табиблик қилган. Элхонийларнинг Бухорога ҳужумидан сўнг (1273) у Исфаҳон, Шероз сингари Эрон шаҳарларига сафар қилган. Ўзининг чуқур билими ва қобилияти туфайли шайхлик мартабасига эришган.

Азизиддин Насафий тасаввуф ва фалсафанинг хилма-хил масалаларига оид кўплаб китоблар ёзган. "Мақсад ул-ақсо" ("Сўнгги мақсад"), "Кашф ул-ҳақойиқ" ("Ҳақиқатлар кашфи"), "Зубдат ул-ҳақойиқ" ("Ҳақиқатлар қаймоғи"), "Китоб ул-инсон ал-комил фи маърифат ал-вофир" ("Комил инсон ҳақида китоб"), "Манозил ус-соирин" ("Йўловчилар қўналғаси"), "Усул ва фуруъ" ("Илдизлар ва шохлар") номли асарлари шулар жумласидан. У ўз асарларида тасаввуф ахлоқи тамойилларини тарғиб қилган.

Таниқли олим Нажмиддин Комиловнинг таъкидлашича, Азизиддин Насафийни комил инсон илмининг назариётчиси деб аташ мумкин. Чунки унинг барча асарларида бу мавзу марказий ўрин тутади. У комил инсонга шундай таъриф беради: "Билгилки, комил инсон деб шарият ва тариқат ва ҳақиқатда етук бўлган одамга айтадилар ва агар бу иборани тушунмасанг, бошқа ибора билан айтайин: билгилки, комил инсон шундай инсондир-ким, унда қуйидаги тўрт нарса камолга етган бўлсин: яхши сўз, яхши феъл, яхши ахлоқ ва маориф".

Насафийнинг мазкур таърифидан келиб чиқадиган хулоса шуки, комил инсон ҳаётдан ташқари бўлган алақандай мавҳум зот эмас, балки реал одамдир. Яхши фазилатларни эгаллаб борган инсон ана шундай мартабага кўтарилса олади. Бунинг учун эса тариқат ва риёзат мақомларини босиб ўтиш зарур.

Азизиддин Насафий асарлари ўрта асрлардаёқ Европада маълум бўлган. 1665 йили А.Мюллер унинг "Мақсад ул-ақсо" асарини латин тилида нашр этган эди. 1953 йилда Ф.Мейер шайхнинг ҳаёти ва ижодига доир тадқиқотини эълон қилди. 60-йилларда М.Моле Насафийнинг комил инсон ҳақидаги асарини Парижда, А.Маҳдавий "Кашф ул-ҳақойиқ" асарини Техронда нашр этдилар. Рус шарқшунос олими А.Е.Бертельс "Зубдат ул-ҳақойиқ" асарининг танқидий матнини тайёрлади.

Олим асарларининг XVI-XX асрларда кўчирилган қўлёзма нусхалари бугунги кунда Лондон, Лейден, Вена, Техрон, Калькутта, Истанбул, Санкт-Петербург, Душанбе шаҳарларидаги кутубхоналарда, Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти жамғармасида сақланмоқда. Бу нусхалар файласуф олимнинг фақатгина мусулмон дунёсида эмас, балки жаҳонда ҳам катта шухрат қозонганидан далолатдир.

Азизиддин Насафий Эроннинг Абркўҳ шаҳрида вафот этган.

## ЗИЁУДДИН НАХШАБИЙ

Таниқли шоир ва адиб. Нахшаб(Қарши) шаҳрида туғилган. Ёшлик йилларида оиласи билан Ҳиндистонга кўчиб кетган. Умрининг кўп қисми Бадоунда ўтгани учун "Бадоуний", "Ҳиндий-Бадоуний" нисбалари билан ҳам ёд этадилар.

Зиёуддин Нахшабий ўз она тилидан ташқари форс, араб, санскрит тилларини пухта билган. Ўз замонасининг фалсафа, ахлоқ, тиббиёт, муסיқа, аруз, тасаввуф, фикҳ сингари илмларини пухта ўрганган. Турмуш қийинчиликларига қарамасдан ҳокимлар ва султонларнинг сарой хизматига даъватларини қабул қилмаган. Умрининг охирларида тасаввуф аҳлига қўшилиб, гўшанишинликни ихтиёр этган.

Зиёуддин Нахшабийнинг энг машхур асарларидан бири "Тўтинома"-дир. У ҳижрий 730 йилда (милодий 1329-30 й.) ёзиб тугатилган. Ҳинд фольклори намуналарининг қайта ишланган варианты бўлган бу китоб асрлар давомида қўлма-қўл қилиб ўқилган. Жумладан, у 1851 йилда Қозон шаҳрида босма усулда нашр этилган. XIX асрда инглиз ва немис тилларига таржима қилинган. Машхур немис адиби Герман Гессе "Тўтинома" асаридан ниҳоятда таъсирланганлигини, уни 4-5 қайта ўқиганини ёзади. Кейинчалик, мазкур асар турк ва рус тилларига ҳам ўгирилган.

"Гулрез", "Жузъиёт ва куллиёт", "Силк ус-сулук", "Шарҳи сураи Забур", "Насойиҳ ва мавойиз", "Ашираи мубашшира" сингари асарлар ҳам Нахшабий қаламига мансуб. Уларнинг аксарияти бизнинг давримизгача етиб келган.

Нахшабий шеърятда ҳам самарали ижод қилган. Насрий асарлари таркибидаги фард, байт, рубоий, қитъа, ғазал ва маснавийлар унинг юксак истеъдодидан далолат беради.

Атоқли рус олими А.Кримский биринчилардан бўлиб Нахшабий ҳаёти ва фаолиятига оид баъзи маълумотларни тўплаган эди. Кейинроқ Е. Бертельс "Ислом қомуси" асарида Нахшабий ва унинг асарлари ҳақида маълумот берди. 1979 йилда эса "Тўтинома" асарини таржима қилиб, рус тилида нашр эттирди.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида "Тўтинома" асарининг турли даврларда кўчирилган 9 нусхаси мавжуд. Шунингдек, 159/ХIХ рақами остида шоирнинг шеърӣ асарларини ўз ичига олган "Девони Зиёи Нахшабий" сақланмоқда. У 1850 йилда Муҳаммад Ҳусайн Булғорӣ томонидан кўчирилган. Жаҳондаги бир қатор кутубхоналарда, жумладан, Санкт-Петербургдаги М.Е.Салтиков-Шчедрин номидаги давлат халқ кутубхонаси жамғармасида ҳам адибнинг бир қанча асарлари борлиги маълум.

Зиёуддин Нахшабий 1350(1356) йили вафот этган.

## АЛИ НАСАФИЙ

XIV асрда яшаган атоқли меъмор. Ўз даврининг энг машхур биноларини барпо этишда қатнашган. Самарқанддаги Шоҳи Зинда меъморӣ мажмуасининг мақбараларидан бири тарҳини чизган. 1370-80 йилларда бу мақбара унинг иштирокида қуриб битказилган.

## МАВЛОНО РУКНИДДИН НАСАФИЙ

Фасих Хавофӣ ўзининг "Мужмали Фасиҳӣ" асарида Мавлоно Рукниддин ал-Насафӣ Шероз шаҳрида муқим бўлиб қолган алломалардан бири эканлигини ва у 1340 йилда вафот этганлигини ёзган.

## МАҲМУД НАСАФИЙ

XV аср охири ва XVI аср бошларида яшаган ҳофиз ва бастакор. Ёшлик йиллари Насафда кечган. Сўнгра Самарқанд, Бухоро ва Ҳиротда таҳсил олган. Истеъдодли ҳофиз, созанда ва бастакор бўлиб етишган, шеърлар ҳам ёзган.

Маҳмуд Насафӣ дастлаб Темурийлар саройидаги санъаткорлар гуруҳида хизмат қилган. Аммо рақибларининг иғволари туфайли Самарқандни тарк этиб, Ҳиротга кетишга мажбур бўлган. У ўзининг ширали овози, таъсирли ижро услуби билан шухрат қозонган. Машхур шоирлар унга ўз шеърларини бериб, мусиқа ёзиш ва куйлашни илтимос қилганлар.

Атоқли ҳофиз Ҳиротда бир неча йил яшаганидан кейин Бухорога келди ва умрининг охиригача шу шаҳарда қолади. Бу ерда у Нажмиддин Кавкабий Бухорӣ билан танишиб, ундан мусиқаниннг илмӣ ва амалӣ асосларини ўрганади. Хожа Жаъфар Қонуний Самарқандӣдан қонун асбобини чалиш сирларини ўзлаштиради. Шу тариқа даврининг энг машхур



санъаткорларидан бирига айланади. Айниқса, муסיқанинг мураккаб шакли ҳисобланган "Куллиёт" ижросида шуҳрат топади. Халқ орасида "Булбул" лақабини олади.

Маҳмуд Насафий "Исфохон", "Ҳусайний", "Ироқ" мақомларида бир неча "Нақш", "Амал" ва "Савт"лар яратган. "Нақши Маҳмудий" оҳанги унинг машҳур асарларидан бири бўлган.

## ДАСТУР НАСАФИЙ (НОДИР)

1690/91 йилда вафот этган таниқли шоир ва олим. Айрим шеърларида Огоҳ таҳаллусини қўллаган. Дастлабки маълумотни она шахри, Насафда олган. Сўнгра — Бухорода илм олиб, шу шаҳарда яшаб қолган. Фазлу камолини эшитган Абдулазизхон (1645-1680) уни ўз саройига таклиф этган.

Дастур Насафий саройда катта обрў ва мавқега эришган. Ҳазалари ва қасидалари билан шуҳрат қозонган. Аммо Субҳонқулихон даврида (1680-1702) мамлакатда рўй берган иқтисодий ва маданий ҳаёт таназзули туфайли кўпгина бошқа шоирлар қатори Дастур Насафий ҳам саройдан кетишга мажбур бўлган. Абдулазизхонга ҳамроҳлик қилиб Макка зиёратига борган. У ердан Ҳиндистонга келиб, Аврангзеб (1658-1707) саройига хизматта кирган.

Аврангзеб унинг билими ва қобилиятини юксак қадрлаган. Орадан кўп ўтмай Кобул шаҳри қозиси этиб тайинланган. Аммо бир йилдан сўнг яна марказга чақириб олинган.

Дастур Насафий умрининг охирларида она юртига қайтиб, Бешкент шаҳрида яшаган ва шу ерда вафот этган.

## САЙИДО НАСАФИЙ

Ўз замонасининг атоқли шоири Миробид Сайидо Насафий 1637 йили Қарши шаҳрида туғилган. Давр анъанасига кўра, форс тилида ижод қилган. У Абдулазизхон (1645-1680) ҳукмронлиги даврида Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. Ўша даврда машҳур бўлган Турди Фароғий йўлидан бориб, Ҳазаллар, ҳажвий шеърлар ва дostonлар битган.

Сайидо Насафий тез орада танилиб, тилга тушади. Абдулазизхоннинг эътиборига сазовор бўлади. Аммо илм-маърифатни ёқтирмайдиган Субҳонқулихон даврида саройда ижод қилишдан воз кечиб, оддий тўқувчилик билан кун кечиради.

Малеҳо Самарқандий ўзининг "Музаққир ул-аҳбоб" тазкирасида Сайидо Насафий Бухородаги Девонбеги мадрасасида, кўримсизгина бир ҳужрада истиқомат қилганлигини ёзади. Моддий қийинчиликда яшаса-да, таъма умидида амалдорларга бўйин эгишдан ор қилади. Тазкирада Сайидо Насафий ижодига шундай баҳо берилган: "Мақташда унинг номи пайваста келмаган Ҳазал учрамайди, у мухаммас боғламаган Ҳазал ҳам топилмайди. Ёқимли Ҳазалари сўз усталарини ҳайратда қолдирган, раъно янглиғ мухаммаслари сават тўла гулларнинг тожидир. "Шаҳрошуб"лари бозорларга гавфо солган, рубоийлари сўз арбоблари эътиборини қозонган, қасидалари салмоқди, маснавийлари сирларга бой, қитъалари пандга сероб, мустазодлари қалбларни ром этувчи, мувашшаҳлари муаммо, чистонлари дилпосанд, нимаики ёзган бўлса, бари мумтоз ва олийқадрдир".

Сайидо Насафий катта адабий мерос қолдирган. Унинг лирик ва эпик асарлари ҳажми 18 минг мисрадан ортиқ. У Ҳазал, рубоий, қитъа, маснавий жанрларида баракали ижод қилган. Энг муҳими, бу асарларда шоир яшаётган давр-нинг ҳаққоний лавҳалари, меҳнаткаш халқ ҳаёти маҳорат билан акс эттирилган. Шу жиҳатдан қараганда, "Шаҳрошуб" "Шаҳар хунармандлари хусусида манзумалар" номли асари диққатга сазовор. 404 байтдан иборат бу ўзига хос асарда шоир ўша даврда Бухородаги 212 хил хунар-касб соҳибларини таъриф ва тавсиф этади. Болаларга мос тарзда

битилган "Баҳориёт" асарида эса ҳайвонлар ўзаро баҳсга киришадилар. Манзума сўнгида меҳнаткаш халқ рамзи бўлган чумолилар ҳаммадан кучли экан, деган хулоса чиқарилади.

Сайидо Насафий тараққийпарвар шоир сифатида мамлакатнинг яхлитлиги тарафдори бўлган. Ўзаро юрт талашлар, ички низолар мамлакатни таназзулга олиб келишини англаб етган.

Шоирнинг бир рубойиси қуйидагича:

*Омаг баҳору сайри гулистон ғанимат аст,  
Базми висоли ғунчаи хандон ғанимат аст.  
Бо қомати хамида равам сўи бўстон,  
Наззораи бинафшаву райҳон ғанимат аст.*


**Мазмуни:** Баҳор келди, гулистонни сайр этмоқ ғаниматдир, хандон ғунча висолининг базми ғаниматдир, эгилган қағ билан бўстон сари бораман, бинафшаю райҳонни томоша қилиш ғаниматдир.

Атоқли шоир 1710 йилда Бухорода вафот этган.

### КОМИЛ НАСАФИЙ

Комил ибн Камол Насафий "Дурри макнун" ("Яширин дурлар") номи асар ёзган. Тасаввуфнинг қодирия тариқати вакили бўлган Комил Насафий XVII асрнинг 2-ярмида ёзилган мазкур асарида сўфийлик, унинг моҳияти, атамалари ҳақида ҳикоя қилган. Муаллифнинг шу мавзудаги яна бир асари "Шарҳи илҳомот мусамми ба равзот ул-жаннот" деб номланган. Бу рисола номаълум муаллифнинг "Илҳомот" номи асарига ёзилган шарҳдир. Иккала асар ҳам 1915 йилда Мулло Муҳаммад Содик Валади Қори Мулло Абулфайз Насафий томонидан кўчирилган.

Комил Насафийнинг "Шарҳ ул-ҳикам ал-Атоия" номи рисоласи ҳам бор. У Атоуллоҳ ал-Искандарий (вафоти - 1309 й.) асарига ёзилган шарҳдир. Рисоланинг XVIII асрда кўчирилган бир нусхаси бизнинг давримизгача етиб келган.





## ҲАЖВЫЛАР

Қилич Нурмуҳаммедов

### ИЧКИ ТАРТИБ

Худойкулни шифохонага ётқизиш учун қабул қилишди. У энага кўмагида лаш-лушлари солинган қопчани кўтарганича тегишли хонага кириб, кўрсатилган ўринга жойлашмоқчи эдики, ҳамшира келиб, катта бир варақ қоғозни унга узатди:

- Мана бу нарсани ўқиб чиқинг, у жамоамиз маъмурлари томонидан тавсия этилган ички тартибимиз қонун ва қоидалари. Ўқиб чиқинг-да орқасига "Танишдим, розиман" деб фамилиянгни ёзиб қўйинг.

Худойкул дам ҳамширага, дам тақдим этилаётган қоғозга термулганича:

- Кўзойнагим уйда қолган, қаерга имзо керак бўлса, кўрсат, имзолаб берай,- деди.

- Йўқ, ўқиб чиқасиз, - деди ҳамшира ўзини икки ёнига тоблаб, эътироз билдиради.

- Бу ерда гап кўп. Ҳозир талаб бошқача. Шунинг учун ички тартиб билан тўлиқ танишингиз шарт.

Худойкул жиддийлашди, сўнг илтижо қилди:

- Кўзойнақсиз ўқий олмайман-ку, ёш кетган, қизим...

Ҳамшира ҳам юмшагандек:

- Унақада ўзим ўқиб, тушунтириб беришим керак,- деди.

- Ўқи, тушунтир.

Ҳамшира бунақа расмиятномаларни ўқиб, ўн, юз мартаба беморларга тушунтираверган ва аксариятини ёдлаб олганидан қоғозга қараб-қарамай валдираб кетди:

- Биринчидан, шифохонанинг барча ходимларига итоат этасиз. Иккинчидан, бўлимнинг кун тартибига тўлиқ амал қиласиз. У залда осиглиқ турибди. Учинчидан, фақат ўзингизга тегишли хона ва ўриндан фойдаланасиз. Тўртинчидан, хонадан чиққунча чойшабларингизни текислаб, ўриннинг ўртасига ёстиқни бир бурчаги билан шифтга қаратиб кетасиз, қайтиб келиб ўтирмоқчи бўлсангиз, чойшабнинг бир четини қайириб, шу жойга чўкасиз. Бешинчидан, сочигингизни каравотнинг елкасига тўрт қатлаб кўясиз, бошқа кийимларингизни илгакка иласиз. Олтинчидан, шахсий гигиена важдан тишингиз учун "Блендамед", сочингиз учун "Пантин прави"ни кўллайсиз. Чойнак билан пиёлангиз тумбочканинг устида турмаслиги керак. Совун билан тиш чўткангиз асло-асло

бирга бўлмасин. Еттинчидан, дори-дармонларингизни навбатчи ҳамширага санаб топширасиз. Ҳар бир муолажадан кейин ҳисоб-китоб қилиб турасиз. Бу ҳақда махсус дафтарга қайд этиб имзолаб турасиз. Саккизинчидан, совутгичга бир кунга етадиган озиқ-овқатдан ташқари махсулот қўймайсиз. Тўққизинчидан, йўқлаб келадиганларингиз билан фақат белгиланган соатларда учрашасиз. Узоқ гаплашиб ўтирмайсиз, қаҳқаҳа отиб кулмайсиз. Унинчидан, суваракларни деворга эзиб ўлдирмайсиз, изи қолади. Деразани очмайсиз, пашша киради. Ун биринчидан, электр устара, сув қайнатгич каби асбоблардан фойдаланмайсиз. Ҳа, бу тартиб шифохонамиз электр тармоқлари идорасидан ўз қарзини узгандан сўнг бекор қилиниши мумкин. Ун иккинчидан, уч кун олдин буюртма берсангиз, дазмолдан, телефондан фойдаланишингиз мумкин. Аммо бунинг учун алоҳида ҳақ тўлашингизга тўғри келади. Ун учинчидан, коридорда товуш чиқариб юрмайсиз. Хонанинг эшигини ғийқиллатмасдан очиб кирасиз. Ун тўртинчидан, чойнинг қолдиғини раковинага тўкмайсиз. Узингиз овқат еганда идиш-товоқларни овқат қолдигидан тозалаб, ярим фойзли хлорамин эритмасига қирқ беш минут ботириб қўйишингиз керак. Бу ҳақда СЭСнинг махсус хати бор. Хлорамин эритмасини навбатчи ҳамширадан оласиз. Ун бешинчидан, табиий эҳтиёжни бажаргандан сўнг челақдаги сувдан унитазга қўйиб юборасиз. Мабодо челақдаги сув тутаган бўлса, аввал сув ғамлаб, кейин ҳожатга йўл оласиз. Ун олтинчидан, хонадаги жиҳозлар, манзара ва ганчларга путур етказсангиз, ўша кунни тиклаб берасиз ёки уч баробар нархини тўдайсиз. Нархларни касаба қўмитасининг ҳолис комиссияси белгилаб беради. Ун еттинчидан, ҳуррагингиз дастидан шерингиз шикоят этган тақдирда унинг таклифи инobatта олинади. Ун саккизинчидан, қимматбаҳо буюмларингизнинг сақланишига шифохона маъмурияти кафолат бермайди. Улар йўқолганда товон тўланмайди, шикоят қабул қилинмайди. Ва, ниҳоят, охиригиси: юқоридаги талабларга риоя қилмаган ҳар қандай мижоз касаллигининг қайси босқичидан қатъи назар шифохонадан четлаштирилади.

Ҳамшира сўнгги жумлани ўзгача талаффуз билан тугатган эди, Худойкул бирдан ўз нарсаларини қўлтиқлаб, эшик томон равона бўлди.

- Ҳа, отахон, нима бўлди сизга?

- Ички тартибларинг ҳар қандай касалликка зўрлик қиларкан, унинг шартларини эшитиб, менинг дардим ўз-ўзидан чекинди. Уйга қайтаман.

Ҳамшира унинг киноясини тушунмай, ҳайрон бўлиб турганди, Худойкул яна ўсмоқчилаб деди:

- Табобатнинг осон усулини ихтиро этган ўша маъмурларингга миннатдорчилигимни билдириб қўярсан, қизим. Дардимга чидай олишим мумкин-у, лекин ички тартибларингга асло чидай олмас эканман...

## Ш И Н А В А Н Д А

Бозор дарвозаси ёнидаги овоз ёзиш хонасига чол кирди:

- Келинг, отахон, - деди мўйловли йигит мулозамат билан, - буёққа ўтиринг. Хўш, хизмат?

- Ҳозир, - деди чол ҳансираганча йигит кўрсатган курсига ўтираркан. - Сал нафасни ростлаб олайлик. Иложи бўлса, анавининг жағини сал тиясанми? - Қария эшик тепасида вағдлаётган карнайга ишора қилди.

Йигит бир тугмачага қўл урган эди, овоз сал пасайди.

- Отанга раҳмат!

Бу гап йигитни эритди чамаси, чолга чой қўйиб узатди.

- Отанга раҳмат, - деди яна қария чойни симириб бўлиб.

- Тағин кетадими?

- Бўлади. Асад-да асад. Кеча қирқ икки деган эди, бугун ҳам кам эмас, - деди чол. Сўнг йигитга бошдан-оёқ разм солди. - Узинг қалайсан, димоғинг чоғми?

Йигит ўнғайсизланиб, тиржайди.

- Раҳмат, отахон, мана, ўтирибмиз, шундай.

- Сенда ҳар хил артистларнинг овози бор, дейишади.

- Сизларбоплари ҳам топилади. "Қаро кўзим"ми, "Муножот"ми?

Чол бош чайқади.

- Замонавийлариданми?

- Нима бор ўзи?

- Ҳазалларданми?

- Йўқ, бўлмайди улар, - деди чол.

- Унақада бошқа сизларбоплари йўқ-да!

- Нега энди, бор-ку, ҳалиги... бақириб-чақириб турадиганлари, - деди чол ўчакишгандек

- Вой отахон-е, айтмайсизми, эстрадний деб!

- Ҳа, балли!

Йигит ўнтача кассетани кўрсатди.

- Мана бу ўзимизнинг "Ялла", қолганлари чет элники.

- Менга бирма-бир қўйиб, эшиттириб берасан, кўпроқ "ҳа", "ҳов" деб турадиганидан бўлсин!

Йигит ишга тушиб кетди. Чоли тушмагур икки соат давомида унинг бошини қоти-

риб, ниҳоят, битта кассетани қовун танлагандек қилиб четга ажратди.

- Мана шуниси маъкул.

- Оббо, отахон-е, қариган чоғда зарубежний ашула эшити-иб-а... Холамниям чақиринг-да, - деди йигит кулганча.

- Кампир нима қилади буни эшитиб. Бизга бунинг шовқини керак. Ишкомга илмоқчиман. Тўртта ҳусайним бор, чумчуқ ҳеч қўймапти.



Муҳаммад Очил

## ҚУЛМУРОД ҚУРУМСОҚ ҲАНРОМАЛАРИ

### 1. ТАНИШУВ

Қорақурумлик Қулмуроднинг соқи-сумбати суқ киргудек: баркашдек бет, белдаста бўйин, пахсали елка, қорувли қорин, кетмон палла оёқлар...

Аммо тан олмоқ керак, феъл-атворлари савлатига нисбатан бироз “кўримсизроқ”: олган омонатини эгасига қайтаришда ориятсиз овсар, ўзидан қарз сўралса ҳамиша кўру кар. Оч маҳалда ошқозони “қўшнаи”, текин томоқ учраганда иштаҳа карнай. Меҳмондорчиликда ўтирганда ўзгаларга сахий ва меҳрлари мўл-кўл, рўзғорида қозон қайнатишга келганда ўтинлари ҳўл...

Қишлоқ подачиси Қулмуроднинг кўчасидан ўтмай қўйганига анча бўлган. Сабаби, уй эгаси яримта қотган нон бериб, эвазига подачининг оши-ҳалолидан бир коса-ярим коса ундириб олишидан бояқиш безор бўлган.

Қорамол боқишни Қулмурод унча икки суймайди. Бироқ, ён қўшниси Бегали “полиз бригад” бўлган кезларида, унинг ҳовлисидан ҳам узун-қисқа сигир мўъраши эшитилиб қолганди.

Сирасини айтганда, тан олиш лозим, Қулмурод бир маротаба сахийлик қилишга-яқин жўрасининг тўйида уйинчига пул қистиришга мажбур бўлган. Аммо, ўшанда ҳам ютуқ чиқмаган лотерея чиптасини йирикроқ сўлкавойга алмаштириб олганди, холос...

Ана шу феъл-атвори боис, ҳамқишлоқлари уни ўзларига яқин олиб орқаворотдан унга “хасис” деган бемазароқ лақабни тиркашган. Келинг, биз уни ўзини бўлмаса-да, лоақал, соқи-сумбатини эътиборга олиб “қурумсоқ” дея атай қолайлик.

Юқоридаги таъриф у ташбеҳларимизни “ғийбат” дея қабул қилмасликларингиз боис, Қулмурод қурумсоқнинг ҳаётидан олинган айрим лавҳаларни ҳикоя қилиб, унинг “қулоғини қиздириш”ни лозим топдик.

Кулгиси сизга, қалам ҳақи эса... мабодо, эшитиб қолса, албатта, Қулмурод қурумсоққа!

### 2. ЧОРАСИНИ ТОПДИ

Саратоннинг тафтида сариёғдек эрийдиган пайтлар. Қулмурод қурумсоқ биққилигидан базўр нафас олаётган бўлса-да, қайрағочнинг соясига пўстак ташлаб, нафасига таскин бериш мақсадида, даладан олиб келган маккажўхори сўтасини ситиб, донасини капалаб ўтирарди. Тўсатдан ташна томоққа таом ҳиди урилди. Қурумсоқ бошини илкис кўтариб қараса хотини Бибинор катта карсон косани кўтариб келаяпти:

- Мони... шўрва! Бегали ҳамсоянгиз сизга илинди! Бешик тўйидан тугунча деб... Мен ҳозир қотган нон обчиқай. Иссиққинасида ича қолинг.

Қурумсоқнинг баркаш бети офтоб шуъласи тушгандек ёришиб кетди, оғзи қулоғи билан ўпишганча бодринг нусха бурни коса устига эгилди.

- Оҳ-оҳ-оҳ! Бувнор, бу ҳамсоя Бегали қурғур боқишни билдида-а?! Шўрванинг бетидаги ёғини кўраяпсанми? Уҳў, қара бармоғимнинг иккинчи бўғинигача ботди-я! Йўқ, бу овқатни шундай ичши гуноҳ. Хотин, бор, каттароқ пиёла обчиқ! Шўрвани совутиб, ёғи тўнглагандан кейин идишга йиғиб оламиз...

Бибинор опа “маъкул” дегандай бош ирғаб, ичкарига йўл олди. Қулмурод қурумсоқ эса тиззаларига қафт тираб, косага термулганча таомнинг тўнглашини кута бошлади. Шу аснода, қайрағочнинг тепа томонидан шохларнинг шатир-шутир-ю, “вағ-ғ-вуғ-ғ!” деган товуш эшитилди. Лаҳза ўтмай, жунлари ҳўрпайган бир жонивор учиб келиб шалоплаганча косага тушди. Ён-атрофга суоқлик сачради. Қулмурод қурумсоқ эт-бети куйган бўлса-да, ўзини йўқотиб қўймади. Илкис ҳаракат қилиб шартта махлуқнинг гирибо-

нидан тутди. Сўнг ерга тоблаб уриш учун “жундор жонивор”ни азот кўтараркан, аламиндан қаттиқ сўкинди.

- Ҳе, бемаҳалда мов бўлган сендай пишакни! Эрсирамай ўл, ризқимни қийиб... Ие, бу нимаси?!

Шу аснода қурумсоқ шўрва ёғи мушук жунида ялтираётганини англаб қолганди. Бу ҳолдан унинг эси оғиб, ҳаволанаётган қўли жойида қотди. Бироз гангиб тургач, сўнг кўзини чирт юмди. Мушукни ҳафсала билан обдон ялаб... қўйиб юборди.

### 3. ТҮЙ КҶЧИРИЛДИ

Қулмурад қурумсоқнинг катта фарзанди Элмурад Қорақурум қишлоғидан анча олис... Қарши шаҳрида олий даргоҳда ўқийди. Қурумсоқнинг ўғлидан кўнгли тўқ. Боиси, пухта-пишиқлиги худди ўзи! Ҳар ҳолда, мана тўрт йилдан ошиққи, отасини безовта қилмай, яъни, пул-мул сўрамай, ярим кун сабоқда, ярим кун “Янги бозор”дан тирикчилигини бинойидай ўтказиб юрибди. Бу ўринда Қулмурад қурумсоқнинг бирдан-бир ташвиши ўғлининг “келажигидан” хавотирдалиги! Тўғрида, пухта - пишиқ боланинг харидори ҳамisha кўп бўлади. Шаҳар жой бўлса?! Боши очиқ қиз-жувондан бирининг нози-карашмасига учиб, бегона жойда “ичкуёв-иткуёв” бўлиб қолиб кетса нима бўлади?! Бундан ортиқ кўргилик борми?

Қурумсоқ эса эрта қичийдиган жойини бугун қашлаб кўядиганлар тоифасидан. Ана шу боис, ҳалитдан эҳтимоли бор “хавф”нинг олдини олиш пайига тушди. Аёли билан елиб-югуриб, бошқа қизнинг сувратини кўрсатиб бўлса-да, ўглига обрўлоқ хонадондан нон ушатиб қўйишди. Катта тўй эса, икки томоннинг ўзаро келишувига мувофиқ куёвнинг “диплом ювдиси” билан қўшиб ўтказиладиган бўлди. Аммо, унғача ҳали бир қовун пишиғича фурсат бор. Турган гап, шу лаҳзадан бошлаб қурумсоқнинг кўзидан уйку қочди:

“Эй-й, ҳозирда тўй қилишнинг ўзи бўларканми?! Ҳай, келганлар, ароқ ичмаса “бармотуха” ичишар, мева-чева деганинг колхоз боғидан чиқар... Лекин, гўшти-чи?! Ахир, тўйнинг масаллиғига... Шошма, ҳозир айна баҳор фасли. Кеч кузгача иккита бундайроқ совлиқни арзон гаровга олиб, ўт-пўт бериб боқса тўй маҳалигача обрўлоқга айлиниб қолар-ов!” Қурумсоқ шу ниятда соғ тишини суғургандек қилиб бўлса-да, бир жуфтгина тиррақи қўй олди. Уйлагани тўғри чиқди. Ой ўтар-ўтмас жониворлар этга кириб қолди.

... Уша тонгда ҳам Қулмурад қурумсоқ ҳар кунги одатича совлиқларини сой томонга ҳайдади. Ширин-шакар хаёлларга гарқ бўлган қўйи қўйларини қирма-қир ўрлатганча жилдиратиб боқди. Чошгоҳга яқинлашганда эса очиққанидан қорни қулдирагач, жовдираганча ён-атрофга термулди. Кўрдик, сал нарида тутзор. Меваси қонталаш ҳолда қизариб-пишиб ер билан битга бўлиб тўкилиб ётибди. Қурумсоқ нафсини жиловлолмай қолди. Оғзи сув очганча ёш боладек диканглаб тутзор томон чопқиллади. Қўйлар ҳам анойи эмаскан. Бебошвоқ қолишганини сезишгач, анчадан буён “кўз остига олиб қўйишганми”, яқинроқдаги яшнаб турган йўнғичқазорга ўзларини уришди.

Қулмурад қурумсоқ тутзордан кекириб, қорнини силаб чиқса, кўрдик, қўйлари ҳам ширирилган пуфакдек тап-таранг, дамланиб, ёғи осмондан бўлиб ётишибди. Қурумсоқнинг ҳуши бошидан учди. “Дод” деганча беихтиёр белбоғидаги пичоққа тармашди. Хайриятки, улгурди. Иккала совлиқни ҳам сўйиб саранжомлагач, манглайида ажин ўрнига пайдо бўлган муздек терни сидирди:

- Бу ёғига энди нима қилди?! Қандай қилиб улов топади-ю, қандай қилиб бу матоҳни гузарга элтиб сотади? Сотгандаям тиррақи қўйнинг гўштидан ҳамён тўлармиди? Сув текинга кетиши тайин... Оббо, бу ёғи расво... Шошма!

Қурумсоқ миясига келган фикрдан чеҳраси ёришди. Йўнғичқазорнинг ўртасида тик турган қўйи, бор овозда бақиршга тутинди:

- Ҳой, хотин! Кенжа ўғил Дилмурадни топ... Биринг раисга чоп, биринг оқсоқолларга! Қаршибой тоғанга айт, Қаршига сим қоқсин. Элмурад тез етиб келсин! Халойиқ, эшитмадим деманглар, катта ўғил Элмураднинг уйланиш тўйи шу бугун!..

Қурумсоқнинг айтгани бўлди - тўй ўша кун ўтказилди. Эсда қоладигани, сал бўлмаса куёвнинг ўзи тўйдан қолиб кетаёзди.

### 4. УЧ НУҚТА

Ниҳоят, Қулмурад қурумсоқнинг “супрақоқдиси” Дилмурадни ҳам ҳарбий хизматга оладиган бўлишди. Сафар олдидан ота ўғлини бир четга тортди.

- Аниқладим... анови Самарқанд толвининг нариёғи, водий томонга тушайкансан. Менга қара, тагин яқин жойакан деб, ҳуда-бехудага хат ёзиб, мениям, энангниям, Элмурад акангниям безовта қилма. Мен-чи Владивостокдай, дунёнинг нариги чеккасида хизмат қилган бўлсам ҳам, ҳалиги... пул-мул сўраб бовонгниям, момонгниям кўп гаранг қилмаганман! Тушундингми? Сенам, мендай ота ули бўгин, улим...

- Хўп! - Дилмурад отасига таскин-тасалли бериш учун анчадан буён кўнглида тугиб юрган ниятини ошкор этди. - Энди, пахан, гап шундай! Арқоннинг узунни, гапнинг калтаси яхши, деб ўзингиз ўргатгансиз. Ана шу тиллога тенг маслаҳатингиздан келиб чиқиб, мен ҳуда-бехудага қоғоз қоралаб, кўзимнинг нурини бекордан-бекорга сарфлаб ётмайман. Хуллас, хат юборганимда конвертнинг ичини очиб секин... қарайсиз...

- Секин-а?! - Ҳовлиқиб қолди Қурумсоқ. - Хўш, хўш.. Конвертнинг ичига бирор нарса солиб а?

- Йўғ-е, - бош чайқади ўғил. - Конвертнинг ичида бир парча қоғоз бўлади, холос. Агар, ўша қоғозда бор-йўғи битта нуқта қўйган бўлсам, демак, димоғим чоғ, вақтим хуш, соғ-саломат юрган чиқаман. Агар нуқта иккита бўлса... Унда солдатчилик ота! Эҳм, пул-мулга зориққаним деб тушунинглар... Мабодо, ўша бир парча қоғозда учта нуқта бўлса... Билинги, соғлигим ёмон, аҳволим танг! Дарҳол, акам Элмурод билан сафар жабдуғини тайёрлайсиз. Ҳа, хатимнинг мазмуни шундай бўлишидан момашкани ҳам бохабар қилиб қўйинг!

Қурумсоқ кенжаси пухталиқда ўзиниям аро йўлда қолдираётганини сезиб, ичида тан берса-да, аммо ташида қовоқ уйганча, панд-насихат беришни лозим топди.

- Бор-йўғи... Нуқта қўяман дейсанми? Ҳим-м, қоғозни исроф қилмаслигинг яхши. Бироқ, сезиб турибман сен боланинг ҳийласини. Хат қилиб ёзсам, биров-миров, айниқса, анови “кўз остига олиб қўйганинг” - Бегали ҳамсоянинг қизини қўлига тушиб қолса, чаласаводлигимни билиб қолади деб, хавотирланаяпсан! Топдимми? Майли, майли... Ишқилиб, тежамкор бўлгин. Иложи бўлса, нуқтани то хизматинг тугагунча биттадан оширма, хўпми? Билиб қўй, нуқтанг иккита бўлса “инфаркт”, учта қўйсанг “отамлаб” қолишинг ҳеч гапмас, улим! Эсингдан чиқармайсан-а?!

Дилмурод панжаларини жуфтлаштириб тап-тақир бошига теккизиб “чест” берди.

- Ҳаракат қиламан, ота!

... Уғил шу тариқа ҳарбийга жўнаб кетди. Қурумсоқнинг эса эндиги туриш-турмуши, ҳовлига кирар-кирмас сўрайдиган сўроғи яккаш шундан иборат бўлди:

- Бувнор, улингдан хат борми?

- Бор!

- Уқидингми? Хўш, нечта нуқта қўйибди, солдат?

- Битта...

- Баракалла, ота ули! Э-э, хайрият-э!

Хизмат шу тарзда давом этаверди. Аммо кунлардан бир кун... Қулмурод қурумсоқ уйига қайтса аёли остонада кўзёши тўкиб ўтирибди.

- Ҳа-ҳа, тинчликми? - Ҳовлиқиб сўради эр.-Нима, яна то-вуқ-мовуқ йўқолдимми?!

- Э-э... Саллотингиздан хат келди! - Ҳиқиллади аёли-Жигит ўлмагур, бу сафар хатида учта нуқта қўйибди!

- Воҳ! - Юрагини чангаллади ота. - Яхшилаб қарадингми, ҳеч бўлмаса иккитадир?!

Қани ўша матоҳ...  
Қурумсоқ хатни хотинидан юлқиб олиб кўз югуртирди: “Ҳм-м... Ҳақиқатан бу сафар учта нуқта! Тагин, иккитаси майда, учинчиси эса семиз, йўғонроқ... Оббо, энди нима қилди?! Тезда Элмуродни топиш керак...”

...Катта ўғил босиқлик билан солдат укасидан келган “мактуб”ни қуёшга тутиб, синчковлик билан айлантириб кўраркан, ҳуштагини узун қилиб чалди.

- Ваҳима қиласиз-да, ота! Хатда нуқта иккита... Учинчиси қаранг, ана йўғон ёйилиб кетган сиёхнинг томгани. Ҳа-ҳа, аниқ биламан. Чунки, укам ручкасининг ранги камайса, тежаш учун силкитиб-силкитиб ёзарди. Шунинг учун...

Қурумсоқнинг кўнгли жойига тушди. Бироқ, қовоқ тумтайиши очилмади. Аламини катта ўғлидан олди.

- Бу уканг одам бўлмади! Мен унга айтгандим... Нуқтани иккита қўйгани пул сўраганида-а, у бемазани?! Узим тирноғимнинг кирини сўриб ўтирган бўлсам, нима ҳаққи бор нуқтани иккита қўйишга? Бор, келиннинг ҳалиги, ойлик пулидан опчиқ! Бегонанинг пули кетса, ишқилиб, одамнинг ичи кўп ачимайди... Вой, юрагим-эй!



## МУНДАРИЖА

<b>УЛУФВОР ОДИМЛАР</b>	
Нуриддин Зайниев. Юксалиш .....	3
<b>ЭҲТИРОМ</b>	
Абдулла Орипов. Қадимий ва навқирон Қарши.....	6
Ҳол Муҳаммад Ҳасан. Қашқадарё. Қасида .....	8
Рустам Мусурмон. Ватаним .....	10
Жуманиёз Жабборов. Замону масканлар чорраҳасида .....	21
Нарзулла Равшанов. Ёғдулардан яшнаган замин .....	29
Фарход Рўзиев. Ватанпарварлик - ўз улкангни ўрганиш демак.....	122
<b>НАСР</b>	
Муҳаммад Али. Катта малика ташвишлари «Улуғ салтанат» тетралогияси учинчи китобидан парча .....	11
Жумакул Курбонов. Сардоба. Роман.....	38
Поён Равшанов. Тутқун малика. (Тарихий қиссадан боб).....	85
Қилич Абдунабиев. Олисдан келаётган садо. Саҳнавий ҳикоят.....	89
Ҳафиза Эгамбердиева. Нахшона. Қиссадан парча .....	99
Шарофат Ашурова. Апамоҳнинг армони. Тарихий ҳикоя.....	108
Ориф Омонов. Мажнунтол. Ҳикоя.....	114
<b>МЕРОСИМИЗНИ ЎРГАНАМИЗ</b>	
Рустам Сулаймонов. Қарши-Насаф-Нахшаб жаҳон тамаддуни тизимида .....	17
<b>НАЗМ</b>	
Исмоил Тўхтамишев. Масканидир ғурурнинг, орнинг .....	22
Зебо Мирзаева. Қашқадарёсан .....	24
Зилола Хўжаниёзова. Дунёларга алишмас эдим .....	26
Момоҳол Элмуродова. Юракда бир дарё оқди шарқираб .....	28
<b>ЭЪТИРОФ</b>	
Тўлан Низом. Ҳикмат диёри. Қашқадарё саёҳатномаси.....	32
Маҳмуд Тоир. Куёш ўлкаси.....	37
<b>БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ</b>	
Гули Нигор Авазова. Рухиятнинг битта бўлаги.....	83
<b>ГУЛ КЎП, ЧАМАН КЎП</b>	
Гул ҳаётнинг расмини чиздим .....	92
<b>ЧАШМА</b>	
Абдулла шоир Нурали ўғли. Чечимини топсанг, чечонлик ҳунар.....	118
Қаҳҳор бахши Қодир бахши ўғли. Марди бўлса — элнинг бўлар мадори.....	120
<b>БОЛАЛАР ДУНЕСИ</b>	
Ута Бердиёр. Олам зиёга тўлар .....	124
<b>ЙИЛЛАР, ТАҚДИРЛАР, ВОКЕАЛАР</b>	
Сафар Каттабоев. Жомеъ масжид қисмати.....	126
<b>ДАФТАРЛАРДА ҚОЛГАН САТРЛАР</b>	
Назар Шукур. Дўстлар, сизни соғинган чоғда .....	131
Чори Аваз. Рухим дунёсини излаб кетарман.....	133
Сувон Соқий. Бу Ватан бепоён бағримдир менинг .....	135
Хусан Эшмурод. Умр ҳам япроқдай омонат экан.....	137
<b>САНЪАТ</b>	
Бўритош Носирова. Тоза умидни тутиб қолдим.....	139
<b>АДАБИЁТШУНОСЛИК</b>	
Дамин Тўраев. Қайноқ ҳаёт тасвири .....	142
Бойназар Йўлдошев. Қатрада куёш янглиғ .....	145
<b>ЗАКОВАТ НУРИ</b>	
Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари .....	147
<b>ГУЛҚАЙЧИ</b>	
Қилич Нурмуҳаммедов. Ҳажвиялар .....	155
Муҳаммад Очил. Ҳажвиялар.....	157

**Саҳифаловчи: Манзура Файзиева**

\* Муаллифлар фикри таҳририят фикри деб қабул қилинмасин. Таҳририятга келган бир босма табоққача бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. \* Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. \* Обунага монелик кўрсатилса ёки журнал ўз вақтида етиб бормаса Тошкент — 700000, Амир Темури тор кўчаси, 2. Республика «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниясига мурожаат қилинсин.

Теришга берилди 20.09.2006 й. Босишга рухсат этилди 16.10.2006 й. Қоғоз бичими 70x108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма табоғи 10. Шартли босма табоғи 14. Шартли-рангли босма табоғи 14,7. Нашриёт ҳисоб табоғи 15,4. Адади 1300 нусха. Буюртма № 46

**ЧАКАНА САВДОДА БАҲОСИ КЕЛИШИЛГАН НАРХДА**  
700005, Тошкент шаҳри, 8-март кўчаси, 57 уй  
«AVTO-NASHR» шўъба корхонаси босмаҳонасида чоп этилди